



799
ASC

ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТР ЖАМИЯТИ

НАЗИРА АЛИЕВА

566/995

САНЪАТ-
МЕНИНГ
ҲАЁТИМ
ХОТИРАЛАР


Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1975

Ёзлб олувчи
санъатшунослик фанлари кандидати

С. ИНОМХЎЖАЕВ

Санъатшунослик фанлари кандидати

Ф. С. ЖЎРАЕВ
таҳрири остида



© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975 й.

Киши учун ўзи ҳақида гапиришдан қийин нарса йўқ. Чунки айрим лавҳаларни гапирса ақл бовар қилмайдигандек туюлади, баъзи бирлари мақтангандек бўлиб қолади. Андиша қилиб сир тутиладиган ёки ҳақиқат яширилдиган, бўяб-чатиб кўрсатиладиган бўлса, унда бу хотираларни сўйлаб беришнинг нафи йўқ. Шунинг учун, неки бўлмасин, рост сўзлашга, бор ҳақиқатни айтиб беришга нақл этишга мақсад қилдим. Бу аснода, айрим қалб сирларини, нафис туйғу ва дил орзуларини ҳам яшириш йўқ. Чунки санъаткор актрисанинг ижодий йўли унинг энг пинҳоний туйғу ва истаклари, қалбининг энг сирли масканларидан ўрни олган шахсий асрори билан узвий боғлиқ бўлади. Ҳар ҳолда меннинг ақидам шундай. Шунинг учун ҳам мен бу рисоламга оддийгина бир қизнинг халқ санъати йўлида чеккан рўзати, тотган фароғати, эришган

камолоти ҳақида, актёрлик санъати ва театр педагогикасининг сирлари ҳақида, шу босқичларни ўзида ҳис этган бир инсоннинг тақдири ҳақида, яъни ўзим ҳақимда қилкоя қилмоқчиман.

НАСЛУ НАСАБИМ

Нақл қилишларича, менинг бобокалоним биринчи ўзбек генерали, чор Россиясининг генерал-майори Жўрабек Қаландарқори ўғли ғоят халқпарвар, олижаноб кишилардан бири бўлган эканлар. Ҳар ҳолда машҳур шарқшунос олимлар — академик В. Бартольд, академик А. Семёнов, шунингдек, Н. Петровский, Л. Епифанов, Д. Логофет, Абдулла Носиров ва Мурод Хидировларнинг фикри шундай¹. Бобомиз Ўрта Осиё халқлари, хусусан, оддий меҳнаткашларнинг бахт-саодати йўлида кўп риязатлар чеккан ва шу йўлда шаҳид бўлган эканлар. У кишидан жуда катта хазина — бебаҳо китобхона мерос қолган ва ана шу дурдоналарнинг барчаси мамлакатимиздаги йирик кутубхоналарда, шу жумладан, ЎзССР Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик илмий текшириш институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Бобом генерал-губернатор бўлиб обод қилган ерлар, барпо этган боғу роғлар, қаздирган ариқлар, қурдирган йўллар ҳам ҳанузгача халқ хизматида. Шунинг учун ҳам у киши ҳақидаги хотиралар илму маърифат аҳли орасида ҳам, у кишини таниган, билган, номи мубораклари ва доврўқларини эшитган кишилар орасида ҳам ўзбек генералининг адолати, матонати ва заковати ҳақида нақл этилади.

Бобомнинг тўнғич фарзандлари Оллоқулибек Жўрабеков ҳам юксак малакали ҳарбий қўмондон бўлган экан. У киши Совет ҳокимиятини ўрнатишда фасл қатнашган,

¹ Қаранг: М. Хидиров. Генерал Жўрабек. «Гулистон» журнали, 1971 й. № 1.

машхур командарм М. В. Фрунзе билан ишлаганлар. Оллоқулибек бувамни ўз кўзлари билан кўрган, ҳозирда Тошкент шаҳар, Куйбишев кўчасида истиқомат қилувчи, ёшлари тўқсонга яқинлашиб қолган мўътабар отахон Убайдулла Исматуллаев бобомнинг ана шу фазилатлари ҳақида завқ билан гапириб юрадилар.

Ниҳоят, бобомерос анъаналарни давом эттирган менинг дадам Насриддинбек ҳам Петербургдаги кадетлар корпусини битирганлар ва Совет ҳокимияти йилларида полковник даражасида ишлаб юрганлар. Дадам вафот этгунча Тошкент шаҳар Советининг таъминот бўлими бошлиғи лавозимида ишлади.

Бобокалопимиз ва бобомиз авлодларининг бошқа намояндалари ҳақида ҳам айни шундай гапларни айтиш мумкин. Мухтасар қилиб айтганда, журналист Мурод Хидиров таъкидлаганидек, «Жўрабекнинг эвара-чеваралари орасида таниқли, обрўли кишилар бор»¹. Улар орасида йирик давлат арбоблари, ҳарбий қўмондонлар, таниқли олимлар ва ниҳоят мен ҳам борман.

АЯМ ВА ОЙБАМ

Мен онадан жуда ёш етим қолганман. Шунинг учун ҳам мен оламдаги энг мўътабар зот бўлган аям — онажопим ҳақида деярли ҳеч нарса айта олмайман. Фақат шуни айтишим мумкинки, аям рус гимназиясини битирган, европача таълим олган, юксак маданиятли ва билимдон аёл бўлган экаллар.

Кейинча мени тарбиялаган меҳрибон кишиларнинг гапларига қараганда, аям жуда гўзал, хулқу ахлоқи дилкаш, хушмуомала аёл бўлган экан. Дарвоқе, ана шу сифатларнинг айримларини улардан қолган фотосуратларда ҳам кўриш мумкин. Айтишларича, менда ҳам аямнинг жуда кўп хислатлари бор эмиш. Айниқса, ташқи кўрини-

¹ Ўша жойда.

шим, баъзи бир феълим ва рафторим, тил билиш хусусиятларим аямнинг айни ўзлари эмиш. Чунки аям ҳам ўзбек ва рус тилидан ташқари яна бир неча тилларни билган эканлар.

Аям ҳақидаги бир лавҳа сира хотирамдан нари кетмайди. Мен чамаси 5 ёшларда бўлсам керак. Чимкент томонга сайрга бордик. Бизнинг оиламиз учун қирга махсус ўтов қуриб беришди. Шунда оиламиз билан тушган суратни бор. Буни эслаганимнинг боиси шуки, мен суратга тушаман деб сочларимни қинғир-қийшиқ қилиб қирқиб олган эканман. Оёғимда эса аллақанақа бир ботинка. Аям эса ўша замон модасининг энг илғор либослари билан безанган. Шунинг учун ҳам аям: «У тебя ботинки рваные, волосы драные» деб калака қилиб юрардилар. Аямнинг лутф тўла эркаловчи ана шу овозларики ҳанузгача эшитгандек бўламан. Сурат эса бир умр менинг йўлдошим бўлиб қолди — мудом уйимнинг тўрида, кўзимнинг ўнгида туради. Мен унга қараб болалигимни, меҳрибон аяжонимни, болаликдан азиз хотира бўлиб қолган мўътабар бир онимни эслайман.

Аям оғир касаллик туфайли оламдан ўтгач, мен холам Ултайхон Жўрабекованинг тарбияларида қолганман.

Ултайхон холамини атрофдагилар эркалатиб шундай дейишарди. Аслида отлари Ўғилтойхон экан. Мен эса эркаланиб «ойба», яъни «ойдек опа» деб атардим. Шу-шу бўлди-ю, холам мен учун бир умрга она бўлиб қолдилар. Гарчи аям қазо қилган ва мен етим қолган бўлсам ҳам, бироқ етимлик нима эканлигини сезган эмасман. Чунки мен она оғушининг мўътабар тоти нима эканлигини билмаганлигим учунми ёки ойбам чинакамига оналик қилганлари учунми, ҳар ҳолда ойбам бир умр мен учун она бўлиб қолдилар.

Ойбам менга етимлик нима эканлигини сездирмади. Ҳатто, мени кейинчалик бошқа аёлга уйланган отамга ҳам бермасдан, ўзлари тарбия қилган. Шунинг учун ҳам ҳанузгача бақувват бўлган бу мўътабар ва муниса аёл-

дан оналарча ардоқлагани, қўлларидан келганча маълумот беришга тиришгани ва кўмаклашгани учун бир умрга қарздорман.

...Бу қалби сахий, дарёдек бағри кенг аёлнинг менга бўлган чексиз мурувватининг яна бир қимматли томони шундаки, у ўз ҳикоялари, халқимиз яратган дostonлар ҳақидаги қатор нақллари билан мени нафосат дунёсига олиб кирди, адабиёт, санъат оламига улкан меҳр уйғотди. Менинг санъат оstonасига дастлаб қадам ташлашим «Воҳидия» деб номланувчи мактаб қошида ҳаваскорлик драма тўгарагидан, Воҳид ака Маликбоев раҳбарлигидан бошланди...

«ХАЛИМА»

Бир кун Маҳсума Қориева¹ мейн «Қолизей» театрига олиб борди. Ҳозирги Я. М. Свердлов помли концерт зали илгари шундай деб аталарди.

Мен ўша кун Фулом Зафарийнинг «Ҳалима» номли музикали драмасини томоша қилдим у юрагимга ўт тушиб қолди.

Спектаклдан қайтиб келгач, ана шу асарни саҳналаштириш иштиёқи тиним бермади. Ўз-ўзимча ролларни ўйнаши мумкин бўлган тенгдош ўртоқларимни ҳам кўзлаб чиқдим. Бироқ, пьесани топиш амри маҳол эди. Шунда биз бошқача йўлдан — эркин импровизация йўлидан бордик.

Мен ўртоқларимга спектаклнинг сюжетини гапириб бердим. Кейин бориб ҳаммалари «Ҳалима»ни кўриб келишди. Шундан сўнг роль тақсимладик.

1. Ҳалима — мен.

¹ Маҳсума Қориева — биринчи ўзбек актрисаларидан.

2. Бой — Нурилла Абдуллаев. Бу киши кейинча ҳуқуқшунослик бўйича йирик мутахассис бўлиб етишди ва юстиция генерали даражасигача кўтарилди.

3. Неъмат — Неъмат Абдуллаев. Бу йигит Нурилла Абдуллаевнинг укаси бўлиб, «Қизил Ўзбекистон» газетасида ҳам ишлаб юрди. Уруш даврида хизматга чақирилиб, узоқ муддат суворий армияда сиёсий раҳбар бўлиб ишлади. У Ватан мудофааси йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

4. Она — Хадича Муҳамедова. ЎзССР Савдо министриини собиқ ўриноосари. Ҳозир республика аҳамиятидаги пенсионер.

Хуллас, барча роллар бу тахлитда тақсимлаб чиқилгач, тўппа-тўғри мизансценага, сахна талқинига ўтдик. Сўзларни кўрган спектаклимиздан эсда қолганлари ёнига ўзимиздан қўшиб-чатиб «иждо» қилардик.

«Спектаклимиз»нинг вокал, «партитура»си ҳам айни шундай импровизацион характерда бўлди. Кўпинча, ўзимиз билган халқ қўшиқлари, термалар ва ўша даврда машҳур бўлган ашуларни киритдик. Улар орасида фольклор, шоирлар сўзи, ўз сўзимиз билан аралашиб-қоришиб кетганди. Жумладан, мен — Ҳалиманинг арияси ўрнига:

Оқ олма, қизил олма,
Олмамга назар солма,—

деган машҳур халқ қўшиғини ва «От келди дупур-дупур» ашуласини айтардим.

Неъмат ролини ўйновчи Неъмат Абдуллаев ҳам шу йўлдан борди. Унинг овози жуда ширали эди. Айниқса:

Ўзбекистон ССРда хизмат
кўрсатган артистка Маҳсума
хоним Қориева — илк устоз-
ларимдан бири

Муҳаббатнинг саройи кенг экан йўлни йўқотдим-ку,
У дунё деб, бу дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.

деб нолиш қилганда чиндан ҳам юракларни ўртаб юборар эди. Айниқса, «Омон ёр», «Галдир» ва шунинг каби халқ куйларини айтганда, бизнинг «спектаклимиз» ҳам ўзига яраша эмоционал таъсир кучига эга эди.

«Спектакл»ни бизнинг ташқи ҳовлимизда репетиция қилиб, шу ерда намойиш этдик. Мен саҳналаштирувчи «режиссёр» эдим. Бироқ бизнинг ишимиз коллегиял асосга қурилган эди. Чунки фақат режиссёр, яъни менгина эмас, балки барча қатнашувчилар фикру мулоҳазасини дадил ўртага ташлаш ва ўзича талқин этарди. Шунга қарамай, бизнинг спектаклимиз ҳам «спектакль» тусини олди. Чунки ун ва турли бўёқлардан ишланган грим ҳам, турли хонадонлардан тўпланган либос ҳам, дарахтлар шохидан синдирилиб барпо этилган «боғ» (декорация) ҳам ўша пайтнинг болалари — томошабинларини ишонтирарди. Шунинг учун ҳам ҳар бир кўрсатувимизда талай-талай қизлар бўлар, Асқар исмли иштирокчимиз қозғондан ясаган «билетларни» ҳар ким битта қурутга алмаштириб оларди.

Хуллас, «Воҳидия» мактабида Воҳид акадан олган сабогим бекорга кетмади. Чунки ана шу 11 — 12 ёшларимдаёқ «Ҳалима»ни саҳналаштириш ва Ҳалиманинг ўзини ўйнашга муюссар бўлдим. Албатта, бу постановка яъни «Ҳалима»нинг талқини нечоғлик бадий примитив, болаларча заиф эканлиги аён. Бироқ ўша давр учун, айниқса бизнинг ёшимиз учун бу постановка бир қизнинг қарли воқеа бўлганлиги фактдир.

ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛИМ ЮРТИДА

Ойлар, йиллар ўтаверди... Мен бутун меҳру муҳаббатимни ойбамга ва ўқишга қўйдим. Жуда фаол жамо-



атчи комсомолкалардан эдим. Балки шунинг учун бўлса керак, 9-синфда ўқиб юрган пайтимда райкомкомсомолга чақириб, мени хотин-қизлар билим юртига отрядвожатий қилиб юбордилар. Билим юрти ҳозирги Тошкент шаҳар Пионерлар саройининг рўпарасида эди.

Мен хотин-қизлар билим юртида қизгин иш бошлаб юбордим. Шунинг билан бирга, эндиликда профессор Олим Аминий, Шермат Мақсудий, СССР халқ артисткаси Ҳалимахоним Носирова, Ҳакима Хўжаева, Матлуба Муҳамедова каби бир қатор дўстлар орттирган эдим. Шу кўйда ярим йилча ишлаб юрдим.

Билим юртининг директори полковник Еникеев деган кишининг хотини Саодатхоним Еникеева деган хушрўйгина бир аёл эди. Бир купи шу аёл мени чақириб, бизнинг билим юртимизга ўқишга келинг, деб таклиф қилди. Менимча, бу таклифнинг икки важи бор эди. Биринчидан, менинг вожатийлик фаолиятим билим юрти маъмуриятига манзур бўлган чоғи. Иккинчидан, мен орттирган янги дўсту дугоналарим дирекциядан мени шу ерга ўтказиб олишликни талаб қилган бўлсалар керак. Чунки, айниқса Ҳалима, Ҳакима ва мен жуда иноқлашиб кетган эдик.

Саодатхонимнинг олдидан чиқсам дугоналарим ҳам «билим юрти мактабдан ҳам юқори-ку, ахир», деб мени аврай бошлашди. Мен бу гапларни бориб уйимиздагиларга айтдим. Улар рози бўлдилар. Шундай қилиб, мен ҳам дирекцияга ўз розилигимни билдирдим.

Одатда бу билим юртига кирувчилар икки йиллик тайёрлов курсини ўтиши керак эди. Мени эса 9-синфни битиришим биланоқ — 1-асосий курсга толиба қилиб қабул қилдилар. Шунда Ҳалима Носирова, Ҳакима Хўжаевалар — 1-асосий курсни тугатаётган бўлиб, ҳозирда ЎзССР халқ артисткаси Шоҳидахоним Маъзумова билим юртини битираётган эдилар. Шундай қилиб, мен ҳам ана шу аҳил коллективнинг четдан кел-

ган отрядвожатийси эмас, балки тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолдим.

ҚЎҚОН ҲАНГОМАЛАРИ

Мен гарчи эндигина билим юртига қабул қилинган бўлсам ҳам у ердаги ўқитувчи ва ўқувчилар билан жуда иноқлашиб кетдим. Шу бонсдап, 1923—1924 ўқув йилининг каникулини дугоналарим билан бирга Қўқонда ўтказишга қарор қилдим. Онламинздагилар ҳам мен ва дугоналаримнинг илтижомини қабул қилиб, рози бўлдилар.

Биз Қўқонга келиб тушдик. Ҳалима ва Ҳакималар ЎзССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳожиқурбон Назаров билан таниш экан, мени ҳам таништириб қўйишди. Ҳожиқурбон эса ўша пайтда театр фаолиятига бутун вужуди билан бсрилиб кетган ёшлардан бири эди.

Ҳожиқурбон Назаров бизни ҳам жалб этган ҳолда спектакль қўймоқчи эканлигини айтди. Биз жон-жон деб рози бўлдик. Постановка учун журналист Маъруф Султоннинг «Фаргона фожиаси» номли пьесаси олинди.

Спектакль қисқа муддат ичида чиқди. Менинг бир-талай арияларим бор эди. Шулардан «Жаллод қиличини қайради тошларга» деб бошланувчи ашулам салпал эсимда қолган, холос.

Спектаклни шаҳарнинг турли жойларида кўрсата бошладик. Кейин қишлоқларга ҳам чиқдик. Ҳамма ерда томошамиз манзур бўлар, ҳаваскор эканлигимизга қарамай томошабинларнинг олқишига сазовор бўлардик.

Бир куни Бувайда (Ленинград) районига бордик. Дарҳол тахталардан сўри ясаб, тайёргарлик кўра бошладик. Халойиқ элбурутдан йигилиб олган. Биз ҳам грим қилишга тутиндик. Билетлар аллақачонлароқ

сотиб бўлинган эди. Шу пайт бирдан «босмачилар келармиш», деган шов-шув пайдо бўлиб қолди. Дарҳол биз эркакча кийиндик. Аравага миниб қочишни кўринг. Бошқа қишлоқларга ўтиб, яшириниб турдик. Босмачилар келиб изғиб кетгач, яна қайтиб бориб томошани кўрсатдик. Бунини қарангки, спектаклда томошабинлар сони кутгандан ўн чапдон ошиқ бўлди.

Шу каникулнинг ўзида Ғулом Зафарийнинг «Эрк болалари» номли пьесасини ҳам қўйлик Иккала спектакль билан бутун каникул давомида қишлоқма-қишлоқ юриб, халққа томоша кўрсатдик.

Бу гастроль давомида бизнинг раҳбарларимиз бўлган режиссёрлар Ҳожиқурбон Назаров билан Умар Абдуллаевлар қўлларида келганча бизни қизиқтиришга, хафа қилиб қўймасликка ҳаракат қилишарди. Энг муҳими эса, ҳамма ерда халқ бизни катта ташналик ва қувонч билан кутиб оларди.

«ОТА» БИЛАН УЧРАШУВ

Сентябрдан биринчи асосий курсда ўқишни бошлаб юбордим. Билим юртидаги дўст ва дугоналарим сафи кенгайиб борди. Улар орасида Ҳалима ва Ҳакималар билан бир қаторда ҳозирда ТошМИда врач бўлиб ишлаётган Матлуба Муҳамедова, юқори курс толибаси бўлган Нортोजи опам каби дугоналарим бўлиб, бир-биримизга меҳру оқибатимиз жуда бошқача эди.

Билим юртимиз билан ёнма-ён Наримонов номли техникум ва эрлар билим юрти ҳам бор эди. Ана шу техникумда, эрлар билан бир қаторда тўртта қиз ҳам таҳсил оларди. Улар орасида Ғулом Зафарийнинг Сиддиқа исмли ўз қизи ва сақлаб олган Ҳожар исмли қизи, ҳозирда химия фанлар доктори, профессор, забардаст адибимиз Ойбекнинг хотини Зарифа опа ва уларнинг сингиллари Шарифалар бор бўлиб, биз улар билан ҳам

қалин дўстлашиб кетдик. Бугина эмас, эрлар билим юрти билан бизнинг билим юртимиз орасида мустаҳкам алоқа бор эди.

Уша пайтларда ҳар бир отрядга тантанали равишда ном бериш одати бор эди. Шу жумладан, бизнинг билим юртимизда ҳам, эрлар билим юртида ҳам отрядлар бўлиб, биз уларни 1—2-Охунбобоев отрядлари деб аташга жазм қилган эдик. Бунинг учун Отанинг розиликларини олиш керак эди.

Бир кун и ана шу отрядларнинг умумий йиғинига Йўлдош ота Охунбобоевнинг ўзлари ташриф буюрди. Ҳамма ҳаяжонда. Билим юрти ҳовлисига иккала отряд саф тортган. Уларнинг бирига мен, эрлар билим юртидагисига Олим Аминий раҳбарлик қиларди. Ота келишлари билан мен ўз отрядимга юзланиб «Отряд, сме — и — и — р — но!» деб фармон бердим-да, шахдам қадамлар билан отага яқинлашиб рапорт бердим. Олим Аминий ҳам иккинчи отряд номидан шундай қилди.

Рапорт қабул қилиб бўлгач, ота президиум ҳайъатига бориб ўтирди. Тантанали тусда учрашувимиз бошланиб кетди. Иккала билим юрти томонидан сўзга чиқилди. Хотин-қизлар билим юрти томонидан Нортожи опам нутқ сўзлади ва отрядга Охунбобоев номини беришга розилик сўради. Ота мамнуният билан розилик берди. «Ура» садолари ва олқишлар янгради. Мен бориб отанинг бўйнига галстук тақиб қўйдим ва уни фахрий пионерлик сафига қабул қилдик.

Ота яхши кутиб олганлигимиз ва отрядларни у кншининг номи билан атаганлигимиз учун миннатдорчилик билдириб, иккала отряд учун форма тикишга етарли қора сатин ва оқ батист беришга ваъда қилди. Шундай сўнг тантанали концерт бошланиб, бу концертда мен ҳам рақсга тушдим. Ота мамнуният билан ёшлар санъатини олқишлади. Отани хушнуд этишда менинг ҳам ҳиссам борлигидан ҳануз-ҳанузгача қувониб юраман.

Уларнинг яхши ўқиш, Совет жамиятига сидқидилдан хизмат қилиш учун муносиб кадрлар бўлиб етишиш ҳақидаги тилак ва чақириқлари эса, бизга бир умр парвоз учун қанот ва мадад бўлиб келди. Чунки ўша пайтда Отанинг сўзи—бу халқ сўзи, Ватан сўзи, партия чақириғи деган гап эди. Зотан, Отанинг ўзлари ҳам «халқ», «Ватан», «партия», «Совет ҳокимиятининг истиқболи» каби тушунчаларни ўзларида мужассамлантирувчи нуроний бир сиймо эди. Мен ҳам ана шу мўътабар зотнинг бўйинларига пионерлик галстугини таққанимдан ва у кишининг оқ фотиҳаларини олганлигимдан беҳад мамнунман.

ИЛК УСТОЗЛАРИМ

261995
Билим юртида кейинча машҳур санъаткор бўлиб кетган, республика ва Ўрта Осиё халқлари рақс санъатининг ривожланишига катта ҳисса қўшган Али Ардобус рақсдан дарс берарди. Дарс программасига европача ва ўзбекча рақс асосларини ўзлаштириш кирарди. Мен ҳам ана шу дарсларга фаол иштирок этардим ва Али аканинг энг яхши раққоса қизларидан бири саналардим. Чунки, мен ҳам европача, ҳам ўзбекча рақсларни бир хилда ижро этаверардим. Шунинг учун ҳам билим юрти ҳаваскорларининг қаердаки концерти бўлса, деярли менсиз ўтмасди, десам муболаға бўлмас.

1925 йили менинг санъат соҳасидаги устозларим жумласига яна бири қўшилди. Бу кейинча СССР халқ артисти бўлган машҳур санъаткор Абдор Ҳидоятлов эди. Абдор ака билан танишув тафсилоти қуйидагича бўлди:

Билим юртимизга хушқомат, истараси иссиқ, европача либос кийган бир йигитча кириб келди. У ўзининг Москвадаги театр драма студиясида таълим олаётган студент Абдор Ҳидоятлов эканлигини айтди.

Аброр аканинг гапига қараганда, у киши бизнинг «Роҳат» боқчасида берган концертимизни кўрибди. «Роҳат» боқчаси ҳозирги Тошкент телевидение студиясининг ўрнида жойлашган бўлиб, дарҳақиқат, биз у ерда концерт берган эдик.

— Охунбобоев номли хотин-қизлар клубида мен «Аршин мол олон» спектакли қўймоқчиман, шунда роль ўйнаб берсангиз,— деб илтимос қилди Аброр ака.

Бу таклиф менга жуда маъқул бўлди. Аммо бирданга розилик беришга журъат этолмадим. Нима қилишимни билмай Нортोजи опамга маслаҳат солдим. У киши «бор» деб айтдилар. Шундан кейин Аброр акага спектаклда иштирок этишга рози эканлигимни айтдим.

Аброр ака суҳбат давомида пьесанинг мазмунини гапириб бердилар. Менга бош қаҳрамон — Гулчеҳра роли берилди. Шундай қилиб, репетиция бошланиб кетди.

Еш Аброр Ҳидоятоннинг репетициялари менинг ҳаваскорлик «ижодим»да янги саҳифаларни оча бошлади. Чунки, биринчидан, бу менинг чинакам пьесанинг барча текст ва қоидаларига риоя қилиб ўйнаган биричи ҳақиқий ролим бўлса, иккинчидан, Аброр аканинг роль устида ишлаши Воҳид аканикига кўра анча фарқ қиларди. Тўғрироғи, мен биринчи марта чинакам реалистик талқин услуби билан тўқнашган эдим. Воҳид ака ўргатган натуралистик талқин услуби бу ерда унчалик қўл келмади. Аммо бу ҳол репетицияларнинг мазмунига салбий таъсир этмасди. Чунки мен энг аввал Аброр аканинг айтганларини бажаришга уриниб кўрардим.

Пьесадаги бош қаҳрамон — Асқарни Комил исми бир ашулачи йигит ўйнади. Ҳозирда филология фанлари номзоди, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Субутой Долимов дугор ва танбур чалиб, пьесанинг арияларини ўргатарди.

Хуллас, меҳнатимиз зое кетмади — 1925 йилда Охунбобоев номли хотин-қизлар клубида спектакль томоша-

бинлар ҳукмига ҳавола этилди. Биринчи спектакл-мизга деярли бутунлай аёллар жалб этилди. Спектакль бошланиши олдидан Аброр ака сўзга чиқиб санъат ва хотин-қизлар масаласида гапирди. Кейин спектакль кўрсатилди. Барча томошабин хотин-қизлар паранжичимматсиз ўтириб спектаклни томоша қилдилар. Спектакль қизгин олқишлар билан ўтди. Бу мен учун ҳам, хотин-қизлар клуби маъмурияти учун ҳам, Аброр ака учун ҳам катта ютуқ эди. Энг муҳими эса мен Аброр ака каби рус реалистик талқин усталари қўлида таҳсил олаётган ёш бир устоз билан учрашиб, оламда театр санъатининг бунақа талқин йўллари ҳам борлигидан хабардор бўлдим. Бу ҳол шахсан мен учун янгилик бўлди.

БОКУ ҲАҚИДА ДАРАКЛАР

Каникулдан қайтиб келиб, билим юртида ўқишни бошлаб юбордик. Негадир, Ҳалима ва Ҳакималар кўринмасди. Улар учинчи курсда ўқишни керак эди. Шу орада «Ҳалима ва Ҳакималар Бокуга ўқишга кетишибди» деган шов-шув гаплар тарқалиб қолди. Кейин аниқроғини суриштириб билсак, улар чиндан ҳам Бокуга, театр техникумига ўқишга кетишган экан. Мен яна деярли якка қолдим. Чунки уларнинг иккови менинг энг суюкли дугоналарим эди.

Бутун ўқув йили интизорлик билан ўтди. Боку ҳақида дарак менинг юрагимни ўртар, қанотим бўлсаю сирли маконга учиб кетсам, дердим. 1925-26 ўқув йилининг ёзги каникуллари ҳам ҳадемай етиб келди. Мен йилнинг қандай ўтиб кетганлигини ҳам билмай қолдим. Чунки зимдан Боку ҳажрида ёнардим ва кўзимга бошқа бирор арзирли нарса қолмагандек эди.

Ҳалима билан Ҳакималар ҳам ёзги таътилда Тошкентга келиб, бизникига тушдилар. Улар келиб, бағ-

римни анча бутун сездим. Энг муҳими, Боку ҳақида суриштира кетдим.

Маълум бўлишича, улар Бокудаги Озарбайжон Давлат Турк театр техникумига ўқишга киришибди. Улар билан яна бир қанча ўзбекистонлик йигит-қизлар бор экан.

Дугоналарим Бокунинг гўзаллиги, Ҳазар (Каспий) денгизининг дилкаш ҳавоси ва манзараси, тоғ ёнбағирларига жойлашган уйлар, истироҳат боғлари ҳақида, техникумдаги дарсларнинг жудаям қизиқарли эканлиги, аллақандай менга нотаниш бўлган «этиюдлар» ҳақида роса мақтовнинг кифтини келтиришди. Улар ҳатто «озарбайжонча» сўйлаша бошлади. Мени Бокуга бориш иштиёқи тутиб кетди. Бу истагимни дугоналаримга ҳам айтдим. Улар роса қувнашиб, менинг қароримни маъқулладилар. Аммо олдинда катта тўсиқлар ҳам турарди. Ана шу ғовлардан энг муҳими, бир томондан, мени Боку театр техникумига қабул қилиш-қилмаслиги муаммоси бўлса, иккинчидан, оиламиздагиларнинг розилигини олиш масаласи эди. Иккала муаммонинг ижобий ё салбий ҳал этилиши бизга боғлиқ бўлмаганлигидан бошимиз ғовлади. Бироқ қараб турганимиз йўқ. Учовлон бир ёқадан бош чиқариб нажот қидира бошладик, режа туза бошладик...

БИРИНЧИ ИМТИҲОН

Қароримиз қатъий эди. Шунинг учун ҳам ишни ўзбекистонлик студиячиларнинг имтиҳонидан ўтишдан бошлашга жазм этдик.

Дугоналарим мени бошлаб Ҳоди Зариф деган йигитнинг олдига олиб боришди. Кейинча филология фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, ўзбек фольклористикасининг забардаст устози ва отахони бўлган Ҳоди Тиллаевич Зарипов ўша

пайтлардаёқ Бокуда таҳсил олувчи барча ўзбекистонлик студентларнинг бошлиғи ва раҳнамоси эди.

Қизлар мени таништиргач, Ҳоди аканинг саволларига жавоб бера бошладим. Устоднинг суҳбатларидан яхши ўтдим шекилли, менинг Бокуга бориш иштиёқ ва хоҳишимга хайрихоҳлик билан қарай бошладилар. Эндиликда, Ҳоди ака ҳам менга хайрихоҳ бўлганликлари учун менинг тарафдорларим кўпайди.

Шу пайт чиройлидан келган, бўйчан, ўша пайтнинг ультра модасида кийинган бир йигитча ҳам кириб келиб қолди. Ҳалима билан Ҳакима «Ана Қори акам, ана Қори акам» деб у йигит истиқболига отилишди. Мен ҳам бу йигитнинг Сайфи қори Олимов эканлигини, Бокуга бориш-бормаслигимда ҳал қилувчи роль ўйнашлигини дарҳол пайқадим. Чунки дугоналарим режа тузатган чоғимизда Ҳоди ака ва Сайфи қори аканинг ким эканлиги, уларнинг обрў-эътибори билан мени тўла-тўкис таништириб бўлган эдилар...

Сайфи қори ака ҳамма гапни обдан эшитиб бўлгач:

— Қани, бирорта шеър ўқиб бергин-чи, пучуғой!— деб ҳазиллашди. Қори ака сал тезроқ, баъзан ҳатто билинар-билимас тутилиброқ гапирар экан.

Мен ўзбекча шеър ёд билмаслигимни айтдим. Қори ака «қайси тилда бўлса ҳам ўқийвер, қобилиятингни билсак бўлгани», деди. Мен А. С. Пушкиннинг:

Қуриган ҳиди йўқ, унутилган гул —

Китобни очаркан кўриб қолдим мен.

Ғалати хаёлга тўлди-да кўнгил,

Паришон термилиб туриб қолдим мен...

деб бошланувчи «Гул» номли шеърини рус тилида ўқиб бердим.

Менинг декламациям анча дуруст таассурот қолдирди шекилли, Ҳоди ака ҳам, Қори ака ҳам очиқ чехра билан қараб қолдилар. Дугоналарим эса «талантим»ни

мақтаб кетишди. Бироқ бир нима етишмаётгандек, устозларнинг кўнгли тўлмаётгандек тўюлди. Бунини мен ўзим ҳам ҳис этдим. Шунда улардан талаффузим ёмонлиги учун айб қилмасликни сўрадим-да, кимнингдир:

Ухла, эй қўзим,
Тинчинг ол ётиб,

Бир оздан кейин
Қолур тонг отиб.

Эсма, эй шамол
Ерим устидан,

Сочин ҳидини
Оламга сочиб...

деб бошланувчи шеърини ўқиб бердим. Ҳамманинг чеҳрасида мамнуният кўринди. Кейин ашула ҳам ижро этдим. Агар хоҳлашса, музикасиз бўлса ҳам рақсга тушишга тайёр эдим. Аммо бунини сўрашмади.

Ҳоди ака турдилар-да, «бўлди, энди, масала пишиди» дегандай Қори аканинг елкасига қўл ташлаб:

— Мана, Қори, сизга яна бир зўр истеъдод топилди,— дедилар.

Менга бундан юксак мукофотнинг кераги йўқ эди. Чунки кенжа, аммо ҳал қилувчи устодларимнинг биринчи имтиҳонидан ўтган эдим. Аммо уйдагилар менинг Бокуга кетишимга розилик беришмади. Санъатга бўлган ҳавасим туфайли уларнинг розилигисиз бўлса ҳам дўстларим билан Боку томон йўл олдим. «Кейинчалик уйдагиларга хат ёзиб тушунтираман» деб ўйлардим йўлда кетаётиб.

МУБОРАҚ ОЗАР ТУПРОҒИДА

Боку менинг тасаввуримдагидек бўлмаса ҳам, кўнглимдагидек шаҳар экан. Айниқса, шаҳарнинг нотекис ландшафти, денгиздан елиб турувчи нефт ҳиди аралаш юмшоққина шабада кишининг баҳри дилини очади. Хусусан, узундан-узоқ, денгиз бўйи бўлвари эртаксимон бир манзара касб этарди. Чунки, менинг фикримча, бу ерлар-

дан фақатгина шифоланиш учун курорт сифатида фойдаланиш мумкин эди. Ҳолбуки, ана шу бебаҳо тупроқда ҳатто мен каби қизалоқ ҳам бемалол, хоҳлаганимча, истаган пайтимда юришим мумкин бўлиб қолди. Бу жиҳатдан озар тупроғи менга жуда-жуда хуш келди.

Ҳоди ака олдинроқ борган эди. Бизни кутиб олиб, Холид Саидхўжаев деган бир кишининг олдига бошлаб олиб борди.

Холид афанди асли ўзбек бўлиб Туркияда ўқиган ва Бокуда туриб қолган. Бу киши Ўзбекистон ССРининг Озарбайжондаги вакили эди.

Ғоят дилкаш, саховат ва меҳрга бой бўлган бу киши бизни очиқ чеҳра ва чексиз қувонч билан кутиб олди. Йигитларни ётоқхонага тақсимлаб, бизни квартирага жойлаштириш кераклигини уқтирди.

Ҳалима билан Ҳакима бир грузин оиласида квартирада туришарди. Мен учун ҳам излаб-излаб Коммунистическая кўчасидан (7-уй) бир квартира топдик. Бу ерда Мамедовлар оиласи истиқомат қилиб, оила аъзолари фақат икки кишидан — ёшлари бир жойга бориб қолган эр ва хотиндан иборат эди. Эри озарбайжонлик, хотини «тётя Неля» эса озарбайжонлашиб кетган рус аёли эди. Кейинча билсам, уларнинг фарзанди йўқ бўлиб, мени фарзанд ўрнини босиб кетса ажаб эмас, деган умидда киритишган. Қарангки, бу деярли оқланди ва бу ҳақда кейинча мавриди билан тўхталиб ўтармиз.

Мамед оға Боку шаҳар Советида шуъба мудири бўлиб ишлар, тётя Неля эса ишламасди. Ҳар ҳолда бу оила билан жуда тез иноқлашиб кетдим. Оилада эса Неля холани «Анника» деб, Мамед оғани «Мамика» деб, мени бўлса «Назика» деб чақириш одат тусига кириб кетди. Ўз оиламда нечоғлик эркатой бўлсам, кейинча бу оилада ҳам шу қадар арзанда ва эркатой бўлиб кетдим. Ростини айтсам, бу ҳам менинг бахтим эди. Чунки бу маънода сира-сира мусофирчиликни ҳис этмасдим. Оила ўз оиламдек, озар тупроғи ўз она тупроғимдек бўлиб қолди.

ҲАҚИҚИЙ ИМТИҲОН

Озарбайжон Давлат Турк театр техникуми ҳам худди мен жойлашган Коммунистическая кўчасида эди. Эрталаб техникумга кириб бордим. Мени ҳозирда ленинградлик профессор Владимир Владимирович Сладкопцев ҳузурига олиб кирдилар.

У кишининг илтимосига кўра шеър ўқидим, ашула айтдим, ўйинга тушдим. Кейин мени курсичага ўтқазиб қўйдилар-да, суҳбатлашиб ўтирдилар.

Бир маҳал, мен хотиржам ўтирган эдим, зеҳн солиб тикилиб туриб:

— Апа у нима, оёгинг остидаги қурбақами?— деганини биламан, «дод!» деб ўрнимдан сакраб туриб кетибман. Кейин кўнглим беҳузур бўлиб йиқилиб тушдим.

Владимир Владимирович нозикдан келган, жиккаккина киши эди. Менинг оқарган ранг-рўйимни кўриб қўрқиб кетди. Келиб дарҳол мени кўтариб «қўрқмагин, бу этюд эди», деб овута бошлади.

Мен анча ўзимга келганимдан кейин В. В. Сладкопцев менинг маҳоратимни синаб кўрганлигини, бу ўзига хос кириш имтиҳони эканлигини айтди. Мен ҳушимдан кетиб йиқилиб тушдим, демак кириш имтиҳонидан йиқилиш шунақа бўлар экан-да, деб хаёлимдан ўтказдим.

— Мен йиқилдимми?— дедим хавотир аралаш.

— Ҳа,— деди Владимир Владимирович,— актёрлик қобилиятинг яхши бўлганлиги учун йиқилиб тушдинг, лекин имтиҳондан яхши ўтдинг.

Мен сира ақлимга сиғдирилмасдим: «Йиқилдинг-гу ўтдинг», бу нима дегани?

Кейинча билсам, мени ерга қулатган «этюд» ўзининг сеҳрли қанотларида кириш имтиҳонидан муваффақиятли олиб ўтган экан. Чунки ана шу «этюд» орқали Владимир Владимирович менинг ижодий тасаввуримни, яъни қўз олдида йўқ бўлса ҳам тасаввурда жонланувчи нарсаларга чинакам ишона олиш қобилиятимни синаб кўрган

экан. Чиндан ҳам бундай қобилият, яъни саҳна ҳақиқатига ишониш актёрлик санъатида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

В. В. Сладкопцев мени етаклаб, «Директор» деб ёзиб қўйилган хонага олиб кирди. У ерда озғин, узун бўйли, лекин истараси иссиқ бир киши ўтирарди. Бу киши шу техникумнинг директори, кейинча Озарбайжон ССР халқ артисти Ҳожи оға Аббосов экан.

Ҳожи муаллим ҳам мен билан узоқ суҳбатлашди. Қимлигимни, қаерларда ўқиганлигимни, қайси тилларни билишимни, нималар ўқиганлигимни, қайси ҳаваскорлик тўғаракларида қатнашганлигим ва у ерда нималар қилганлигимни сўради. Мен барчасига бамайлихотир жавоб бердим. Кейин гапга Владимир Владимирович аралашиб, мени олиш кераклигини айтди. Ҳужжат сўрашган эди, бўйнимни қисдим. Шундан кейин мени чиқариб юбориб, Сайфи қори акани чақиришди.

Анчагина илҳақ бўлиб ўтирдик. Бир маҳал Қори ака «гапни дўндирдим» деб хурсанд бўлиб чиқиб қолдилар. «Ҳа?» деб сўрасак, техникум маъмурияти менинг ҳужжатимни сўрашипти. Мен қуп-қуруқ ўзим қочиб келган эмасманми. Шундан кейин Қори ака «унинг ота-онаси қарши эди, биз олиб қочиб келдик» дебди. Охири мени ҳужжатсиз қабул қилишга рози бўлишипти.

Шу куннинг ўзида Зухур ака Қобилов ҳам кириш имтиҳони топшириб муваффақиятли ўтди. Шундай қилиб, ёру биродарларимиз иккинчи курсда, мен билан Зухур ака биринчи курсда таълим оладиган бўлдик.

АКТЁРЛИК «АЛИФБЕ»СИ

Шундан сал ўтмай бизнинг мутахассислигимиз бўлган актёрлик маҳоратидан биринчи дарс бошланди. Владимир Владимирович Сладкопцев бизнинг мутахас-

сислигимиз бўйича муаллимимиз ва курс раҳбаримиз экан. У киши менга қараб:

— А ну-ка, курносенькая,— деб эркалаб гап бошлаб, атрофга қулоқ солишимни ва эшитганларимни гапириб беришлигимни топширди. Мен қулоқ солдим. Аксига олиб, шивирлашиб ўтирган болалар ҳам жим бўлиб қолишди. Мен ҳеч нима эшитмаганлигимни айтдим.

— Наҳотки,— деди Владимир Владимирович,— ахир қулоқ сол, ташқарида бир қушча сайраяпти. Ана, у бошқа шохчага учиб ўтди. Биласанми, нима учун ўтди? Чунки нариги шохчада унинг жўраси бор эди.

— Вуй,— дедим мен,— буларнинг ҳаммаси ёлгон-ку. Мен ёлгончи эмасман.

— Бу ёлгон эмас-да, қизим,— деди Владимир Владимирович,— бун ижодий фантазия дейдилар. Ижодий фантазия эса актёрлик санъатининг асосларидан бири, унинг «алифбе»си демакдир.

Рости гап, менга мана шу «алифбе» хуш келмади. Чунки «алифбе»нинг яна «ҳид билиш», «таъм билиш», «ҳис этиш», «сезиш», «кўриш» каби ҳарфлари бор эканки, бу ҳарфларнинг барчаси юқоридаги каби «ёлгонлардан», домла тили билан айтганда «ижодий фантазиядан» иборат экан. Йўқ, бўлмайди! Бунақаси кетмайди!

Қаранг-а, домланинг гапига кўра, бу алифбени ўзлаштирган киши «саҳна ҳақиқатига», «реалистик талқинга» эришар эмиш. Ёлгон билан ҳақиқатга эришар эмиш! Ахир, биз ҳам саҳна ҳақиқатига эришганмиз! Масалан, Воҳид ака Маликбоев билан биргаликда гиштардан қабр ясаб саҳна ҳақиқатига эришганмиз. Ҳожикўрбон Назаров жисмоний ҳаракат ва кийинишлардаги ҳақиқатларни кўрсатиб берганлар. Уларнинг ҳеч бирида ёлгон бўлмасди. Келиб-келиб, шунча йўл босиб, овора бўлиб ёлгончиликини ўрганиб кетармишман. Йўқ дедимми, йўқ! Кетаман, вассалом!

Қарорим қатъий эди. Техникум муаллимларининг «алифбе»си ёқмади. Кетаман!

Шу қарор билан танаффусга чиқсам, «Ҳа, қалай» деб Сайфи қори ака рўпарамдан чиқиб қолди.

— Емон!— дедим мен қатъий.— Ҳаммаси ёлғон, кетаман!

— Ҳой, нима бўлди сенга?— деб Қори ака довдираб қолдилар.

Мен қатъий қароримни такрорладим. Қори ака аҳволни суҳбатимизга келиб қўшилган Саъдулла ака Жўрабоевга айтдилар. Саъдулла аканинг жаҳллари чиқиб кетди.

— Эсинг борми сени, бу нима деганинг? Аввал тузукроқ тушуниб олишга ҳаракат қилгин, ўйлаб кўргин. Мен хотиним, учта болам билан ўқиб аҳмоқ бўлиб юрган эканман-да. Сендақа артисткани қарагину,— деб кейин Сайфи қори акага мурожаат этдилар,— айтинг, бизнинг дарсимизгаям келсин, кўзи ўрганади.

Шундан кейин Сайфи қори ака яна аллақанча насиҳат қилди. У киши менга назария билан тажриба ҳар доим ҳам тўғри кела бермаслигини тушунтира кетди. Шунингдек, «кетаман» деган гапни Ҳоди ака, Холид афанди ва Ғайратий домла эшитиб қолсалар, жуда хафа бўлишларини уқтирдилар.

— Ахир мен ёлғончи бўлишни хоҳламайман,— дедим мен.

— Ёлғон эмас, пучуғой, аввал ана шу «алифбе»ни ўрганиб олгин, кейин саҳна ҳақиқати нима эканлигини билиб оласан,— деди.— Ҳа, дарвоқе, пешиндан кейин бизнинг дарсимизга киргин, ана шу «алифбе» асосида «ёзишни» ўрганасан.

Мен бир оз таскин топиб уйга қайтдим. Аммо актёрлик «алифбе»си менга барибир маъқул бўлмаган эди.

Э Т Ю Д

Ваъдага биноан пешиндан кейин иккинчи курсдагиларнинг дарсига кирдим. Уларга ҳам актёрлик маҳо-

ратидан Владимир Владимирович Сладкопевцев кира эди.

У киши менинг ўтирганимни кўриб қувониб кетди.

— Дарсга келиб яхши қилибсан, курносая,— деб мутойиба қилди,—фақат жим ўтирасан, хўпми?

Мен бошимни силкитиб розилик билдирдим. Дарс бошланиб кетди. Домла «Кимда тайёр этюд бор» деб сўради. Мен кириш имтиҳонидаги «этиюд»дан дилгир бўлиб қолганлигим учун, оёғим остига бир қараб олиб хўшёр тортдим. Сайфи қори ака «бизда бор», деб қўл кўтарди. Домла розилик бергач, ўзбекистонликлар биринчи бўлиб, «сахнага чиқдилар».

Бу курсда, ўзбекистонликлар орасида Қори ака, Ҳалима Носирова, Ҳакима Хўжаева, кейинча Самарқанд театрида режиссёр ва актёр бўлиб узоқ муддат ишлаган Саъдулла Жўрабоев, кейинча Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист бўлган, ажойиб хушовоз санъаткор Райимберди Бобожоновлар бор эди.

Барча ўзбеклар ўртага тушиб ҳаммаси соқовга ўхшаб, гапирмасдан аллақандай ҳаракатлар қила бошлашди. Уларнинг ҳаракатларидан аллақаерга ўт тушганлигини, уни челақларда сув сепиб ўчиришаётгани англашилиб турарди. Бу ҳаракатлар менга қизиқ, ғайри оддий кўринди ва жуда хуш ёқди. Ахир фақат ҳаракатлар билан бирор воқеани тасвирлаб бериш қизиқ эди-да.

Бирдан Қори ака:

— Пожар, пожар! Ёрдам беринглар! Нефть ёниб кетяпти, ёрдам беринглар!— деб бақирди.

Менинг этим жувиллашиб кетди. Чунки нефть ёниши нима эканлигини яхши билардим: Бокуга боришимиз билан Қорашаҳар деган нефть буруғлари (қувурлари) зич бўлган бир жойда ёнгин бошланган эди. Бу ёнгин шу қадар даҳшатли эдики, тасвирлаш ҳам қийин. Шуни айтиш кифояки, ана шу ёнгин роса бир ойдан кейин зўрға ўчилган эди.

«Саҳна»да ўзбек йигитларининг сўзсиз ана шу ман-



Боку Давлат театр технику-
мида таҳсил олувчи ёшлар-
нинг бир гуруҳи. 1927.

зарани тасвирлаши мени ваҳимага солиб юборди. Туриб «қарашиб» юборай десам, бир ёқдан домла «жим ўтир» деган эди, иккинчи ёқдан бир оз андиша қилардим. Бу ҳаракатларни бажарувчилар эса, куйиб-пишиб ўз ишини бажаришарди.

Ҳаракат тўхтади, «ёнғин ўчирилди». Кейин этюднинг муҳокамаси бошланди. Аввал ўқувчилар, кейин домла-нинг ўзлари «Нефть ёнғини» деб номланган бу этюдни

парча-парча қилиб, ипидан-игнасиғача таҳлил қилдилар ва барча «ҳақиқат»-у, «ёлгон»ини очиб ташладилар.

Мен «этиюд» нима эканлигини эндигина тушуна бошладим. Ростини гап, юртдошларимнинг этиюдлари менда жуда зўр таассурот қолдирган эди.

Айниқса уларнинг «пожар-ҳо» «югур-ҳо», деб сўзла-риниш охирига «ҳо»ни қўшиб «озарбайжонча» гапириш-лари менинг роса ҳавасимни келтирди. Кейинча билсам ўргоқларимнинг бирортаси ҳам озар тилини дуруст би-лишмас экан. Аммо ўша кунни мени маҳлиё этишган эди. Этиюдининг мазмуни эса алоҳида нашъа берарди.

Шу этиюддан кейин менинг ўқишга иштиёқим олов олиб кетди. Шу бугундан бошлаб, саҳна «алифбе»сини астойдил ўрганишга бел боғладим.

Ўқиш ҳам авжига миниб кетди. Ҳар ерда бўладиган-дек, менинг ўқишимда ҳам яхши фанлар ва яхши ўқитув-чилар бор эди. Жумладан, юнон театри тарихидан дарс берувчи муаллим Муровни жуда яхши кўрардим. Чунки у менга ўзим севган театр санъатининг қадимги юнон-ларга хос бўлган сирларини, менинг хаёлимга ҳам кел-маган, аммо ўзбек халқ эртакларига ўхшаган пьесалар-ни ҳикоя қиларди.

Муров қозилей ҳақида, қадимги юнонлардаги маска кийиб ўйнашлар ҳақида гапирганда, оламда мен билган-дан ўзга ҳам талқин услублари борлигини, актёрлик санъати ҳам азим бир денгизга монанд эканлигини, унда ким қайиқда, ким забардаст кемаларда сузса ўзининг қудрат-заковатига боғлиқ эканлигини англаб қангу манг қолдим.

Театр тарихини ўзлаштирган сари, актёрлик санъа-тининг «алифбе»сини чуқурроқ ўрганганим сайин бу санъат асосларини тўлақонлироқ ўзлаштиришга бўлган иштиёқим ортиб бораверди. Мен учун актёрлик санъати бутун бир сержило, ранг-баранг олам бўлиб, рассом ранглар сирини, бастакор товушлар сирини ўзлаштириб уларнинг гаммасидан асарига сайқал берганидек, мен

сахна талқини бўёқларини, бу бўёқларни ишлатиш санъатини астойдил ўзлаштиришга бел боғладим. Бу ният ва интилишнинг пайдо бўлишида устозим Муров таълимининг хизмати ҳам оз эмасди.

САХНА НУТҚИ

Нутқ масаласи менинг олдимда турган энг катта тоғ эди. Шунинг учун ҳам, мен рус тилида ўтиладиган дарсларга кирганда бир оз яйраб олсам, озарбайжон тилида ўтиладиган дарсларда шу предметнинг мазмуни бир ёнда қолиб, мен нуқул тил ва талаффузни кузатиб борардим.

Жумладан, риёзиёт (математика) фанидан Исмоил афанди исмли бир киши дарс берар ва унинг талаффузи озарбайжончадан фарқ этиб туриши менга қизиқ туюларди. Масалан, «Тшундингизми?» деган сўзни озарбайжончасига «Баша душдинчиз?» дейилса, Исмоил афанди негадир, «Баша душёрмисиниз?» тарзида талаффуз этарди. Бу чалкашлик мени гангитиб қўйиб, та-наффусда Сайфи қори акадан сўрасам, у киши:

— Қулоқ солиб ўтиравермайсанми, пучуқ,— деб уришиб берди.

Бироқ мен бефарқ қола олмасдим. Чунки озарбайжон тилини ўрганишга астойдил қасд қилгандим. Шунинг учун ҳам на уйда, на кўча-кўйда деярли озарбайжончадан бошқа тилда гаплашмасдим. Ҳандаса (геометрия), риёзнёт каби ўзим учун мушкул бўлган фанлардан олган баҳойим нуқул «уч» эдию, аммо дарсдан қолмасдим. Чунки ҳатто шу дарсларда ҳам мен тил ўрганардим.

«Саҳна нутқи» предмети дарс бошлаганда, менинг тил ўрганиш соҳасидаги орзу-иштиёқимни амалга оширишда кўмаклашувчи энг биринчи ёрдамчи шу эканли-

гини яхши тушундим. У пайтлар «сахна нутқи» дарси негадир фақат «нутқ техникаси» деб аталарди. Бу фандан Қирмоншоҳли деган домла дарс берарди.

Саҳна нутқи дарсининг ўтиш методикаси ҳам ҳозиргига кўра анча фарқ қиларди. Жумладан, талаффуз (орфоэпия) масаласини олганда, Қирмоншоҳли муаллимнинг ўзи жуда яхши талаффуз этарди. Шунинг учун бирор сўзни айтарди-да, шу сўзни то ўзидай аниқ, озарбайжон адабий талаффузи меъёрида ўзлаштиргунча қайтара берарди. Бирор сўз тўла ўзлаштирилгандан кейингина навбатдагисига ўтиларди.

Нафас, овоз ва дикция машқлари комплекс равишда, муайян текстлар намунасида олиб бориларди. Жумладан, Фузулийнинг:

Вафо ҳар кимсадин ким истадим, ондан жафо гўрдим,
Кими-ким бевафо дунёда гўрдим, бевафо гўрдим.

каби узун мисраларини машқ тарзида, ярим оҳанг билан айтиб, ҳар бир мисрадан кейин нафас олардик. Айни пайтнинг ўзида овознинг жаранглаб туриши, товланиши ва талаффуз аниқлигига алоҳида эътибор берардик.

Мантиқ устида фикр юритилганда: «бу алманималим, ўнунг али» яъни, бу қўл менинг қўлим, унинг қўли тарзида урғу ўрнини алмаштириб борардик. Тез айтишларни машқ қилишга ўтганда ҳам деярли шу услуб қоларди.

Бадий асар тексти устида ишлаганда, Қирмоншоҳли муаллим, қайта ҳикоя қилиб бериш масаласига алоҳида эътибор берарди. Қайта ҳикоя қилиш пайтида эса асар мазмунига нечоғлик эътибор берса, талаффуз аниқлигига ҳам шу қадар диққат жалб этарди. Хусусан, мен билан Зухур ака озарбайжонча «О» товушини талаффуз этолмай, ўзбекча «У» тарзида, озарбайжонча «У» товушини эса — ўзбекча «У» тарзида айтардик. Қирмоншоҳли муаллим эса ана шу нуқсонларни то тўлақон-

ли бартараф этмагунча такрор-такрор қайтаришга мажбур қиларди.

Қалин қошли, киприклари таранг камоннинг ўқидай, эллик ёшлар чамасидаги асли эронлик бу домламининг чеккан риёзатлари бекор кетмади. Бошқа ўртоқларим каби, менинг ҳам озарбайжонча адабий талаффузим кундан кунга яхшиланиб борди. Ҳар ҳолда, озарбайжон тилини шу қадар мукамал билишимда «Саҳна нутқи» дарси ва хусусан, Қирмоншоҳли муаллимимнинг ҳиссаси жуда катта деб ҳисоблайман. Шу дарс, шу муаллим бўлмаганда мен озар тилига хос бўлган талаффуз нафосати сирларини шу қадар била олган бўлармидим, йўқми, бир нарса дейиш қийин.

«О И Д И Н»

Ўқишнинг биринчи курси охирланиб, ёзги таътил аёмлари яқинлашган сари бизни қандайдир масъулият ҳисси қамраб борарди. Ниҳоят бир куни ана шу туйғуларнинг барчаси Сайфи қори аканинг таклифида ўз аксини топди:

— Ўзбекистонга қуруқ бораверамизми? Кимсан Бокуда ўқийди, деган номимиз бор. Бирор нарса тайёрлаб борайлик, ахир!

Сайфи қори аканинг бу таклифи ҳаммамизнинг қалбимизда ёниб турган чўғни титгандек бўлди. Қизгин баҳс бошланди. Аммо ҳеч ким бу таклифдан бош тортгани йўқ ёки унга иккиланиб, гумон билан қарагани йўқ. Аксинча, ҳамма жон-дили билан маъқуллаб, ўз таклифу мулоҳазаларини тўкиб сола бошлади. Охири битта спектакль ва битта концерт программасини тайёрлаб боришга қарор қилдик.

Масала қайси пьесани саҳналаштириш устига кел-

ганда, анча баҳсдан кейин озарбайжон драматурги Жаъфар Жабборлининг «Ойдин» номли пьесасига келиб тўхталдик.

Бу пьесада тўхталганлигимиз ҳам тасодикий бир ҳол эмасди, албатта. Гап шундаки, биз Азизбеков номидаги Озарбайжон Давлат театрининг барча спектаклларини кўриб борардик. Саҳналаштириш учун пьеса танлаганда ҳам энг аввал ана шу театрдаги постановкаларнинг яхши-ёмонлигидан келиб чиқиб баҳс юритган эдик.

Хуллас, маслаҳатимиз «Ойдин» пьесасида қарор топгач, севимли муаллимларимиздан бири бўлган «сахна нутқи» ўқитувчимиз Кирмоншоҳлининг ҳузурига югурдик. У киши мулоҳазаларимизни тинглаб, муродимизни маъқуллади. Бироқ «Ойдин» билан бир қаторда «Талабалар калаги» («Ўқувчилар ўйини») номли пьеса ҳақида ҳам ўйлаб кўришни маслаҳат берди.

Шу пайтларда бизнинг актёрлик усталиги бўйича ўқитувчимиз Сладкопевцевни Ленинградга ишга таклиф этишди. У киши кетиб қолиб, бу предметдан бизга Азизбеков театрининг бадий раҳбари Александр Александрович Туганов исмли, афтидан осетин бир киши дарс бера бошлади. Биз ниятимизни унга ҳам айтдик. Туганов ҳам фикримизни маъқуллади, бироқ саҳналаштириш учун Мольернинг «Жорж Данден» номли комедиясини таклиф этди. Анча баҳсу мунозаралардан кейин яна «Ойдин»да тўхтадик.

Пьеса Туганов раҳбарлигида икки марта ўқилгач, муаллим яна унинг аҳамиятини, гоёвий-бадий хусусиятларини тушунтириб бера бошлади.

«Ойдин» пьесасининг воқеаси 1916—17-йиллар Озарбайжонда бўлиб ўтади. Бу пайтларда Озарбайжон инглизлар таъсири остида бўлган. Пьесада эса, шу даврда маҳаллий капиталистларнинг қутуриши, улар томонидан эрини зор қақшатиб, не-не қизу жувонларнинг олиб қочирилиши ҳақида гап боради.

Пьеса ҳар томонлама роса муҳокама қилинган, Туганов асарнинг энг мураккаб эпизодларидан этюдлар тайёрлашга киришди. Ана шу этюдлар натижасига қараб бўлса керак, ролларни тақсимлай бошладим.

Мен албатта пьесанинг бош қаҳрамони Гултакин ролини ижро этишни орзу қилардим. Аммо мен биринчи курсда бўлсам, иккинчи курсда Ҳалима ва Ҳакималар бор эди. Шунга қарамай, Гултакин роли мен билан Ҳалимага топширилди. Шунингдек, йигит (Ойдин) ролини Райимберди Бобожонов исмли маҳорат жиҳатдан ҳеч кимдан бўш келмайдиган йигитга берилди. Райимберди ака чиндан ҳам бу ролга муносиб яккаю ягона киши эди, деса бўлади. Чунки унинг овози шу қадар ширин эдики, ҳаммамиз табиатнинг бундай мўъжизасидан таажжубда қолардик. Кейинча ҳам Райимберди ака Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат опера ва балет театрида солист бўлиб ишлади ва Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист деган шарафли унвонни олишга эришди. У киши машҳур хонанда Қори Ёқубовнинг барча репертуарини юксак маҳорат билан ижро этарди. Урушдан кейин эса, қандайдир сабабларга кўра санъатдан четлашиб кетдилар. Хуллас, Туганов Ойдин ролини Райимберди акага топшириб жуда тўғри иш қилган эди.

Пьесадаги қолган Сурхай ролини Саъдулла ака Жўрабоевга, Давлатбекни Сайфи қори ака Олимовга, Буюкхонимни Ҳалима ва Ҳакимага, Балахон ролини Қарим ака Ёқубовга, Наврўзбой ролини Зуҳур ака Қобитовга топширди. Қолган барча ролларни ким олдинроқ бўшаб қолишига қараб навбатма-навбат ўйнардик. Энг муҳими, ҳаммамиз репертуаримиздан ҳам, ўқитувчиларимизнинг бизнинг ташаббусимизга бўлган муносабатидан ҳам, роллар тақсимотидан ҳам мамнун эдик. Энди фақат ишлаш ва ишлаш керак эди.

Респетиция бошланди. Иккала составдаги артистлар ҳам Александр Александровичнинг кўрсатмаси билан этюд қила бошладик. Бу услуб менга жудаям хуш келди. Чунки пьесадаги қарама-қаршиликлар, тўқнашувлар, таъсирли сахналар ва воқеалар сўзсиз, импровизацион ҳаракатлар ёрдамида аниқлаб олинадилар. Уларни пластик жиҳатдан, яъни ҳаракатлар билан ҳал этиш, бадий ифодали очиб бериш эса даставвал ўзимизнинг зиммамизга тушарди. Шунинг учун ҳам спектакль устида ишлаганда этюд жараёни кўпчилигимизга, хусусан, менга жуда маъқул бўлди.

Аста-секин пьеса текстига ўта бошладик. Энди этюдларимиздагидек эркин, импровизацион чексизликда ҳаракат қилиш, фантазия тақозо этган ҳамма нарсани киритиш имконияти йўқ эди. Аммо, этюдлардан кейин, бизнинг мизансценаларимиз ҳам, сахна талқинимиз ҳам театрда кўрганимдан бошқачароқ, ўзимизга хос чиққанлигидан, улкан драматургнинг пьесасини ўз ёшимиз, савиямизда мос бўлган калит билан очаётганлигимиздан мамнун эдик.

Ўзбекистонга бориб ҳисобот бериш масъулиятини ҳис этганимиз учунми, пьесага жону дил билан киришиб кетганлигимизданми ёки санъатга бўлган чексиз меҳримиз туфайлими, ҳар ҳолда биз ўзимизни бошқачароқ сеза бошладик. Гўё қандайдир сеҳрли куч остида бизнинг шўхликларимиз қуйилиб қолгандек, ёшимиз улгайгандек туюларди. Чунки деярли барчанинг юриш-туриши, изланиши, умумий ишимизга бўлган мупосабатида қандайдир ғайри оддий жиддийлик, масъулият бор эди.

Спектаклимиз ва умуман, Ўзбекистонга бориб ҳисобот бериш ҳақидаги ташаббусимизга Бокудаги деярли барча ўзбек студентлар хайрихоҳлик билдириб, фаол иштирок этдилар. Улар орасида, ўзимиздан ташқарн,

айниқса, таниқли шоир Ғайратий билан кўзга кўринган олимларимиздан Ҳоди ака Зариповнинг жонкуярликларини алоҳида зикр этиш жоиз, албатта. Айниқса, Ғайратий домла дарсдан кейинги мустақил репетицияларимизга тез-тез келиб, Сайфи қори ака билан ёнма-ён туриб мустаҳкам интизом сақлашишини таъминлаб турарди.

Репетицияларни шахсан А. А. Тугановнинг ўзи олиб борди. Сайфи қори ака энг тажрибали саҳна кўрган санъаткор сифатида унга ассистентлик қиларди. Туганов айтган гаплар, кўрсатган камчиликлар, берган йўлланмаларни ёзиб олиб, кейин ўзимиз якка қолгач, шулар асосида қайта репетиция қилар эди.

Кўпчилигимиз «саҳна кўрган», театрлардаги «ўйин»ларни кўравериб кўзимиз «пишиб» қолган, қолаверса, ўзимиз қатор-қатор ролларни ўйнаб ташлаб, «тажриба» ортириб олган эдик. Айниқса, персонаж текстни гапирганда дабдабали руҳда сунъий декламация қилишга жуда суягимиз йўқ эди.

Бир куни, дастлабки репетициялардан бирида Гултакин сўзларини меҳр билан тайёрлаб бориб ижро этсам, А. А. Туганов: «Боже мой, боже мой» деб, бошини чангаллаганча эътироз билдиргани сира-сира эсимдан чиқмайди. «Нима бўпти экан» деб, таажжубланиб суриштираман, роса «қийқиратиб» ўйнаб юборган эканман.

— Ҳар қандай роль табиий, ҳаётдагидек бўлиши керак,— деб гап бошлади А. А. Туганов ва саҳна сунъийлиги нимаю саҳна ҳақиқати нима, ёлгондакам, оҳангбозликдан иборат декламация нимаю саҳна ҳаққонийлиги, сўз самимияти нималардан иборат эканлигини тушунтириб берди.

Мен бу гапларни том маъноси билан эндигина тушуниб етгаман, албатта. Чунки бу йиллар орасида реалистик талқин назарияси, хусусан, К. С. Станиславский номи билан аталган энг рационал система мисли кўрилмаган даражада ривожланди ва оммалашди. У пайтларда Станиславскийнинг театр соҳасидаги реалистик ижод

принциплари ва асосларини яратган буюк реформатор-лигини кўпчилик ҳали яхши билмас эди. Бизлар эса, таниқли ва ҳурматли устоз деб, фақат А. А. Туганов, Қирмоншоҳли ва В. В. Сладкопевцев каби педагоглари билардик, холос.

А. А. Туганов тушунтиришидан кейин бизнинг, хусусан, менинг олдимда янги ғовлар, янги машаққатлар гавдалана бошлади. Илгари мен овозни ингичкалатиш ёки йўғон қилиш, чеҳрани «ёритиш» ёки хафақон қилиш, гавдани ғоз тутиш ёки бўшаштириш, қўл, юз, гавда ҳаракати ва ҳолатларини ўзгартириш билан «образ» яратиб ташлашга уста эдим. Бир мен эмас, ҳаммамиз ҳам шунақа эдик. Энди бўлса, «Сен ўзинг бўлганингда нима қилардинг?» деб, А. А. Туганов Гултакиннинг ўрнига менинг ўзимни қўйиб қўйди. Гултакин пьеса бўйича заҳар ичиши керак эди. Мен заҳар ичмайман-ку, бу ёлғон-ку, деб туриб олдим. Хуллас, катта психологик тўсиқ пайдо бўлди. Бироқ ана шу тўсиқни енгиш зарур эканлигини ҳам яхшигина ҳис этардим. Айни шу ниятда жиддий изланишни давом эттирдим.

* *
*

Мен қандай қилиб бўлмасин «Ойдин»даги Гултакин бошқа биров эмас, балки менинг ўзим эканлигига, унинг саҳнадаги қисмати бировники эмас, балки ўзимники эканлигига ишонч ҳосил қилишим, психофизик (руҳий ва жисмоний) жиҳатдан шу ҳолатга ўзимни тайёрлашим керак эди.

Дарҳақиқат, Гултакин саҳнада заҳар ичиб ўлиши керак эди. Хўш, нега заҳар ичади? Заҳар ичган киши ўзини қандай ҳис этади? Заҳар ўз ишини бажараётган пайтда-чи? Жасад қабрга қўйилди, дейлик, ундан кейин-чи?

Не-не хаёллар билан қабристонга бориб қолибман. Ҳамма ёқда дўмпайган қабрлар, қабрлар... Шуларнинг

бирида Гултакин, яъни мен ҳам ётишим керак. Ҳа, дарвоқе, аям... Менинг аям ҳам қабрда... Қабрда...

Қалбимни қандайдир қарама-қарши, аммо даҳшатли туйғулар тўфони қамраб олди. Беихтиёр «Аяжон!» деб бақириб юбордим ва ўтириб олиб тўлиб-тўлиб йиғладим. Анча вақт ўтгач, дардим енгиллашгандек бўлиб чарчаб-толиб уйга қайтдим. «Демак, Гултакинимнинг тақдири ҳам шу экан-да,— деб ўйладим мен, у ҳам ўз севгилиси Ойдинни деб жонини фидо қилади. Фидо қилади-ю, ўзи қабрда... Бечора қиз...»

Гултакин образи учун самимий калит топгандек бўлдим. Қувонганимдан кечаси билан ухлолмадим. Сал кўзим юмилди дегунча, тушимда шўрлик Гултакинининг қисмати гавдалана бошлади. Не-не азобу уқубат билан тезроқ репетиция қилиш иштиёқи билан тонг оттирдим.

Одатда репетицияларимиз асосий дарслардан кейин бўлганлиги учун, дарс қулоғимга кирдим-йўқми билмайман. Мен репетицияни кута бошладим. Ниҳоят, ориқиб кутилган соат ҳам етиб келди. Мен саҳнага отилдим. Бутун борлигимни тўкиб ташладим. Репетиция кутганимдан ҳам аъло чиқди. Ўзим ҳам роса яйрадим, маза қилдим...

А. А. Туганов узоқ жим қолди. Ўйланди. Кейин бошини сарак-сарак қилиб, «шунча меҳнатинг зое кетибди-да» дегандек «ай гыз, ай гыз» деб қўйди. Шундан сўнг мен «ихтиро» этган, аммо ўзим учун эндигина аён бўлаётган яна бир асрорни оча бошлади.

— Сен, Нази,— деди Александр Алёксандрович,— образни эмас, образга нисбатан муносабатни, гражданик муносабатингни билдирыпсан, холос.

— Ахир, Гултакин шўрлик Ойдинни деб заҳар ичиб қурбон бўляпти-ку. Раҳим келди-да,— дедим мен.

— Тўғри,— деди А. А. Туганов,— сен Гултакинга бўлган ўз раҳмингни ўйнаяпсан. Шунинг учун ҳам ҳамма ёқни кўз ёшига тўлдириб юбординг.

Кейин, Гултакин бунчалик йиғлоқи, ожиз қиз эмаслигини, ожиз кишилар заҳар ича олмаслигини айтди. Муаллимнинг айтишича, Гултакин ўз замонасининг бойлари ва миллионерлари чангалидан қутулишнинг бошқа иложини топа олмаганлиги учун, уларга қарши исён кўтарганлиги, нафрати ва мард бўлганлиги учун заҳар ичганлигини, унинг заҳар ичиши ўзига хос кескин кураш формаси эканлигини тушунтирди.

— Сен ҳозир натижани, унинг фақат ўлимга маҳкум бир ожиза эканлигини ўйнаяпсан. Бу тубдан нотўғри,— деди А. А. Туганов.

Устод берган кўрсатмага кўра, Гултакин ҳар саҳнада бошқа-бошқа ҳолатда бўлиши, унинг ҳар саҳнадаги вазифаси бошқача бўлиши керак эди. Гултакин бир саҳнада ўз севгилисини ҳимоя қилиб, пок муҳаббатини асраб қолишга уринса, бошқа бир саҳнада атроф муҳитидаги душманларга қарши курашар ва воқеалар ривожланган сари унинг вазифаси ўзгариб борарди.

Биз анча тушунгандек бўлдик. Сайфи қори ака ҳамма гапларни ёзиб олдилар. Домла чиқиб кетгач, яна ўзимиз ишга шўнғиб кетдик. Яна изланиш, яна интилиш.

ҚИЗГИН АЙЕМ

«Ойдин» пьесаси устидаги иш силжиб кетгач, Александр Александрович «Жорж Данден» ни қўлга олди. «Ойдин» устидаги ишни Кирмоншоҳли муаллим давом эттирди.

«Жорж Данден» устидаги иш жуда тез йўлга тушиб кетди. Чунки, биринчидан, қарийб барчамиз режиссёримизнинг «тили»га тушуниб олган бўлсак, иккинчидан, озми-кўпми, ҳар ҳолда роль устида ишлаш тажрибаси пайдо бўлиб қолган эди.

Шахсан ўзимни оладиган бўлсак, бу пьесада мен ўзимга тенгдош бўлган эркатой, тантиқ бир қиз ролини

ўйнардим. Унинг европалик персонаж эканлиги менга жуда-жуда қўл келди. Чунки менга европаликни ўйнаш анча осон эди. Хуллас, бу пьеса устидаги иш ҳаммамиз учун жўн бўлди.

Айни пайтнинг ўзида учинчи спектакль — «Талабалар калаги» устида ҳам иш бошлаб юбордик. Ростини айтганда, бу пьеса ҳаммамиз учун жуда яқин, ҳаммамизнинг жони дилимиз эди. Чунки бу пьесада деярли ҳаммамиз ўз ёшимиздаги ўқувчилар, деярли маслакдошларимизни ўйнардик. Пьесадаги барча воқеа, тўқнашув ва характерлар биз учун жудаям яқин, қадрдон эди. Шу боисдан бўлса керак, бу пьеса устидаги иш шунақа тез ва равои кетдики, ҳар бир репетиция биз учун иш эмас, бутун бир роҳат, эстетик лаззат, тинимсиз импровизацион ижод жараёни эди, десам муболаға бўлмас.

Бунга ҳам қаноат қилмай, Кирмоншоҳли муаллим раҳбарлигида «Аршин мол-олон»ни ҳам олдик. Бу машҳур музикали драма ўша пайтлардаёқ шу қадар кенг оммалашган эдики, ундаги арияларни кишилар кўча-кўйларда ҳам айтиб юарди. Шунинг учун, арияларни тезда ўрганиб олдик. Ўзбекистонга келган чоғимизда эса, ашула қуйларини яхши билганлигимиз учун, музикасиз ўйнаган чоғларимиз ҳам бўлди.

Бу пьесадаги роллар қуйидагича тақсимланди: Гулчеҳра — Ҳалима Носирова, Асқар — Райимберди Бобо-жонов, Сулаймон — Саъдулла Жўрабоев, Ота — Карим Ёқубов, Осиё — мен, Вали — Зухур Қобилов, хола — Ҳакима Хўжаева, хизматкор яна мен.

Ижодий кучларимиз яхшилиги, айниқса, Гулчеҳра, Асқар, Сулаймон образлари ижрочиларнинг маҳорати туфайли спектаклимиз яхши чиқди. Биз бу томошани суфлёрсиз, яйраб-ййраб ўйнадик.

Хуллас, роса қизғин иш бошланиб кетди. Эрталабдан дарс, дарсдан кейин навбатма-навбат «Жорж Дан-ден», «Талабалар калаги» ва «Аршин мол-олон» спектакл-

ларининг параллел репетицияси олиб борилди. Шундай кунлар ҳам бўлардики, репетиция ярим тунгача чўзиларди. Халқ таъбири билан айтганда, бош қашигани ҳам вақт етишмасди.

Бизнинг Ўзбекистон «ҳисоботига» бу қадар қизгин тайёргарлик кўришимизнинг яна бир бошқа ижодий босиси ҳам бор эди. Гап шундаки, Москва Ўзбек театр студиясида ҳам ёш ўзбек актёрлари таҳсил кўраётган эди. Биз у ерда кимлар таълим олаётганини билмасдик. Битта-иккитасининг номини эшитган, гоҳиларининг ўзини кўрган бўлсак ҳам, аммо бутун группанинг кучини билмасдик. Иккинчи ёқдан, улар биздан олдинроқ кетган ва студияни битириш арафасида эдилар. Биз аниқ билардикки, улар тайёр спектакллар билан келишлари муқаррар эди. Шунинг учун ҳам зимдан ижодий мусобақа борарди, ҳисоби.

Айниқса, биз қизлар ўлгудек куюнчак эдик. Бир ёқдан «Москвадаги қизлар қандай экан-а», деб орзу қилсак, иккинчи ёқдан, нима бўлсаям улардан устун келиш, ҳар ҳолда улардан қолиб кетмасликка тиришардик.

Спектакллар билан бир қаторда концерт программасини тузишга ҳам қарор қилдик. Умуман айтганда, бу жуда оқилона қарор эди, чунки кучимиз етиб ортарди.

Концертда асосан учта чолғучимиз бор эди. Улардан, Райимберди ака — тор, Саъдулла ака — пианино, Қаримберди ака — доира чалардилар. Шунга қарамай, ана шу трионинг музыкали сайқали ҳам ёмон эмасди. Тўғрироғи, чолғучиларнинг ўз даври, шароити ва вазияти учун юксак бўлган маҳорати туфайли концертимизнинг мусиқавий қисми яхшигина савияда эди.

Нимаики бўлмасин, ишимиз жуда қизгин борарди. Энг муҳими, эришган ютуқларимиз ҳам фақат ўзимизнигина эмас, балки ўқитувчиларимизни ҳам қаноатлантирарди. Меҳнат ва изланишларимиз зое кетмаганлиги-

ни ва орзуларимиз амалга ошаётганлигини билганимиз учун бўлса керак, биз деярли кечаю кундуз фақат ана шу спектаклларимиз ва гастроль-ҳисобот репертуаримиз ҳақида ўйлардик.

ОНА ЮРТГА ҲИСОБОТ

1927 йилнинг июнь ойи охирларида она тупроқ — Ўзбекистон сари не-не орзу-қувончлар билан йўл олдик. Фахрланса арзигулик совғамиз ҳам бор эди. Чунки, репертуаримизда бутун бошли бешта спектакль! Ўша даврнинг талаби ва бизнинг ёшимиз нуқтаи назаридан қараганда совғаларимизнинг сонигина эмас, сифати ҳам ёмон эмасди.

Биз Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги пойтахти Самарқандга келиб тушдик. Москва студияси ҳам битириб келган экан. Улар Маннон Уйгур, Етим Бобожонов, Со-ра Эшонтўраева, Аброр Ҳидоятов, Тошхон Султонова, Турсуной Саидазимова, Замира Ҳидоятова, Лутфулла Назруллаев, Шариф Қаюмов, Саъдихон Табибуллаев, Ҳожи Сиддиқ Исломов, Ҳикмат Латипов ва бошқалардан иборат эди. Москва студиячиларининг репертуарида «Ревизор», «Ерқиной» каби спектакллар бор эди.

Самарқандда республика халқ маорифи бизни жуда яхши кутиб олди. Эски шаҳардаги бир масжидда Москва студиячилари туришар экан, бизга ҳам ўша ердан жой беришди. Шундай қилиб, кўришни озру қилиб юрган «москваликлар» билан жуда яқиндан таниша бошладик.

Ижодий танишув айёми ҳам етиб келди. Биз биргаликда концерт беришимиз керак бўлиб қолди. Концерта Етим ака Бобожонов билан Сайфи қори ака раҳбарлик қиларди.

Концертда биринчи бўлиб «Сайдинг қўябер, сайёд» хори айтилди. Ашуланинг яккахонлик жойларини Турсуной айтиб, нақаротига ҳаммамиз жўр бўлдик.

Турсуной Саидазимова жуда шўх ва табиатан нозик эди. У шу қадар жарангдор, беқийс, ёқимли овозга эга эдики, ҳар қандай кишини мафтун эта олишини ўзи ҳам яхши биларди. Шунинг учун хоҳлаган ижодий мақсадига эришар, истаган фироғини қиларди.

Хор тугади. Шундан кейин бизнинг «Ой, бари бох» ашуламиз навбати эди. Ашуланинг бир бандини мен, бир бандини Ҳалима айтарди. Нақаротида эса ҳамма жўр бўларди. Ашуламиз жудаям зўр чиқди. Бунинг сабаби бир томондан, Ҳалима овозининг жозибаси эди, иккинчи томондан, «Қора кўздап ёш келар» каби мисраларни айтганда, тўла ҳолатга кириб айтганимдан бўлса керак.

Бу концертда «бокуликлар» қўли анча устун келди. Бунинг сабаби шундаки, «москваликлар» асосан драматик пландаги артистлар эди ва Турсунойдан бўлак «пичоққа илинарли» ашулачилар йўқ эди. Бизда эса Ҳалима, Ҳакима, Райимберди ака каби ажойиб хонанда, булбулларимиз, Зухур ака, Саъдулла ака каби юмористларимиз бор эди. Қолаверса, мен ҳам ўзимнинг кичкинагина овозим, кичкинагина имкониятим билан концертга унча-мунча мадад бериб турардим.

Муваффақиятимизнинг иккинчи сирини бизнинг ташкилий тартибимиз мустаҳкамлигида эди. Шунини айтиш кифояки, бизнинг бирортамыз Сайфни қорини аканинг чизигидан сира чиқмасдик, ҳеч биримиз фироқ қилишга, раҳбаримиз раёини қайтаришга, ўзбошимчаликка журъат этолмасдик. Тўғрироғи, бундай хаёлга ҳам бормасдик. Бунинг устига ҳаммамиз бир хилда озарбайжонча кийинган эдик. Концертда либосимизнинг эстетик жозибадорлиги ҳам катта таъсир кучига эга эди. Ниҳоят, озарбайжонча ашулаларни соф озарбайжон тилида айтганимиз нур устига нур бўлиб ёғиларди. Ана

шу ва яна бир қатор сабаблар туфайли зимдан ўтган бу ижодий мусобақада биз шаксиз ғалабани қўлга киритдик. Бу жуда катта руҳий зафар эди.

«ОЙДИН» САҲНАДА

Спектакль кўрсатиш навбати ҳам бизга етиб келди. Сайфи қори ака бошлиқ бизнинг коллективимиз томошаларни «Ойдин» спектаклидан бошлашга қарор қилди.

Олдимизда турган масъулият жуда катта эди. Чунки бир ёқдан, талабчан томошабиларимиз имтиҳонидан ўтиш бўлса, иккинчидан, спектакллар аро ҳам ижодий мусобақа бор эди. Агар Москва студиячиларининг олган таълими профессионал мукаммал эканлиги ҳисобга олинса, бизнинг ҳаяжонимиз анча тушунарли бўлиб қолади.

Булардан ташқари бизнинг масъулиятимизни оширувчи яна бир боис бор эдики, бу барча ташвиш ва ҳаяжонларимизнинг сарчашмаси эди. Гап шундаки, Маннон Уйғур билан Етим Бобожонов каби ёш, аммо истеъдодли режиссёрларимизнинг ҳурмати ва обрўйи чексиз эди. Ҳатто биз «бокуликлар» ҳам бир-икки учрашувдан кейиноқ уларни бошимизга кўтарадиган, ҳурматларини отамиздан ҳам зиёдароқ бажо келтирадиган бўлиб қолдик. Ана шу ёш, аммо биз учун юксак идеал бўлган устозлар имтиҳонидан ўтиш масъулияти ҳаммадан ҳам устунроқ эди.

Спектаклни биринчи дафъа Самарқанд саҳнасига чиқаришдан олдин бир оз ички маслаҳатлар ҳам бўлиб ўтди. Гултакинни бир марта мен, бир марта Ҳалима ўйнашимиз лозим эди. Шунга кўра Самарқанд ва Тошкентда бош ролни мен, Қўқон, Марғилон ва Андижонда Ҳалима ўйнайдиган бўлди. Қарорни бир жойга қўйгач,

спектаклга руҳан ва машқлар орқали тайёргарлик кўра бошладик.

Спектакль Самарқанд шаҳар маданият боғига жойлашган ёзги театрда ўйналиши керак эди. Бу спектакль деярли декорациясиз ва костюм-гримсиз ўйналарди. Фақатгина, қизлар озарбайжонча қалоғай рўмол ўраб олардик. Бу «Ойдин» пьесасидаги воқеаларнинг озарбайжон ҳаётидан эканлигини англатувчи бирдан-бир ташқи деталь эди. Декорация ўрнига эса энг зарурий бўлган стол, стул тўсиқчиларни ишлатиб, қолган барча декоратив ашёларни жисмоний ҳаракат ва муносабатлар орқали худди бордай қилиб, асослаб кетардик.

Томоша бошланди. Зухур ака, мен, Ҳалима ва Ҳакималарнинг ҳаяжонимиз оламга сиғмасди. Сайфи қори ака ҳам ҳар картинадан кейин кулисга келиб, «қани, ҳа, «бокуликлар» юзини ерга қаратмаслик керак» деб огоҳлантириб кетардилар. Аммо Райимберди ака, Саъдулла ака ва Қарим акалар жуда хотиржам ва босиқ эди.

Бу спектакль давомида роса тиришдик. Ўзимизнинг бор «маҳоратимиз», бор санъатимизни тўкиб солишга ва Оға билан Етим аканинг сал бўлса ҳам назари эътиборига нойил бўлиш учун курашдик.

Назаримда, спектакль ёмон чиқмади. Чунки залдан гулдурос қарсақлар тинмай янграб турди. Ҳатто пардалар аро антракт пайтида кучли қарсақлар бўлар ва ҳаммамизни парда олдига чиқишга мажбур қилишарди. Томошабинлар бирлашиб «О-ли-мов!» деб баравар ҳайқаришар ва Сайфи қори акани таъзимга чиқиш учун мажбур қилишарди. Чунки афишаларда «Боку группасининг раҳбари Сайфи қори Олимий» деб ёзилган эди. Аслида ҳам Сайфи қори ака чинакамига бизнинг раҳбаримиз эди.

«Ойдин» нинг премьераси ана шу тахлитда, жуда катта муваффақият билан ўтди. Томошадан кейин Оға билан Етим ака бошлиқ «москваликлар» ҳамда маҳал-

лий партия ва совет раҳбарлари чиқиб қизғин табриклади. Биз учун, Сайфи қори ака учун ҳам, хусусан, Оға билан Етим аканинг фикрлари мўътабар эди.

Оға билан Етим ака холисандилло фикр билдиришга қодир кишилар эди. Шунинг учун ҳам бу муҳтарам устодларнинг таптанали олқишларига кўра талқинимиз ҳақида таҳлил ва муносабатларига кўпроқ мунтазир эдик. Шунинг учун ҳам ётоқхонага етиб келгандан кейин Оға билан Етим аканинг биз билан суҳбат қурмоқчи эканликларини эшитиб ҳам беҳад қувондик, ҳам яна ҳаяжонга туша бошладик.

Оға суҳбат бошидаёқ:

— «Ойдин» менга жуда ёқди. Ҳеч қандай ёлғони йўқ, яхши,— деди қисқа ва лўнда қилиб.

Рости гап, бизга бундан юксакроқ олқишнинг ҳожати йўқ эди. Чунки Оғанинг ўз огизларидан «ёлғони йўқ» деган гапни эшитиш, ўша пайтда ҳар бир манман деган санъаткор учун ҳам энг катта баҳо эди. Биз эса устознинг ана шу юксак иноятларига сазовор бўлганимиздан теримизга сигмасдик.

Спектаклни костюм, грим, декорациясиз ўйнаганимиз учун жуда хавфсираб юрардик. Шу мулоҳазамизни Оғага ҳам айтдик.

— Ҳақиқий актёр ролни костюм-гримсиз ҳам пишииб, тўлақонли образ даражасига етказиб қўяди,— деди Оға,— образ чинакамига қиёмига етгандан кейин эса, томошабин уни тушуниб олаберади.

Шундан кейин Оға, бизнинг спектаклда ҳам костюм-грим йўқлигига қарамай ҳамма нарсани аниқ-равшан етиб келганлигини айтиб кўнглимизни кўтарди.

Мана, Оғанинг гаплари ўша пайтда оддий бир таскиндек туюлган бўлса ҳам, эндиликда оддий суҳбатда айтилган ана шу гапларнинг кони ҳақиқат эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдим. Чунки бир умрлик тажрибам кўрсатиб турганидек, ҳар бир актёр ўз қаҳрамони сиймосини репетиция жараёнида, либос ва гримсиз мукам-

мал гавдалантириб олиши, унинг ички оламини, психологик дунёсини етук шакллантириб олиши зарур. Ана шундагина либос, грим ва бошқа зарур компонентлар образнинг ташқи тасвирий-томошавий жиҳатдан тўлдиришга хизмат қилади. Акс ҳолда, башанг кийиниб, бопплаб грим қилинса-ю, образнинг ички олами, унинг психофизик ҳолати бўш, қуп-қуруқ бўлса, бундай талқин ҳеч қандай эстетик-бадий қимматга эга бўлмайди.

Спектакль таҳлили жараёнида устозлар йўл қўйилган нуқсонларга ҳам тўхталиб ўтдилар. Жумладан, таржима масаласи уларни қониқтирмади. Биз бу фикрга тўла қўшилдик. Чунки пьеса профессионал таржимон томонидан эмас, балки ўзимиз томонимиздан, яъни оддийгина ҳаваскор санъат мухлислари қўли билан таржима қилинган эди. Шунинг учун ҳам, устозларнинг бу ҳақдаги барча эътироз ва талқидлари жуда ўринли эди.

Оға бир маҳал:

— Хўш, юпқа лаб малак,— деб менга мурожаат қилиб қолди. У киши мени деярли ҳар доим шундай деб атарди.— Қани айтинг-чи, сиз талқин этган Гултакин тақиб олган исирға, тақинчоқлар тўғрими?

— Қайдам,— дедим мен иккиланиб. Дарҳақиқат, битта мен эмас, спектаклда қатнашувчи ҳамма қизлар роса тақинчоқларни осиб олган эдик. Репетиция пайтларида эса бу нарсалар йўқ эди.

— Нега энди билмайсиз?— деди Оға.— Гултакин қандай қиз?

— Камбағал бир қиз,— дедим мен.

— Хўш, камбағал ҳам дейлик. Унинг мақсади нима?

— Қизнинг мақсади, қандай қилиб бўлмасин ўз севгилиси ва умр йўлдоши бўлган Ойдинин рақиблар панжасидан сақлаб қолиш,— дедим мен.

— Баракалла,— деди Оға,— демак, Гултакин бир томондан, камбағал бўлса, иккинчи ёқдан Ойдин учун курашса, унда шу қадар тақинчоқ нима қилсин?

Агар мантиқ измидан бориладиган бўлса, Гултакининг бармоғида жез узук ҳам бўлмаслиги керак. Чунки Гултакиндай садоқатли қиз ана шу жез узугини ҳам сотиб, сил касал Ойдинга бир бурда нон ва дори-дармон олиб берган бўларди. Сиз ўйнаган ролда эса, образнинг психологик ҳолати билан ташқи қиёфасида, яъни образнинг мазмуни билан шакли ўртасида ана шу қарама-қаршилик бор.

Оғанинг эътирозлари ва келтирган далиллари биз учун жуда инобатли эди. Шундан кейин, фақат қизлар эмас, балки ҳаммамиз, фақат шу спектаклда эмас, балки барча спектаклларда масаланинг бу томонларига, яъни мазмун билан шаклнинг мантиқий узвийлигига ҳам жиддий эътибор берадиган бўлдик.

Умуман, спектакль ҳақида эса Оға ҳам, Етим ака ҳам чинакамига жудаям ижобий фикрда эди. Буни шу билан ҳам тасдиқлаш мумкинки, Оға кейинчалик шу пьесани профессионал таржима қилдириб, 1928 йилда Ҳамза номли Ўзбек Давлат Академик драма театрининг асосчилари билан саҳналаштирди. Ана шу профессионал постановкада Гултакин ролини Ҳалима Носирова ўйнаган эди.

Нимаики бўлмасин, биринчи спектаклимиз тантана билан ўтди. Ҳатто Халқ Маорифи Комиссариатининг барча ходимлари шахсан чиқиб, бпрма-бир табриклаб чиқди. Бу шунчаки табрик эмас, чинакам ижодий меҳнат зафарининг маҳсули эди.

Шундай қилиб, ҳисобот-гастролларимиз бошланиб кетди. Биз Самарқанд шаҳри ва атрофи бўйлаб санъатимизни намойиш эта бошладик. Бир ҳафтача муддат давомида репертуаримиздаги ҳамма бойлигимизни томошабин синовидан ўтказиб олдик. Энди барча спектакль ва концертларимизни олиб, республика бўйлаб улкан турне сафарига йўл олишимиз керак эди. Бизнинг гастролларимиз маршрутида Тошкент шаҳри ва Фарғона водийсининг барча марказий шаҳарлари бор эди.

Тошкентга етиб келгунча Сайфи қори акага ялиниб-ёлвориб келдик. Ниҳоят, йиглаб-сиқтаб тўрт кунгина ҳордиқ чиқариш, қариндош-уруғлар билан кўришиш учун рухсат олдик. Ўша кун қизлар бизникида қолди.

Фурсатдан фойдаланиб, меҳрибон оиламиз қучоғида роса мириқиб олдик.

Ойдин кечада юлдузларни санаб, Бокун эсладик, унинг гўзал манзараси, «Қиз қалъаси» деган қадимий ёдгорлиги, денгизнинг муаттар ҳиди, кишининг баҳридилини очадиган сибоси ва ёру дўстларимиз ёдимизга тушиб, хаёлга чўмдик... Шу кўйи ҳолдан тойиб уйқуга кетибмиз.

Эрталаб, ёнғоқ шохлари оралаб санчилиб турган қуёш нурлари уйготди. Апил-тапил ювиниб, репетицияга кечикмаслик учун трамвайга шошиб, Шайхантоҳурга йўл олдик.

«Роҳат» боғчаси чинакамига ажойиб боғча эди. Ундаги соя-салқин хиёбонлар, не-не анвойи гуллар, раста-раста сабзалар бу боғчанинг номига жудаям мос қиёфа бағишларди. Биз репетиция қилишимиз лозим бўлган ёзги театр ана шу сўлим манзилга жойлашган эди.

Бизнинг ижодий ишимиз, келажак истиқболимиз тўғрисида кўп ажойиб кишилар қайғуларди. Бунинг мутасаддиси Союз Рабиснинг раиси Ҳамидулла ака деган киши яқиндан ёрдам берган эди. У киши СССР халқ артисти Шукр Бурҳоновнинг амакиси бўлган.

Репетиция бошланди. Айниқса, бизларнинг кечаси роль қайтарганимиз ўз натижасини кўрсатди. Чунки репетициямиз аъло даражада ўтди. Бироқ биринчи кун спектакль эмас, концерт кўрсатишимиз керак экан. Концерт программасининг қайтариғи ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Шунинг учун ҳам, Сайфи қори ака:

— Қани энди, кечқурун ҳам шундай ўтса эди,— деди. Ҳалима:

— Нима, бизни нок деб ўйлайсизми? Қойил қиламиз!
— деб жавоб қилди.

Ҳаммамизнинг руҳимиз бардам, вақтимиз чоғ, учта-тўрттадан таклиф билетини ушлаганча уй-уйимизга тарқалдик. Сайфи қори ака бўлса яна ташкилий ишларни охиригача етказиш учун йўлга равона бўлди.

МУСТАҚИЛ КОНЦЕРТ

Бу дафъа концертимиз ҳақида босма афишалар чиқди. Илгари барча афиша ва эълонларни Сайфи қори ака қўл билан ёзарди. Чунки Қори аканинг ҳусни хати бағоят чиройли эди.

Боқу таълими ва Сайфи қори аканинг қаттиққўл ва талабчанлиги туфайли биз концерт ва спектакллардан олдин ҳам, кейин ҳам томошабинга кўринмаслигимиз керак эди. Менимча, бу жуда тўғри. Театр этикаси ҳам ана шунини тақозо этади. Агар томошадан олдин ҳам, кейин ҳам артист ўз шинавандалари олдида ҳуда-беҳуда кўринаверса сахна асарининг путури кетади. Шунинг учун ҳам бир томондан, биз Қори акани қаттиққўлликда нечоғлик айбламайлик, у кишининг тутган йўли тўғри эди. Ана шу одатимизга кўра, биз кечки концертга анча вақтлик келиб, театрга кириб олдик.

Аниқланишича, билетлар талаш бўлиб кетибди. Шунинг учун ҳам Қори ака не-не ҳаяжон билан, ишқилиб яхши ўтказиб берсанглар бўлгани, деб ўзини қўйишга жой тополмай юрарди.

Ростини айтганда, концерт программамизнинг ташвишланидиган жойи йўқ эди. Чунки битта Ҳалима билан Райимберди аканинг ўзиёқ бир соатдан кўпроқ ҳаммани мафтун этиб туришлари муқаррар эди. Унинг устига мен, Ҳакима каби кучлар, Саъдулла ака ва Зухур ака каби ажойиб кулдиргич конференсье ва интермедиячиларимиз бор эди.

Вақт етди. Сайфи қори ака бизларни «Панжарадан тош келар» хорини айтиш учун саҳнага қаторлаштириб қўйдилар-да, парда олдида томошабинларнинг ҳузурига чиқдилар. Узундан узоқ овация овозлари янгради. Ниҳоят Қори аканинг овозлари эшитилди.

— Азиз меҳмонлар, ҳурматли томошабинлар,— деб гап бошлади Қори ака,— бугун, сизларнинг ҳузурингизда ўзбек совет санъатининг ҳозирча энг кенжа авлоди, аммо истиқболи порлоқ намояндалари ўз санъатларини намоёйиш этмоқчилар.

Шундан сўнг Қори ака бизнинг Бокуда таҳсил олаётганлигимиз, ўзбек халқи ва ўзбек санъати шаънини ерга урмаётганлигимиз, аксинча, ҳамма ерда «Ўзбек халқининг намояндалари» деган фахрли номни юксак тутаётганимиз, бу ерга келишдан олдин, республикамизнинг пойтахти бўлган Самарқанд шаҳрида ва районларида бир ҳафта давомида ҳисобот бериб келаётганимиз ҳақида гапирди. Ниҳоят:

— Боку Давлат Турк техникумида таҳсил кўраётган санъат бўстониининг булбулларига навбатни берамиз!— деб, давомли қарсақлар остида биринчи номеримиз — хорни эълон қилди.

Хор шу қадар қайноқ эҳтирос ва гулдурос қарсақлар билан кутиб олиндики, биз довдираб қолдик. Чунки репертуаримизда бошқа хоримиз йўқ эди. Шунинг учун мен, Ҳалима ва Ҳакима «Доғистон тоғли ердир» деган ашулани унисон-трио бўлиб, улаб кетдик. Шундан сўнг концерт программаси» бирин-кетин жўнашиб кетди.

Навбат Ҳалима билан Райимберди акага келгандаги манзарани тасвирлаш қийин. Бутун томоша зали оёққа туриб, энг яхши маънода бор ҳиссиёт ва меҳр-муҳаббатини тўкиб ташлади. Томошабинларнинг қарсағи ва олқишларидан чиққан ҳайқиреқ кўкка чирмашди. Иккала хушовоз хонанда ҳам роса яйраб ашула айтиб олдилар. Концерт тугади, аммо халойиқ тарқалмади. Ҳамма бизнинг йўлимизни кутарди. Биз эса одатимизга кўра, то

томошабинлар тарқалгунча чиқмаслигимиз керак эди. Роса кутдик. Ниҳоят, чиқишдан бошқа илож қолмади. Миннатдор томошабинлар кўчанинг икки чеккасида эҳтиром билан саф тортиб турардилар. Биз денгиз бағрини тилиб, икки ёнида оппоқ кўпикли девор ҳосил қилиб, олға интилган кема каби, аста-секин юриб кетдик.

Халқ орасидан ўтиб боряпмизу, қулоғимизга турли луқмалар эшитилади. Кимдир «барака топ-е», деса бошқа биров «ана унгла қаранглар, сочи роса узун экан», деб менга шама қиларди. Ҳалима билан Райимберди ака тўғрисида эса булбулга ўхшайди-я, қандингни ур, қабилдаги гаплар эшитиларди. Айримлари, «раҳмат болаларим, камол топинглар», деб қўлини юзига олиб бориб, кўпчилик ичида фотиҳа қиларди. Шу кўйи, то трамвайга чиқиб олгунча дуою олқишларга кўмилиб бордик.

Концертимизнинг бу қадар муваффақиятли ўтганлигидан биз беҳад қувонардик. Кейин билсак, Сайфи қори ака ҳам атайлаб концерт программасини биринчи бўлиб намоиш этган экан. Чунки шу концертдан кейин бизнинг довруғимиз бутун шаҳарга ёйилиб кетди ва навбатдаги томошаларимизга билетлар қисқа муддат ичида сотиб бўлинди. Бу эса бизнинг барчамизга ижодий қанот ва рағбат бағишлаши муқаррар эди. Ана шу ҳам руҳий, ҳам ижодий, ҳам моддий тантанага эришиш жараёнида эса Сайфи қори аканинг тадбиркорлиги, ташкilotчилик маҳорати ўзини яна бир карра намоиш этди.

АСРАГАН КЎЗГА...

Концертимиз фақат оддий томошабинларга эмас, балки раҳбар ходимларга, илғор интеллегенцияга ҳам манзур бўлди. Айниқса, драматург Зиё Саид, шоир Элбек, машҳур ўқитувчи Наим Саидийлар концерт программаси ҳақида жуда мароқ билан ўз миннатдорчиликларини бил-

дирдилар. Шунинг учун навбатдаги спектаклимизга ҳам кўплаб танқидчилар, шу даврнинг илғор интеллигенцияси ташириф буюришини ҳис этардик.

Шундай қилиб, эртаси куни, ана шу «Роҳат» боғчасининг ўзида «Ойдин» намоиш этиладиган бўлди. Келишувга биноан бош қаҳрамон Гултакин ролини ўйнаш навбаги меники эди.

Спектаклдан олдин, томошабин ҳузурига чиқиб Ҳоди ака мухтасаргина, аммо ғоят ҳароратли ва жозибадор нутқ сўзлади. У киши Озарбайжонда қанча толиби илмлар таҳсил олаётганлиги, уларнинг шароити, порлоқ истиқболи, халқ олдидаги бурчи ҳақида сўйладилар. Ниҳоят:

— Ана шу заҳматкаш талаба ва толибалардан бир гуруҳи, яъни Боку Давлат Турк театр техникумининг толиби илмлари бугун сизнинг ҳузурингизда дастлабки ютуқлари ҳақида ҳисобот беришга шайланиб турибдилар. Улар келажакда санъаткор деган юксак унвонга мушарраф бўлиш учун Қизилқум ва Қорақум чўллари жазирамасига дош бериб, Ҳазар денгизи тўлқинларини тилиб, гўзал Бокудаги устозларининг билимларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Ҳозир ана шу ёш санъат шайдолари ижросида Озарбайжон халқининг улкан драматурги Жаъфар Жабборлининг «Ойдин» номли драмасини томоша қиласиз,— деб гапларини тугатдилар.

Ҳоди ака кириб келгач, Сайфи қори ака чиқиб спектаклда қатнашувчилар билан таништира бошладилар. Кўпчилик томошабинлар концерт пайтида ҳар бир артистни эслаб қолган экан. Ҳар биримизнинг исм-фамилиямиз айтилганда давомли қарсақлар янграб турди.

Спектакль бошланди. Мен биринчи картинани анча хотиржам ўйнадим. Бироқ энг сеvimли сахна—заҳар ичиш кўринишига келганда ишнинг пачавасини чиқардим.

Мен бу сахнани бениҳоя яхши кўрардим. Шунинг учун спектакль ўйналганда ана шу сахна келишини оризиқиш билан кутиб, унда роса яйраб олардим. Бу ҳол

бежиз эмасди, албатта. Чунки, менимча, ана шу саҳнада Гултакин образи ўзининг олий нуқтасига эришарди. Бунгача эса, у ўз севгилисини ажал ва рақиблар қўлидан қутқариб қолишга интилар, уриниб кўрар, курашар, ниҳоят жамиятдаги реакцион кучларга бас келолмаслигини англагач, ўз ўлими билан исён кўтаришга қарор қиларди. Унинг ўлими оддий, ожизона ўлим эмас, балки ҳаётбахш ўлим, унинг ҳалокати ўша ижтимоий тузумга нисбатан қатъий норозилик ва чексиз қаҳр-ғазабнинг рамзи, адолатсизликка қарши исён эди. Шунинг учун ҳам мен — Гултакин ана шу саҳнада бор дарди дилимни тўкиб ташлардим.

Самарқандда намоиш этганимизда, Оға ана шу саҳнада ортиқча ҳаракатлар, сунъийлик борлигини айтиб, эҳтиёт бўлиш лозимлигини уқтирган эди. Балки шу сабабданми, ҳар ҳолда, ўз-ўзимни тергаб туришим ҳаддан ташқари бўлганлигиданми, бу спектаклда сунъийлик ошиб кетди. Энг севимли саҳнамни ўйнаганлигим ўзимга сира-сира ёқмади. Аяган кўзга чўп тушар, деганларидек, келиб-келиб ана шу энг кучли, аммо финал саҳнамни ёмон ўйнаганлигимдан кайфиятим жуда бузилди. Аммо мендаги бу ижодий нсрозилик туйғуси томошабинларга дахлсиз эди. Чунки улар пьесадаги воқеалар гирдобига киришиб кетганлигидан, менинг нечоғлик қониқарсиз ўйнаганлигимни ўзимчалик билмас эдилар. Шунинг учун ҳам қарсақлар узлуксиз эшитилиб турди.

Спектаклимиз, умуман олганда, яхши ўтди. Бунинг бир қатор сабаблари ҳам йўқ эмас, албатта. Улар орасида, энг муҳими эса, ўзбек халқининг озарбайжон санъати ва маданиятига бўлган чексиз эҳтиромидир.

Маълумки, 1916 йил Ўзбекистонга машҳур санъаткор Сидқи Рухулло раҳбарлигидаги Озарбайжон труппаси гастролга келган ва «Лайли ва Мажнун», «Асли ва Карам», «Аршин мол-олон», «У ўлмаса, бу бўлсун» каби музыкали драма ва комедияларни кўрсатиб, томошабинларнинг чексиз эҳтироми ва олқишига сазовор бўлган.

Айниқса, Ҳусайн Қули Сарабский, Сидқи Рухулло каби улкан артистларнинг ижрочилиқ санъати Ўзбекистонда машҳур бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам, ана шу юксак маданиятли халқнинг санъатига кўпроқ муштоқ бўлиб юрган ўзбек санъатсевар томошабинлари бизнинг айрим камчиликларимизни олиҳимматлилиқ билан маъзур тутарди. Бу эса, биз ёшлар учун жуда катта иноят эди. Яна бир сабаби — асардаги воқеалар, қаҳрамонларнинг кечинмалари, озарбайжон халқининг миллий урф-одати ўзбек томошабинига яқинлигида эди.

ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР

1927 йилнинг июль ойи ўрталарига тўғри келадиган бизнинг бу гастролимиз маҳаллий зиёлилар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, «Ойдин»ни Қомил Алиев ва Зиё Саид бошлиқ ўша даврнинг кўзга кўринган журналистлари ҳар томонлама таҳлил этдилар. Улар ҳам таржиманинг ёмонлиги, уни албатта профессионал даражага юксалтириш кераклигини алоҳида уқдирдилар.

Спектаклда ва унинг муҳокамасида бизнинг ижрочилиқ маҳоратимизни қайд этишди, ташаббускорлигимизни юксак тақдирлаб, руҳимизни кўтаришди. Айниқса, Ҳалима ва Райимберди аканинг овози, менинг драматик маҳоратим, Зухур аканинг кулдиргич (комик)-лиги Сайфи қори аканинг ташкилотчилиқ истездоди алоҳида қайд этилди. Шунингдек, муҳокама этувчи фозиллар, бизнинг ҳали ёш бўлишимизга қарамай ғоявий жипслигимиз, профессионал маънода бир-биримизга яхши тушуна олишимиз, коллективизм руҳининг мустаҳкамлигини уқдирдилар.

Айниқса, коллективизмнинг маданият даражаси, йигит ва қизларнинг кийиниши, юриш-туриши, ўзаро муносабати, хусусан, йигитларимизнинг қизларга бўлган одоби маъқулланди. Зиё Саид:

— Қизларни қанддек қилиб ўраб юрганликларингиз учун раҳмат сизларга,— деб йигитларимизни кўпчилик ичида олқишлади. Дарҳақиқат, Сайфи қори ака бошлиқ йигитларимизнинг барчаси ана шундай таҳсинга лойиқ эди.

Тошкент ва Фарғона водийси бўйлаб гастролимиз ниҳоясига етди. Бу орада не-не олқишларни олмадик, не-не таҳсинларни эшитмадик. Энг муҳими эса, ана шу гастрол жуда катта таълим ҳам берди. Чунки бу спектакль ва концертлар давомида биз томошабинлар олдида сахна асари яратишнинг табиатини ўзлаштирдик, сахнада яшаш сирларини ўргандик, амалий малакамизни оширдик. Ана шу жараённинг ўзи янги ижодий изланишларга ҳам рағбатлантирди.

Гастроллар тугаб, каникулга чиққанимиздан кейин янги роллар ҳаёлимни китиқлай бошлади. Негадир, Катерина образи мудом менинг қалбимда яшарди. Мен А. Н. Островскийнинг «Момақалдиروق» номли пьесасини рус тилида ёшлигимдаёқ ўқиб, ана шу персонажга меҳрим тушиб қолган эди. Техникумга ўқишга киргач, бу пьесани яна такрор-такрор мутолаа этиб чиқдим. Ҳар дафъа пьеса билан тўқнашганим сайин Катеринага бўлган ихлосим янада ошиб борди. Бу гастролларимиздан кейин Катерина образини яратишга астойдил бел боғладим ва унинг кўйида ёна бошладим. Минг-минг таассуф билан шуни айтишим лозимки, менинг бу орзуим амалга ошмади. Мана, умр бўйи санъат оғушидаман, аммо ҳеч ерда Катерина ролини ўйнашга, бутун ҳаётим бўйи интизорлик билан илҳақ бўлган ана шу суюкли образини яратишга муяссар бўла олмадим.

Хуллас, ана шундай орзу-иштиёқлар билан таътил айёмлари ҳам ўтиб кетди. 20 август куни ҳаммамиз Тошкентда тўпланиб, Сайфи қори ака мажлис ўтказди. Эртасига Ҳоди ака ҳаммамизга билет тарқатиб, 22 август куни республикамиз пойтахти бўлган Самарқандга қараб йўл олдик.

Самарқандда икки ойлик стипендиямизни олдик. Чунки стипендияни Ўзбекистон республикаси юборарди. Марьям опа Бахтиёрова бизни санъат ходимлари иттифоқи (Союз Рабис) аъзолигига қабул қилди. У киши 1917-18 йилларда актриса бўлиб ишлаб, кейин ташкилий — раҳбарлик ишларига ўтиб кетган эди.

Икки-уч кундан сўнг Бокуга йўл олдик. Муаллимларимизга ёзги саргузаштларимизни мароқ билан сўзлаб бердик. Афишаларимизни кўрсатдик. Ҳаммалари жуда мамнун бўлишди. Хусусан, Александр Александрович Туганов билан Қирмоншоҳли муаллимнинг қувончлари ичларига сиғмасди. Чунки, биз таътил пайтларида ҳам «кўча чангитиб» юрмасдан, ўз профессионал камолотимиз устида ишлаган, муаллимларимиз кутгандан ҳақ кўп муваффақиятларга эришган эдик.

«САТИР-АГИТ» ТЕАТРИДА

Ўқишлар бошланиб кетди. Мен яна қадрдон уйим — Неля хола билан Мамед оғалар оиласида тура бошладим.

Бир куни А. А. Туганов мени чақириб «Театрда ишлайсанми?» деб сўраб қолди. Мен «ҳа» деб, розилик бердим. Шундан сўнг мени «Сатир-агит» театрининг бадий раҳбари Ридал деган режиссёрга тавсия этди. Шундай қилиб, мен 1927 йилнинг сентябридан бошлаб шу театр репертуаридаги спектаклларнинг умумий саҳналарида қатнаша бошладим.

Бу орада тилим анча яхши бўлиб қолган эди. Айниқса, менга ота-онадек бўлиб қолган уй эгаларининг ҳимматлари, озарбайжон талаффузини тинимсиз ўргатиб боришлари ва қолаверса, техникумдаги дарслару ўзимнинг иштиёқим туфайли озарбайжон тилини бир қадар ўзлаштириб олдим.

Театрда «Чичакли йоллар» («Гулли йўллар») номли таржима асар олинадиган бўлиб, менга бош роль—Таня деган қиз ролини топширишди.

Тинимсиз ишлар бошланиб кетди, хусусан, озарбайжон тили устида яна жиддийроқ ишлашга тўғри келди. Мен Танянинг психологик ва пластик қиёфасини яратишдан сира қўрқмасдим. Чунки пьесадаги Таня образи ёш жиҳатдан ҳам, характерининг айрим томонлари жиҳатдан ҳам ўзимга ўхшарди. Шунинг учун сахнада бошқа бировни эмас, балки ўз-ўзимни ўйнашим мумкин эди. Фарқи фақат шундаки, мен ёш студентка бўлсам, Таня фаол физкультурачи—жамоатчи бир қиз эди.

Аммо тил масаласи роса бошимни қотирди. Репетициялар пайтида ўзбекча акцентли сўзлар ҳамиша диққатим марказида турарди. Ана шу нарсага эътибор берганим туфайли баъзан ролимнинг психологик ва пластик жиҳатларига путур етарди. Унинг устига, ана шу сўзларни тўғри талаффуз этишим зарур, деб ўйлаб ўтириб, айна шу ерга келганда албатта хато қилардим. Борди-ю, талаффуз ҳақида ўйламаган пайтларимда эса репетициям яхши чиқарди-ю, тилим чатоқ бўларди. Бундай тил билан эса роль ўйнаш мумкин эмасди.

Менинг олдимда, қандай қилиб бўлмасин, ана шу тил мушкулени енгиб ўтиш масаласи турарди. Шунинг учун ҳам, бу ишга барча ёру дўстларимни, энг аввал Анника билан Мамикани жалб этдим.

Уйга келишим билан Анника билан Мамикани ўтқазиб қўйиб ролимни ўқий бошлардим. Улар талаффузимдаги нуқсонларни айтиб беришар ва қандай қилиб тўғри талаффуз этишни кўрсатишарди. Мен эса уларнинг барча кўрсатмаларига амал қилиб, тинимсиз машқ қилардим. Шундай қилиб, Таня роли ва озарбайжонча талаффуз устида вақт ва имконият жиҳатдан чекланмаган ҳолда қаттиқ иш бошланиб кетди. Бу ишда, менга яна бир киши яқиндан ёрдам бера бошлади.

Техникумимизда узун бўйли, қирра бурун, юзларидан нур ёғилиб турадиган чиройли бир йигит пайдо бўлиб қолди. Маълум бўлишича, у асли Озарбайжон Давлат педагогика институтининг студенти бўлиб, техникумизнинг комсомол ячейкасига коғиб қилиб тайинланган экан. Унинг исми шарифи Маммад Козим Алиев эди. Студентлар унга «Козим муаллим» деб мурожаат этарди. Негадир уни «муаллим» дейишга менинг тилим бўйсунмас эди.

Козим тез орада барчамиз учун қадрдон бир киши бўлиб қолди. Чунки у комсомол комитетининг секретари сифатида қўлидан келган яхшиликни аямас, барча ишларимизга кўмаклашар ва шв сабабли ҳаммамизнинг ҳурматимизни қозонишга мўйссар бўлган эди.

Техникумимизда буфет бўлиб, ҳар катта таннаффус пайтида бориб бир стакан қатиқ ва битта ўрама олма пирожнийси олиб ейиш мен учун одат эди. Бошқа нарса емасдим, чунки эрталаб Анника билан Мамика «пах-пах» лаб «қадаг олим (дардингни олай), қурбон ўлум», деб оғизларидагини оғзимга тикиб, тўйгизиб юборишса, дарсдан боргандан кейин ҳам деярли ҳар кун янги бир лаззатли таом йўлимга муштоқ эди. Шунинг учун ҳам буфетдан оладиган таомим ҳамиша муқаррар эди.

Бир кун буфетга кетаётсам йўлимда, рўпарада Козим тикилиб турибди. Мен унчалик аҳамият бермадимда, салом бериб ўтиб кетдим. Бориб таомимни олиб столга томон юрдим, бундай қарасам яна менга тикилиб турибди. Аввалига жаҳлим чиқди. Кейин хижолат тортдим. Хуллас, не-не ўю хаёллар билан овқатимни еёлмасдан, ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлдим.

Шу-шу бўлди-ю, Маммад Козим ҳар кун шу тарзда йўлимни пойлайдиган бўлиб қолди. Бу ҳол мени жуда хижолатга солар, турли хаёллар кўчасига бошлар,

Қозим ҳақида беихтиёр, тез-тез ўйлашга мажбур қиларди. Авваллари унинг рўпарамдан чиқиши унчалик хуш ёқмаса, кейинчалик кўникиб қолдим. Шундай бўлса ҳам, гоҳ уни кўрмаганга солиб, гоҳ ширин табассум ҳадя этиб кунлар ўта бошлади. Аммо муносабатимизда бундан ортиқ на бирор оғиз гап, на бирор ортиқ ҳаракат йўқ эди.

Бир куни буфетга кетаётсам... у кунда турадиган жойида йўқ. Негадир юрагим «шиғ» этиб кетди. Бориб кундалик таомимни олдим. Томоғимдан ўтмади. Хаёл суриб, дарсга кириб кетдим. Аммо кўз олдимдан Қозим нари кетмади.

Дарсдан чиқиш биланок театрга, «Чичакли йоллар»-нинг репетициясига югурардим. Аммо репетиция жуда ёмон ўтди. Хаёлим паришон, ўзимни йиғиб ололмасдим. Ниҳоят залдан Ридалнинг «ўзингни йиғиштириб ол» деган бақирини эшитилди. Ахир, фикру зикримни бир нуқтага йиғиштириб ололмасам мен нима қила олардим!

Репетиция шу кўйи тамом бўлди. Жиддий ишимизнинг шу қадар паст савияда ўтганлигидан мен ўзим ҳам жуда хижолатда эдим. Чунки барчаси мен туфайли, студентка қизчанинг фикри тарқоқлиги туфайли не-не забардаст актёрларнинг бир кунлик умри зое кетди! Бу ҳол то мен Қозимни ўз ўрнида, тўғрироғи, ўзимнинг йўлимда муштоқ кўргунимча давом этди.

Ниҳоят, у кўринди. Бир куни танаффусга чиқиб, буфет томон шундай қарасам, Қозим ўз ўрнида, бир қўлини чўнтагига тикиб, папирос чекиб турибди. Мен уни кўргач, қандай ҳолатга тушганлигимни билмайман-ку, аммо унинг кўзлари сал каттароқ очилгандай бўлди, юзлари аллақандай тус олди, қоматини сал йиғиштириб олди. Бориб шошилганимдан:

— Сиз шу ердами? — дебман.

— Бали, ман ҳамиша бурадоям,— деди Қозим.

Мен нима дейишимни билмай «иҳм» деб бош сил-

китдим-да, буфетга кирдим. Таомимни олиб, ҳузур қилиб едим. Пул тўлайман десам, буфетчи «пули тўланган» деди. Мен бир оз саросимага тушиб қолдим...

Буфетдан чиқиб, Козимнинг олдидан қапдай ўтиб кетганлигимни билмайман. Буни фақат севги лаззатини биринчи дафъа туйганларгина ҳис этиши мумкин, ҳолос. Чунки менинг кўз олдимда бутун олам кулиб тургандек эди.

Дарсдан кейин репетицияга бордим. Режиссёр, яна ноз-фироқ қиласанми, деб ҳўмрайди.

— Қилганда қандоқ,— дедим мен гул-гул очилиб.

Режиссёр ялт этиб менга қаради. Кайфиятимни кўриб руҳи кўтарилди. Елкамга қоқиб яна рағбатлантирди-да, репетицияни бошлаб юборди. Ҳа, репетиция қилиш мана бундоқ бўлипти. Менинг Таням бутун спектаклни олдинга судраб кетаётгандай. Барча юкни ўз елкасида кўтараётгандай эди. Чунки, репетициямиз саҳна сайин қизиб кетди. Ҳар куни мен орқага судраётган бўлсам, бугун партнёрларим қатори олдинга кетаётган эдим. Бунинг сабабкори мен, менинг руҳий мадаккорим — Козим эди...

Бир неча кундан кейин спектаклнинг премьераси қўйилди. Ҳаммамиз ҳаяжонда. Мен бўлсам ўзимни ўша пайтдаги ҳолатимни тасвирлаб беришга ожизман.

Худди аввалгидек Махфурахоним ва Азизахонимлар кийинтириб, грим қилдириб авайлаб турдилар. Улар худди ўз палапонини учирма қилишга тараддулланаётган она қушга ўхшардилар. Қандай қилиб бўлмасин, менинг руҳимни кўтаришга интилар эдилар.

Спектакль бошланиб кетди. Ҳамма ишлар кўнгилдагидек эди. Аммо севган йигитим билан гаплашадиган саҳнада сўз келмай қолса бўладими. Бу ҳаяжонданми, қўрққанимданми, ролга берилиб кетганимданми, ҳулласинмаданлигини билмайман-ку, бирдан сўз эсимдан чиқиб қолди.

Рўпарада севгилим — Муҳсин Санъонийни ўйнаёт-

ган йигит. У гап кутиб, бақрайиб турарди. Мен бўлсам:
— Азизим, билирсан... Азизим, билирсан,— дей-
ману, у ёғи келмайди.

Шу пайт Али Оға деган суфлёримизнинг овози эши-
тилиб қолди. У нималаршидир шивирлар, бир нималар
дер, ташвишланар, аммо қулогим суфлёрга ўрганма-
ганлиги туфайли бўлса керак, мен илиб кетолмасдим.
Айниқса, Муҳсиннинг олдида жуда уялиб кетдим. Мен
туфайли у ҳам гапини айтолмай турарди.

Шу пайт мен аста суфлёр будкасига яқинлашдим.
Али Оға ҳамон бир нималарни қайтарарди. Мен яна
илиб ололмадим. Шунда, беихтиёр ҳолатдан чиқмай ту-
риб:

— Али Оға, баркдан де,— деб, яъни қаттиқроқ га-
пиргин, деб илтимос қилдим.

Али Оға қаттиқроқ гапирган эди, сўзимни топиб ол-
дим. Хурсанд бўлиб изимга қайтдим. Партнёримга га-
пираман десам қани энди. Муҳсин залга тескари қараб
олпб қотиб-қотиб кулиб ётарди. Мен яна:

— Азизим, билирсан,— деб гап бошладим.

Муҳсин пьесада йўқ бўлса ҳам «билирам, билирам»,
деб роса кулди. Ниҳоят яна диалогимиз боғланиб, саҳ-
нани давом эттирдик.

Қизиғи шундаки, бу воқеадан ҳамма артистлар ха-
бардор бўлишди. Аммо томошабинлардан ҳеч ким пай-
қамабди. Бунинг сабаби, менинг адашганлигим, довди-
раб қолишим билан саҳна мазмунининг тўғри келиб
қолганлигида бўлса керак. Чунки, томошабин, қиз уял-
ганлигидан, ўз йигити, севгилиси олдида довдираяпти,
деб ўйлаган бўлиши мумкин.

Нимаики бўлмасин, премьерарадаги бу ҳодиса мен
учун ҳам, спектаклимизда қатнашувчи актёрлар учун
ҳам бир умрли хотира бўлиб қолди. Балки шунинг
учундир, Муҳсин ва баъзи бир йирик актёрлар мени
кўрганда «Ай ханум, баркдан де», деб лутф билан му-
тойиба қилиб юрдилар. Аммо бу гапларда ҳеч қандай

таъна бўлмас, аксинча, улкан саҳна даргоҳига эндигина қадам қўйган бир ниҳолнинг томошабинлар масъулияти туфайли бир дафъа зир титратганлигининг наштаси бўларди.

МЕНИНГ ГУЛЧЕҲРАМ

Ўқишга берилиб кетганим билан театрдаги ишларим ҳам четда қолмади. Аксинча, муваффақиятли биринчи ролдан сўнг спектаклларда кўпроқ банд бўла бошладим.

«Гулли йўллар» дан кейин, Мирза Фатали Охундовнинг «Мсье Жордан ва дарвиш Мастали шоҳ» номли комедияси олинди.

Мсье Жордан исмли француз ботаник олим ўзининг эски қадрдони, озарбайжонлик Ҳотамхон оганинг уйига келиб тушади. Бу ерда у Шоҳбозбек деган ғоят ақлли, зеҳни ўткир йигитни учратиб қолиб, унга табобат илмини ўргатиш учун Фарангистонга — Францияга олиб кетмоқчи бўлади. Шоҳбозбек Ҳотамхон оганинг тарбиясидаги бир йигит бўлиб, у ўз амакисининг қизи Шарафнисохон билан севишиб юрган бўлади. Буларнинг севгисидан Шарафнисохоннинг ота-онаси, яъни Шоҳбозбекнинг амакиси ва унинг хотини ҳам хабардор бўладилар. Шунинг учун ҳам йигитнинг Фарангистонга кетиб қолишини эшитган холаси куёвдан ажралиб қолиш ташвишига тушиб тўполон қилар ва ғоят кулгили ситуацияларга тушиб қоларди.

М. Ф. Охундовнинг «Мсье
Жордан ва дарвиш Мастали
шоҳ» номли комедиясидан
Шарафнисохоним ролида.



Бу комедияда менга Шарафнисохоннинг сийлиги Гулчеҳра ролини беришди. Рост, бу менга маъқул бўлмади, чунки характер жиҳатдан Гулчеҳрага кўра Шарафнисохоним менга яқинроқ эди. Бироқ Гулчеҳра роли берилган экан, демак, шу ролнинг улдасидан чиқишим керак эди.

Гулчеҳра — пьеса бўйича ўта шўх, муғамбир, яъни менинг характеримга тамомила қарама-қарши бир персонаж эди. Иккинчи ёқдан эса, менинг аввалги спектаклдаги Таням ҳам шўх бўлиб, Гулчеҳранинг шўхлиги унга ўхшамаслиги, демак, шўхликнинг бошқача бир кўринишини топишим керак эди. Бундай вазифа мен каби бошловчи бир актриса учун гоят мушуқлиги табиий эди.

Режиссёр билан баҳамжиҳат излана бошладик. Натижада шўхдан ҳам кўра инжиқ, тантиқ, муғамбир қиз сиймоси гавдалана бошлади. Масалан, бир саҳнада Шохбозбек билан Шарафнисохоннинг учрашув саҳнаси ва юрак дардини очадиган сўзлари бор эди. Мен ана шу саҳнада суҳбатга бурнимни тикиб, уларга халақит берардим. Улар мендан қутулиш учун нечоғлик уринишмасин, мен тантиқлик ва инжиқлик қилиб туриб олардим. Натижада икки гул ўртасида ўсган тикандек бўлиб, саҳнанинг роса кулгили тус олишига сабаб бўлардим.

Гулчеҳра роли ўзим кутмаган ҳолда муваффақиятли чиқиб қолди. Қасбдош ўртоқларим менга янада кўпроқ меҳр ва умид билан қарай бошладилар. Бу роль менинг театрдаги мавқеим ва эътиборимнинг янада мустаҳкамланишига сабаб бўлди.

Гулчеҳра роли устида ишлаётганда яна бир катта тўсиққа дуч келдим. Гап шундаки, Гулчеҳра қишлоқи бир қиз бўлиб, озарбайжон тилининг бир шевасида гаплар эди. Мен эса озар адабий тилини ўзлаштирганлигим билан, бу шевани мутлақо билмасдим ва ишла-толмасдим. Бу ишда яна муҳтарам устод, профессор

Қозим Зиё ҳиммат кўрсатди. У киши репетициядан кейин соатлаб вақтини аямай, менга ана шу шевани ўргата бошлади. Натижада, бу шевани шу қадар табиий талаффуз этиш ва ўринли ишлатишни ўрганиб олдимки, беихтиёр устоднинг ўзлари ҳам хурсанд бўлиб кетдилар.

Хуллас, ана шу изланишлар оқибатида Гулчеҳрамнинг анча етук образи гавдаланди.

ЭСМЕРАЛЬДО

Театрда Виктор Гюгонинг «Париждаги Биби Марьям маъбудаси» («Соборь Парижской богоматери») номли романи асосида тайёрланган пьеса қўйиладиган бўлди. Менга бир йўла икки роль — ўғри хотин ва асарнинг бош қаҳрамони Эсмеральдо роллари берилди.

Ўғри хотин жуда ажойиб роль эди. Унинг серқирра характерга эгалиги менга ғоят қўл келди. У мени ижодий изланишларга, тинимсиз ишга, қидиришга ундади, маҳоратимни ошишига баракали манба, яна бир жиддий бўсаға бўлди. Кутилмаганда «осонлик» билан характер топдим ва роса яйраб ўйнайдиган даражага етказиб, томошабинларга ҳам, сафдошларимга ҳам манзур бўларли образ яратишга муяссар бўлдим. Спектаклнинг режиссёри Ридал ҳам, тақризчилар ҳам, саҳнадош дўстларим ҳам бу эпизодик ролнинг катта ютуғини эътироф этдилар.

Эсмеральдо ролига келганда эса роса қийналдим. Бунинг сабаби бор эди. Бу роль энг аввал Фотима Қадрийга берилган бўлиб, мен фақатгина унга дублёр эдим. Театр раҳбарларининг мақсади — ёш актрисаларни, жумладан, мени ҳам ижодий ўстириш эди. Шунинг учун ҳам Фотима Қадрийнинг ўзи бошлиқ бутун

коллектив менинг шу ролни ўйнашимни истар, ҳар ким менга қўлидан келганча ёрдам беришга уринар эди. Энг муҳими, Фотимахонимнинг ижрочилик санъати билан менинг дастлабки ижодий қадамларим ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди. Бу қиёс ҳар томонлама тўғри келади. Чунки Фотимахоним маҳорат жиҳатдан шу қадар устун эдики, у репетиция қилаётган чоғларида менинг оғзим очилиб қолар, актриса шу қадар юксак маҳоратни қаердан олган экан деб, табиатнинг сеҳркор кучига қойил қолардим. Тўғри, Эсмеральдо ролини ўйнаш учун менинг билимим, маданиятим бир қадар етарли даражада бўлса ҳам, маҳорат масаласига келганда Фотимахоним бир тошқин дарё бўлса, мен бор-йўғи бир шарқироқ жилға эдим, холос. Айниқса, пьеса дастлаб коллектив орасида ўқилганда Фотимахоним Қадрий мени ўз қучоғига олиб, нечоғлик руҳлантиришга уринмасин, бошқа меҳрибон сафдошларим нечоғлик кўмаклашмасин, мен ўз ожизлигимни яққол сезиб турардим.

Ҳусн масаласида, хотинларга табиат ато этган энг нафис латофат ва туйғулар бобида ҳам Фотимахоним беқиёс эди. Унинг ҳуснига, ғоят келишимли қадди-басига қараб ўзимиз ҳам тўймасдик. Ана шу беқиёс фазилатлар устига ундаги олижаноблик, кўнгли очиқлик, меҳрибонлик ва хушчақчақлик нур устига нурдек бўлиб ёғиларди. У табиат ўзини шу қадар сержозиба, шу қадар етук, шу қадар маҳоратга бой қилиб яратганлигини билар, ана шу ҳотамтойлик учун миннатдорлик билдиргандек, ўз меҳри дилини, ўзининг жон олғувчи табассумини ҳеч кимдан дариг тутмасди. Ана шундай баркамол, тажрибали бир нафосат тимсолига бас келиш мен каби ожиз бир қизча учун бениҳоят қийин эди. Буни биргина мен эмас, балки бутун ижодий коллектив ва Фотимахонимнинг ўзи ҳам яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам барча мени рағбатлантиришга, қўлидан келгунча далда беришга интиларди.

Ниҳоят, Қозим Зиё, Фотима Қадрий каби меҳрибон устозларим ёрдами ва далдаси билан мен Эсмеральдо ролини ҳам ўзимга яраша муваффақият билан ижро этдим. Ҳамкасабаларимнинг эътирофича, айрим сахналар Фотимахоним ижросига яқин, баъзида эса, унинг маҳорати даражасида бўлган.

Масалан, улар Эсмеральдонинг доирача билан рақсага тушиш сахналарини эсладилар. Ешлигим, қалбимдаги жўшқинлик, ички ғайрат, шунинг билан бирга ниҳолдек эгилувчанлигим, нозиклигим образнинг бадийи ва ғоявий жиҳатдан тўғри талқинига қўл келди. Образ билан тенгдошлигим ҳам унга мос тушди, уни ҳаққоний гавдалантиришга имкон берди. Шунинг учун ҳам айрим сахналарда образнинг ҳаётийлиги манаман, деб кўзга ташланиб турарди. Аммо маҳорат бобида Фотимахоним барибир устун эди ва унинг даражасига етишмоқни фақат орзу қилиш мумкин эди, холос.

Спектаклни мен ўйнайдиган куни ҳам Фотимахоним театрға ҳамма қатори келар, мени ўз қўли билан кийинтирар, грим қилар, ўз тақинчоқларини осиб, безантирар эди. Кейин, спектаклнинг бошидан охиригача кулисида ўтириб кузатиб борарди. Бу эса менга мадад берар, бирор қор-қол бўлса, суянчиғим борлигини яхши билардим. Шунинг учун ҳам Эсмеральдони яйраб-яйраб ўйнардим.

Устозларим туфайли, ўз меҳнатини аямаган режиссёр Ридал туфайли, Қозим Зиё ва меҳрибон мураббиям Фотимахоним Қадрий туфайли менинг бу ролим ҳам муваффақиятли чиқди. Матбуот тақризларида ҳам шу фикр яқдиллик билан таъкидланди. Шу-шу бўлди-ю, спектаклдан спектакль сайин оёққа туриб, театрда ўзимнинг мустаҳкам ўрнимни эгаллаб бордим. Энди барча санъат ва маданият арбоблари менга етук санъаткор сифатида қараб, шу нуқтаи назардан талаб қўя бошладилар. Бу ҳам шарафли, ҳам бениҳоят масъулиятли бир ишонч эди.

ФАМИЛИЯМ ЎЗГАРДИ

Бир куни релетициядан чиқсам, Қозим бульварда турибди.

— Нази, бизникига кирайлик, китобимни ташлаб чиқиб, кейин сени кузатиб қўяман,— деди.

Мен рози бўлдим.

Қозим асли Тифлистан бўлиб, ота-онаси у ерда, ўзи билан акаси Бокуда туришарди.

Биз кириб бордик. Қарасам, стол безатилган. Стол атрофида бири семизроқ, бири ўртачадан келган икки аёл, иккита қиз ва Қозимнинг акаси. Мен одоб юзасидан салом бериб кирдим ва гапга араллашиб кетдим. Ўтирган аёллар менинг ота-онам, уруғ-авлодимни суриштириб қолишди. Мен ҳаммасини айтиб бердим. Бир маҳал овқат олиб келишди. Мен Қозимга:

— Мен кетай, Анника хавотир олади,— десам у:

— Бемалол ўтиравер, мен кечроқ келади, деб айтиб келганман,— деди.

Бу гапдан мен хавфсирай бошладим. Чунки хотинларнинг қараши ҳам, суриштириши ҳам бежороқ эди. Хотинлардан ўртачароғи менга қараб:

— Танишиб ол, қизим, бу киши холанг бўлади,— деб семизгина хотинни кўрсатди ва Қозимга қараб деди:— Қозим, қизинг бизга ёқди.

Мен гап нимадалигини эндиgina пайқаб, югургапча қочиб чиқиб кетдим. Қозим ортимдан етиб борди.

— Нима, менинг ота-онам йўқмиди розилик сўрашага?— деб хафа бўлдим.

— Мана!— деди Қозим ва бир варақ қоғоз узатди.

Қарасам хат. Дадамнинг дастхатлари. Унда саломаликдан кейин, «Сизлар бир-бирларингизни севар экасиз, мен нима ҳам дердим, қаршилигим йўқ», дейилган

эди. Суриштириб билсам, Қозим ҳамма гапни айтиб дамга хат ёзган ва розилик сўраган экан. Кейин онаси, холаси ва сингилларини чақириб, мени кўрсатиб, улардан розилик сўраган экан.

— Мен ҳали сенга тегаманми, йўқми, қаердан биласан?— дедим охири ожиз қолиб.

— Тегмасанг сўяман,— деди зарофат билан ва қўшиб қўйди,— то тўй бўлгунча шунчаки ЗАГСдан ўтиб қўямиз, холос.

Кечқурун бизникига келди. Барча дарди дилини тўкиб, охирида хатни берди. Анника билан Мамика ҳам олдиндан муносабатимизни билганликлари учун розилик бердилар. Шундай қилиб, 1928 йилнинг июль ойида биз ЗАГСдан ўтдик ва мен Қозимнинг фамилиясига ўтдим. Шу-шу менинг фамилиям Ҳакимбекова эмас, балки Алиева бўлиб қолди.

Техникумдаги нмтиҳонларимни яхши топширдим. Аммо театр масаласи сал чатоқроқ эди. Чунки ёзда гастролга чиқиш керак эди. Бизнинг олдимизда тўй қилиш ва таътил пайтида Ўзбекистонга келиш вазифалари турарди.

Мен А. А. Тугановга маслаҳат солиб, ёзда театр билан гастролга чиқа олмаслигимни айтдим. У киши Азизбеков номли Озарбайжон Давлат (ҳозирда) Академик театрининг бадий раҳбари бўлиб ишларди.

— Ундай бўлса ариза ёзиб, театрдан бўшагин, сентябрдан ўзим ишга оламан,— деди.

Менинг ишдан бўшаш учун ариза ёзганимни кўриб, Қозимнинг қувонганини айтсангиз. Терисига сиғмайди. Мен:

— Ҳа, намуноча қувонмасанг!— десам, у:

— Ахир, театрда сани бошқалар алигддан тутур, ўпур, қучқлар, ой аллоҳ,— деб зарофат билан бошини ушлаб, нолиган бўлди.

Биз кулишдик. Аммо аризани ҳам элтиб бердик.

ТАЪТИЛ ПАЙТЛАРИ

Ёзги таътилга келиб Тошкентдаги қавм-қариндошлар учун тўй қилиб бергач, Козим билан биргаликда ёзни у ёқдан-бу ёққа меҳмондорчиликка бориш билан ўтказдик. Август ҳам охирлашиб, ўқишга қайтиш учун Самарқандга борсам, ҳамма ёқда ўзгариш. Сайфи қори ака:

— Биз Москва коллективи билан биргаликда ишга қолмоқчимиз,— деди.

Мен кетишлигимни айтдим. Шундан кейин, бутуни коллектив наркомпросга чақирилдик. Бизга Москва студиясини тугатиб келганлар билан биргаликда театрда хизмат қилишимизни расмий равишда айтишди. Мен ўз эътирозимни билдирдим ва ўқишимни тугатишим зарурлигини айтдим. Шундай қилиб, барча ўртоқларим қолиб, мен Козим билан биргаликда ҳайё-ҳуй деб Боку сари йўл олдим.

Тагин келиб Анника билан Мамиканинг ҳузурларига тушдик. Улар энди битта алоҳида уйни бўшатиб беришди. Биз икки аҳил оила бир бўлиб, истиқомат қила бошладик.

Ҳаял ўтмай, А. А. Туганов мени ариза ёзишга ундади ва ўзи раҳбарлик қилаётган Азизбеков номли Академик драма театрига актриса сифатида қабул қилди. Эндиликда катта профессионал сахнада ижодий ҳаётим давом этди.

Бахтимни қарангки, ҳадемай техникумимизнинг директори Оға Қарим Шарипов шу театрда директор қилиб тайинланди. Техникумга эса, ҳозирда ОзССР халқ артисти Ҳожи Оға Аббосов раҳбарлик қила бошлади. Шундай қилиб, мен яна энг меҳрибон мураббийларим қўл остида ижодий маҳорат сирларини ўрганишни давом эттирдим. Ҳам ўқиш, ҳам ижодий ишга киришиб кетдим. Ортда қолган болалик бедардликлари энди абадул-абадга чекинди, олдинда катта бурчлар турарди.

Азизбеков номли театрга артистка бўлиб кириши билан репертуардаги мавжуд спектаклларга қатнашиб бошлашди. Бу иш Жаъфар Жабборлининг «Уқтой — эл ўғли» номли пьесасидан бошланди. Ана шу асардаги Фирангиз ролини ижро этишим керак эди.

Бу пьеса, «Нурхон» ва «Гулсара» типидagi асар бўлиб, озар қизининг артистка бўлиши йўлидаги интилишларига бағишланган эди. Бош қаҳрамон қиз Фирангиз асли гимназия толибаси бўлиб, у Уқтой исмли санъаткор йигитни яхши кўради. Шу севги туфайли, у санъатга меҳр пайдо қилиб, не-не азоблар билан охири санъаткор бўлишга эришади. Аммо Шиллернинг «Қароқчилар» трагедиясида Амалия ролини ўйнаётганда, партнёр — Карл Моор томонидан чинакамига ўлдирилади ва қурбон бўлади.

Фирангиз ролини менгача, ОзССРда хизмат кўрсатган артистка, ҳозирда эса СССР халқ артисткаси Марзияхоним Доутова ўйнаётган экан. Мен шу санъаткорга дублёр қилиб тайинландим ва ролни тайёрлаш учун шу кишининг ҳукмига топширилдим.

Марзияхоним ғоят кучли маҳорат эгаси бўлган забардаст санъаткор эди. У киши барча катта санъаткорлар каби ўзининг ёрқин саҳна дастхатига — ижодий услубига эга эди. Айниқса, саҳна нутқида, образнинг ғоявий маъзини чақишга ғоят моҳир эди.

Репетиция давомида биз Марзияхоним билан жуда иноқлашиб кетдик. Фейл-атворимиз бир-биримизга мос тушди шекилли, ижодий ҳамкорлигимиз тез ва унумли юришиб кетди. Мен Марзияхоним каби баркамол устознинг қўлига тушганлигимдан бениҳоят мамнун эдим.

Фирангиз ролини Марзияхоним ўз услубида потологияга етказиб қўйган, бу ролни ундан бошқа киши талқинида тасаввур этиш қийин эди. Балки шунинг учун

дир пьесанинг автори Жаъфар Жабборли айтган бир гапи диққатга сазовор.

Бир куни фойеда ёнма-ён айланиб юрсак — рўпарамиздан Жаъфар Жабборли чиқиб қолди. Сўрашиб бўлгач, Марзияхоним:

— Биларсан, Жаъфар, биз Назинка билан Фирангизни тайёрлаяпмиз,— деди.

Жаъраф назар-писанд қилмагандек:

— Ая, бу кифта ўйнояжақ?— деди, яъни шу думбул ўйнайдими, дегандек қилди. Менинг маъюсланиб қолганимни кўриб:

— Ай гыз, зарофат эйлайирам, ойна, комак эйларик,— деб кўнглимни кўтариб қўйди.

Биз кечаю кундуз репетиция қилдик. Репетиция услубимиз мен учун янгича эди. Чунки Марзияхоним аввал сўзларни ўргатарди. Ўргатганда ҳам ўзи қандай оҳанг ва интонация билан талаффуз этса, шундай қилиб ўргатарди. Бирор нарсани ўзгартиришга ҳаққим йўқ эди. Кейин, мизансценага ўтганда ҳам шундай бўлди. Ҳар бир қадам, имо, қараш, бурилиш, туриш хатти-ҳаракат, хуллас, ҳамма-ҳаммасига тақлид қилдим.

Роль тайёр бўлгач, аввал А. А. Туганов, кейин коллективга кўрсатилди. Ҳаммага манзур бўлди. Гарчи бошдан-оёқ қуруқ тақлид бўлса ҳам манзур бўлишининг, менимча, бошқа бир сабаби бор эди.

Гап шундаки, бўйи бастимиз жиҳатдан, ташқи кўринишимиз жиҳатдан Марзияхоним билан бир-биримизга ўхшамасдик. Лекин бир хил кийиниб, бир хил грим қилганда бунинг устига Марзияхонимнинг юриш-туришлари, интонация ва оҳангини тўла ўзлаштириб олганлигим учун саҳнада мен — дублёр эмас, балки Марзияхонимнинг ўзи юргандек туюларди. Мени фақат ижрочилик маҳоратни жиҳатидан, ролнинг психологик ҳис-ҳаяжони тўлиқ эмаслиги жиҳатидан ажратиб олиш мумкин эди, холос.

Ниҳоят, спектакль ҳам ўиналди. Талқиним деярли барчага маъқул бўлибди. Бутун коллектив табриклади. Ниҳоят, саҳнага Жаъфар Жабборлининг ўзи ҳам чиқиб келди.

— Ай, кифта, сан мани мот айладин,— деб лутф билан елкамга қсқди ва порлоқ истиқбол тилади.

Менинг эса кўнглим сира тўлмасди. Сабаб, мен яратган образ ижодимнинг маҳсули эмасди. Кўчирма эди. Шунинг учун ҳам кўрган-билган кишилар «Марзияхонимнинг худди ўзисан-а», дейишарди. Кишилар гўё мени эмас, Марзияхонимни табриклаётгандек туюларди менга. Бу ҳолни мен ҳам зимдан ҳис этиб турардим. Кўчирмачилик бадий ижодга, хусусан, актёрлик ижодига завол келтириши, мен ҳам айни шу йўлдан бориб қалтис хатоликка йўл қўйганлигимни эса анча кейин тушундим.

ЕВАХОНИМНИНГ ҲИММАТИ

Марзияхонимдан кейин, мен шу театрнинг яна бир забардаст санъаткори ОзССРда хизмат кўрсатган артист Евахоним Оленскаянинг актёрлик маҳорати мактабини ўтадим. Бунинг сабаби, репертуардаги «Икки етима» деган спектаклдан етима қизларнинг бирн менга берилиши эди. Менгача бу ролни Евахоним Оленскаянинг ўзи ижро этар экан. А. А. Тугановнинг буйруғи билан, мен бу ролнинг иккинчи ижрочиси бўлиб ишга киришдим.

Евахоним Оленскаянинг ўзи рус бўлиб — озарбайжон тилини шу қадар яхши билардики, бу заковатга таажжуб қилмасдан илож йўқ эди. Шунингдек, шу театрнинг ўзида Тапайлидихоним деган юнон аёл ва Лизахоним деган армани аёллар ҳам озарбайжон тилини мукаммал билар ва ана шу тилда катта-катта ролларни маҳорат билан ижро этишарди.

Евахоним етима қиз роли устида мен билан ишлаш-
да бошқача йўлдан борди. У на интонациясини, на ҳара-
катларини, хуллас, ўзининг талқинига хос бўлган би-
рорта ифода воситасини зўрлаб сингдирмади. Аксинча,
ҳамма нарса фақат менинг ўзимгагина мансуб бўли-
шига, ўзимнинг ижодий усулимга бевосита алоқадор
жиҳатларга алоҳида эътибор берди. Бунинг учун эса
«Сен ўзингни ўша етима қиз ўрнида тасаввур этиб кўр-
гин-а. Етимлик нима эканлигини биласанми?» деди.

Мен етимлик нима эканлигини яхши билишимдан
у беҳабар эди. Лоп этиб кўз олдимга ўзимнинг ўғай
онам келди. Етимлик туйғуси менга жуда яқин эди.
Тўғрироғи, устозим Евахоним ижодий тафаккуримни
эркин ва мустақил ишлатишим учун ғоят қулай руҳий
ва жисмоний имкон топиб берди.

Пьеса бўйича ўғай ота жуда жоҳил. Менинг
қаҳрамоним эса, аксинча, олижаноб мурғаккина қиз-
ча, маъюс, қалби тўла ўкинч, кўзи жиққа ёш. Мен ўз
гўдаклигимга қайтгандай бўлдим ва ўз болалигимни,
кечирганларимни, ўғай онамнинг менга бўлган совуқ
муносабатини мужассамлаштира бошладим. Устозим
Евахоним эса сўз устида, сўз ургуси устида, мантиқий
урғу ва ролимнинг нутқий партитураси устида кўпроқ
ишлади.

Евахоним етимлиكنинг моҳиятини очиб берувчи
ташқи ифода воситалари ҳақида ҳам тўғри йўлланма
берди:

— Биласанми, Назика,— деди у,— менимча етима
қизлар ўғай она зулмидан руҳан сиқилиб юради, тор-
тинчоқроқ бўлади, қўлига ва тилига ҳар доим эрк бе-
равермайди...

Устозим шама қилаётган тортиниш, сиқилиш, чў-
чиш, ҳайиқиш, таъқиб каби психофизик ҳолатлар мен-
га жудаям таниш эди.

Устозимнинг образ яратиш устида ишлаш услуби
менга жуда хуш келди. Айниқса, унинг МХАТ театри-

нинг традициялари ҳақидаги, шу театрда К. С. Станиславский деган кучли режиссёр борлиги, ана шу режиссёрнинг ижодий методи, системаси саҳна бадий ижоди учун жуда қулай эканлиги ҳақидаги суҳбатлари жуда мароқли эди. Тўғрироғи, К. С. Станиславский системаси ва реалистик талқин услуби ҳақидаги дастлабки элементар назарий таълими В. В. Сладкопеев ва А. А. Тугановдан олган эдим. Лекин образ яратиш борасида Евахонимнинг бой педагогик тажрибаси саҳна «сир»ларини чуқур ўзлаштиришда катта мактаб бўлди. Чунки К. С. Станиславский ўша пайтларда бизнинг замондошимиз бўлиб, ҳали ўзининг театр санъати, актёрлик маҳорати ҳақидаги назарий қарашларини тўла ишлаб оммалаштиришга улгурмаган эди. Шунинг учун ҳам Евахонимнинг биз учун ҳали сир бўлган ана шу янги ихтиролар ҳақидаги маълумотлари мен учун жуда қимматли эди.

Етима қиз роли устидаги иш жуда қизғин ва қизиқарли бўлди. Тўғрироғи, устозим Евахонимнинг иш методи ҳиммати туфайли мен бу ролни жон-дилимдан яхши кўриб қолдим. Шунинг учун бўлса керак, коллектив ҳам мамнуният билан репетиция қилар эди. Айрим артистлар эса, ўқишимга халақит бермаслик учун ишдан кейин ҳам репетицияга қолишарди.

Роль тайёр бўлгач, А. А. Тугановга кўрсатдик. У кишига бизнинг талқинимиз маъқул бўлди. Аммо бир-иккита муҳим фикрларни ҳам айтдиларки, уларни бар-тараф этишни ўз бурчимиз, деб билдик.

— Етималикнинг фақат бир томонини талқин қилибсизлар,— деди Александр Александрович,— ахир етима қиз ҳам куладиган, яйраб оладиган пайтлар бўлади-ку. Масалан, ўғай она бошқаларга уни кўз-кўз қилиш учун яхши кийинтириб қўйганда хурсанд бўлмайдами? Бўлади. Ёки опаси билан танҳо қолиб қўғирчоқ ўйнаётганда қаҳқос солиб кулиши мумкинми? Мумкин, албатта. Етима қиз психологиясига хос бўлган

ана шу томонларни ҳам топсангизлар, оқ билан қорани ёнма-ён қўйиб таққосласангизлар, эмоционал контраст пайдо бўлади ва образнинг моҳияти тўлароқ очилади.

Биз унинг айтганларини ҳам амалга оширдик. Ниҳоят, Евахоним билан биргаликда талқин этган бу образ жуда серқирра, эмоционал ранг-баранг ва таъсирчан чиқди.

Мана, премьерa куни ҳам етиб келди. Спектаклни бошладик. Роль биринчи марта ижро этилишдаги ҳаяжонни ҳисобга олмаганда ҳамма саҳналар кўнгилдагидек ўтди. Томошабин ҳам спектаклни чуқур мамнуният билан кутиб олди. Ниҳоят, спектаклдан кейин табриклагани театримиз директори Оға Карим Шарипов саҳнага чиқди ва пешанамдан ўпиб:

— Раҳмат, гызим, раҳмат. Бела гетса ишларин галачайин парлаҳдир,— деди.

Евахоним Оленская келди.

— Назинка,— деди Евахоним қувончини яширмай,— гунлар гечар, иллар гечар, бу дашын парылтыси ҳаммаша сана мани яда салажак.

У шундай деб кўксидаги нур сочиб турувчи серқирра, катта, қимматбаҳо тош ўрнаштирилган тақничоқни олиб, менинг кўксимга тақиб қўйди.

Менинг учун ғоят қимматбаҳо бу ёдгорлик ҳамон бисотимда. Мен бу тақничоқни Дездемона («Отелло»), Лариса («Сепсиз қиз») каби ролларни ўйнаганимда тақдим.

Ҳамма табриклади. Эртасига А. А. Туганов мен билан Евахонимни ўз кабинетига чақириб яна бир карра табриклади ва бир неча камчиликларни кўрсатиб, бартараф этиш устида ишлаш лозимлигини айтди. Бу маслаҳат, асосан мен ўйнаган ролнинг динамик мунтазамликда ўсиб бориши ва шунга ўхшаган ижодий изланишларга қаратилган эди. Биз миннатдорчилик билдириб, роль устида ишлашни давом эттирдик...

• •
•

Образни бадий такомиллаштириш, умуман, образ устида қунт билан ишлаш жараёни жуда кўп куч, вақт, сабот, ғайрат ва ташаббускорликни талаб қиларди. Шунинг учун диққатни икки томонга, яъни ҳам техникумда ўқишга, ҳам театрда ишлашга қаратиш гоят қийин эди. Унинг устига оғироёқ ҳам эдим. Техникумни ташлаб кетмоқчи ҳам бўлдим. Чунки театрнинг ўзида Марзияхоним, Евахоним, А. А. Туганов ва бошқа бир қатор устозлардан таълим олишнинг ўзи кифоя деб, ўйладим. Аммо бу устозларим, хусусан, А. А. Туганов билан Оға Карим Шарипов мутлақо аксинча йўлни, қандай қилиб бўлмасин ўқишни тугатиб олишни тавсия этдилар. Ҳатто ҳолимни танглигини тушуниб, мени театр ишларидан бўшатиб қўйдилар. Фақатгина ўзим банд бўлган спектаклларга келиб ўйнаб туришим керак эди, холос.

Ўқишга киришиб кетдим. Оилавий турмушимиз ҳам аъло даражада эди. Деярли ҳеч қандай ташвишни билмасдим. Орадан кўп ўтмай она бўлиш бахтига эришдим. Севинч устига севинч қўшилди.

ИМТИҲОН, ИМТИҲОН!

Санъаткор бўлиш учун умр бўйи жуда кўп имтиҳонлардан ўтишга тўғри келади. Асл маъносида ҳам, мажозий маънода ҳам имтиҳон устига имтиҳон!

Ҳали техникумда ўқиб юрган пайтимдаёқ А. А. Туганов «сен ўқишни давом эттиришинг керак», деб такрор-такрор эслатиб турарди. Шундай кунлардан бирида Александр Александрович:

— Назинка, мана техникумни битиришингга ҳам оз

қолди. Оиланг билан маслаҳатлашиб кўргин. Сен театр-санъати асосларини чуқур ўрганишинг керак Техникумни битиришинг билан республикамиз номида Москвага — Марказий театр санъати техникуми (ЦТТИС)га ўқишга юборамиз, деди.

Бу гапни келиб Қозимга айтдим. У эътироз билдирмади, чунки бу шунчаки гап эмас, балки кўпгина асосларга эга бўлган қатъий қарор эканлигини у яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам кўп ўтмай Москвага жўнади. Бориб, мenden олдин Москвадаги тўқимачилик институтига ўқишга жойлашиб келди. Шундай қилиб, 1929 йилнинг ёзида техникумни битириб, ОзССР наркомпроси йўлланмаси билан эр-хотин Москва томон йўл олдик.

ЦТТИСга ОзССРдан йўлланма билан келган уч киши эдик. Мен актёрлик факультетига, Султон Закий режиссёрлик факультетига, Ханифазода деган йигит балетмейстерлик факультетига. Шундан, Султон Закий кейинча М. Ф. Охундов номли опера ва балет театрининг режиссёри сифатида шуҳрат топди ва ОзССР халқ артисти даражасигача юксалди. Ханифазода эса шу театрининг балетмейстери сифатида республика маданияти тараққиёти учун катта улуш қўшди.

Мана, мутахассислик бўйича имтиҳон кунлари ҳам етиб келди. Имтиҳон олувчи комиссия аъзолари кўпчилик эди. Улар орасида кейинча мен учун жуда қимматли бўлиб қолган устозларим Б. М. Сушкевич, С. Г. Бирман, Е. Ф. Саричевалар ҳам бор эди.

Ўша пайтда иккинчи МХАТнинг бош режиссёри Б. М. Сушкевич бўлиб, у гавдали, тўладан келган, лекин олижаноб, мулоим бир киши эди. Кейинча у бизнинг курс раҳбаримиз эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун бўлса керак, имтиҳон жараёнини у бошқариб турар, гарчи коллегиал тарзда савол-жавоб қилинса ҳам, у ҳал қилувчи овозга эга эканлиги яққол билиниб турарди.

Ҳозирда РСФСР халқ артисти, Москвадаги Ленин комсомоли театрининг режиссёри Серафима Герна Бирман ўша пайтларда иккинчи МХАТнинг етакчи актрисаси ва режиссёрларидан бири эди. Бу жиддий, бир қарашда нигоҳи ҳатто кишини тешиб юборгудай аёл, аслида ҳам жиддий, аммо қалби дарё, жуда меҳрибон эди. У бизнинг актёрлик маҳорати бўйича ўқитувчимиз бўлиб, Борис Михайлович Сушкевичга ёрдамчи эди.

Ниҳоят, комиссия аъзолари ўртасида ўтирган учинчи мўътабар зот, бу — ҳозирда профессор, Совет Иттифоқида саҳна нутқи санъатини фан сифатида шаклланишига асос солган улкан педагог — олимлардан бири Елизавета Фёдоровна Саричева эди. У ўша пайтларда ҳам ғоят жиддий, пурвиқор, сочларига оқ оралаган салобатли бир аёл эди. Унинг қарашидagi жиддийлик ва спичковлик имтиҳон топширувчиларнинг қалбига ғул-ғула ҳам солиб турарди.

Имтиҳон топшириш навбати менга келди. Қозим режиссёрлик қилиб тайёрлаган қанчадан-қанча шеър, монолог, ашула ва этюдларни заршунослар ҳукмига ҳавола этиш айёми ҳам етиб келди.

Мен комиссия ҳукмига рус тилида Катеринанинг монологи, И. А. Криловнинг «Маймун ва кўзойнак» номли масали, С. Есениннинг «Онамга мактуб» шеъри ва ашула ҳавола этиш ниятим бор эди. Шундай қилдим ҳам. Киришим биланоқ монолог ўқиб беришимни таклиф қилишди. Мен комиссия аъзоларига бир-бир қараб чиқдим-да, негадир менга виқор ва жиддийлик билан тикилиб турган Е. Ф. Саричевада нигоҳим тўхтади. У кишининг қараши ғоят жиддий, ҳатто кўрқинчли эди. Тақдиримни фақатгина шу аёл ҳал қиладигандек бўлиб туюлди. Бошқа кишига айтсам, бу аёл норози бўлади-ю, барибир йиқитиб юборадигандек туюлди. Қўрқиб кетганимданми ёки ички бир даъват ҳукмига бўйсунибми, ҳар ҳолда монологни шу аёлга қараган ҳолда бошладим. Ахир, бу аёлнинг келажакда менинг энг се-

вимли педагогим ва ғамхўрим бўлишлиги, мен қачонлардир педагогика оламига қадам қўйиб, аини шу муҳтарам ва мўътабар аёлнинг йўлини давом эттиришим ўшанда кимнинг ҳам хаёлига келибди, дейсиз.

Монолог, ундан кейин шеър ва масални ўқиб бердим. Шундан кейин ашула айтиб беришни илтимос қилишди. Мен С. Есениннинг «Онамга мактуб» шеъри асосида айтиладиган русча ашулаи айтиб бердим.

Ты жива еще, моя старушка?
Жив и я. Привет тебе, привет!
Пусть струится над твоей избушкой
Тот вечерний несказанный свет...

деб бошланувчи кенг, тўлқин билан айтилувчи бу қўшиқ ўша пайтлар эл огзида эди. Комиссия аъзолари яна бошқа бир ашула айтиб беришимни илтимос қилишган эди, мен отамдан ўрганган «эй, баргузин молодой» деб бошланувчи «Бродяга» деган рус халқ қўшигини айтиб бердим.

Шундан сўнг озарбайжон тилида бирор нарса ўқиб беришимни таклиф қилишди. Мен М. Ф. Охупдовнинг «Пушкиннинг ўлимига» номли шеърини ўқиб бердим. Кейин, комиссия аъзолари талабларига кўра вальсга тушдм, эркин темада берилган импровизацион этюдни бажардим. Булар мен учун қийинчилик тугдирмасди албатта, чунки Боку техникумида олган таҳсилим ва театрдаги актёрлик тажрибам менга қанот бағишлади.

Ниҳоят, Б. М. Сушкевич,

— Ну товарищи, она же актриса!— деди-да, худди «чўзиб ўтиришнинг нима ҳожати бор» дегандек қилиб, хулоса ясади ва натижани кутиб ўтириш учун мени ташқарига чиқариб, навбатдаги абитуриентни киритишди.

Кутдик. Чексиз ҳаяжон билан кутдик. Учовимиз ҳам муваффақиятли топширибмиз: Закий, Ханифазода ва мен. Қувончимиз чексиз. Шу тарзда бошқа фанларни ҳам топшириб, ўқишларни бошлаб юбордик.

Фурманова ўрта бўйли, сочлари мош-гуруч, салобатли бир аёл эди. Жудаям босиқ, жиддий ва турвиқор кўриарди бизга. Унинг бу қадар мукамаллиги ўзига жуда мос тушган бўлиб, ўқув юртининг директори айти шу аёл бўлиши зарурдек туюларди.

Ўша кунлари мен қизим туфайли дарсга бир оз кечикиб келардим. Фурманова қайси бир кун бунни сезиб қолиб, мени ўз ҳузурига чақирди. Кечикиш сабабимни эшитиб, менга ётоқхонадан бир хона ажратиб беришга ёрдам берди. Шундан сўнг ўқишга бўлган иштиёқ ва рағбатим янада ошгандек туюлди. Ўқишга муҳаббатимни ошишида мен учун азиз ва муҳтарам бўлиб қолган бу аёлнинг ҳам ҳиссаси йўқ, деб бўлмасди.

Менинг суюкли устозим бўлган профессор Елизавета Фёдоровна Саричева ҳақида ҳам энг ёрқин хотира қолган. Чунки бу меҳрибон аёл ана шундай эъозга, қалбнинг энг муборак жойида асраб юришга арзигулик мўътабар инсондир.

Техникумда ўқиш бошлаганимизнинг биринчи кунидеёқ дарс жадвалида «Саҳна нутқи» деган дарс турарди. Бу дарснинг моҳияти менга жуда аён эди. Чунки озарбайжон саҳна нутқи ва адабий талаффузнини ўрганиш жараёнида бу дарснинг театр санъати учун нечоғлик зарур ва муҳим эканлигини тўла-тўқис англаган эдим.

Ниҳоят, занг урилиб, саҳна нутқи ўқитувчиси аудиторияга кириб келди. Чамаси, қирқ ёшлардаги жозибатор бу аёл имтиҳон пайтидаёқ менинг меҳримни қозониб олган Елизавета Фёдоровна Саричева эди.

Е. Ф. Саричева оқ блузка, қора юбка кийган, кўриниши ёшига кўра салобатлироқ, жудаям жозибатор, бежирим ва озода кийинган, кўзида ва юзларида мулоҳим табассум ўйнаб турган ҳолда кириб келди. Ундаги ана шу кўринишнинг ўзиёқ кишида чексиз ҳавас ва рағбат

уйғотар, кишининг фақат ақл ва юрагини эмас, ҳис-туйғуларини ҳам ўзига занжирлаб оларди. Бу аёл, шу туришида, классик ёзувчилар асаридан жонланиб тушиб келган киборлар оиласидаги гўзалга ўхшарди.

Мен инсон шу қадар чиройли, мафтункор сўзлай олишини билмас эканман. Чунки Е. Ф. Саричева саҳна нутқи дарсининг аҳамияти, рус тилининг имкониятлари, шевалар ва ягона адабий талаффузнинг аҳамияти ҳақида гапирганда шу қадар маҳлиё бўлиб тингладимки, унинг ўша лекциясини ҳанузгача адашмай-нетмай қайтаришим мумкин.

Е. Ф. Саричева бу лекциясида бирор фикрни олга сурар экан, дарҳол уни инobatли мисоллар билан асослар, бу мисоллар шу қадар ишонарли, шу қадар ўринли ва шу қадар ифодали эдики, гапирувчи ҳақ эканлигига заррача ҳам шак-шубҳа қолдирмасди. Энг муҳими эса, муаллиманинг кутилмаган обертонларга бой бўлган ғоят гўзал, мусиқий овози, турли шеваларни худди ўша ернинг вакилидай талаффуз эта олиши, овозининг жонон пиёладай жаранглаб туриши ҳар қандай кишини ҳам мафтун қиларди. Фақат биринчи кун эмас, деярли ҳар бир дарсида у шу қадар ёрқин ва чуқур таассурот туғдирар эдики, у чиқиб кетгандан кейин студентлар қалбида чексиз руҳланиш қоларди.

Биз бу мўътабар аёлни чин қалбдан севиб, унинг дарсига ихлос қўйдик. Чунки учиндан ҳам ўз соҳасининг заршуноси эди. У саҳна нутқи санъати бўйича фақат Совет Иттифоқида эмас, балки жаҳон миқёсидаги йирик арбоблардан бири эканлиги аён бўлди. Шунини айтиш кифояки, унинг «Саҳна нутқи» деб аталган капитал қўлланмаси Иттифоқимиздаги барча театр санъати Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун узок йиллар давомида ягона қўлланма бўлиб, кейинчалик ёзилган дарсликларга асос солди. Бу олима ва педагог Совет Иттифоқида юзлаб истеъдодли санъаткорларни, ўнлаб мен каби педагогларни етиштириб берган мураббий ҳамдир.

Мен санъатга оид бошқа фанлардан ҳам дарс беришим мумкин эди. Бироқ улар орасида сахна нутқи предмети-ни танладим ва бу предметни умр бўйи асосий касбим деб эъозлайман. Бу фанга нисбатан бунчалик ихлосни менда Е. Ф. Саричева уйғотди. Шунинг учун ҳам бу фанга бўлган садоқатимда устозим ҳақидаги абадий хотирам ва чексиз миннатдорлигимнинг рамзи ифодаланади.

МЕТОДИК ТАФОВУТЛАР

Боку техникуми билан ЦТТИСнинг ўқиш-ўқитиш методикаси оралиғида муайян тафовут борлиги маълум бўлди. Бу тафовут энг аввал мутахассисликка оид предметларга тааллуқли бўлиб, Москва методикасининг устуңлиги дастлабки қарашданоқ яққол сезилиб турарди.

Актёрлик маҳорати дарсида, бу ерда назарий масалаларга жуда катта эътибор бериларди. Бу вақтларга келиб К. С. Станиславский системаси анчагина оммалашганлиги сабабли, деярли барча назарий масалалар унинг «Актёрнинг ўз устида ишлаши» китоби асосида ёритилар ва бу система изчиллик билан тарғиб этиларди.

Курсимиздаги студентлар орасида мен энг тажрибали, театр қозонида қайнаб чиққани эдим. Шунинг учун ҳам бу ердаги назарий лекция ва мунозаралар менга унчалик хуш ёқмас, тезроқ этюдларга ўта қолинса деб ошиқардим. Аммо ана шу орзуйимга эришган айёмларга келиб назарий масалаларга енгил қараб, катта хато қилганлигимни яққол тушундим ва бу масалалар билан қайта бошдан, мустақил шуғулланишга, К. С. Станиславский таълимоти билан ёзма манбалар асосида танишиб чиқишга мажбур бўлдим.

Москва техникуми методикасининг афзаллиги шунда

эдики, бу ерда ҳар бир этюд студентлар томонидан чуқур ва атрофлича, саҳна ҳақиқати ва бадний етуклик мезони асосида муҳокама этиларди. Шу услубда, К. С. Станиславскийнинг «я в предлагаемых обстоятельствах», яъни, «мен бирор муайян шарт-шароитга тушиб қолганимда, нима қилган бўлардим», деган машҳур саволига жавоб тарзида ҳаракат қилиш методи асосида онгли ва табиий яшаш услуби мукаммал ўзлаштирилди. Ўз-ўзини таҳлил этиш ва ўзаро мулоқот жараёнида эса, беихтиёр фаол фикр юритиш, ютуқ ва камчиликларни кўра олиш, уларни ривожлантириш ва бартараф этиш малакаси шаклланиб борарди.

Имтиҳон сессиялари пайтида ҳам пойтахт педагогларининг методикаси ҳамда синаш системасининг ўз афзалликлари бор эди. Маълумки, ҳозирги театр санъати институтлари ва ўрта махсус билим юртларида имтиҳон учун тайёрланган этюдларга алоҳида сайқал берилади. Тўғрироғи, йил бўйи ёки ўқув семестри бўйи қилинган этюдларнинг энг яхшилари саралаб олинганда, режиссёр-ўқитувчилар раҳбарлигида узоқ репетиция қилиб пишитилади. Шундан кейингина бу этюд имтиҳонга чиқарилади. Бошқача қилиб айтганда, студент ўзининг нечоғлик ўзлаштирганлигини намойиш қилишдан олдин режиссёр-педагог ва ассистент томонидан роса тайёрланади. Натижада, имтиҳон пайтида бу режиссёрнинг ишими ёки студентларнинг ишими ажралиб олиш қийин бўлиб қолади. Аслида, бундай методикага, яъни ўқитувчининг ўз-ўзини кўз-кўз қилиш услубига мутлақо ўрин бўлмаслиги керак. Таассуфки, студентнинг айбини режиссуранинг изланиши ёки ўқувчини узоқ тайёрлаш воситаси билан ниқоблашдан иборат бу услуб ҳанузгача ҳукмрон бўлиб келяпти. Назаримда, бу мутлоқ хато методика туфайли ёш актёр кадрларнинг кўпчилиги институтни хом-хатала битириб чиқмоқдалар.

ЎТТИШнинг, бу маънода ўз фазилатлари бор

эди. Жумладан, имтиҳон пайтида студент ўқиш жараёнида тайёрлаган этюдини кўрсатиш билан бирга, шу ернинг ўзидаёқ, комиссия олдида импровизацион этюд бажариши шарт эди. Имтиҳоннинг бу услуги биринчи кунларданоқ студентларга маълум қилинарди ва ҳар бир студент билардики, у чинакам маҳорат ва заковат эгаси бўлмаса, имтиҳон пайтида, комиссия ва томошабинлар олдида миси чиқниши муқаррар эди. Шунинг учун дарс жараёнларида ҳам ҳаққоният, самимий муҳокама, чинакам ижодий талабчанлик руҳи мудом ҳукмрон эди.

Албатта, педагог ҳомийсига таяниб ўзининг ижодий ожизлигини ниқобловчи студент билан чинакам имтиҳон топширишини аниқ билган ҳақиқий ёш истеъдоднинг ўқиш жараёнида ҳам, дарсларга бўлган муносабатида ҳам, психологик ва профессионал шаклланишида ҳам ер билан осмонча фарқ мавжудлиги муқаррар. Шунинг учун ҳам орқага чекиниш деб қарамасдан профессионал актёрлар тайёрлашда йигирманчи-ўттинчи йиллардаги театр педагогикасининг бундай рационал методикасини қўллаш манфаатдан холи бўлмасди.

Фақат актёрлик маҳорати бўйича эмас, балки саҳна нутқини ўқитиш жараёнида ҳам Боку техникуми ва ҳозирги кун методикасига кўра муайян тафовут бор эди. Жумладан, саҳна нутқи техникасига кириш олдидан анатомия ва физиологиядан бериладиган маълумотлар, ҳусусан, овоз пайчалари, резонаторлар ва нафас манбаларига оид билимлар мен учун мутлақо янгилик эди. Бу янгиликнинг ижодий томони шундаки, ҳар бир ўқувчи ўзининг анатомик ва физиологик хусусиятларини яхши билиб оларди ва шу илмий асосларга таянган ҳолда, онгли равишда ўзининг ижодий имкониятларини ўстириш учун машқ қиларди. Унли ва ундош товушлар классификацияси, бу ва бошқа фонетик гуруҳларга ажратилган товушлар устида қилинадиган машқларнинг ўзаро тасниф этилиши каби факторлар мен учун мутлақо янгилик ва

қувончли бир ихтиро эди. Дикъатга лойиқ томони шундаки, ҳозирги кунга қадар ана шу илмий-мантиқий асосланган методика Совет Иттифоқидаги барча театр ўқув юртларида ҳукмрон бўлиб келяпти.

Мантиқий таҳлилга оид ишлар ҳам ибратлидир. Таҳлил учун кичик-кичик жумлалар олинадиганда, шу жумлалар аввал грамматик жиҳатдан, кейин эса мутлақо ижрочилик йўсинида, яъни мантиқий жиҳатдан тўла-тўкис таҳлил этиларди. Қилинган таҳлил натижаси студентлар орасида муҳокама этилиб, тўғри ва нотўғри томонлари устидан ҳукм чиқариларди. Айниқса, мантиқий урғу тушувчи сўзларни топиш ва уларни бўрттириш услублари масаласига алоҳида эътибор бериларди. Аудиторияда гапдаги асосий фикрни ёритувчи сўзни аниқлаб олиш машқлари ўтказилгач, уйга ҳам бошқа мисоллар топиб, лингвистик ва мантиқий жиҳатдан таҳлил этиб келиш вазифаси топшириларди.

Овоз устида эса мутлақо индивидуал (якка-якка) ишланарди. Дастлабки йўналтирувчи машқлар ўргатиб бўлиниши биланоқ, текстга ўтиларди ва муайян шеърлар материалида овоз инкишофи, регистрлар кўламини кенгайтириш, овознинг модуляцион имкониятларини ошириш ва овоз кучини мустаҳкамлаш устида махсус ва мунтазам иш олиб бориларди.

Овоз машқлари устида ишлаётганда ҳар бир кишининг ўзигагина хос бўлган хусусий имкониятлари ҳисобга олинар, турли регистрни акс эттириш учун қулай текстлар танланарди. Жумладан, менинг пастки ва ўрта регистримни инкишоф эттириш учун Н. А. Некрасовнинг «Воевода» шеъри олинган эди.

Овоз машқларининг якунловчи босқичларида «Илиада», «Одиссея» каби антик дostonлардан гекзаметрлар олинар ва ана шу материал заминида овознинг учалта регистрига хос бўлган ифода имкониятлари мужассамлаштириларди. Антик ижрочилик манераси ва гекзаметрларнинг ўзига хос кенглиги, турли эмоционал имкониятлар-

га бойлиги туфайли, бу текстлар овознинг барча имкониятларини комплекс тарзда бирлаштириш ва ривожлантириш бобида катта қулайлик туғдирарди.

Саҳна нутқи бўйича пойтахт педагоглари методикасининг яна бир фазилати студентларнинг мустақил машқига алоҳида эътибор берилиши эди. Тўғри, ҳозирги кунда ҳам айрим ўқитувчилар бунга бир оз амал қилишади. Бироқ бу доимий система тусига кирган деб бўлмайди, У пайтлар студент ўқитувчи билан биргаликда маълум репертуар устида ишласа, мустақил равишда бошқа автор, бошқа жанрга мансуб бўлган асар устида ишлаши шарт эди. Аҳён-аҳёнда эса, мустақил машқларимизни ҳам изчиллик билан ўқитувчи назари ва таҳриридан ўтказиб турардик.

Фикримча, саҳна нутқидан мустақил машқ қилиш ва умуман, студентни мустақил изланишга ўргатиш методикаси жуда аҳамиятлидир. Чунки студент мустақил изланиш ва ижод этишга ўрганса, бундай ижод йўлини ўз касбининг асосий замини деб билса, у ҳамиша ўз услуби, ижодий дастхатига содиқ бўлган ҳақиқий санъаткор даражасига етиши мумкин. Режиссёрга таяниб қолган, режиссёр қўйган вазифаларни унинг ёрдамисиз бажара олмайдиган актёр эса, чинакам ижодкорга хос хусусиятлардан маҳрум бўлиши муқаррардир.

Москва техникумида бундай ўзига хосликлар туфайли, мен бу предметларга жуда зўр иштиёқ билан киришиб кетдим. Аммо бир нарсадан жуда қўрқардим. Бу, не-не машаққатлар билан ўзлаштирган озарбайжон тилини унутиб қўйиш таҳликаси эди. Ўзбек тилидан қўрқмасдим, чунки у менинг она тилим эди. Рус группасида ўқиғанлигим, рус тилининг барча нафосатларини ҳар томонлама эгаллашга астойдил киришиб кетганлигим туфайли, озарбайжон тили ва талаффузини ғариб ҳолга тушириб қўймасам бўлгани, деб ташвишланардим. Шунинг учун ҳам, Козим билан бир оғиз ҳам русча гаплашмай, нуқул озарбайжон тилини ишлатардим.

Бунинг заруриятини яхши билган Қозим ҳам ўз ҳимматини аямасди.

ЦТТИСда таҳсил олаётган пайтларимда жудаям но-зик бўлганлигим учун биомеханика ва умуман, жисмоний ҳаракат билан боғлиқ бўлган фанлардан сира қийналмасдим. Жиккаккина ва чаққон бўлганлигим сабаб, техникумда танийдиган қарийб барча студентлар мени «малышка» («кичкиной») деб чақиришарди. Мени техникумда кўпчилик танирди. Бунга сабаб, бир томондан, рус группасида таҳсил олувчи Озарбайжондан келган ўзбек қизи бўлсам, иккинчи ёқдан битта болам билан не-не машаққатларга дош бериб ўқиётганлигим кўпчиликка маълум эди. Техникумдаги ёру дўстларим мени «чеккан жафоларим ҳурмати» танир ва ардоқлашар эди.

МУЪТАБАР ДАРГОҲ

Қишки каникул пайтида Тифлисга келдик. Бу орада қизалоғим Зарифа анча улғайиб, ширингина бўлиб қолган эди. Каникулни ўтказиб қайтиш чоғимизда қизимни қайнанам қарамоғига қолдириб кетишга мажбур бўлдик.

Москвага қайтиб келгач, Қозим институтининг ётоқхонасидан жой олди. Мен ҳам ётоқхона олдим. Аммо менинг ётоқхонам оддий ётоқхона эмас эди. У муътабар даргоҳ, табаррук бир хона бўлиб, ана шу хонада яшганлигим, унда ўтган саргузаштлар ҳақида эшитганларим, ўз-ўзимча ва дугоналарим билан хаёлга эрк бериб тўқиган фантазияларимиз санъаткор бўлишим учун мадад бағишламади, деб айта олмайман. Аксинча, улғлар босган муътабар излар мени янгидан-янги изла-нишлар сари рағбатлантирган бўлсалар не ажаб!

Гап шундаки, комендантнинг гапига кўра, бу хонада буюк рус шоири А. С. Пушкин ўзига яқин ўртоқларин билан учрашиб турар, мушоиралар, баҳсларда ишти-

тирок этар экан. Чиндан ҳам бу хонанинг бутун борлиги «ҳа, менда улуғ Пушкин бўлган, унинг пойқадами, жарангдор овози, латиф сўзларидан баҳраманд бўлганман» дегандай салобат тўкиб турарди.

Совет ҳокимияти даврида ётоқхонага айлантирилган бу бино Вахтангов номли театрнинг орқасидаги «Собачий площадь» деб аталган шинамгина бир хиёбон ёнида жойлашган. Хиёбон жуда сўлим, чиройли, кўкаламзор, хушхаво бир жой бўлиб, А. С. Пушкин ва унинг маслакдошлари айни шундай дилкаш манзиллардан баҳра олган, илҳомланган бўлишлари табиий. Шунинг учун ҳам ана шу хиёбонни кесиб ўтарканмиз, буюк Пушкин ва унинг ҳамроҳлари табаррук этган заминни босиб ўтганлигимиздан руҳимиз кўтарилиб, кўнглимиз гул-гул очиларди. Биз тўртта қиз жойлашган биринчи қаватдаги хонада ажойиб бир камин бор эди. Камин эса, кўпгина суҳбатларимиз, хаёлларимиз, дилрабо фантазияларимизга озуқа берарди. Тўрттала қиз гоҳида Пушкин бўлиб шеърлар ўқирдик, унинг виқор билан, киборона юришларини қилардик, уй бекасининг илтифотли ҳаракатларига жавобан нафосатли таъзимларини бажариб кўрардик, унинг камин олдида ўтиришлари, стули устига ёндашган дўстига боши узра қарашларини қилиб, орзу ва хаёл дарёсига шўнғирдик. Энг муҳими эса, мўътабар шоир турган хонада яшашнинг ўзиёқ олам-олам завқ-шавқ бағишлар, гўё Пушкиннинг ўзи мадад бериб тургандай, гўё Пушкиннинг ўзи нафосат даргоҳига етаклаб бораётгандек, ўзимизни ғайри оддий мамнун ва мағрур сезардик.

ЯНГИЧА ИЗЛАНИШ ВА РИЕЗАТЛАР

Иккинчи курсга ўтганда, этюдлар ва машқлар даври тугаб, спектакллардан парчалар олинди. А. Н. Островскийнинг «Ўрмон» ва «Сердаромад жой» ҳамда А. Кор-

нейчукнинг «Платон Кречет» номли драмаларидан парча олинди.

Курсимизда етакчи аёл ролини ижро этиш мумкин бўлган атиги иккита қиз бор эдик. Улардан бири мен, бири Валя Кузнецова деган қиз эди. Шунинг учун ҳам А. Н. Островскийнинг «Ўрмон» пьесасидаги Аксюша роли Валя билан иккимизга берилди.

Рости гап, А. Н. Островский асарларини унча-мунча ўқиган бўлсам ҳам, унинг ижоди билан тўла-тўқис ёки кўнгил таскин топарлик даражада таниш эмасдим. Айниқса, рус группасида ўқиганлигим учун курсдошларим яхшигина ўзлаштирган бу драматургини мен ҳам яқиндан билишим зарур эди. Шў боисдан Островскийнинг ижодини пухта ўрганишга жиддий киришдим.

«Ўрмон» пьесасидан машҳур «чорраҳа» сахнаси олинган эди. Бунда Счастливцев билан Несчастливцевнинг тақдири, ижтимоий мотивлар ажойиб маҳорат ва бадиий юксакликда ёритилган. Бироқ бу парчада Аксюша роли мендан чиқмади. Островскийни зўр бериб ўқиганларим ҳам, режиссёрлик курсидаги болаларнинг самимий ёрдамлари ҳам беҳуда кетди. Мен рус қизининг характерини ярата олмадим. Шунинг учун ролдан тушиб қолишга мажбур бўлдим. Валя бўлса, бир оз кескинроқ бўлса ҳам Аксюша ролини муваффақиятли чиқарди.

«Платон Кречет» пьесасида менга райком секретарининг қизи роли берилди. Менинг жуссам, характерим, психологик тузилишим мос бўлганлиги учун бу роль унчалик қийинчилик туғдирмади. Пионер қиз сиймосини жонли гавдалантира олдим. Аммо битта хатога йўл қўйган эканман. Муаллимларим ва ёру дўстларим айтгандан кейин уни ҳам бартараф этишга тиришдим ва муддаомга ҳам эришдим шекилли. Гап шундаки, мен ўзим ёш бўлганим ҳолда янада ёшроқ бола образини яратишга ҳаракат қилган эканман. Бу нотўғри, албатта. Чунки ҳаётда аксинча бўлади. Одатда ҳар қандай бола ўзини боридан кўра каттароқ, донороқ қилиб кўрсатиш-

га уринади. Ана шу ерда эса унинг болалик характери очилади. Режиссёрнинг маслаҳати билан бу хатонинг олдини олдим.

Шу пьесанинг ўзида Лида роли ҳам бор эди. Лида тахминан институтни битирган ёшлардаги инженер қиз бўлиб, бу ролни Валя ўйнар эди. Кейинча, шу пьеса диплом спектаклига олинадиган бўлиб, менга Лида роли ҳам берилди. Ўз навбатида, пионер қиз роли Валяга ҳам берилди.

Лида роли ўз ёши, савияси ва психологик тузилиши жиҳатдан менга яқин эди. Шунинг учун ҳам бу ролни деярли машаққатсиз, кўнгилдагидек чиқардим. Валя ҳам пионер қиз ролини яхши адо этди. Шу-шу бўлиб, бу икки ролни Валя билан икковимиз навбатма-навбат ижро этдик.

Иккинчи семестрда ҳам «Ўрмон» ишга олиниб, Аксюша яна мен билан Валяга берилди. Бу таклифни мен ўзим киритдимми ёки Б. М. Сушкевич айтдими, ҳар ҳолда шу ролга қайтдим. Энди қандай қилиб бўлмасин олдимда турган психологик ва профессионал бўсагани енгшим, шу образда рус қизи характери мукаммал яратишим лозим эди.

Ижодий изланиш бошланиб кетди. Даставвал, қишлоқлик рус қизининг жисмоний хатти-ҳаракатларини ўзлаштириш, юриш-туришини топиш учун ётоқхонада юрганимда рўolimни қишлоқли рус қизларига ўхшаб томоғимдан танғиб олиб юрдим. Ошхонада тараддулланганимда бўлса, фартук боғлаб олардим ва қишлоқли қизларга ўхшаб, гоҳи-гоҳи фартукнинг этаги билан бурнимни артиб олардим.

— Кел, мен кўрсатиб берай,— дерди кўпинча қийналаётганимни кўрган Валя. Аммо мен кўнмасдим. Чунки Валя кўрсатиб берадиган ҳаракатларни бажарадиган бўлсам, унга тақлид қилган бўлардим.

Аксюшанинг характери ни англаш, унинг айнан ўзини топиш учун кўча-кўйларда шунга ўхшаш аёл-қизлар-

ни кузата бошладим. Кўрган-учратган кишиларим орасида Аксюшага, тўғрироғи, қишлоқли рус қнзига ва умуман, рус ёшларига хос бўлган миллий ҳаракат, гапириш услуби, ўзини тутиши, ўзига мансуб шеваси, юриш-туриши каби элементларни ўрганиб, бирлаштира бошладим. Менинг бу кузатувчанлигим ролимда ҳам акс этган бўлса керак, ўқитувчиларим дарҳол пайқадилар. Аммо мен тутган бу йўл тубдан нотўғри, ғайри маънавий, чинакам реалистик санъат табиатига ёт эканлигини таъкидладилар. Устозларимнинг гапларига қараганда, мен пьесада берилган конкрет шарт-шароитни ҳисобга олмай, умуман, ноаниқ бир персонажнинг ташқи қиёфасини, яъни образнинг ижтимоий моҳиятини эмас, балки қуруқ ташқи шаклни қидириб юрган эканман.

Шу гапларни эшитганимдан кейин, мен Аксюшанинг пьесада берилган вазиятидаги психологияси, ҳаёти ҳақида ўйлай бошладим. Бир кун кечқурун ётоқда дарс тайёрлаб ўтириб, қизлар бир нарса деган эди, беихтиёр ғирт қишлоқча оҳанг билан жавоб бериб юборибман. Бу менинг ўзим учун ғайри табиий оҳанг, шевачилик фақат мен ўзимни эмас, балки дугоналаримни ҳам ҳангу манг қолдирди.

— Топдинг,— деди бир дугонам,— Аксюшани топдинг.

«Топдим» деб ўйладим ўзим ҳам ва дарҳол ҳамма ишларимни йиғиштириб қўйдим-да, ролга ёпишдим. Мўътабар хонамиздаги камин олдини тасаввур қилиб, Аксюша ҳолатига кира бошладим. Қарасам, атрофимда декабристларнинг кибор хотинлари ва гўзал бир княгиня айланиб юргандай. Улар камин атрофида киборона виқор билан савлат тўкиб юришибди. Уларнинг орасида, пойгакроқда эса юпунгина кийинган, сочи бир ўрим, сапсариқ қишлоқ қизча тортинибгина турарди. Мен—Аксюша — ўша қизча эдим.

Шу тарзда репетиция қилдим. Қизчанинг киборлар

олдида ўзини қандай тутишини, уларга муомаласи, гаплашиш услуби ва интонацияларини қидирдим. Энди менинг Аксюшамга калит топилгандек бўлди. Кўнглим кўтарилди. Завқ билан кириб келсам, дугоналарим: «Ҳа, қалай?» деб сўрашди. Мен қувонганимдан Аксюша ҳолатида эмас, балки тасаввуримдаги княгиня Волконская ҳолатига кириб, киборона карашма билан жавоб бердим:

— А я поеду в Сибирь!

Дугоналарим кулиб қўя қолишди. Аммо менинг вазиятимни кўриб, Аксюша ролига тўғри йўл топганимни англашди шекилли, қувончимга зимдан шерик бўлишди.

Дарсга бориб изланишим, интонация топганлигим, репетиция қилиб тасаввуримдаги Аксюшанинг нутқ услублари, интонациясини топганлигимни қувона-қувона Борис Михайловичга гапириб бердим. Аммо у киши шунақаям хафа бўлди, шунақаям уришиб бердики, асти қўяверинг.

— Сен қачонгача ролнинг ташқи томонини, юзаки шаклини қидирасан?— деди Борис Михайлович,— ҳали рўмол топиб келасан, ҳали интонация топасан. Буларнинг ҳаммаси формализм. Сен тўғри йўлдан боришга интил...

Шундан сўнг, Борис Михайлович Аксюшанинг психофизик ҳолати. пьесадаги шарт-шаронти, ижрочи олдида турган мантикий ва психологик вазифалар ҳақида анча тушунтира кетди. Шу билан пўпанагим пасайиб, қилган ишим потўғри эканлигини англаб қолдим. Аммо Аксюша энди менинг юрак-бағримни куйдириб юбораётганини сезиб борардим. Мен бу ролдан совиб кетиш ўрнига, аксинча, кўпроқ қизиқа бошладим. Бутун вужудимда ижодий ташналик, шу ролга қизғин иштиёқ ҳукмрон эди.

Бир кун Аксюшани Валя репетиция қилаётган эди. Унинг кескин ҳаракаглари менга ботинқирамай турди. Ўтирган жойимда безовталана бошладим. Саҳнага чиқ-

масам бўлмайдиган бир ҳолатга тушиб қолдим. Бехтиёр:

— Борис Михайлович, саҳнага чиқсам майлими?— деб ижозат сўрадим.

Б. М. Сушкевич дарҳол репетицияни тўхтатди. Взяга «сен дамингни олиб тургин» деб, мени саҳнага чиқарди. Репетиция бошланди.

Аваллига сиқила бошладим. Устозим бу нуқсонга ишора қилгандан кейин, ўзимни эркинроқ сеза бошладим, парво қилмай, репетицияни давом эттирдим. Шундан кейин ўзимда қандайдир бир қониқиш сеза бошладим. Пастдан Борис Михайловичнинг «яхшии, яхшии» деган овози қулоғимга чалинди. Бу мени жудаям руҳлантириб юборди. Худди ўз уйимда юргандек, хотиржам, «бепарво» ҳаракат қила бошладим. На асабийлик, на жисмоний сиқилиш бор эди. Аксинча, мен худди ўша содда, соф кўнгил, ифбатли қишлоқ қизи Аксюша образига, ўша давр муҳитига ижодий мамнуният билан кира бошладим.

Пьесанинг ана шу «чорраҳа» картинаси Аксюша учун энг асосий картина эди. Репетиция муваффақиятли ўтди. Устозларим энди тўғри йўлга тушганлигимни таъкидладилар. Шу йўлда изланишимни давом эттиришим лозимлигини айтиб муваффақият тилаб қолишди.

Пьесадаги бошқа ҳамма картиналарда иш равон кетди. Чунки Аксюша образининг асосий маъзини топиб олган эдим афтидан. Тўғри, баъзан талаффузимдаги озарбайжонча методика ўзини кўрсатиб қўяр. буни муаллимимиз С. Бирман дарҳол тузатарди. Ундан ташқари, роль тексти, айниқса, адабий талаффуз. Аксюшанинг нутқий характеристикаси устида Е. Ф. Саричева билан ишлардим.

Хуллас, Аксюша роли чиқди. Латофатли, жозибали, оқкўнгил рус қизининг анча мукамал сиймосини гавдалантира олдим. У менинг талқинимда лиро-драматик қиёфа касб этди.

Саҳна нутқидан ҳам А. Н. Островскийга мурожаат этишга тўғри келди. Мен «Момақалдиروق» драмасидан Катеринанинг охирги монологини танлаган эдим, Е. Ф. Саричева эътироз билдирмади.

Маълумки, «Энди қаёққа бордим? Уйга борайми?» деб бошланувчи бу монологда Катеринанинг ҳаёт-мамоти ҳал этилади. У истиқболининг барча тафсилотларини тарозига солиб кўради-да, охири ўз жонига қасд қилиш қарорига келади.

Шу монологдаги Катеринанинг нафосати, майинлиги, табиатидаги нозиклигини очувчи сўзлар, унинг қалбида туғилган тўлқинлар, кучли зиддиятлар менга жудаям хуш келганди. Жумладан: «Қабринг дарахт остида... Қандай яхши-я! Қуёш бўлса иситиб, ёмғир бўлса суғориб туради... Баҳор келиши билан қабринг устини сабзалар қоплайди, чиройли гуллар... Қушлар учиб келиб, қабринг устидаги дарахтга қўнади, сайрашади, инлар қўйишади, бола очишади, гуллар очилади, сариқ, қизил, напармон... Ҳар хил (*ўйланиб*), ҳар хил... Шу қадар осойишта, шу қадар жимжит! Нақадар яхши!» каби сўзлари худди менинг характерим учун ёзилгандай, худди менинг кўнглимдаги туйғуларни баён этгандай эди. Шунинг учун ҳам бу монологни жон-дилимдан яхши кўрардим.

Пьесани ҳам жуда яхши билардим. Шунинг учун бўлса керак, мен қунт билан ишга киришиб кетдим. Бироқ монологнинг мунгли сўзлари оқимига берилиб кетиб, уни мутлақо мелодрамага айлантириб юборибман. Шу боисдан, Елизавета Фёдоровна монологни қайта ишлаш, қайта талқин этиш зарурлигини уқтирди. Курсдошларим ҳам бир овоздан аини шу ҳақиқатни такрорладилар.

Дарҳақиқат, монологнинг туб моҳияти ва Катерина образининг мантиғини чуқурроқ ўйлаб қараганда, ме-

нинг ички, мунгли ҳиссиётларга берилиб кетишим сира-
ям асосли эмасди. Аслини олганда, ўлимга бел боғлай
олган, бундан ўзга нажот йўли йўқлигига ишонган ки-
ши йиғлоқи, иродасиз ва мунгли бўлиши мумкин эмас.
Катерина эса ўз матонати, мислсиз шижоати билан аж-
ралиб туради. Агар у қўрқоқ, йиғлоқи ва журъатсиз аёл
бўлганида эди, ўз-ўзини ўлдиришга журъат қилолмасди.

Ўзимдаги бор ирода кучини тўплаб мазкур мополог-
ни тубдан бошқача тарзда, яъни трагедия жанрида тал-
қин этишга киришдим. Энди менинг Катеринам ё ҳаёт,
ё ўлим йўлини танлаб: «Ҳаёт тўғрисида ўйлагинг ҳам
келмайди! Ҳаёт! Йўқ, йўқ, керак эмас!.. Бас! Одамлар-
дан ҳам, уйдан ҳам, ҳатто деворлардан ҳам кўнглим
қолди. Бормайман! Йўқ, йўқ, бормайман!» дер экан, бу
сўзларини иродаси кучли бир аёлнинг шу ҳаётга нисба-
тан, қабаннахалар ижтимоий тузумига нисбатан онгли
равншдаги исёни эканлиги яққол билиниб турарди. Ме-
нинг талқинимдаги бу Катерина чинакамига қаҳрамон
аёл эди. Тўғри, унинг «Яна қаердадир куйлашяпти! Ни-
ма куйлашяптикан?» деган сўзларида бу аёлга хос бўл-
ган лиризм, эркин ҳаётга, озодликка бўлган интилиш,
иффат ва беғуборлик мотивлари ҳам ошкор кўриниб ту-
рарди. Аммо буларнинг барчаси жасоратли, иродаси
кучли, мард аёлнинг табиятига хос бўлган кўркем қир-
ралар эди, холос.

Афтидан, бу дафъа монолог талқинининг ғоят тўғри
ва ифодали ҳақиқатини топдим чоғи. Чунки ёру дўстла-
рим ҳам, устозларим ҳам бу талқин маъқул эканлигини,
бир талқиндан иккинчи талқинга ўта олганимни, меҳ-
натсеварлигимни таъкидладилар. Шундай қилиб, Кате-
ринанинг бу монологи менга «5» баҳо армуғон этди.

«МХАТ»ДАГИ ДЕБЮТ

Актёрлик маҳоратидан «Платон Кречет» устидаги
иш давом эттирилди. Мен Валя билан биргаликда, ав-
валгидек, гоҳ Лида, гоҳ пионер қиз ролини навбатма-

навбат репетиция қилиб, бадий қиёмига келтириб юрдим.

Бир куни Борис Михайлович чақириб қолди. Борсам, иккинчи МХАТ театрида пионер қиз ролини ўйновчи актриса касал бўлиб қолганлиги туфайли, шу ролни ўйнаб беришимни илтимос қилиб, театрға кириш учун рухсатнома ёзиб берди.

Мен довдираб қолдим. Бу ҳам шарафли, ҳам қийин бир иш эди. Бир томондан, оддий ўзбек қизининг иккинчи МХАТ каби энг забардаст театрлардан бирида роль ўйнаши, Москва томошабинлари каби заршунослар олдида сахнага чиқиш шарафи бўлса, иккинчи томондан, ана шу шарафни оқлай олиш масъулияти турарди.

Б. М. Сушкевич дарсдан кейин олиб қолиб, театрдаги спектакль билан бизнинг ўқув спектаклимиз ўртасидаги ўзига хосликни тушунтириб, мизансценадаги айрим ўзгаришларни айтиб берди. Мен нималарга рия қилишим кераклигини астойдил ўқиб олдим.

Кечкурун театрға кириб борсам, Борис Михайловичнинг ўзи кулисда — сахнанинг ёнбошида, парда орқасида кутиб олди. Гримёрни чақириб, бурнимни пучуқроқ қилиб грим қилишни ўқтирди.

Қийимларимни кийиб, грим қилиб чиққанымдан кейин, Борис Михайлович мени спектаклда ўйнайдиган актёрлар билан бир-бир таништира бошлади. Шунақа казо-казо актёрларки, ҳар бирининг номи ўзи бир дунё эди. Биз уларни томоша залида ўтириб кўрганимиз учун ҳам мақтаниб, фахрланиб, уларнинг маҳоратига мафтун бўлиб юрардик. Энди бўлса, мен улар билан ёнма-ён туриб спектакль ўйнашим керак эди.

Борис Михайлович таништиряпти-ю, мен ўзимни ноқулай сезаётганимдан бошимни кўтаролмайман. Улардан ибo қилганимдан қалтирайман. Хайриятки, бу танишиш маросими тезгина тугаб қўя қолди.

Ниҳоят, спектакль бошланиб, менинг сахнам ҳам

етиб келди. Креслода ўтириб шеър ёзаётганимда парда очиларди. Парда очилди ҳам. Ёзаётган шеъримни ўқиётиб, бир маҳал қулоқ солсам, «Р» товушини «Л» деб та-лаффуз қиляпман. Ҳаяжондан бўлса керак, албатта. Дарҳол тузатдим.

Отам кириб келиши билан ўрнимдан туриб, қарши олишим керак эди. Бир маҳал отам кириб келди. Ота ролини ижро этаётган актёрнинг салобати босди мени. Қани энди ўрнимдан туролсам. Худди креслога михлаб қўйилгандек қимирлай олмасдим. Лекин туришим, отамни пешвоз олишим зарур эди. Мен ўйнаётган рол-нинг мантиқи ва режиссёрлик мизансценаси шуни та-қозо этарди.

Шу пайт, отам ролини ўйнаётган артист ўрнида шу образни ўқув спектаклида яратган ўз курсдошимни та-саввур эта бошладим. Бирдан дадилланиб, ўрнимдан туриб кетдим ва шу қўйи спектаклни ўйнаб чиқдим. Спектаклдан кейин эса театрнинг барча етук артистла-ри мени табрикладилар ва ижодий истиқболимни тила-дилар. Б. М. Сушкевич эса келиб, ўпиб туриб табрикла-ди ва чўнтагига қўл солиб, бир плитка шоколад билан сийлади. Мен таажжубда қолдим, чунки унинг чўнтагида пачка-пачка «Қазбек»дан бошқа нарсаси бўлмасди.

Менинг бу спектаклда қатнашганлигимни курсимда фақат уч киши биларди, холос. Эртаси куни Борис Ми-хайлович келиб:

— Биласизларми, ўртоқлар, сизларнинг курсдо-шингиз театримиз спектаклида қатнашиб, бизга ёрдам қилди,— деди ва менинг кеча саҳнадаги чиқишим ҳақи-да гапириб берди.

Бу гап курсдошларим орасида роса шов-шувга сабаб бўлди. Мен интервью беравериб зерикдим. Худди бир марта ўйнаган билан ҳамма нарсани билиб олиш мум-кин бўлгандек, актёрларнинг ижрочилик сирларини сў-рашадими-е, ўз ҳаяжонимни гапиришадими-е. Хуллас, сал ўтмай, бу гап техникумга тарқалиб кетди.

Диплом иши учун Афиногеновнинг «Страх» («Даҳшат») номли драмаси ҳам олинган эди. Бунда мен камолотга етган, олий маълумотли, турмушда катта тажрибага эга бўлган аёл ролини ижро этишим керак эди. Мен эса бор-йўғи 19 ёшда эдим. Бу тафовут эса ўзига яраша анча муаммоларни тақозо этарди.

Энг мушкул масала, илгариги ролларда йўл қўйилган хатоликнинг олдини олиш, яъни образ яратишда юзаки восита излаш йўлига тушиб қолмаслигим керак эди. Шунинг учун ҳам образнинг ички оламини, психологиясини, ижтимоий моҳиятини ўрганишга, унинг мантикий қурилишини аниқлаб олишга алоҳида эътибор беришга тўғри келди.

Маълумки, кишининг психологияси, унинг фикрлашида, юриш-туришида, кишиларга бўлган муомаласида, муайян факт ва воқеаларга нисбатан муносабатида, нутқида очилиб боради. Ана шу ҳақиқатлар тақозосидан келиб чиқиб, ўз қаҳрамонининг ҳаётда нималарга қизиқиши, оила муҳиtida юриш-туриши, оила аъзоларига муносабати, ҳулас, саҳна ҳаётидан ташқарида бўлган таржимаи ҳолини аниқлаб олишга киришдим. Зотан, Б. М. Сушкевич ҳам қаҳрамонининг саҳнага киришдан аввал қаерда юрганлиги, саҳнага қаердан ва қай кайфиятда кириб келганлиги, қўлидаги делоларда қандай процессга оид ҳужжатлар борлиги, ҳатто протокол номерларию унинг сумкасидаги нарсалар нималардан иборат эканлигини аниқлаб олишимни талаб қилди. Чунки персонажнинг саҳнадан ташқарида кечган ҳолати ва қилган ишларининг мантиқини аниқлаб олгач, унинг саҳнадаги ҳаёти ҳам аниқ ва равшан очилиши, ҳақиқат доирасида эканлиги назарда тутилди.

Табиатан юмшоқ кўнгиллигим қаҳрамоним табиати-га, унинг мантиқига мос келмасди. Демак, бу ролни ўй-

наётганда мен ўз табиатимдан устун келишим, унга қул бўлиб қолмаслигим керак эди. Чунки менинг қаҳрамоним ўз ҳаётий тажрибаси, касб-кори ва драматург таълиқинидаги характериға кўра анчагина босиқ, вазмин, тадбиркор, чуқур ўйлаб иш қилувчи аёл эди. У салобатли, қатъиятли, пурвиқор ҳамда қалби пок аёл бўлиш лозим эди.

Образнинг мантиқий ва психологик асослари ҳақида муайян тушунча ҳосил қилғач, мен унинг ўзига хос фикрлаши, ташқи қиёфаси, юриш-туриш, гапириш усули, ўзини тутиши каби сифатларини тўлдириш учун унга ўхшаш аёлни ҳаётда қидира бошладим. Албатта, бадий образ учун намуна белгиси бўла олувчи ягона кишини топиш қийин. Шу нуқтаи назардан қараганда, персонажнинг гармоник шаклланиши учун тўрт манба асос қилиб олинди. Биринчи, менинг органик имкониятларим, физиопсихологик реал борлиғим. Иккинчиси, шу персонажнинг менинг тасаввурим, ижодий фантазиям ва реал изланишларим натижасида гавдаланган образ, учинчи, техникумимизнинг директори Фурманова, тўртинчиси, менинг суюкли муаллимам Е. Ф. Саричева эди.

Биринчи икки манба озми-кўпми ўзлаштирилганлиги учун, мен асосий эътиборимни кейинги манбаларни ўрганишга қаратдим. Фурмановадаги жиддийлик ва айни пайтда меҳрибонлик, салобат ва расмий муомала услуби, юриш-туриш ва ҳатто кийиниши каби факторлар қаҳрамонимнинг табиатига ғоят мос келарди. Е. Ф. Саричевага келганда, ундаги ифбат, вазминлик, пурвиқорлик, юриш ва муомаладаги юксак одоб, озодалиқ — буларнинг ҳаммаси қаҳрамоним учун зарур хислатлар эди. Энг муҳими, Е. Ф. Саричева пастки оҳангда, жуда бақувват ва аниқ овозда гаплашар, ундаги овоз жарангининг ўзиёқ киши эътиборини ўзига дарҳол мафтун қилар ва ўз таъсири остидан қўйиб юбормас эди. Унинг «матушка моя» деб мурожаат этишида жиддийлик, самимият ва меҳрибонликнинг ажойиб уйғунлиги мавжуд

эди. Бу сифатлар ҳам образнинг тўлақонли чиқиши учун хизмат қилиши аниқ эди. Шубҳасиз, ҳар иккала устозимдаги мавжуд ажойиб хислатларни айнаи ўзини кўчириш мумкин эмас эди. Балки идрок, ижодий излаш жараёнида, уларни бадий умумлаштириб ифодалаш мақсади бор эди менда.

Устозларимнинг бевосита ёрдами туфайли, шунингдек, ўз уринишларим натижасида образнинг асосий ғоявий ва бадий чизиғи топилди. Шунинг учун бўлса керак, ролни анча равон ижро этдим. Фақат ёшдаги ва тажрибадорликдаги тафовутни бартараф эта олдимми, йўқми, айтишим қийин. Шуниси аниқки, спектакль топширилгандан кейинги очиқ муҳокамада курсдошларимнинг айримлари талқинимни маъқуллади, айримлари қаттиққина танқид қилишди. Менимча, иккала томонда ҳам ҳақиқат бор эди.

ҚАЙДАСАН, ТОШКЕНТ!

Шу йўсинда бировдан олдин, бировдан кейин ўқиб юриб, иккинчи курсни ҳам битириб қўйибман. Ёзги сессияларни топшириб бўлган эдим, бир маҳал Фурманова чақириб қолди:

— Мана, қизгинам,— дея гап бошлади у,— практика пайти ҳам келиб қолди. Сени Ўзбекистонга юборамиз.

— Йўқ,— дедим мен,— ахир мени Озарбайжон республикаси юборган-ку.

— Сен Тошкентга боришинг зарур, вассалом,— деди Фурманова.

Мен розилик бериб, кабинетдан чиқдим. Ҳар ҳолда Тошкентга боришим яхши бўлди, бироқ Озарбайжон театри раҳбарларидан хижолат торгдим. Шу кайфиятда Тошкентга йўл олдим.

Тошкентга келиб, тўғри санъат бошқармасига кирдим. Бошқарманинг бошлиғи Дониёров деган киши

экан. Озгина суҳбатлашган бўлдик. Оғиз очиши биланоқ у кишининг санъатга ҳеч қандай алоқаси йўқ, тақдир тақозоси билангина санъат бошқармасига келиб қолган оддий бир администратор эканлиги аён бўлди.

— «Қолизей»га борасиз,— деди у киши қатъий.

Ҳозирги Я. М. Свердлов номли концерт зали ўша пайтлар «Қолизей» дейиларди ва бу бинода музикали драма театри жойлашган эди.

— Кечирасиз,— дедим мен иккиланиб,— мен драма артисткасиман. Ашула айтишни билмайман. Иложи бўлса...

— Иложи йўқ,— деди у киши чўрт кесиб,— иложи йўқ, гап тамом. Ё ўша ерга борасиз, ёки ана, тўрт томонингиз...

Мен қотиб қолдим. Санъат кошонасига қандай кишилар чиқиб олганлигини кўриб, ҳайратда қолдим. Бўлмаса мен ҳам «йўқ, мен Ҳамза театрига бораман» демасмидим. Уйгур ака ёки Етим аканинг олдиларига югурсам бўлмасмиди!

Хуллас, бўлмади. Ночор-ноилож «Қолизей»га келдим. Биринчи йўлиққан киши ажойиб режиссёр ва актёр Зухур ака Қобилов бўлди.

— Ҳа, Нозихон, қадамларига ҳасанот. Кел, қандай шамол учирди?— деди у киши таажжуб ва лутф билан.

— Мени ишга юборишди. Муздрамга,— дедим мен аллақандай ғарибона кўйда.

Зухур ака «пиқ» этиб кулди. Кейин «ҳа, юқорига чиқибсан-да»— деди-да, кимнингдир, балки Дониёровнинг устиданми гоҳ кулиб, гоҳ уф тортиб, гоҳ таассуф билан бош тебратиб, дирекция томон бошлади. Ҳазил-ҳузил билан дирекцияга кириб, менинг шу ерга амалий тажриба ўтказишга келганлигимни расмийлаштирдик.

Шу пайт Бобораҳим Мирзаев келиб қолди. Бу айёмларда Бобораҳим билан Ҳалима Носировалар кимсан фалончи, доврўғи элга таралган санъаткор эдилар.

Менинг бу театрға ишга юборилганлигимни эши-

тиб, Ҳалима билан Бобораҳимлар ҳам таажжубландилар.

Бобораҳим мени олиб бориб Хайрулла ака исмли қўшнаичига таништирди ва Шириннинг ашулаларини ўргатишни илтимос қилди. Хайрулла ака, Бобораҳим, мен учовлашиб ҳовлига чиққан эдик, Музаффар ота келиб қолди. Ҳозирда ЎзССР халқ артисти, кекса режиссёрлардан бири бўлган бу мўътабар зотнинг ҳурмат ва мартабаси ўша пайтда ҳам жуда улугъ эди. У киши мени кўриб:

— Сени келибди деб, эшитдим. Шунга келаётган эдим,— деди илиқ кўришиб.

— Мени муздрамга мажбур қилиб юборишди,— деб аламимдан йиғлаб юбордим.

Музаффар ота менга таскин берди. Санъаткор ҳамма нарсага қобил бўлиши зарурлигини айтиб, ғоят самимий ва оқилона гапириб рағбатлантирди. Сўнг Бобораҳим айтганидан беҳабар, Хайрулла акага қараб:

— Хайруллахон, Назирахонга Ширин партиясини ўргатиб боринг,— деди.

Эртасига соат 10 да ишга келадиган бўлдим.

«Қолизей»дан чиқдим, ўпкамни қўлтиқлаб Эски шаҳарга, Ҳамза театрига йўл олдим. Борсам, иш тугаган, ҳамма уй-уйига тарқалиб бўлган экан. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, бўшашганча уйга қайтдим. Энди эрта-лаб туриб «Қолизей»га боришдан бошқа иложим йўқ эди.

ШИРИН РЕПЕТИЦИЯСИ

Эртаси кун тайинланган вақтда «Қолизей»га бордим. Фойеда артисткалар саф тортган, чеккада қотмадан келган кекса бир киши завқ ва чаққонлик билан доира чертиб ўтирарди. Ҳалима Носирова ҳам бир чеккада ўтирибди. Кейин билсам, чиройли кийинган, қотмадан кел-

ган, озгин ва нуроний бу киши улкан санъаткор Уста Олим Комилов бўлиб, қизларни рақсга ўргатаётган экан.

Мен ҳам сафга ўтдим. Кейин доира усуллари остида йўргалаб ўйинга туша бошладик. Бу репетиция кишига шу қадар завқ ва ҳузур бағишлардики, асти қўяверинг, Айниқса, мен каби ўзга иқлимларда юриб, она юрт куйларини беҳад соғинган киши учун, Уста Олим аканинг дилбар қўллари остидан чиққан «бум-так»нинг ўзиёқ беихтиёр қаног қоқиб, рақс этишга ундарди.

Энг муҳими эса, мен бу ерда ўз-ўзим учун ўзбек рақсининг зўр ижрочиларини ихтиро эта бошладим. Улар орасида Фахрия Жалилова деган раққоса, Розия Каримова ҳамда рақсда беназир Мукаррама Турғунбоевалар бор эди. Айниқса, Мукаррама билан Розия шу қадар гўзал, шу қадар жозибадор ўйнашардики, уларнинг рақсига қараб туриб, инсон шу қадар гўзал, шу қадар фусункор эканлигига таажжуб қиларди киши.

Шу латофатли туйғулар қўйнида парвоз қилиб, янги дилбар дугоналарим қучоғида ҳузур қилиб турган бир пайтимда Музаффар ота келиб мени фарогат оғушидан тортиб олиб музикачилар олдига юборди. Борсам, қора-чадан келган, озгингина, ширин овозли бир йигит ашула айтаётган экан. Ашула тугагунча мафтун бўлиб эшитдим. Бу йигит, ҳозирда Ўзбекистон ССР халқ артисти, ажойиб санъаткор Карим Зокиров экан. Уша пайтларда ҳамма уни ҳурмат билан Карим Зокирий деб эъзозларди.

Ота мени музикачиларга таништирди. Кейин Ширин ролининг текстини олиб келиб беришди. Репетицияни бошлаб юбордик. Аввалига Хайрулла ака қўшнайда бир ариянинг куйини чалиб эшиттирди. Кейин танбур жўрлигида айттириб кўришди. Шу-шу Ширин роли устидаги қизгин иш бошланиб кетди.

«Фарҳод ва Ширин» музикали драмаси ўша даврнинг элга энг манзур бўлган нодир асарларидан бири ҳисоб-

ланарди. Айниқса. Бобораҳим Мирзаев билан Ҳалима Носированинг ижроси элга шу қадар машҳур бўлиб сингиб кетган эдики, халқнинг бу икки булбули тилларда дoston эди. Бироқ спектаклнинг доврўғи ҳам ундан кам эмасди. Чунки Карим Зокирий Фарҳод ролини ўйнаган кунни ҳам залда одамизод деган тиқилиб кетар, спектакль бошдан-оёқ гулдурос қарсак ва олқишлар остида ўтарди.

Мен ҳам баҳолли қудрат Шириннинг ария ва дуэтларини ўрганиб бўлдим. Шундан кейин Музаффар ота бир неча репетиция ўтказиб, мени спектаклга киритди.

Ширин ариялари устида ишлаётган кунларнинг бирида Хайрулла акадан бир-икки соатга кечикиб келиш учун ижозат сўрадим. У кишининг розилигини олдим, эрталаб Оғамнинг (Уйғур акани ҳамма шундай деб, атарди — Н. А.) олдиларига югурдим. Бориб ҳамма нарсани тушунтирдим, «мени бир бало қилиб ўтказиб олинг» деб, илтижо қилдим. Қушнинг тилини қуш билди, деганларидек, Оғам менинг дарди дилимни дарҳол тушунди. Икковлашиб санъат бош бошқармасига бордик. Аммо қайсар ногорани қанча саваламасанг, ўзиникини маъқуллайди. Санъат бошқармасининг раҳбари Дониёров ҳам ён бермади.

— Музикали театрни тиклашимиз керак. Москвадек жойдан келган кадрларимизни сиз йўлдан урманг. Қўряпсиз-ку, ҳатто Мукаррамахоним ҳам «Гулсара»да она ролини ўйнапти. Бу қизга ҳам ўзига яраша роль топилиб қолади,— деди у.

— Ахир, Назираҳон драматик артистка. Драма театрида ўн марта кўпроқ фойда келтиради. Кадрларни...

Аммо Дониёров гапни тушунишни истамади. Бунга Оға нечоғлик ишонч ҳосил қилган бўлсалар, мен ҳам шу қадар амин бўлдим. Иккимиз ҳам бу уринишдан ҳеч нарса чиқмаслигини аниқ билгач, лом-мим дея олмай чиқиб кетдик.

— Шунақа экан-да,— деди Оғам ич-ичларидан ха-
фа бўлиб.— Начора, чидаш керак. Санъат сабру мато-
натни талаб қилади.

МЕНИНГ МУЗИКАЛИ ПРЕМЬЕРАМ

Ниҳоят, машқ ва репетициялардан кейин Ширин ро-
лини ижро этиш учун менга премьера ҳам берилди. Би-
роқ бу премьерани тайёрлашда фақат репетитор ва
режиссёрлар эмас, балки спектакль иштирокчиларининг
ҳам ҳиссаси катта бўлди. Айниқса, Фарҳод образини
яратган артист Бобораҳим Мирзаевнинг мадади чексиз
эди. Даставвал, у ўзининг самимияти, ёқимли овози,
муסיқийлиги, ижрочилик маҳорати билан актёрларга
жудаям ёрдам берарди. Бундан ташқари миллий мада-
ниятимиз анъаналарини яхши билганлиги туфайли,
хатти-ҳаракатимдаги ортиқчагиларни ҳам ислоҳ этиб
борарди. Жумладан, бир кун ириш-туришим, талаффу-
зим европача эканлигини айтиб, Шарқ қизларига хос
бўлган нозик, нафис ва назокатли ҳаракатларни тушун-
тириб берди. Бошқа бир кун эса, репетиция пайтида:

— Назираҳон, кўзимга тик қараманг,— деди.

— Нега?— дедим мен таажжуб билан,— ахир актёр
ўз партнёрининг кўзидан баҳра олади-ку.

— Шундайликка шундайку-я, аммо бу ердаги вазият
унга тўғри келмайди. Шарқ хотин-қизлари ўз севгили-
лари кўзига тик қарамайди. Мен негадир бу жавобга
ҳам қаноат қилмай, Музаффар отадан сўрадим.

— Тўғри айтибди, европача севги изҳор қилиш би-
лан Шарқ йигит-қизларининг севги изҳор қилиши ўрта-
сида катта фарқ бор. Шарқ қизларида ҳаё, ибо деган
туйғулар жуда устун туради. Ўз навбатида ана шу ҳаё
ва ибодларга гўзал ифода билан чуқур ҳиссиёт, таъсир-
чан мазмундорлик ҳам мужассам.

Кенг кўйлак, дурра ва лозимлар кийиб юриш, мил-

лий ҳаракатлар мен учун қийин, ғайри одат эди. Чунки устозларим Бобораҳим ва Музаффар отанинг талқинларига кўра, ҳаракатларим жудаям майин, силлиқ, равон бўлиши керак эди. Қўлларим эса худди классик рус рақсини ижро этишга тайёрланаётгандек, ёзиғлиқ ҳолда турар, бармоқларимда йиғиқлик, майинлик етишмасди. Аксинча, қўлларим ҳаракатида, умуман, жисмоний ҳаракатларимда европача услуб бор эди. Айни ана шундай нуқсонларни бартараф этиш, саҳна образининг миллий шаклни яратиш, конкрет мазмунни миллий шаклларда бадний ифода этиш асосларини ўрганишда Музаффар ота ва Бобораҳим каби ўзбек халқининг миллий маданияти, анъаналарини яхши билган моҳир санъаткорларга дуч келганлигим мен учун катта бир бахт эди. Чунки, булар чинакамига олижаноб, қалби дарё, ёш ижрочиларнинг камол топиши учун хайрихоҳ кишилар эди.

Албатта, ана шу дўст ва устозларим ҳиммати туфайли, мен бу тахлитдаги нуқсонларимнинг талайгинасини бартараф этдим. Аммо спектаклдаги Шириннинг ариялари мени катта ташвишга соларди. Тўғри, ёру дўстларим, устоз ва ҳамкасабаларим «яхши-яхши» деб таскин бериб турардилар. Нисбий маънода қараганда, бу эътирофларда маълум даражада ҳақиқат ҳам бор эди. Лекин нимаики бўлмасин, мен энг аввал драматик актриса эдим. Унинг устига, халқнинг қалби тўридан жой олган Ҳалима Носировадан кейин бу ролни ижро этишнинг ўзи ғоят мушкул эди.

Хуллас, премьера куни ҳам етиб келди. Парда очилиб, спектакль ҳам бошланди. Ҳаяжон қоплади вужудимни. Энг қўрқадиган жойим ариялар эди.

Мана, ниҳоят «Мен ҳам иқдор бўлайин» деб бошланувчи ариям етиб келди. Арияни бошладим. Ашулани айта туриб, беихтиёр кўзим томоша залига тушди. Не кўз билан кўрайки, биринчи қаторда Оғам, Етим акам, Сора, Ҳалима ва Аббор акалар ўтиришарди. Қўрққа-

нимдан эсим тескари бўлиб кетди. Шу пайт, ашуланинг авжи келиб қолди. Ақли ҳушимни йигиб олдим, дилимда ё пирим, деб авжга чиқиб кетдим. Бир маҳал ашуланинг авжини олиб турибману қулоқ солсам музика таққа тўхтаб қолган. Бенихтиёр кўзим яна залга тушди. Етим акам негадир ўринларидан туриб, яна ўтирди. Оркестрдагилар ҳам барчаси ҳангу манг бўлиб менга тикилиб қолган. Қарасам, аҳвол жудаям муаммо бир кўйда. Яна Огам билан Етим акага қараб илтижо билан, «мени олиб кетинглар» дегандек, нолиш билан авжини тугатдим. Кейин қарасам, Хайрулла ака бирданига завқу шавқ билан бутун гавдаларини тебратиб чала кетди. Оркестрдагилар ҳам у кишига қўшилди. Ариянинг қолган қисми тобора пастлашиб борганлиги учун эркин, ҳатто яйраб айтдим. Ниҳоят, бу арияни тугатдим ва гулдурос олқишлар эшитилди. Бу менингча, имтиҳондан муваффақиятли ўтганлигим белгиси эди.

Аммо шу пайт кўзим саҳнанинг бурчагига тушиб қолди. У ерда Музаффар ота худди «расво қилдинг, шармандаю шармисор қилдинг» дегандек, бошларини чангаллаб ўтирарди. Ролимни давом эттирялману ташвишдан вужудимда аланга. Чунки залдаги гулдурос қарсақлар билан Музаффар отанинг туришлари мутлақо бир-бирига қарама-қарши эди.

Парда ёпилиши билан ҳамзачи дўстларим чиқиб мени чин кўнгилдан табрикладилар. Улар мени «яхши ашулачи экансан», «яхши, жуда яхши» деб алқаб, кўнглимни кўтардилар. Лекин Фарҳод ролида чиққан Б. Мирзаев йўқлигидан, «демак, чиндан ҳам расво қилибман-да», деб роса ташвишландим. Бунинг устига Музаффар ота билан Хайрулла ака ҳам спектаклнинг охиригача кўзимга кўринмай юрдилар. Бу ҳам яхшилиқнинг белгиси эмасди. Аммо илож қанча. Нимаики бўлмасин, спектаклни тугатишим зарур эди.

Драматик саҳналар ва ариясиз ўринларни ўзимча жуда эркин, кўнгилдагидек ўйнадим. Ария яқинлашди

дегунча эса «юрак ўйноғи» бошланарди. Дуэтларда ҳам хотиржамроқ эдим, чунки Б. Мирзаев жудаям мусиқий санъаткор бўлганлиги учун, мен ҳам унга эргашиб борардим ва усулдан ҳам, тондан ҳам қочмасдим. Тўғрироғи, бу маънода Б. Мирзаев мени жиловлаб турарди.

Ҳамзачи дўстларим «сени шунчалик ашула айтасан деб ўйламаган эдик» деб, кўнглимни кўтариб кетганликларини учун, ўз-ўзимга таскин бериб, қолган сахналарда ўзимни дадилроқ тутдим. Унинг устига бор-йўғи учтагина қўрқинчли ариям қолган эди. Фарҳод ўлгандан кейин айтиладиган ариямни негадир жуда яйраб, сира иккиланмай, эркин, ҳузур қилиб айтдим.

Халқ спектаклини жуда яхши кутиб олди. Менинг озми-кўпми ана шу муваффақиятимда Б. Мирзаевнинг ҳиссаси ва мадади жуда улуғ бўлди.

Охири таъзимдан қайтганимдан кейин у қўлимни ўпди ва чинакам самимият билан табриклаб, деди:

— Назирахон, сиз чиндан ҳам жуда яхши драматик актриса экансиз. Ҳавас қилиб, бирга роль ўйнашга арзийдиган актриса экансиз.

Шу пайт Музаффар ота ҳам келиб мени табриклади. Аммо у кишининг юзларида шунақаям ғалати табассум бор эдики, мен бу табассумни ҳанузгача аниқ-равшан кўриб тураман, аммо уни шарҳлашга ожизман...

Ниҳоят, менинг мураббий устозим Хайрулла ака кўриниб қолди. У киши ҳам завқ билан келиб пешанамдан ўпиб:

— Назирахон, шунчалик овозингиз борлигини билмаган эканмиз, табриклайман, чин кўнглимдан табриклайман,— деди.

— Куляпсизми, Хайрулла ака,— дедим бир оз тааруз билан.

— Йўқ, чин кўнгилдан гапиряпман. Бир оз парда етишмади-ю, аммо усулдан чиқмадингиз. Қочиримларни ҳам унчалик қилолмадингиз. Кейин ўзим ўргатаман. Аммо жуда яхши ўтди.

Хайрулла ака ғоят ҳақ эди.

Одатда, театр санъатининг ёзилмаган ички қонунига кўра, янги роль ўйнаган кишини ҳамма табриклайди. Шунинг учун ҳам спектаклда бирга ўйнаган, театрда бирга ишлаётган касбдошларимнинг табриги мен учун қимматли эди. Айниқса, менинг премьерамни бирга ўйнаган ёру дўстларимнинг самимий табрик ва олқишлари кўнглимни тоғдек кўтарди. Улар орасида Шопур ролини ўйнаган Низомиддин Холдоров, Меҳинбону ролини ўйнаган, менинг «Воҳидия» мактабидаги собиқ синфдошим Сора Ҳомидова, Ёсуман ролини ўйнаган, ҳозирда ЎзССР халқ артисти, ажойиб дирижёр Фазлиддин Шамсиддиновнинг самимий, қайноқ табрикларининг ҳарорати ҳали-ҳали қалбим тўрида. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб қўяйки, ўзбек театри тарихида ҳали ҳеч ким Ёсуман образини Ф. Шамсиддиновдек юксак маҳорат билан ярата олгани йўқ, десам муболаға бўлмас.

ХУРШИД ДОМЛА ТАЪЛИМИ

Премьеранинг эртасига мени таниқли шоир ва драматург Хуршид ўз ҳузурига таклиф этди. У киши шу театрининг адабий эмакдоши бўлиб ишларди.

Мен табиятан юмшоқ, нуроний бу мўътабар инсоннинг ишхонасига кириб бордим. Хуршид аканинг театрида ва умуман, санъат аҳли орасида нечоғлик катта эътиборга эга эканлигини яхши билардим. Шунинг учун барча қатори мен ҳам у кишини ҳурмат қилиб юардим.

— Кеча премьерангизни кўрдим. Яхши, қизим, муваффақиятингиз билан табриклайман.

Мен миннатдорчилик билдирдим. Аммо у киши бекорга чақирмаганлигини, мен учун асраб ўтирган муҳим гаплари борлигини ҳис этиб турардим. Шундай бўлиб ҳам чиқди. Чунки бирдан маънодор қилиб сўраб қолди:

— «Фарҳод ва Ширин»ни ўқиганмисиз, қизим?

Мен гап пьеса ҳақида кетяпти деб ўйлабман. Шунинг учун ўйламай-нетмай жавоб берибман.

— Ундай бўлса, ўша даврни қандай тасаввур қиласиз? Шириннинг ўша даврдаги кўриниши, юриш-туриши, муомаласи ҳақида гапириб берсангиз.

Мен шунда ўта одобсизлик қилиб, шундай мўътабар санъат ва маданият арбобининг саволига савол билан жавоб берибман.

Таажжубланиб дедим:

— Яъни, қандай?

Хуршид ака ялт этиб менга қаради. Майин жилмайиб, кўзларини ерга тикди. Кейин, «ҳа-а, тарбия кўрмаган экансан-да», дегандек, бошини сағал тебратди. Хатога йўл қўйганлигимни сездим. Шунини ҳам аниқ англадимки, бу хатони энди тузатиш мушкул.

Орага ноқулай бир сукут чўкди. Бу сукутни бузишга ҳеч биримиз журъат этолмаётгандек эдик. Устод, афтидан, «Назираҳон, сиз бўшсиз, чиқиб кетаверинг», дейишга андиша қиларди. Мен эса, хатоимни идрок этганим ҳолда узр сўраб, кўнглини яна чўктириб қўймайин деган андиша билан гапиришга журъат этолмасдим. Лекин шунини яхши билардимки, устод агар менинг ўз хатоимни чиндан тушунганлигимга иқрор бўлса, мени кечирishi аниқ эди, шунинг учун бор кучимни тўпладим-да, дедим:

— Устоз, ёшлик, нодонлик қилдим.. мени кечиринг.

Овозим эшитилди, йўқми билмайман. Бу гапларни нолиш билан айтдим. Мабодо, устод сўзларимни эшитмаганда ҳам, нолишимдан қалбимдагини англаган бўлса керак.

Ниҳоят, бир неча дақиқалик у-бу мавзуда юритилган узук-юлуқ гаплардан сўнг, орадан ноқулайлик пардаси кўтарилгандек бўлди. Мавзу айланиб, яна спектаклга ва «Фарҳод ва Ширин» асарига келиб тақалди. Ана шунда, менинг кўз олдимда мисли кўрилмаган гўзал бир олам намоён бўлди. Бу беназир гўзал оламни Хуршид домла тортиқ этаётгандек эди.

Устод, аввалига эринмай «Фарҳод ва Ширин» достони-ни, унинг Алишер Навоий даҳоси туфайли юксак бадиий-лик касб этганини гапириб берди. Достоннинг А. Навоий «Хамса»сидаги варианты билан Низомий Ганжавий қаламига мансуб бўлган нусхасини солиштириб, фарқини таърифлаб берди. Кейин бу достоннинг яна бир қанча Шарқ шоирлари ижодидаги кўринишлари, уларнинг айримларидаги ўзига хос лавҳа ва ривоятлари ҳақида у шу қадар берилиб, завқу шавқ билан, шу қадар ифодали, шу қадар нафосат билан гапириб бердики, мен маҳлиё бўлиб, бутун вужудим билан ўша давр муҳитига кириб кетгандек бўлиб қолдим. Инсон ҳикоя қилиб беришга шу қадар уста бўлишлигига ҳали-ҳали ҳайрон бўлиб юраман. Аммо Хуршид аканинг нақл ва ҳикояларини эшитган, у кишининг нафис сўз санъатидан баҳраманд бўлганлар фикримни тасдиқлаши мумкин.

Устод айтган ҳар бир гап, у киши кўрган ҳар бир камчилик мен учун бутун бир янгилик бўлди. Фақат санъатни ипидан-игнасиғача яхши билган заршуноснига шунчалик заковат билан камчилик ва нуқсонлар табиатини очиб бера олиши, тингловчини ўз ҳақиқатига ишонтира олиши мумкин эди. Қарангки, ҳатто шундай деталга ҳам эътибор берибди у киши. Мен зинага чиқаётиб, худди реверансга тайёрланаётгандек узун кўйлагимнинг икки ёнидан сал кўтариб, бармоқларимни ёзиб чиқибман. Шарқ классик удумига кўра эса, этакни кўтарганда бармоқлар тўпланган ҳолда бўлиши ва кўйлак бир ёндангина кўтарилиши лозим экан.

— Ширинни ҳаддан ташқари замонавийлаштириб юбордингиз, қизим,— деди Хуршид ака.— Сизнинг талқинингиздаги Ширин худди русча мактабни битирган, мутлақо европача таълим олган қизларга ўхшайди. Шунинг учун ҳам пьесадаги шарт-шароит талабидан келиб чиқиб, Ширин образининг миллий қиёфаси ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўринг.

Устод ҳам ашуладаги қочиримлар унчалик чиқма-

ганлигини, ашуланинг ана шу миллий хусусияти устида ҳам ишлаш зарур эканлигини айтиб турган эди, шу пайт хонага Музаффар ота кириб келди. У киши бир қарашдаёқ ўртамизда бўлиб ўтган суҳбат мазмунини пайқади шекилли, маънодор қилиб менга қаради.

«Мен ҳам фикрларимни айтсам ортиқчалик қилмайдими, бардош бера оласанми?» дегандек бўлди хаёлимда.

«Ҳа,— дедим мен ҳам кўз қарашларим билан,— гапиринг, албатта, гапиринг».

Ота ҳам айрим режиссёрлик мулоҳазаларини ўртоқлашди. Кейин Шарқ шеърятининг оҳанги сақланмаётганлигини айтди. Ўзи бир неча шеър ўқиб, ўша шарқона равонлик, мусиқийлик, жозиба, ширин нафосатни намойиш қилиб берди. Устод Хуршид ҳам отанинг фикрларини қувватлаб бир неча шеърый парча ўқиб берди ва икковлашиб, мени Ширин ролидаги айрим ўринларни қайтартириб, амалий машқ қилдиришди. Бу масалада йўлимни топиб кетишлигимга қаноат ҳосил қилгандан кейингина бошқа жабҳаларга ўтишди.

Отанинг гапларига кўра, мен ўқиш лабораториясида ўрганганим чинакам реал ҳиссиёт, ҳаётий яшаш, ҳуллас, реализмга берилиб кетиб, спектаклнинг умумий руҳини — ундаги романтик кўтаринкиликни ҳисобга олмаган эканман. Шунинг учун ҳам ота:

— Спектакль ансамблидан ажралиб қолмаслик учун бир оз пафос керак. Аммо бу пафосингиз ёлғондакам эмас, балки самимий бўлсин,— деди.

Мен ўзимни сал бўлмаса оқлашга интилдим шекилли:

— Шунақа дейсизу оёғимда замонавий, пошнали туфли,— дедим.

— Ўша пайтда ҳам баланд пошна этик ва кавуш кийганлар,— деб изоҳ берди Хуршид ака гапга араллашиб ва либослар тарихи ҳақида бафуржа ва қизиқарли тарзда гапириб берди.

Мен бу суҳбатдан олган манфаатимнинг нечоғлик улкан эканлигини тавсифлаб беролмайман. Бироқ бу гаплар шу биргина суҳбат билан тугагани йўқ. Чунки Ширин роли маҳримга тушиб, бу спектаклда ҳар гал ўйнаганимдан кейин дарҳол ота ва устод Хуршид ҳузурига югурадиган, уларнинг олам-олам ҳикматга эга бўлган фикру мулоҳазаларини қунт билан эшитадиган бўлиб қолдим.

Ҳозир, ўтган умр йўлимга назар ташлаб шуни дид айтишим мумкинки, шу роль муносабати билан бу икки забардаст устозлардан олган таълимим, билимим шу пайтгача менга озуқа бериб келади.

БИЗНИНГ СТУДИЯ

Шу-шу бўлди-ю, бинойидек музикали драма артисткаси бўлдим-қолдим. Б. Мирзаевдан кейин Ширин родини Қарим Зокиров билан репетиция қилиб, у билан ҳам ўйнадим. Ундан ташқари шу театрнинг ўзида «Аршин мол-олон»да Осиё, «Гулсара»да Ойсара ролларини ижро этдим. Аммо кўнглим ҳамиша драма театрига ўтиб кетишга мойил, кўзим мудом ҳамзачилар йўлида эди.

Ниҳоят, бахт менга ҳам кулиб боқди. Қандай қилиб, билмадим, Маннон Уйғур мени Ҳамза номли театрга ўтказиб олиш йўлини топди. Бу бахтиёр айём 1933 йилининг сентябрь ойига тўғри келади.

Ҳамза номли театрга ўтаётган пайтимда театр қошида миллий студия очиш ҳақида қизгин гап борарди. Уйғур оға меки шу масалага жалб этишларига қараганда, педагогика ишига тортиш нияти борлиги сезилиб турарди.

Маннон Уйғур студия очиш ташаббускори бўлса ҳам, аммо унинг ташкилий масалаларини йўлга қўювчи ки-

ши зарур эди. Ниҳоят, шундай киши топилди. У исми Қориев деган жиккаккина, ҳаракатчан, ғайратли бир киши эди. Шу киши студия директори қилиб тайинланиб, студияга тингловчилар қабул қилинди. Ана шу, Ҳамза номли театр қошидаги биринчи ўзбек студиясига кириб таҳсил олганлар орасида, ҳозирда ЎзССР халқ артисти Икрома Болтаева, ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Учқун Раҳмон, машҳур комик, ЎзССР халқ артисти Жалил Раҳмоновлар бор эди.

Дарҳақиқат, Уйғур оға мени педагогика ишига тортди. Икковлашиб ҳам актёрлик маҳорати, ҳам сахна нутқидан дарс берардик. Худди ана шу айёмда менда ўзбек сахна нутқи дарсига муҳаббат туғила бошлади. Бу муҳаббатнинг энг биринчи сабабкори Уйғур оға бўлди.

Маннон Уйғур Москва студиясида таҳсил олган бўлса ҳам, сахна нутқи дарси соҳасидаги ўқитиш услуби Москва ўқитувчилариникига нисбатан озарбайжонлик устоз Қирмоншоҳли педагогикасига яқинроқ эди. Бунга сабаб шуки, Уйғур оға ўз диққатини нутқ техникасидан кўра кўпроқ талаффузни тузатиш ва сўз устида ишлашга катта эътибор берарди. Нутқ техникаси устидаги ишлар эса менга топширилди. Мен мустақил равишда шижоат қилиб артикуляция, дикция, нафас ва овоз гимнастикаси устида иш бошладим. Менинг бу дадиллигимни кўриб, устоз қўллаб-қувватлади ва яна яқиндан ёрдам бериб турди.

Оғанинг сўз устида ишлаш методикаси ҳозирги кундаги сахна нутқи предметига кўра, ифодали ўқишнинг ўзигагина яқинроқ эди. Аммо сўз устида ишлаганда, шунақа зукколик ва заршунослик билан ишлар эдики, у кишининг назаридан бирорта талаффуз, бирорта ибора эътиборсиз ўтмасди.

Оға сўз устида ишлаш жараёнида адабиёт назариясига, хусусан, шеърятга жуда катта эътибор берарди. Артистларга, студиячиларга бармоқ ва аруз вазнларининг

табиатини ёритиб берар экан, ўзи қатор-қатор шеърый парчаларни ўқиб, ҳар бир фикрини изчил исботлаб борарди.

Айниқса, унли товушларнинг тўлақонли, адабий талаффуз меъёрида ва жаранглаб туришига катта аҳамият берарди.

— Ўзбек тилининг гўзаллиги, жарангдорлиги, оҳангдорлиги ва равонлиги асосан унли товушлар туфайли — деб таъкидларди Маннон Уйғур ва ҳар бир унлининг нутқда энг муносиб тарзда жаранглашини талаб қилар эди.

Умуман, Маннон Уйғурнинг билим доираси жуда кенг эди. Аммо навойишуносликда у кишини энг илғор навойишунослар қаторига дадил қўйиш мумкин. Ҳатто унлилар ҳақида гап кетганда ҳам Навоий ижодидан ўнлаб ғазалларни ўқиб бериб, ана шу текстлар намунасида чўзиқ ва қисқа унлилар қонунияти, ўзбек тили ва ўзбек шеърхонлигининг бутун нафосатини очиб берарди.

Оганинг ажойиб фазилатларидан бири ўзбек адабий тилини мукамал билганлигидир. Унинг бу фазилати ҳамма учун, хусусан, артистлар ва студиячилар учун таъсиб этиш ва ўрناк олишнинг энг юксак белгиси эди. Бунинг устига шевалар ҳақида, адабий талаффузнинг театр санъатидаги ўрни ва роли ҳақида тез-тез гапириб турарди. Натижада, у кишининг маслакдошлари бехтиёр тил ва талаффуз ҳақида жиддий ўйлаб кўришга мажбур бўларди.

Студиячилар билан дарс ўтган дамларда Маннон Уйғур одатдагидек ғамхўр, мурувватли, жудаям мулойим, тавозели эди. Шунинг учун ҳам у киши ҳамиша юксак интеллект, нафосати ва мазмунга бойлиги билан ажралиб туради.

Гарчи бу студияда мен тенг ҳуқуқли ўқитувчи бўлсам ҳам, аслида худди оддий шогирд каби таълим олардим. Шунинг учун ҳам актёрлик маҳорати ва сахна нутқи предметларидан дарс бериш методикасини ўргатиш

соҳасида менинг устозим Маннон Мажидович Уйғур эканликларидан ҳанузгача фахрланаман. Чунки менинг педагогик фаолиятимда ҳанузгача Оға қолдирган ажойиб излар, Оғанинг ўқитиш, студентлар билан ишлаш услублари, педагогик маданияти мадад бериб туради.

МОСКВАДАГИ МОЖАРОЛАР

Ёзлик каникуллардаги ижодий тажриба кунлари ҳам тугади. Деярли уч ой давомида музикали театрда ва Ҳамза номли театрда олинган сабоқлар ижодий тафаккуримни бойитди, саҳна сирларини чуқурроқ ўзлаштиришимизга кенг имкон берди. Характеристикаларни олиб Москвага қайтсам, техникумда шов-шув, ҳамма қайта рўйхатга олинган. Сабаб — 1933 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, бизнинг ЦТТИС техникумимиз базасида институт ташкил қилинди ва унга Давлат театр санъати институти — ГИТИС (Государственный институт театрального искусства) деб А. В. Луначарский номи берилди. Ҳозиргача Иттифоқимиздаги бу йirik институт шу ном билан юритилади.

Техникумдаги пастки барча курслар қатори бизнинг группамиз ҳам институт ҳисобига ўтди. Шундай қилиб, биз тўртинчи курсга ўтганда институт студенти бўлиб қолдик ва янги рағбат билан ўқишни давом эттирдик. Афиногеновнинг «Даҳшат», А. Н. Островскийнинг «Ўрмон» ва «Сердаромад жой» пьесалари асосида диплом спектакллари тайёрлаб, ўқишни тугатдик.

Бир куни имтиҳонлардан чиқиб, институт ҳовлисида юрсам, бир-иккита нотаниш ўзбеклар юрибди. Бундай сеҳн солиб қарасам, Муҳиддин Қори Ёқубов.

Қори ака билан мен 1925-26 йилларда, Бокуда танишган эдим. Шу пайт, у киши Тамарахоним билан биргаликда Париж гастролларидан қайтиб, Совет Иттифоқи бўйлаб гастролда юрган пайтлари эди.

Дарҳол бориб Қори ака билан кўришдим. У киши ҳам мени таниди.

— Қалай, ўқашларни тугатдингми?— деди меҳрибонлик билан.

— Раҳмат, Қори ака,— деб чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирдим.

— Энди нима қилмоқчисан? Яна Бокуга кетмоқчимисан?

— Албатта,— дедим мен.

— Йўқ,— деди Қори ака,— сен Тошкентга кетишинг керак. Ҳар бир актриса республикамиз учун қанчалик зарур эканлигини биласанми? Биласанми-а?

— Биламанку-я...

— Билсанг бўлгани. Билад туриб...

Қори аканинг ёнларида турган нотаниш киши ҳам у кишининг гапини қувватлаб, мени Ўзбекистонга ташвиқот қила бошлади.

Бироқ Қозим ҳам институтни битираётган пайт эди. Ўртада боламиз бор. У Ўзбекистонга боришга кўнадими, йўқми? Хуллас, муаммолар жудаям кўп эди.

— Тифлисида болам бор, оила масаласи бор, Қори ака. Унинг устига тўрт йил давомида Озарбайжон республикаси стипендия тўлади. Қандай бўларкин? Шунинг учун Бокуга қайтаман,— дедим.

Қори ака чин кўнгилдан хафа бўлди.

— Хайр, майли, энди бошқача чора кўрар эканмизда,— деди-да, яна ўйлаб кўришни маслаҳат бериб, кетиб қолди.

Шу-шу бу гап унутилгандай бўлиб кетди. Яна имтиҳонларга киришиб кетдим. Аммо давлат имтиҳонларини топшириб чиққан кунимоқ, мени директорнинг кабинетига чақирди. Қирсам, узун бўйли, сочи калта қирқилган оқ блузка, қора юбка кийган, галстукли, бир хотин креслода ўтирибди. Салом бериб кирдим. Фурманова:

— Танишгин, Ўзбекистоннинг Москвадаги вакили Жаҳон Обидова,— деди.

Илгари Жаҳон опа ҳақида жуда кўп эшитгандим. Чунки у кишининг номи ўзбек аёлларининг фаҳри эди.

Бу гапни эшитиб, шошилганимча у кишига қараб яна бир марта ўзбекчасига «ассалом алайкум» деб олдим.

— Ваалайкум ассалом,— деди Жаҳон опа ҳам ўзбекчасига, чехралари ёришиб,—гап бундай, қизим. Ўзбекистон учун сенга ўхшаган олий маълумотли санъаткорлар жуда зарур. Шунинг учун дипломингни оласану, Тошкентга жўнайсан,— деб гапини давом эттирди.

— Опа, мени Озарбайжон республикаси ўқитган. Мен у ерга бормасам нима деган одам бўламан,— дедим.

— Расмий томонини биз ўзимиз гаплашамиз, сен хотиржам бўлгин. Озарбайжон ҳам, Татаристон ҳам ўзбек санъатини ривожлантириш учун жуда катта ёрдам берди. Ўзбек халқи бу олижанобликни сира унутмайди. Озарбайжон бу сафар ҳам битта кадр билан ёрдам беришга монелик қилмайди.

Шунга қарамай, одобсизлик бўлса ҳам, фарзандимни, оиламни яна бир неча сабабларни ўртага қўйиб, анча тортишдим.

— Менга қара, қизим,— деди ниҳоят Жаҳон опа,— республикамизда Сорахон, Замирахон, Ҳалимахон деган артисткалар бор. Уларни бутун республика билади. Сен ҳам шулар қаторига қўшилишинг керак.

Яна баҳона билан гапни буриб, бора олмаслигимни айтдим. Шунда ярим ҳазил-ярим чин қилиб:

— Унамасанг, конвой билан ҳам жўнатаман сени! Озарбайжонга ўзим сиз қоқаман,— деди. Кейин Фурмановага қараб:

— У Ўзбекистонга бориши шарт. Бусиз дипломни бермайсиз,— деди. Кейин менга мурожаат этди.

— Тўрт кундан кейин диплом олар экансан. Одам юбораман, бирга жўнайсан,— деди гапни чўрт кесиб, вассалом, дегандай ўрнидан туриб хайрлашиб чиқиб кетди. Панду насиҳатнинг қолганини Фурмановадан эшитдим...

Дарҳақиқат, диплом оладиган кунимиз бир ўзбек киши келди. Қўл қўйиб, дипломимни олиб чиққан эдим, мени табриклади-ю, дипломимни қўлимдан олиб қўйди. Жаҳон опа ваъда қилган «конвой» шу киши эканлигини англадим.

— Назираҳон, бориб эрингиз билан гаплашинг, индинга жўнаймиз. Мана, билет, ишга йўлланмангиз ҳам Тошкентга тўғриланган,— деди ва поезд билетини кўрсатди.

Йиғлаб-йиғлаб уйга келдим. Ҳамма гапни Қозимга айтдим. «Ўзинг кўриб турибсан, Тошкентга кета қолайлик», деб илтижо қилдим.

— Бизда ҳам тақсимот тугади. Мен Бокуга тушдим. Энди қандай қилиб кетаман,— деди ва мунгли бир кўйда қўшиб қўйди,— майли, сен бориб тургин-чи, кейин бир гап бўлар.

Белгиланган вақтда вокзалга чиқдик. Ҳалиги киши кутиб ўтирган экан. Қозимга таскин бериб, иложи бори-ча у ҳам Ўзбекистонга борса яхши бўлишлигини, уй-жой ва иш билан таъминлашга ёрдам беришлигини айтди. Шундай қилиб, Тошкент томон йўл олдим.

МЕНИНГ ҚИММАТЛИ ҚИММАТИМ

Тошкентга етиб келдик. Театрда учрашишга ваъдалашиб, у киши билан хайрлашдик. Эртасига белгиланган вақтда театрда келдик. У киши диплом билан бирга битта хат чиқариб, Маннон Уйғурга узатди.

— Бу нима деган гап?— деди Оға,— Жаҳон Обидова сендан хафа.

— Нима қилай, Оға, боламни ҳам кўролмадим. Тўрт йил Озарбайжон стипендия бериб ўқитди. Қўлимдан энди иш келай деганда...

— Озарбайжон ҳам Совет республикаси, яқин қар-

дошимиз. Барибир эмасми, Совет мамлакатининг қаерида хизмат қилишинг. Бунинг ўстига, Озарбайжон бизнинг санъатимиз равнақиға катта мадад берди, санъаткорлар тарбиялаб етиштирди, сен ҳам ўшаларнинг бири қаторидасан,— деб ярим мутуйбаға буриб жавоб берди...

Хуллас, Ҳамза номли театрга артистка бўлиб ишга кирдим. Шу орада Умаржон Исмоиловнинг «Рустам» номли драмаси ишга олинадиган бўлиб қолди. Асар ҳаммага бир овоздан маъқул бўлиб, Сайфи қори ака сахналаштирувчи режиссёр қилиб тайинланди. Рустам — Аброр акага, Қиммат — менга, Қумри — Замира Ҳидоятовага берилди.

Репетициялар бошланиб кетди. Мен тўрт девордан, паранжи-чимматдан, дин-шариатдан, хурофий урф-одатлардан бўлак ҳеч нарсани билмаган итоаткор, содда ўзбек қизи образини яратишим керак эди. Менинг табиятимда европача таълимнинг таъсири кучли эканлиги ҳисобга олинса, бу жудаям мураккаб масала эди. Аммо биринчи танишувимданоқ мен Қиммат ролини шу қадар севиб қолган эдимки, энди ҳар қанча заҳмат ва қурбон эвазига бўлса ҳам ролни чиқармасдан қўймасдим.

Тил масаласи ҳам чатоқ эди. Чунки бир томондан, рус тилининг таъсири, иккинчи ёқдан, озарбайжон тилининг сингиб кетганлиги ишимни мушкуллаштирди. Аммо Аброр ака, Замира Ҳидоятова, Саъдихон Табибуллаев, Мария Кузнецова каби забардаст санъаткорлар билан ишлашнинг ўзи жуда катта бахт ва ҳақиқий маҳорат мактаби эди. Чунки улар ҳар қадамда миллий хатти-ҳаракатларимни, нутқимни тузатиб борардилар.

Асар бўйича, Қиммат асли наманганлик бўлганлиги учун, автор томонидан унга наманганча шевадан иборат чиройли нутқий характеристика берилган эди. Мен бўлсам, ўзбек тилининг деярли ҳеч бир шевасини билмасдим. Шунда Қиммат образининг нутқий харак-

теристикаси устида мен билан авторнинг ўзи ишлай бошлади. «Абамла», «дедомлар», «келуттиман», «кетуттиман» каби сўз ва ибораларнинг тузилиш ва оҳангини драматургнинг ўзидан эшитиб, аниқ илиб олишга ҳаракат қилдим. Кейин бу характеристикаларни ҳамма ерда эмас, балки фалон-фалон жойда ишлатсам майлими деб, унинг розилигини олдим. Фикримни исбот эта олган бўлсам керак, Умаржон Исмоилов менинг бу фикримни маъқуллади.

Образнинг барча шаклий ва мазмуний қисмларини онгли равишда мужассамлаштиришга интилдим. Ўзбек қизларининг психологиясига чуқурроқ кириш учун уларга хос ҳаракатларни ўзлаштиришга киришдим. Қўпроқ маҳалламиздаги қизлар, ёш келинчакларга разм солардим, сочимни майда қилиб ўрдириб, учига пилик қилдириб юардим.

Қиммат образининг мантиқи, психологияси, ўтмиши ва умуман, таржимаи ҳоли ҳақида ўйлар эканман, кўз олдимда беихтиёр Санам ойи образи жонлана бошларди. Чиндан ҳам бу мўътабар аёл саргузашти менинг Қимматим тўлақонли шаклланишига катта мадад берди!

САНАМ ОЙИ ВА ҚҰМИРЧИ ОТА

Ёшлик чоғларим, бизнинг ҳовлида Санам ойи исмли бир мўътабар аёл хизмат қилиб юарди. У киши жудаям покиза, хушмуомала, дилкаш бир аёл бўлиб, асосан бизнинг овқатимизга қарашарди. Санам ойининг худди ўзи каби покдомон умр йўлдоши бўлиб, касбига кўра биз у кишини «қўмирчи ота» деб атардик. Қўмирчи отанинг ишлари нечоғлик қора бўлса, кўнгиллари шу қадар оқ, дилбар, хушчақчақ, қалби ҳам, чеҳраси ҳам очиқ бир киши эди. Афсуски, бу икки нуроний кексанинг фарзандлари йўқ эди. Аммо икков-

лари шу қадар иноқ яшар эдики, уларга ҳавас қилмаган киши йўқ эди.

Санам ойи гоҳида жудаям хаёлга чўмиб кетар эди ва шундай пайтларда чилим тутатиб, чекиб-чекиб ҳам қўярди. Мен бориб:

— Санам ойи, нега буни чекасиз?— десам, чуқур уҳ тортарди. Баъзида эса:

— Э-э, бўталоғим, менинг юзим шувит. Бандаси олдида ҳам, оллоҳинг олдида ҳам юзим шувит,— дерди.

Нимага юзлари шувит экан, деб таажжуб қилардим. Ниҳоят, кунларнинг бирида менга ёрилди.

Айтишига қараганда, Санам ойи ёшлигида жудаям чиройли қиз бўлган экан.

Санам ойининг ҳусни элнинг тилида дoston бўлган экан. Аммо энди балоғатга етиб, оқи оққа, қизили қизилга ажралиб турган бир пайтда, қандайдир номаълум унсурлар келиб, у кишини кечаси ўғирлаб кетибди. Шу кечасининг ўзиёқ Санам ойини Тошкентга келтириб, бир исловотхонага пуллашибди.

Исловотхона катта бир анҳорнинг бўйига жойлашган бўлиб, кичкина-кичкина хоначалардан иборат, худди йиртқич ҳайвонни қамаб қўйгандек, ҳар кимни ўз хонасига қамаб қўйишган экан. Бундай исканжада муте қизнинг додни ким ҳам эшитиши мумкин. Ночорноилож тақдирга тан беришга мажбур бўлган.

Исловотхонага ким келиб, ким кетмайди. Замонанинг гардиши баҳона, Санам қизнинг олдида бир куни суқсурдай бир йигит киради. Санам қиз уни кўради-ю, қалбида қандайдир покиза ҳис-туйғулар тугилади.

Икковлашиб ўтириб ҳасратлашадилар. Йигит Санам қизга ўз кўнгилни очади. Албатта, исловотхонага кирган ҳар бир ёқавайрон кўнгил очиши, бирпаслик майшатини кўнгилли ўтказиш учун ишқ-муҳаббатда лоф уриши мумкин. Аммо бу йигитнинг қалбидаги ҳис-туйғулар самимий эканлигини Санам сезади ва:

— Мени бу ердан қутқазиб олинг, илтимос,— дейди.

— Қўлим қисқа,— дейди йигит,— бу зиндондан сизни осонликча олиб чиқиш қийин. Бошқа бирор тadbир-ни ўйлаб топиш керак.

Йигит Санам қизнинг қалбига олов ташлаб, ҳаётга умид туғдириб чиқиб кетади. Шу куннинг эртасигаёқ у яна қайтиб, тadbирини топиб келади.

Икки ёшнинг аҳдларига кўра, Санам сувга чиқиш баҳонаси билан ўзини анҳорга ташлаши, иложи бўлса анҳорга чиққанлиги ҳақида бирор белги қолдириши, аммо сувга ташлаганини ҳеч кимга кўрсатмаслиги керак эди. Анҳорга ташлагандан кейин бир бало қилиб оқим билан кета бориши, белгиланган жойда эса йигит уни кутиб туриши лозим эди. Қиз бу шартларни бажаради. Сув оладиган жойда идишини қолдириб, ўзи сийғаниб кетган киши бўлиб анҳорга ташланади. Ваъдалашган хуфия жойда эса йигит уни кутиб олади. Қизнинг кўйлагини ечиб йиртади-да, бир бутоққа илинтириб, сувга ташлаб қўяди. Санам қизни эса ўзи олиб келган паранжига ўраб, олиб қочиб кетади. Шу-шу бўлади-ю, Санам қиз билан ҳалиги йигит никоҳ ўқитишиб бирга умр кечиришади. Ўша жондан кечиб ўзини сувга отган қиз — Санам ойи, йигит эса кўмирчи Улуф ота экан...

Менинг қаҳрамоним Қиммат ҳам исловотхонага тушади. Асарнинг фожиавий руҳи ҳам энг аввал ана шундан бошланарди. Шунинг учун мен исловотхонага тушган жувон психологиясини, унинг ички оламини топишим керак эди. Айни ана шу масалада Санам ойининг саргузаштлари жудаям қўл келди. Чунки Санам ойи исловотхонанинг деярли барча тафсилотларини сўзлаб берган эди.

Тасаввуримда исловотхонанинг кичкина бир хужра-си гавдалана бошлади. Хужра Шарқ услубида безатилган. Қават-қават кўрпалар, пат гиламлар, атлас-ким-хоб кўрпачалар ва лўла ёстиқлар. Ана шундай гўзал безатилган хонада хуфия базмлар қилинади. Бу ҳақи-

қатлардан юрагим сиқила бошлади. Беихтиёр исловот-хоша кайфияти билан яшай бошладим. Санам қиз каби покиза бир тутқуннинг фожиаси бошимга тушгандек руҳий азоб чека бошладим. Шу кайфият репетицияда ҳам ўзини кўрсатди.

— Яхши, жуда яхши,— деди Сайфи қори ака.

Аммо мантиқ тақозосига кўра, бу ҳолат нотўғри эди. Чунки бутун спектакль бўйи Қиммат исловотхона атмосферасида яшаши мумкин эмасди.

— Йўқ,— дедим мен шунинг учун ҳам,— Қори ака, мен Қимматнинг фақат исловотхонадаги ҳаётини ўйнаш билан чекланиб қоляпман.

— Сенинг гапинг ҳам тўғри,— деди Қори ака.— Аммо энг муҳим саҳналардан бирига калит топилсан. Чунки сен Қимматнинг ҳурликдаги пайтларини яхши ҳис этмаганингда, унинг тутқундаги пайтини бу қадар тўлақонли акс эттиролмаган бўлардинг. Изланишингни давом эттиргин.

Бу пьесанинг бутун ижтимоий моҳиятини тушуниб етишим ва тўлақонли тасаввур этишим учун буюк адиб Гю де Мопассаннинг «Портда» номли ҳикояси ҳам катта мадад берди. Ана шу маибаларнинг ҳаммаси бирлашиб, Қимматнинг исловотхонадаги ҳолати тўғри ва бадий-эстетик жиҳатдан етук, спектакль талқини жиҳатдан изчил топилди. Энг муҳими шундаки, образни бу тарзда табиий ҳал этилиши жудаям катта руҳий азобу машаққатли меҳнатни тақозо этди. Агар таъбир жоиз бўлса, бу саҳнанинг ютуғи чинакам роҳат бағишловчи ижодий эркинг, изланиш ва меҳнатнинг гўзал маҳсули эди. Бироқ навбатдаги кўринишларни бу қадар «осон»лик билан яратдим, деб айта олмайман.

Пьеса ўқиладиганда, Қимматнинг жинни бўлиб қолиш саҳнаси дурустгина чиқаётгандек туюлди. Лекин мизансценага ўтгандан кейин иш кўнгилдагидай эмаслиги маълум бўлиб қолди.

Қиммат исловотхонада бошқа йигит деб ўзининг ту-

ғишган акаси билан учрашиб қолганидан кейин даҳшатдан жинни бўлиб қолади. Аммо менинг ҳолатим жинниликдан кўра кўпроқ азобланишга, қийналишга ўхшарди. Жинниларча гоҳ куламан, гоҳ йиғлайман, аммо булар сунъийроқ чиқарди. Бунини ўзим ҳам сезардим, аммо ҳаққоний чиқариш йўлини қидирардим. Қийналганимдан бир кун репетицияда:

— Чиқмаяпти-ку,— дедим Сайфи қори акага.

— Ҳа-ҳа, чиқмаяпти,— деди Қори ака ҳам бирор қатъий маслаҳат беришга ожиздай,— яна излаб кўрин-чи.

— Бир жиннихонага бориб кўрсаммикин?— деган гап оғзимдан чиқиб кетди.

— Яна натурализмга берилиб кетиб қолмайлик.— деб хаёлга чўмди Сайфи қори ака.

— Сиз борсиз-ку, Қори ака. Бусиз ҳеч кўз олдимга келтиролмаёйман. Артистлик санъати учун ҳам кўнгалмалли қўрол зарурга ўхшаб қолди.

Нимаики бўлса ҳам психбольницага бордим. Мени киришга қўйишмади. Шунда бош врач олдига киришим кераклигини айтдим. Мени унинг ҳузурига қўйиб юборишди. Салом-аликдан сўнг муродимни айтдим. Жуда яхши киши экан, шу нарса зарур эканлигини тушунди. Ўзи бошлаб беморлар олдига олиб борди.

Психбольница беморлари дардининг даражасига қараб, турли вазиятда жойлаштирилар экан. Барини айланаб чиқдик. Ниҳоят, менга керак кишилар «эси йўқолган» деб аталувчи гуруҳда бўлишлиги аён бўлди. Бориб шу гуруҳни аста-секин кўздан кечириб бошладим. Бири ўтлардан гулдаста қилаётган, бири оқиб турган сув бўйида айрим ҳаракатларни қайтариб ўтирган, бири дарахт устига чиқиб олиб сочини тараётган... Айланиб чиққач, дарахт устида сочинини тараб ўтирган қиз олдига қайтиб келдим.

Пастдан туриб ҳалиги қизга қарадим. У ҳам менга тикилди. Кейин кимгадир ўхшатди шекилли, мулойим

табассум қилди. Қарасам, қўлида тароғи йўқ. Йўқ бўлса ҳам худди тароғи бордай тараяпти. У сочини тарашдан тўхтади-да, қўлида гўё бор «тароғи»ни менга отди. Мен ҳам худди ундан учиб келган тароқни ушлаб олгандай бўлдим. Қиз хурсанд бўлиб, чапак чалиб юборди. Кейин жиддий тус олди. Аста-секин бўшашиб, худди биз йўқдай узоқ-узоққа тикилиб мунғайиб қолди.

Мен таажжубдан қотиб қолдим. Қимматнинг жиннилик хусусиятларини, жиннилик рафторининг мантиқини топгандай бўлдим.

Трамвайда кетяпману дарахт устидаги эсини йўқотган қиз кўз ўнгимдан кетмайди. Унинг менга ҳадя этган ширин, мунгли табассуми, «тароғи», хурсандчилиги ва мунғайиб, узоқ-узоқларга тикилиб қолиши кўз олдимдан бир-бир ўтаверди. Шу вақт Қимматнинг сўзлари ҳам хаёлимда айлана бошлади. Аста-секин сўзларни кўнглимдан ўтказа бошладим. Шу пайт, негандир олдимдаги аёл ўрнидан туриб кетди. Бундай қарасам, кўзлари ола-кула. Мен таажжубланиб:

— Ўтиринг,— деб таклиф қилдим.

У хотин ҳовлиқиб жавоб қилди.

— Йўқ, йўқ, бемалол ўтираверинг, мен тикка кетавераман. Бу аёл, ё жинни-пиннимикин, деб кўнглимдан ўтказдим. Шу пайт, унга қарадим-да, менга хавотир билан қараб турганини пайқаб қолдим. Хаёлимга ғиз этиб бир фикр келиб қолди. «Қимматнинг сўзларини кўнглимдан ўтказаётган пайтда, бир оз шивирлаб юборган бўлсам керак», деб ўйладим. Ўйладиму кулгим қистади. Ўзимни тутолмай кулиб юбордим. У аёл баттар хавотирланди. Кейин қисқагина қилиб масалани тушунтириб бердим. У анча хотиржам бўлиб ўрнига ўтирди.

— Кечирасиз,— деди аёл,— мен сизни жиннихондан қочиб чиққан бемор, деб ўйлабман.

Бирпас жим бордик. Аёл ўз ичида бир нарсаларни ўйлаб пишитиб олди шекилли, кейин менга ўгирилиб, деди:

— Ҳа, актёрлик шунчалик қийин ишми?!

Мен индамай кулиб қўя қолдим. Қайдам. Балки актёрлик чиндан ҳам қийин касбдир!

Трамвайдан тушиб уйимиз томон йўл олибману, ҳалиги дарахт устидаги қиз кўз олдимдан нари кетмайди. Аксинча, у хаёлимни кўпроқ чулғаб ола бошлади. Унга ачиниб кетдим. Бутун вужудим бўшашиб, сўлиб қолдим. Шу пайт сахнадаги ҳолатим эсимга тушди. Демак, Қиммат ҳам ана шу ҳолда бўлиши керак эди. Яна ўзимни қўлга олдим. Минг-минг хаёл билан уйга етиб келдим.

Киришим билан кўзим эски кадрдопим, ариқ бўйидаги кекса ёнғоққа тушди. Тўхтадим-да, ўзим чиқиб оладиган шохга тикилдим. Худди ўша шох устида, ҳалиги эсини йўқотган қиз ҳолатига тушиб ўзимни тасаввур этдим. Дарахт шохида ўтирган менинг тасаввуримдаги ўз образим менга жилмайгандай, тарағини отгандай, кулгандай, чапак чалгандай ва яна мунғайиб узоқ-узоққа тикилиб қолгандай бўлди. Шошилиб уйга кирдим. Кийимимни алмаштириб чиқиб, супага ўтирдим. Ёнғоққа қараб туриб, ролим тексти, ҳаракатларини бошдан-оёқ кўнгил назаридан ўтказа бошладим. Ниҳоят, хатоимни, энг катта хатоимни топдим!

Менга шу пайтгача тутқич бермай келаётган мантиқ ҳақиқати жиннилик билан ҳушига келиш ўртасидаги психологик жараён, яъни жиннилик билан соғлиқ ўртасидаги кечинмалар экан. Мен бўлсам, шу пайтгача Қиммат ҳолатидаги икки қутбни — гоҳ жиннилигини, гоҳ соғлигини ўйнаб келганман. Аммо ана шу икки қутбни боғлаб турган «кўприк» менинг хаёлимга ҳам келмаган. Натижада, образнинг тадрижий ривожланишида мантиқий тафовут пайдо бўлган. Бу эса, сахна тили билан айтганда, мантиқсизлик, сунъийлик демакдир. Шунинг учун ҳам бу роль кўнглимдагидай чиқмасдан келган экан.

Албатта, мен ҳаётда кўрганм, эсини йўқотган қиз-

га тақлид қилганим йўқ. Узоқ йиллар саҳнада умр кечирган, театр санъати назариясини олий маълумот даражасигача эгаллаган киши тақлидга йўл қўйиши мумкин эмас. Аммо эсини йўқотган қизни кўриб келганимдан кейин муҳим мантиқий ҳақиқатни топиб олдим. Шунинг учун ҳам образ менинг вужуд-вужудимга яна ҳам сингиб кетиб, оромимни буза бошлади. Ёнгоқ рўпарасига ўтириб қилган репетициядан кейин эса, образнинг бу муаммосини ҳам шак-шубҳасиз ҳал этган-лигимга қатъий ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун ҳам дўсту ёрларимни, партнёрларимни хурсанд қилиш умидида тонгни, эртанги репетицияни орзиқиш билан кута бошладим.

Тонг ҳам отди. Театр сари ошиқдим. Кириб бордим утўғри саҳнага ўтиб, кулис ортида типирчилаб, репетиция бошланишини кутдим.

Репетиция Рустам билан Қимматнинг биринчи учрашувидан бошланди. Бу саҳнада ҳам Қимматни довдир, жиннисифат қиздек талқин қилдим шекилли, образ Сайфи қори акага унчалик маъқул тушмади. У кишидан узр сўрадим ва репетицияни давом эттиришни илтимос қилдим.

Ниҳоят, Рустамнинг «отанг ким, онанг ким» деб, сўроқлайдиган саҳнаси бошланди. Мен унга жавоб бера бошладим. Жавобимни бошладиму, кўз олдимда дарахт устидаги қиз гавдалана бошлади. Жавобларимни ҳолатимдаги жиддий ўзгаришни, образга кириб кетганимни сезиб, Абдор ақанинг кўзлари бақрая бошладди. У кишида менинг образимга нисбатан катта ишонч ҳосил бўлди. Абдор ака бу фурсатни қўлдан бой бермаслик учун репетицияга янада астойдилроқ киришиб кетди. Руҳий қониқиш, яхши ижодий кайфият билан ўйнай бошладик. Охирида чарчаб, ҳолдан тойиб, декорацияга суяниб қолдим.

— Ҳа, тўжингдан аканг, мана бу бошқа гап,— деди Абдор ака завқ билан. Бу «кўзингдан аканг» дегани

эди. Чунки Аброр ака кимни жудаям суйгиси, эркалат-гиси келиб кетса, ёш болага муомала қилгандай—«тўжингдан аканг» деб зарофат қилар эди.

Бир саҳнада ашула айтадиган жойим бор эди. Унда Рустам «қаерликсиз», деб сўраса:

— Аслини сўрасангиз номонгонлиман,— деб жавоб берардим. Кейин ёшлик шўхлиги билан ашуламни бошлардим.

Шафтоли шохи ларзон, омон ёр,
Намонгонда қиз арзон, омон ёр,
Қизнинг баҳосин сўрасанг, омон ёр,
Қалами кўйлак, бўз иштон, омон ёр.

Мен бу қўшиқни ҳамма учун маъруф ва машҳур бўлган сеvimли халқ куйида айтардим. Айтганда ҳам уни оддий халқ қўшиғи тарзида эмас, чуқур драматизм билан суғориб, астойдил, жарангдор овозда, тўлақонли ария шаклида айтардим. Аммо нимагадир бу ашула на Қиммат образига, на спектаклга ёпишмай мени хуноб қилиб юрарди.

Қимматнинг жиннилик саҳнасига калит топилгандан кейин, негадир ашулам ҳам репетиция пайтида ўз-ўзидан бузилиб кетди. Ашула-ашула бўлмай қолди. Ашулани бошладиму, беихтиёр бўшашиб уни бузиб юбордим: дард билан тўхтаб қолдим. Мен тўхтаб турган пайтда ҳам, хаёлимда музика давом этаётгандек бўлиб туюлди. Бора-бора бу қўшиқ ария эмас, балки бутун бошлиқ психологик бир дард изҳорига айланиб кетди. Мен қўшиқ айтиш ўрнига, Рустамга ўз ғам-ғуссамни, тақдиримни чулғаб ётган фожиамни тўкиб сола бошладим.

Аброр аканинг туслари ҳам ўзгариб кетди. У киши менинг узук-юлуқ бу ашуламни бошқача ҳолатда эшита бошлади. Мен ҳам у қўшиқнинг куйини, ашулани ашуладай қилишга интилмадим. Дардимни айта-айта, ашуланинг охирида худди дарахт устидаги эсини йўқотган

қиздай мунғайиб, Рустамжонга эмас, мутлақо бошқа бир ёққа термулиб қолдим.

— Маладес,— деган овоз эшитилди залдан.

Бу — Қори аканинг миинатдорчилик овозлари эди. Аброр ака ҳам миинатдорчилик билдириб, репетициядан ҳузур қилганлигини айтди. Ашуланинг куйи бузилганлиги унинг ашулалик ҳоли қолмаганлиги эса ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади. Чунки у энди спектаклга ёпиштирилган ария эмас, балки Қимматнинг дарду ҳасрати изҳорига айланиб кетган эди...

Спектаклнинг бозор саҳнасини ҳам репетиция қила бошладик.

Парда очилиши билан кулисан чиқиб келардим. Атрофга аланглаб, бир нарсадан чўчигандек, бир нарсани қидиргандек олазarak бўлиб юардим.

Бу дафъа қандай кирганлигим эсимда йўқ. Лекин бундоқ қарасам, даҳшат ва ҳайрат билан икки қўллаб бошимни чангаллаб олибман. Ўз-ўзимни кузатиш, яъни контроль кучайиб кетганлигини сездим-да, кулисга секин тисарилиб қайтиб кетдим. Бирпас туриб яна саҳнага чиқдим. Биров нимага чиқиб кетдингу нимага қайтиб кирдинг ҳам демади. Сайфи қори ака ҳам «қанн, нима қилар экан» деди шекилли, индамади.

Бориб авансенага ўтириб олдим. Беихтиёр кўз олдимда дарахт устидаги эсини йўқотган қиз қиёфаси гавдалана бошлади. Мен ҳам худди ёнғоғимиз шоҳида тургандек, сочимни «тарай» бошладим. Шу пайт, қизнинг менга «тароғини» отгани ёдимга тушиб қолди. Мен «тароғини» отиш ўрнига, ўз-ўзимча «Рустамжон» дедим ва акамни эсладим. Кейин қаҳ-қаҳ солиб кулгим келди. Кулдим. Сўнг бирпас ўйланиб турдим-да, йиғладим. Ана шу кулги билан йиғи ўртасидаги «кўприк» бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш жараёнидаги пауза қанчалик давом этганлигини айтилмайман. Аммо қалбимда чиндан ҳам йиғи ҳиссиёти тугилгандан кейингина йиғлай бошладим.

Шундан кейин, бирдан йиғламсираб ашула айтгим келди. Ашуланинг негадир энг охирги мисраси оғзимга келиб қолди:

Қалами қўйлак, бўз иштон, омон ёр,

деб нолиш қилдим ва яна йиғлаб юбордим.
Кейин:

Шафтоли шохи ларзон, омон ёр.—

дедим-да, йиғламсираб, паришон сочларимни «тараб», оғзимга олиб келдим.

Бу сўзлар айна шу тарзда пьесада йўқ эди. Лекин нимагадир шундай қилгим, пойма-пой тарзда қайтаргим келди. Мен ҳам ўз ихтиёримни жиловлаб ўтирмай, ўз эркига қўйиб юбордим.

Шу пайт сахнада отишма бошланди. Мен салгина бевозталандим-да, кейин мутлақо унутиб, ўз ишларим билан шуғуллана бошладим. Шунда бирдан Рустамнинг овози келарди. Акамнинг овозини эшитиш билан бақириб ўша ёққа ўғирилдим. Шу тахлитда бу сахна охиригача эркин ихтиро ва импровизация руҳида ўтди.

Репетиция тугади. Сахнадаги дўстларим мени табриклашди. Қиммат образининг психофизик ҳолати тўлақонли шаклланганлиги очиқ-ойдин аён бўлди.

Залдан туриб Умаржон Исмоилов мурожаат этди:

— Назираҳон, ҳалиги ашула сўзларини пойма-пой қайтарган жойларингизни эслаб қолинг, шундайлигича қолсин. Жудаям ўринли тушди.

Ундан кейин Сайфи қори аканинг овозлари эшитилди: — Ҳа-а, бор экансан-ку, пучуқ.

— Жиннихона ёрдам берди!— деди кимдир мutoйибага буриб. Гурра кулги кўтарилди. Чиндан ҳам образни жонлантириб юбориш учун қандайдир туртки керак эди. Шу турткини дарахт устидаги эсини йўқотган қиз берди.

Спектакль деярли тайёр бўлиб қолди. Энди либосда репетициялар ўтишимиз керак эди. Шунда режиссёр ва рассомимиз Ҳамидулла Икромовдан Қиммат либосларини ўзим айтганча қилиб тикиб беришни илтимос қилдим.

— Хўш, истагингни баён қил, пучуқ,— деди Сайфи қори ака.

— Оқ шойи кўйлак, қизил оқ аралаш атласдан жияк-ли лозим, амиркон кавуш, оч пушти ранг дурра зарур,— деб жавоб бердим.

— Айтганингни барчаси муҳайё бўлади,— деди Қори ака лутф билан. Кейин Ҳамидулла акага ўгирилиб буюрди,— ҳаммасини ёзиб олиб, тиктиришни буюринг.

Бу рангларни танлашим тасодифий эмасди. Чунки Қимматнинг қиёфаси ҳам унинг ички оламига, унинг саҳнада намойиш этилган тақдирга мос келиши зарур эди. Шу нуқтаи назардан қараганда, мен илтимос қилган либослар қуйидагича рамзий мазмунга эга эди.

Оч пушти дурра — Қимматнинг ёшлиги, беғубор айёмлари. Агар эътибор билан кузатган бўлсангиз, атиргулнинг ҳали очилмаган, эндигина лаб ёра бошлаган ғунчаси шу рангда, дилкаш оч пушти рангда бўлади. Мен ҳам, негадир Қимматнинг ёшлигини ана шу гул ғунчасидек акс эттиргим келарди.

Оқ кўйлак — бир инсон сифатида Қимматнинг поклиги, кўнгли тоза, қалби покиза эканлигини рамз этиши лозим эди. Агар тақдир уни исловотхонага йўлатмаганда энг покдомон, қалби мусаффо аёллардан бири бўлиб камолга етарди. Минг афсуски, Қимматдек гўзал, беғуноҳ, латофатли қиз ўша феодал тузумнинг қурбони бўлади.

Оқ йўлли атлас лозим — шу ғунчанинг очилган айёми, Қимматнинг исловотхонага тушиб, бағри қон бўлганлигини ифодалаши керак эди.

Бундан ташқари мен аямнинг ранги сариқроқ, оч писта ранг, пушти аралаш кимхоб нимчаларини бузди-

риб, ўзимга нимча тиктирдим. Бу, менинг тасаввуримда олтин қафас рамзини ўташи лозим эди. Хуллас, айтганларимнинг барчасини амалга оширдим. Шунда менинг Қимматимнинг ташқи кўриниши ҳам назаримда ўзининг энг етук шаклини топди: у ғоят гўзал, нафис, мусаффо, айни пайтда исловотхонанинг барча шаҳваторолик касофатларини ўзида акс эттирувчи қиёфада эди. Айни ана шундай гўзал ва нафис, беғубор ва пок бир бокира қизнинг қурбон бўлиши асар фожиасини оширарди.

Бахтга қарши, ҳамма нарса тайёр бўлиб, асосий репетиция бошланишига икки кун қолганда, Аброр акам касал бўлиб қолди. Рустам ролини дарҳол Шукур Бурҳоновга беришди.

Шукуржон ролни зимдан тайёрлаб юрган экан. Биз унинг доим залда ўтирганлигини кўрардик, аммо ролни шу қадар пухта тайёрлаб юрганлигидан беҳабар эдик. Чунки эртасигаёқ мизансценада репетиция қилинди. Шукуржон худди аввалдан репетиция қилиб юргандек, на сўзда, на ҳаракатда бирор марта ҳам тutilмай, репетицияни юксак маҳорат билан ўтказди. Мен ҳам Аброр ака билан нечоғлик эркин репетиция қилган бўлсам, Шукур Бурҳонов билан ҳам шу қадар эркин репетиция қилдим.

Албатта, мизансценаларни сақлаб қолган бўлса ҳам Шукур Бурҳонов Аброр акага тақлид қилмасди. Аксинча, ана шу биринчи репетицияданоқ икки Рустам — икки олам эканлиги, уларнинг ўзига хос хусусиятлари бир-бирига ўхшамаслиги очиқ-ойдин аён бўлди. Жумладан, Аброр ака жудаям нафис, майин, шоиртабиат мулоийм бир образ яратган эди. Шукур Бурҳонов яратган Рустам эса ғоят эҳтиросли, қалби жўшқин эди, олов-алангага ўхшарди. Агар Аброр аканинг сўzlари қалblларга олов солса, Шукурнинг сўzlари касбдошига чексиз ижодий озуқа берар, қалбни доимо ҳаяжонга тўлдирарди. Шунинг учун ҳам, Шукур Бурҳонов билан репетиция қилган пайтларимда, беихтиёр унинг жўшқин эҳтиросига эрга-

шиб, Қимматимни ҳам жуда юмшоқ тарзда эмас, балки анча ҳароратли қиёфада талқин этардим.

Спектакль кўп ўтмай тайёрланди ва комиссияга топширилди. Топшириш куни спектакль баланд руҳ билан ўтди. Томоша тугагандан кейин барча ёзувчи ва драматурглар саҳнага чиқиб бир-бир табрикладилар. Улар орасида қадди-қомати келишган узун бўйли, мовий кўз бир йигит табриклай туриб қўлимни узоқроқ ушлаб қолди. Кейин билсам, бу таниқли шоиримиз Уйғун ака экан.

Муҳокамага биз кирмадик. Ўшанда, муҳокама пайтида актёрлар қатнашмасди. Эртасига коллективни тўплаб Сайфи қори ака, Оға, Етим ака муваффақият билан табрикладилар ва айрим камчилик, нуқсон ҳамда истакларини баён қилдилар. Шу куннинг эртасига премьер аэ-лон қилинди.

Премьеранинг қандай ўтиши менинг учун жуда катта аҳамиятга эга эди. Чунки бу спектакль менинг институтни битиргандан кейинги биринчи ролим эди. Шунинг учун ҳам менинг ҳаяжоним ҳамманикидан ортиқ эди, десам муболаға бўлмас.

Ниҳоят, эртаси куни ҳам етиб келди. Зал томошабин билан лиқ тўлган. Чунки яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам, уйда турмайди, деганларидек, спектаклнинг довуғи репетиция пайтларидаёқ элга тарқалиб бўлган эди. Спектакль ҳам аъло даражада ўтди. Гулдурас қарсак ва олқишлар театрни қоплади.

«Рустам» спектаклининг муваффақиятли чиқишида ҳамма ижрочиларнинг, хусусан, Шукур Бурҳоновнинг ҳиссаси жуда катта эди. Чунки у роль ўйнаганда, бутун борлиғи билан образга кириб кетар ва партнёрдан ҳам шундай фидойиликни талаб қиларди.

Агар Шукур Бурҳоновнинг шу спектаклдаги маҳорати ҳақида гапирадиган бўлса, унда ҳар бир кўринишни алоҳида иштиёқ ва завқ билан гапириб бериш, чуқур ва профессионал таҳлил қилиш зарур бўлади. Жумладан, у бир кўринишда:

Пул бўлса, пул бериб базм оласан,
Пул бўлса, пул бериб хотин оласан.
Пул бўлса, пул бериб виждон оласан,
Пул бўлса, пул бериб имон оласан!
Базм пул, виждон пул, хотинлар ҳам пул,
Шариат, қошу кўз, ширин сўз ҳам пул.
Жонлар пул, танлар пул, кўкраклар ҳам пул,
Ҳаттоки юраклар, муҳаббат ҳам пул.

деб ўзини тутолмай ҳўнграб йиғлар, кўзларидан шашқа-
тор самимий кўз ёши оқарди. Монолог охирларида эса:

Ичайлик, огага сингилни қўшиб,
Сингилни шарманда қилганлар учун,
Бегуноҳ, беақл, маъсум жонларнинг
Қўлма-қўл гул каби юргани учун,—

деб мени бағрига босганча яна ҳўнг-ҳўнг йиғларди.
Шунда мен, унинг кўнглини ранжитмайдиган тарзда,
секингина:

— Шукуржон, қўйворинг, кийинишим керак,— деб ил-
тижо қилардим. У мени қўйиб юборгандан кейин ҳам
шу ҳолатда қоларди. Шунинг учун ҳам Шукур Бурҳонов
билан саҳнада роль ўйнаш, бир томондан, жуда катта
масъулият талаб қилса, иккинчи жиҳатдан, чексиз ижо-
дий лаззат бағишлар эди. Унинг мазкур чуқур драма-
тизмга, ижтимоий маънога тўла монологи эски феодал
тузуми устидан чиқарилган айбномадек, бойлар-зўравон-
лар устидан чиқарилган ҳукмдек баралла жаранглади.

Умуман олганда, «Рустам» спектакли ҳам, менга жу-
да қимматга тушган Қимматим ҳам фахр этса арзигу-
лик юксакликда чиқди. Матбуот ҳам айнаи шу ҳақиқат-
ни яна бир карра тасдиқлаб ўтди.

Аброр ака билан партнёр бўлиш ҳар биримиз учун катта бахт эди. Чунки бу актёр фақат истеъдодли санъаткоргина эмас, балки санъат наратариясини қалбдан чуқур идрок этган олим санъаткорлардан эди. Шунинг учун ҳам театрнинг навбатдаги спектакли бўлган Н. Погодиннинг «Менинг дўстим» («Мой друг») драмаси олиниб, унда Аброр ака билан партнёр бўлганлигимдан жуда ҳам қувондим.

Бу спектаклнинг режиссёри В. Витт бўлиб, Аброр ака — Гай ролини ижро этарди. Мен эса «қизил соч» деб юритиладиган олифта бир аёл ролини ўйнардим. Бу роль эпизодик бўлса ҳам, асарда ўзига хос муҳим ўрни бор эди.

Режиссёр Виттнинг тушунтиришича, бу аёл ҳаётда ҳам роль ўйнаб юрувчи, ноз-карашма қилиб, жилпонглаб кун кечирувчи бир персонаж экан. Шундан келиб чиқиб мен юзимни пардозлаб, сатанг хотинларга хос ҳаракатлар, сунъий қилиқлар қилдим, кучим етгунча ноз-карашмаларни ишга солдим. Аммо роль негадир чиқмади.

Пьеса қурилиш ҳақида эди. Мен яратадиган образнинг Гай—Аброр ака билан унинг кабинетида учрашадиган саҳнаси бор эди. Бир куни репетиция пайтида негадир Гайнинг столи устига ўтиргим келди. Стол устига ўтирдим-да, ўша ерда турган узун бир мундштукка папиросни тиқиб тутатдим. Тутунини Гай — Аброр аканинг юзига пуфлай бошладим. Қарасам Аброр аканинг менга нисбатан муносабатлари тубдан ўзгариб қолди. Персонажнинг бу қилиғи унинг асардаги қиёфасини оча бошлагандай бўлди. Аброр ака ҳам, режиссёр ҳам менинг бу деталлни маъқулладилар.

Шундан кейин Аброр ака:

— Назираҳон, режиссёрга индамангу, шу бугунги ҳаракатингиздан келиб чиқиб, образ талқинини бутунлай

ўзгартиришга ҳаракат қилинг-чи. Менингча, бу аёл, режиссёр айтгандек эркатой эмас, балки сал беҳаёроқ бўлса керак,— деди.

Бу гап менга манзур бўлди. Мен қаҳрамонимдагп ўйноқилиқ, ноз-карашма, бачкана бўёқларнинг ҳаммасини олиб ташладим. Аксинча, сочимга алоҳида зеб бердим, чиройли либос кийдим, жудаям хушбичим, ташқи кўринишдан ғоят келишган бир аёл қиёфасини яратдим. Ана шундай гўзал, бироқ енгилтабиат аёл, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ҳамманинг ғашига тегарди. Яъни, унинг ташқи гўзал қиёфаси билан ички олами — сурбетлиги, беҳаёлиги ажойиб контраст бера бошлади. Натижада, пьеса муаллифи кўзда тутган аёлнинг жонли қиёфаси шаклланди.

Образнинг мазмуний талқинидан мамнун бўлган Аб-рор ака:

— Назираҳон, энди сўз ҳаракатини ва ритмини, яъни образнинг нутқий характерини ҳам топсангиз,— деди.

Мен излана бошладим. Ниҳоят, олифта, чиройли, аммо беҳаё, бировларнинг олдида бемалол папирос чекиб, тутунини суҳбатдоши юзига пуфлайдиган бу аёлнинг ўзига хос нутқини ҳам топдим. Генерал репетициядан кейин Аброр ака мени муваффақият билан табриклади. Маннон Уйғур эса:

— Жуда яхши, эсда қоладиган, ширингина роль чиқибди,— деди.

Шу-шу менинг асар бўйича «қизил соч» деб юритиладиган бу персонажимнинг номи ҳам, бизнинг орамизда «ширин роль» бўлиб қолди.

ГУЛДА ЎЙНАЛГАН РАҚС

1935 йилнинг июль-август ойларида бўлса керак, биз отпускага чиқиб кетамиз, деб турган бир пайтда Азизбеков номли Озарбайжон Давлат драма театри Ўзбекистонга гастролга келиб қолди. Бу пайтда Озарбайжон

драма театри гуркираб турган бир пайт эди. Бу театрнинг Сидқи Рухилло, Аббос Мирза Шарипов, Улви Ражаб, Марзияхоним, Мирза Оға Алиев, Сўнахоним Ҳожиева, Азизахоним Мамедова каби атоқли санъаткорлари эл орасида донг таратган бир айём эди.

Агар нисбат бериладиган бўлса, рости гап, Озарбайжон драмтеатрига нисбатан бизнинг театр ҳали жудаям ёш ва тажрибаси оз эди. Бизнинг театр эндигина камол топиб, астойдил қаддини ростлаб келаётган эди. Шунинг учун ҳам ана шундай забардаст коллектив олдида, оз бўлса ҳам навниҳол театримизнинг шарафини ҳимоя қилиш зарур эди. Келиб-келиб ана шу масъулиятли бурч бизнинг зиммамизга тушди. Чунки биз уларга «Рустам» спектаклини кўрсатишимиз керак эди.

Бу хабарни эшитдим у вужудим қалтирай бошлади. Сабаби, собиқ касбдошларим, мени ўз бағрида авайлаб ўстирган меҳрибон дўстларим олдида имтиҳондан ўтишим керак эди. Шунинг билан бирга, ўша даврда «Рустам» спектакли меҳмонлар учун бутун ўзбек драматик театр санъати ҳақида тасаввур берувчи ягона имконият эди. Шунинг учун ҳам фақат мен эмас, балки бутун ижодий коллектив ўзининг қардошларига театр маданияти соҳасида эришган муваффақиятларини намоиш қилиши керак эди.

Мана, спектакль куни ҳам етиб келди. Томоша залининг биринчи уч қатори озарбайжонлик меҳмонларга ажратиб қўйилди. Зал одатдагидек томошабинга лик тўлди. Ҳаяжоним ҳеч ёққа сигмайди. Ташвиш ва ҳаяжон ўтида ёнаётган якка менми, десам, бир маҳал Сайфи қори ака ҳовлиқиб келиб қолди.

— И-ишқилиб, ю-юзимизни е-ерга қ-қаратмагин-да, Назиржон,— деб ҳаяжонидан дудуқланиб гапирди... Яна юрган йўлидан қайтиб:— бардам бўл, ҳаммаси яхши бўлади,— деб далда бериб, ўзи ҳам таскин топиб кетди.

Кулисда мен ва партнёрларим қолдик. Бир маҳал

залдан гулдурос олқиш қарсақлари овози эшитилди. Бу меҳмонлар томоша залига кирганликларидан белги эди. Олқишлар узоқ давом этди. Ҳаяжоним авжга чиқди.

Мана, ниҳоят қарсақлар тиниб, орага жимлик чўкди. Бу спектакль бошланишидан дарак эди. Сал ўтмай парда очилиб, томоша бошланди.

Спектакль аҳён-аҳёнда қарсақлар билан, рисоладагидек борарди. Аммо базм саҳнасида кутилмаган бир ҳодиса содир бўлди. Бу саҳна исловотхона кўринишида бўлиб, менинг ўйинга тушадиган жойим бор эди. Исловотхонанинг бошлиги Нишон калли ўйновчи Маруся опа Кузнецова тиззаларига уриб «Ҳм! Ҳм!» қилиб, худди циркдаги ҳайвонни мажбур қилгандай менга бақириб турарди. Шу картина учун машҳур балетмейстер Али Ардобус «Қари наво» куйига ажойиб бир рақс қўйиб берган эди. Рақсда асра қизининг бутун дарди куйланар, унинг ожизалиги, ночор-нонложлиги, бедаво дардга гирифтор эканлиги ҳаракатларининг мусиқий гаммаси билан нақл этиларди.

Шу картина бошланди. Воқеа давом этиб, рақсим ҳам бошланди. Рақс давомида буралиб, орқамга эгиладиган жойим бор эди. Шу ҳаракатни бажараётганимда, томоша залидан гулдурос қарсақлар янгради ва гуллар ёғила бошлади. Рақсни яланг оёқ ижро этардим. Ўйнаётганимда оёғимга тикан қадалди. Пастга қарасам турли ранг атиргуллар билан саҳна тўлган. Қадам босадиган жой йўқ. Рақсни тўхтатишнинг ҳам иложи йўқ. Нима қилиш керак? Таваккал деб рақсни давом эттирдим. Оёғимга атиргулларнинг тикани бота бошлади. Рақсдаги ички ҳиссиётим, дардим, фироғим Қимматникими, меникими билиб бўлмайдиган бўлиб қолди. Лекин мен ҳолатдан чиқишим мумкин эмасди. Чунки бу саҳна спектаклнинг энг муҳим жойларидан бири эди. Хайриятки, шу пайт Шукур Бурҳонов (Рустам) келиб гулларни бир оз нари-бери сурди-да, бўйрадаккина жой очиб берди. Ана шу майдончада рақсни давом эттирдим...

Шу кўйда кўриниш тугаб, парда ёпилиши билан та-
наффус бўлди. Озарбайжонлик меҳмонлардан бир гуруҳи
сахнага чиқиб, мени ўраб самимий табрикладилар. Шун-
да Мирза Оға Алиев:

— Нази, биз гул ташлаб чатоқ қилдик. Сенга азоб
бердик. Бироқ санъат азобсиз бўлмайди. Бу сенга Боку-
ни ташлаб кетганинг учун жазо,— деб лутф билан ҳазил
қилди.

Спектаклнинг қолган қисми ҳам кўтаринки руҳда ўт-
ди. Охирида меҳмонлар келиб, спектаклда ўйнаган санъ-
аткорларнинг барчасини, шунингдек, постановкачи ре-
жиссёримиз Сайфи қори ака Олимовни яна бир карра
катта муваффақият билан табриклашди. Театримизнинг
эса янги ижодий чўққилар сари дадил кетаётганлигини
таъкидлаб, ижодий разнақ тилашди.

Эртасига театрга йнгирилган эдик, кечаги спектаклнинг
қисқача хулосаси бўлди. Маннон Уйгур кўп қатори мени
ҳам мақтаб:

— Шунчалик жозибали роль ижро этиш, рақсга ту-
шиш учун озарбайжонликлар келиши керак эканда-а,—
деди.

— Илгари ёмонмиди, Оға?— дедим мен ҳам таманно
билан.

— Йўқ, аммо кечаги аъло эди. Шукурвой ҳам зўр
ўйнади. Мен спектаклга эмас, меҳмонларга қараб ўтир-
дим. Улар ҳақиқатан ҳам қойил қолди. Ўзбек санъати-
нинг ҳақиқий даражасини кўрсата олганликларингиз
учун ҳаммаларингизга ташаккур,— деди Оға.

Озарбайжон санъаткорлари мени ўзлари турган меҳ-
монхонага олиб боришга таклиф этган эди. Бордим.
Марзияхоним билан Аббос Мирза ўртага олиб, насиҳат
қила бошлади.

— Сен Озарбайжон сахнасида улғайдинг. Кўзимиз
қорачиғидай асрадик. Сени ҳаммамиз севардик, ҳурмат
қилардик. Нега энди бундай қилдинг?— деб сўроққа ту-
тиб қолди Аббос Мирза.

— Ихтиёр менда эмасди,— дедим мен ноилож.

— Қизингни ўйлагин, қизингни. Сен қандай онасан, ахир. Зарифа ҳозир қанчалик бийрон бўлиб қоганийкин. Қозим ҳам у ерда. Сен бўлсанг, қилган ишингни қарагину,— деб Марзияхоним юрагимга ўт сола бошлади.

Мен меҳмонхонага, санъаткорлар ҳурмати учун бир даста анвойи гуллардан саралаб олиб борган эдим. Нима дейишимни билмай, худди Зарифамни бағримга босгандай гулдастани қучоқлаб, баҳона излай бошладим.

Аббос Мирза ҳам анча насиҳат қилди-да ва худди «гап тамом» дегандек қатъий хулоса ясади:— ўйлаб кўр. Гастролимиз тугаса, бирга кетамиз.

Мен не-не олову аланга ичида ёниб театрга келдим. Қимматдан кейин театр коллективи менга жуда катта эҳтиром ва ишонч билан қарайдиган бўлди. Тўғри, коллектив аввалдан ҳам мен учун қадрдон эди. Аммо институтни битириб келгандан кейин ва хусусан, Қиммат образи билан олий маълумотимни деярли тўла-тўқис оқлаб қўйганимдан кейин менга бўлган эътибор яна кучайган эди. Шунинг учун ҳам, бу кириб келишимдаям коллектив мени жуда катта қувонч билан кутиб олди. Маннон Уйғур, касбдош дўстларим атрофимда гиргиттон бўларди. Бокуга бориш ёхуд Тошкентда қолиш мумаммоси хаёли билан юрардим. Қатъий бир қарорга келишим ғоят қийин бўлди. Гоҳ борадиган, гоҳ қоладиган фикри келиб кетарди. Шу онларда Маннон Уйғур пешвоз чиқди ва:

— Назираҳон, «Гамлет» ни бошлаймиз. Мен айтдим. Офелия ролини кўчириб беришади. Ёзда ишлаб келасиз. Отпускadan кейин иш бошлаймиз,— деди.

Мен розилик бердим, аммо қувонмадим. Чунки ҳали кўнглимдаги кураш, иккиланиш кайфияти тугамаган эди. Бир томондан, она юртим, қадрдон театрим, меҳрибон санъаткор дўстларим. Иккинчи томондан, Озар-

байжон ҳам она юртимдек бўлиб қолган, озар театри ҳам меники, озар санъаткорлари ҳам қон-қариндошим бўлиб қолган эди. Истиқболимни бу ерда нечоғлик аниқ тасаввур этсам, озарбайжон театрида ҳам айни шундай эди. Бироқ, булардан ташқари, Озарбайжон турган то-рози палласини кўпроқ босаётган яна икки муҳим сабаб бор эди. Биринчиси — мени Озарбайжон республикаси ўқитгани, яхши умидлар билан тўрт йил давомида қўллаб-қувватлагани бўлса, иккинчиси — оилам ва фарзандим эди.

Ана шу туйғулар туғёнида куйиб юрган бир пайтда, Ога мени директорини Зиё Саид олдида киришим кераклигини айтди. Кирдим. Зиё Саид жудаям меҳрибон, олижаноб, театр санъатини том маъноси билан тушунадиган, маданияти юксак бир киши эди. У киши менга отпускани яхши ўтказишлигим, яхши дам олиб келишлигимни тилаб, қўлимга битта конверт тутқазди. Ташқарига чиқиб қарасам, машинкада кўчирилган Офелиянинг роль тексти, Кисловодск курортига путёвка ва пул. Мен бу мурувватни Офелия ролини тайёрлаб келишим учун яратилган шароит деб тушундим.

Хайру хўшлашиб, ҳамма театрдан чиқиб кетди. Ўзим қолдим. Саҳнани, томоша залини, фойени узоқ айланиб чиқдим. Ҳаммасини бир-бир тарози палласига қўйиб кўрдим. Ҳар ҳолда оилам, фарзандим мени кўпроқ чорларди. Шошма-шошарлик қилиб қўймайин, яна бир кеча бўлса ҳам ўйлаб кўрайин, дедиму битта-битта босиб, ҳар қадамимда минг ўйланиб уйга қайтдим. Ҳеч кимга дардимни айтолмайман. Кечаси билан уйқум келмасди. Тикан устида ётгандек тўлганиб чиқдим. Ниҳоят, Озарбайжонга қайтишим зарур эканлигини чуқур англадим. Шунинг учун ҳам эрталаб турдим театр томонга юрдим.

Тўғри бориб отпускаи пулимни олдим. Театрда бухгалтер ва қоровуллардан бошқа деярли ҳеч ким йўқ. Директорнинг кабинетига кўтарилдим. Кабинет очигу

Зиё Саид йўқ. Нима қилишимни билмай конвертни қандай олган бўлсам шундайлигича тортмага қўйдиму, қўйидаги хатни ёзиб, қолдирдим: «Ҳурматли Зиё ака! Кўрсатган эҳтиромингиз учун раҳмат. Бу ҳимматларингизни ҳеч қачон унутмайман. Мен кетдим. Камоли эҳтиром билан Назира».

Зиё ака албатта хатни олган. Аммо «мен кетдим»ни тушунмаган бўлса керак. Чунки «мен кетдим» деганда, Озарбайжонга кетишимни, театрни ташлаб, бутунлай кетишимни қаёқдан ҳам билсин! Аммо мен икки-уч кун тайёргарлигимни кўрдиму, чиндан ҳам Бокуга жўнаб кетдим. Бу кетиш фақат отпускани ўтказиш учун эмас, балки бутунлай кетиш эди. Буни фақатгина мен ўзим билардим. Чунки бундай қатъий қарорга якка ўзим келдим ва бу қарордан ҳеч кимни воқиф этмадим.

ЯНА БОКУДА

1935 йилнинг август ойи ўрталарида Бокуга етиб бордим. Афтидан, мен ишлайдиган ўринлар ҳам мўлжаллаб қўйилган экан шекилли, боришим билан асосий иш сифатида озарбайжон драма театрига биринчи категорияли актриса, ўзим таҳсил олган театр техникумига сахна нутқи ва актёрлик маҳорати ўқитувчиси сифатида буйруқ берилди.

Театр Ўзбекистон бўйлаб гастроллари ҳисоботи тарзида бир-икки спектакль кўрсатиб, отпусकाга чиқиб кетди. Бу фурсатдан фойдаланиб, мен техникумда дарс бериш учун тайёргарлик кўра бошладим, қабул комиссиясида қатнашдим. Курслар тақсимланганда I ва 2-курсга мустақил сахна нутқи ўқитувчиси ва актёрлик маҳоратидан иккала курсга ёрдамчи ўқитувчи сифатида тайинландим. Биринчи курсда асосий актёрлик маҳорати ўқитувчиси Озарбайжон ССР халқ артисти Фо-

тима Қадрий, иккинчи курсда Озарбайжон ССР халқ артисти, профессор Козим Зил эди. Техникумнинг директори эса, ҳамон эски қадрдонимиз, Озарбайжон ССР халқ артисти Ҳожии Оға Аббосов эди.

Бу даврда, техникумда ҳамон эски методика — кўрсатиб бериш, субъектив тажрибаларга таяниш методикаси қўлланарди. Ана шу ҳолнинг ўзиниқ олдинда қаттиқ курашлар турганлигидан дарак берарди. Ё тақдирга тан бериб эскича, консерватив методикага бўйсуниб ёки янги — социалистик реализм методи замида ҳосил бўлган К. С. Станиславский системасида ўзининг илмий ифодасини топган методикани сингдириш учун кураш олиб бориш керак эди. Табиийки, иккинчи йўл энг тўғри йўлдир.

Саҳна нутқидан техника устида мутлақо ишланмас, шеърӣ парчалар олиниб, талаффуз бўйича ҳам, мантиқ бўйича ҳам барча вазифалар комплекси шу шеърӣ парчалар устига юкланарди. Бу нотўғри эди, албатта. Шунда москвалик ўқитувчимиз Е. Ф. Саричева билан Маннон Уйғурнинг методикаси қўл кела бошлади. Ана шу икки методиканинг синтези сифатида менинг саҳна нутқи устида ишлаш услубим шакллана бошлади. Бу йўл артикуляция ва дикция устида, нафас ва овоз устида ишлашдан, ҳар бир сонг (ўнли) ва сомит (ундош) товушнинг аниқ талаффузини таъминлаш ва ана шу техник босқични ўтаб бўлгандан кейин мантиқ қисмига ўтишдан иборат эди. Бу — техникум учун мутлақо янгилик бўлиб, уни чуқур идрок ва мамнуният билан кутиб олишди. Актёрлик маҳорати дарсларидаги муайян янгиликлар системаси ҳам маъқул топилди. Чунки бу янгиликлар аслида меники эмас, балки Москва театр санъати институтиники, МХАТники, Сушкевич, Бирман, Саричева каби улкан устозларники эди. Менинг хизматим ана шу илмий-материалистик методикани кучим етгунча амалда, ижодий иш жараёнида тарғиб ва тадбиқ этишдангина иборат эди.

Актёрлик маҳоратидан педагогик фаолиятим анча силлиқ кетди. Чунки этюд устида ишлаш жараёни ҳам, роль ва спектакль устида ишлаш методикаси ҳам менга шў қадар таниш эдики, бу масалаларда иккиланишга ўрин қолмасди. Фақатгина бир нарсадан ўзимни доимо сақлашга интилдим. Бу студентни зўрлаш, иш жараёнини тезлаштириб юбориш каби иллатлардан эҳтиёт бўлишдан иборат эди. Чунки зўрма-зўракилик, шошма-шошарлик студентнинг ижодий тафаккурини чеклаб қўйиши мумкин эди. Шунинг учун студентнинг ҳаракатини, изланишини сабот ва чидам билан кузатишга, уни тўғри йўналтиришга, унга эрк беришга, унинг ўз ижодий имкониятини тўғри оча олишига алоҳида эътибор берардим.

«ҚОРА СУВ»

Озарбайжон драма театрига ўтгандан кейинги биринчи ролим Даниловнинг «Қора сув» пьесасидаги инженер қиз Қамара образи эди. Нефть тўғрисида гап кетадиган бу спектаклни, техникумда мен билан бир даврда, бир курс юқори ўқиган Али Оға Алиев саҳналаштириши керак эди. У мени яхши билганлиги учун бўлса керак, бу бош ролни менга топширди.

Бундан ташқари, бу спектаклга биз уч киши ассистент эдик. Мен, Фараж Судайли деган бир йигит. У Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлди. Учинчиси — Ниёз Шарипов эди. Бу талантили санъаткор Озарбайжон Давлат музыкали комедия театрининг бош режиссёри сифатида миллий театр маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. У 1972 йилда Самарқанд Давлат опера ва балет театрида «Аршин-мол-олон»ни ўзбек ва рус тилларида саҳналаштирган.

«Қора сув» пьесаси озарбайжон халқи, унинг ишчилар синфи ҳаётидан олинган бўлиб, мен яратмоқчи бўл-



Даниловнинг «Кора сув» номли драмасида Қамара ролида.

ган образ Қамара илғор озар хотин-қизларининг тимсолини мужассамлаштиришни кўзда тутарди. Институтни битирган истеъдодли бу ёш инженер кўп қийинчиликларни бошидан кечиради. Лойиҳалаган жойидан нефть чиқмай, кишилар олдида ишончини йўқотади. У билан бирга ишлайдиган бошқа бир ёш инженер йигит — Қулиев эса Қамарани яхши кўради. Шунинг учун ҳам у ўз севгилисининг лойиҳасига ишонч билан қарайди ва Қамарани ўз фикрида собит туришга даъват этиб, рағбатлан-

тиради. Қулиев ролини Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган, ОзССРда хизмат кўрсатган истеъдодли артист Муса Ҳожиев ижро этарди.

Қамара ўз лойиҳасини қайта кўриб чиқишга қарор қилади. Шунда, лойиҳада жиндай хатога йўл қўйилганлигини аниқлайди. Хурсанд бўлиб, бурғувчилар—нефть пармаловчи усталар ёнига кечаси бўлса ҳам йўл олади. Бир маҳал бориб қараса, улар айни қиз мўлжаллаб келаётган ердан қудуқ пармалаётган бўладилар. Қиз таажжубда қолади. Кейин билса, бу шу ерда ишлаётган севгилиси Қулневнинг иши эканлиги, қиз лойиҳасидаги саҳни у ҳам аниқлаб, суюклиси шарафи учун курашаётганлиги маълум бўлади.

Еши, дунёқараши каби жуда кўп фазилатлари таниш, ўзимга яқин бўлганлиги туфайли образнинг психологик жиҳатдан мураккаблигига қарамай, унинг ҳал этилиши анча равон бўйсуна бошлади. Аммо Қамаранинг Қулиевга бўлган муҳаббатини очиқ-ойдин ошкор қилиб қўйиб ёки унга нисбатан жудаям бефарқ бўлиб қолиб, чинакам маъшуқали: жараёнини тополмай роса қийналдим. Муса Ҳожиев, режиссёр Али Оға ва спектакль ансамблининг сабру матонати, дўстона ёрдами туфайли бу мушкул ҳам таслим бўлди.

ФИРДАВСИЙ ФИРУЗАСИ

«Қора сув»дан сўнг арман драматурги М. Жононнинг «Шоҳнома» номли пьесасини олдик. Ўз номидан кўриниб турганидек, бу драма буюк Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си мотивлари асосида яратилган тарихий асар эди. Бу

М. Жононнинг «Шоҳнома»
номли драмасидаги Фиру-
за ролида.



спектаклнинг режиссёри, ўша пайтдаёқ Озарбайжон ССР халқ артисти Исмоил Ҳидоятзода бўлиб, мен шоҳнинг хотини Фируза ролини ўйнардим.

Фируза, асар бўйича ташқи кўринишдан мулоим, меҳрибон, аммо аслида ўта заҳар, рашкчи, ҳийлакор бир маккора эди. Унинг туб моҳияти меннинг руҳиятимга мутлақо зид эди. Шунинг учун бўлса керак, унинг томошабин кўзига яққол кўриниб турадиган сохта меҳрибонлик, юмшоқлик томони осонлик билан чиқди-ю, асл табияти бўлган фитначилиги, шафқатсиз, қотила ва маккоралик томонларини мужассамлаштириш анча қийин бўлди.

Фируза менинг талқинимда нозик, босиқ, ўйчан бир тусда эди. Мен юзимга юпқа парда ёпиб, ниқоб остида юардим. Гарчи Фируза шоҳнинг хотини бўлса ҳам уни ҳарамдаги асира хотин-қизларнинг меҳрибон кишиси сифатида кўрсатардим. Спектаклда ана шу мотивни кучайтирувчи мен айтадиган бир ашула бор эди.

Айри душдум ватанимдан, элимдан,
Хазон фасли айри солди гулимдан.
Солди фалак мани сўнгсиз ҳижронда,
Кўнгил қушим ёт элларда қийналар...

Гарчи Озарбайжон мен учун ёт эл бўлмаса ҳам, Ўзбекистондан айри тушганлигим, бир қадам бўлса ҳам она тупроғимдан нари эканлигим юрагимни ўртаб юарди. Шунинг учун бўлса керак, бу ашулани айтганимда, беихтиёр ўз дарди дилимни ҳам тўкиб олардим. Агар, пьеса бўйича ҳарамдаги қиз-жувонлар йиғлаш лозим бўлса, мен бу қўшиқни беихтиёр чин кўнгилдан бўзлаб айтардим. Мақсадим Фируза образида Шарқ хотин-қизларининг фожиавий қисмати тўғри, чуқур ва ҳаққоний ифодалаш эди. Чунки Фирузанинг тақдири ўша даврдаги бошқа Шарқ аёлларининг тақдиридан фарқи йўқ эди. Ҳамма хотин-қизлар сингари у ҳам ҳуқуқсиз, эрксиз, тутқунда яшар эди.

«ОТЕЛЛО» ЖАФОЛАРИ

А. А. Туганов мени репертуардаги «Отелло» спектаклига киритишга қарор қилиб Эмилия ролини берди. Бу ролни менгача асосий составда Танайлидихоним ижро этарди. Бу пайтда Отелло ролини Озарбайжон ССР халқ артистлари Аббос Мирза Шарипов ва Улви Ражаблар, Дездемонани эса Сўнахоним Ҳожиева билан Марзияхоним ўйнардилар.

Эмилия нимагадир менга бўйсунмади. Ижодий тажрибам ҳали етарли бўлмаганлиги туфайлими, образнинг маъзини топа олмаганлигим учунми, қанча уринмайин ҳеч нарса чиқара олмадим. Режиссёрим А. А. Туганов қанча тушутирди, талай-талай вақтини сарфлаб репетиция қилди, Отелло ва Яғони ўйновчи партнёрларимни овора қилди. Аммо бирорта ҳам ижобий силжиш белгилари кўринмади. Эмилия образига онд назарий тадқиқотлар — шекспиршуносларнинг қимматли фикрлари билан танишиб чиқдим. Репетициядан кейин қолиб театрда, уйда, хуллас, имконият бор жойда қайтара бошладим, юрғап йўлимда, ётган жойимда, босган изимда унга калит қидириб юрдим. Аммо, нима қилмайин мен ролга, роль менга ёпишмадик. К. С. Станиславский қаердадир, роль билан актёрнинг мос тушиши, икки ошиқнинг висол онларига ўхшайди, деган эди. Бизда эса, бу ҳикматнинг мутлақо терси эди. Мен билан Эмилия бир-бирига кўнгилсиз икки кишининг зўрлик билан никоҳ қилинганига ўхшардик. Бундай никоҳнинг охири вой бўлганидек, мен билан Эмилия тўқнашувимиз ҳам менинг мағлубиятим, Эмилиянинг ғалабаси билан тугалланди. Чунки мен бу образни ўзимга таслим этолмадим. Бу менинг ҳаётимдаги энг йирик ижодий мағлубиятим ҳисобланади. Шундай бўлса ҳам вақт-вақти билан Эмилия ролини ижро этиб турар эдим.

Эмилиядан ҳафсалам пир бўлиб, кўнглим синиб юрган кунларнинг бирида Аббос Мирза:

— Назира, кел, Дездемона образини ҳам тайёрлагин, мен ёрдам бераман,— деб қолди.

Бу гапни у чин қалбдан айтдим: ёки шунчаки Эмпиля туфайли орага тушган қўнгилсизликдан кейин руҳимни кўтариш учунми, ҳар ҳолда мен учун анча далда бўлди. Аввалига истар-истамас, кейин астойдил Дездемонага киришиб кетдим. Аббос Мирза ҳам ўз сўзининг устидан чиқиб, ишдан кейин қолиб репетициялар ўтказди. Ишларимиз анча юришиб кетди. Бирин-кетин Дездемонанинг менинг ўзимгагина хос бўлган сиймоси гавдалана бошлади. Шунда Аббос Мирзанинг ўзи Отелло, Муса Ҳожиев — Кассионинг қиёфасида менинг қанотимга кира бошлади. Аввалига шунчаки, қўнгил таскини учун мустақил изланиш тарзида бошланган иш, бора-бора жиддий тус олиб, бадий совет томонидан мен Дездемонага дублёр қилиб тайинландим. Бугина эмас, Дездемона ролини ўйновчи Марзияхоним ҳам астойдил ёрдам бера бошлади.

Анча меҳнат ва изланишлардан сўнг Дездемона роли бирмунча шаклланиб қолди. Менинг талқиним театрининг бадий советига маъқул бўлди, аммо бу ролни стационарда ўйнашга муваффақ бўла олмадим. Чунки энди-энди премьера бериладиган пайтида — 1936 йилнинг ёзида Қорабоғ автоном областига гастролга чиқиб кетдик.

Нихоят, шу областнинг Шуша шаҳрида биринчи марта Дездемона ролини ўйнайдиган бўлиб қолдим. Аббос Мирза хонамга кириб келиб:

— Назка, сабо Дездемонани ўйнаяжаксан, сани ўлдиражам, — деди хурсанд бўлиб. Кейин жиддий тарзда қўшиб қўйди: — Ғўрхма, ман варам, дах кими даянмишам.

Бу мен учун катта руҳий мадад эди. Чунки Аббос Мирза каби ҳайбатли суянчиқ тоғим бўлгандан кейин парво қилмасам ҳам бўларди. Аммо амалда эса аксинча бўлди. Мен шу қадар ҳаяжонландимки, меҳмонхона

нафасимни сиқа бошлади. Охири кийиниб чиқиб кетишга мажбур бўлдим. Аммо қаёққа? Ўзим ҳам билмасдим. Сайр ҳам сайр, саргардонлик ҳам сайр деб, бошим оққан томонга кета бошладим. Бора-бора илгаритдан ўзимга таниш бўлган Шуша қабристони устидан чиқиб қолдим. Аммо мени бу ерга қандай куч бошлаб келди? Нега келдим? Бу ўзимга ҳам аён эмасди.

Маълум бўлишча, спектаклда мен билан бирга Аббос Мирза (Отелло) ва Нусрат Фатуллаев (Кассио) иштирок этиши керак эди. Мен жудаям ташвишга тушиб қолдим. Чунки шу пайтгача барча репетицияларда Кассио ролини Муса Ҳожиев ўйнаб келар, мен унга энди-энди ўргана бошлаган эдим. Нусрат эса артист эмас, балки театрнинг бош рассоми эди. Тўғри, ҳозирда ОзССР халқ рассоми бўлган Нусрат Фатуллаев унча-мунча роль ҳам ўйнаб юрарди. Аммо мен биринчи марта ўйнайдиган спектаклда, ҳеч қандай репетициясиз Кассио каби марказий ролни ўйнашлиги сираям ақлга сигмасди. Аммо сафдошларим мени парво қилмасликка, хотиржам бўлишга даъват этишди. Мен ҳеч бўлмаса битта репетиция беришларини сўраган эдим, актёрлар дам олишни зарурлигини айтиб, менга ҳам дам олишликни маслаҳат беришди. Не-не туйғулар огушида меҳмонхонадан чиқиб кетиб, қандайдир хаёллар билан Шуша қабристонига бориб қолганлигимнинг боиси ҳам шу...

Қорабоғ автоном области жудаям хушманзара, ҳавоси мусаффо, тоғли бир водий. Ана шу водийнинг марказий шаҳри бўлган Шуша, нафис ишланган олтин узукдаги жилвакор зумрад кўзга ўхшайди. Бу шаҳар деярли тоғ устига жойлашган. табиатнинг барча неъматлари билан сарфароз этилган эди: унда мусаффо ҳаво ҳам, дилбар манзара ҳам, баҳор либоси бўлган гулу кўкаламзорлар ҳам истаганча. Бугина эмас, Шуша қабристони жаннатнинг бир гўшасига ўхшарди. Чунки деярли ҳар бир қабр устидан чаман-чаман гуллар униб чиққан, улар очилиб, муаттар бўй таратиб турарди.

Қабристоннинг ободончилигига соҳибкор табиатнинг ўзидан бошқа деярли ҳеч ким қарамас, ҳеч ким оро бермасди. Шунинг учун бир вақтлар қунт ва меҳр билан ишлаган сағаналар бузилиб кетган, ўпирилган, синган, емирилган. Аммо табиат уларга зеб беришни унутмаган. Чунки сағаналар деворидан униб чиққан зебо наъматаклар соч ёзиб пастга осилиб турарди ва ўзининг оппоқ-оппоқ гулчалари билан марҳумнинг умр чироғини ёқиб турарди.

Илгари ҳам бу гўзал қабристонда бўлган эдим. Шунинг учун бўлса керак, айланиб юриб, шоира Нотавоннинг қабри устидан чиқиб қолдим. Унинг қабри подшоҳлар хилхонасида жойлашган эди. Шоира сағанасига ўрна-тилган мармар тошга унинг ўз шеъри битилган, аммо анчадан бери қўл тегмаган бу сағаналар киши кўнглига таскин бергудек эмасди.

Аста-секин пастга, қоя остидан ўтган чуқурдаги ариқ томонга туша бошладим. Қирқ зина босиб ариқчага тушдим. Унга ташлаб қўйилган тахтачадан иборат яккачўп кўприкдан нариги бетга ўтдим-да, яна қирқ зина кўтарилиб, иккинчи юксакликка чиқдим. Бу ерда забардаст шоир Воқифнинг қабри жойлашган эди.

Воқифнинг шеърларини жуда яхши кўрардим. Айниқ-са, унинг «ватандан узоқдаман, о турналар, юртимга салом элтинг» маъносида куйловчи «Турналар» номли шеъри ўша пайтлар сира тилимдан тушмасди. Бир қадам бўлса ҳам киндик қони тўкилган тупроқдан йироқлигим туфайлими, ҳар ҳолда Воқифнинг бу шеъри қалбимнинг таскини эди.

Воқифнинг қабри икки метрча баландликда тош билан кўтариб чиқилган. Лекин қаровсизлиги туфайли харобага айланган. Худди кишиларнинг ана шу бефарқлигини бир оз бўлса ҳам ниқобламоқчи бўлгандек, сағана деворларидан ғуж-ғуж наъматак ўсиб чиққан, у чаман-чаман очилиб, зиёратчиларга меҳр кўзи билан тикилиб турарди.

Энди эсласам кулгим келади. Аммо ўшанда Воқифнинг қабри ёнига бориб, ўтириб олиб мадад тилаганим кунни кечагидек эсимда. Мадад тилаганда ҳам чин кўнглимдан, айтиб-айтиб тилаган эдим. «Мен ёш бир артисткаман. Дездемонани ўйнашим керак. Ўзинг мадад бер. Менинг Дездемонам ҳам сенинг «Турналаринг»дек нафис ва майин ҳаракат қилсин, менинг Дездемонам ҳам сенинг «Турналар»нингдай элга манзур бўлсин. Менинг сендан бошқа мададкорим йўқ, ўзинг қўллагин» деб қабрга мурожаат этганман.

Албатта, совуқ тошдан, ожиз, мунғайиб турган наъматак гулларида ҳеч бир сирли нидо чиқмади. Аммо кўнглим шундай ёришиб кетдики, ўзим ҳам таажжубландим. Келишда кўнглим тўла қайғу, бошим мунгли ва дардли осифлик келган бўлсам, энди шууримда бир нур чарақлагандай бўлди. Ҳалати бир ижодий рағбат ва гурур билан ўрнимдан турдим. Қаршимдан эсаётган тоғ насимига кўксимни мағрур тутиб, енгил одимлар билан шаҳар томон йўл олдим. Энди менинг Дездемонадан қўрқадиган жойим йўқ эди. Агар спектакль ҳозир бошланганда уни шу қадар илҳом ва ҳузур билан ўйнардимки, партнёрларим, ҳатто устозим Марзияхонимнинг ўзи ҳам таажжубда қолган бўларди. Аммо, таассуфки, спектакль бугун эмас, эртага эди.

Мен қабристон руҳияси ва Воқиф қабрининг мададини илоҳийлаштирмоқчи эмасман. Йўқ, асти. Аммо, қабристон ҳам, айниқса Шушадаги каби равзатул авзо қабристонлар киши руҳига, кайфиятига таъсир этиши мумкин эмасми? Буюк Навоий, Фузулий, Воқифлар қабрига қилинган зиёрат, улар сағанаси бошида ўтириб, шу буюк даҳоларнинг бадний мулкига қилинган ҳаёлий саёҳат ижодкорга мадад бериши мумкин эмасми? Бошқаларни билмадим-ку, аммо мўътабар зиёратгоҳлар, буюк мутафаккирлар хотирасини, уларнинг руҳи покларини эслаш менга ҳамиша катта ижодий ғайрат бағишлайди. Бу буюк адибларнинг ўлмас асарлари образнинг талқи-

нига, таҳлилига тўғри ёндашишга, унинг қалбига, руҳиясига чуқур киришга ёрдам беради. Нотавон ва Воқиф қабрларига қилинган зиёрат қолдирган ёрқин из — қалбимдаги олам-олам қувонч ва руҳланиш ҳам ана шу ҳақиқатнинг бир исботи эди...

Осойишта ётиб турдим, аммо спектакль ҳақида ўйлаб яна даҳшат ичида қалтирай бошладим. Бу титроқ бежиз эмасди, албатта. Гап шундаки, Қорабоғ водийсининг аҳолиси Марзияхонимнинг Дездемонасини жуда яхши биларди. Бундай заршунос томошабинларга манзур бўлишнинг ўзи жуда катта масъулият талаб этарди. Унинг устига, бу спектакль менинг бу ролдаги биринчи қадамим эканлиги ҳисобга олинса, ҳаяжонларимнинг мантиқи ўз-ўзидан чиқиб қоларди.

Аммо менинг икки суянган тоғим, икки қайрилмас қанотим бор эди. Улар икки устозим, мен билан шу ролни тайёрлаган Аббос Мирза билан Марзияхоним эди. Қолаверса, менинг меҳрибон коллективим — спектакль ансамбли ҳам катта мададкор эди.

Спектакль бошланишидан анча олдиноқ иккала устоз мени театрда кутиб олди. Марзияхонимнинг Дездемонада киядиган либослари менга тўғри келмади. Марзияхонимнинг ўзи дарҳол ип ва игна олиб, кийимларни менга мослаб тика бошлади. Ўз тақинчоқларини бериб, шу ишлар давомида тинмай мадад бериб турди.

Доим спектаклларда ўз гримимни ўзим қилардим. Бугун ҳаяжонланганимдан грим қила олишимга ҳам ақлим етмай қолди. Марзияхонимнинг ўзи қараб тургани ҳолда гримёр-рассомимиз Дездемонанинг нафис портретини жонлантирди. Шундан кейин Марзияхоним ўз палапонини биринчи парвозга ҳозирлаётган она бургутдай мени кулис олдига бошлаб келди-да:

— Назинка, сана оқ йўл, — деб чиқиб кетди.

Аввалдан келишувимизга биноан устозим томоша залида ўтириб камчиликларимни ёзиб бориши керак эди.

Спектакль бошланди. Чиқишимни кутиб ўтириб, реплика келганда, қани энди саҳнага қадам босишга юрагим бетласа. Эсим оғиб, қотиб қолибман. Шунда, кулисида менинг ортимда турган Яго ролини ижро этувчи, ўшандаёқ, Озарбайжон ССР халқ артисти Риза Афғонли елкамдан секин туртиб қўйди. Шу далда камлик қилиб турган экан шекилли, «Отажоним!» деб саҳнага, Венеция дожининг саройига, сенат аҳли орасига отилиб чиқдим. Ўз овозим ўзимга шу қадар ёт туюлдики, бу ғайри табиийликдан этим увушиб кетди. Даҳшат босди, вужудим титрай бошлади, натижада сўз эсимдан чиқиб қолди. Нима қилишимни билмай, худди «мадад борми» дегандек нажот ва ўтнч билан Отеллога — устозим Аббос Мирзага қарадим. Аббос Мирза ҳам ўз севгилиси Дездемонани ардоқлагандек, жуда ажойиб бир меҳр билан, фақат саҳнадагина, буюк актёрларгина қила олиши мумкин бўлган илиқ илтифот ва мурувват билан кўзимга тикилди-да, «жуда яхши» дегандек, кўз қорачиғлари билан кулиб қўйди. Мен унинг кўзларида нур кўрдим, қувонч ва мадад нурини кўрдим, ишонч нурини кўрдим. Ана шундан кейин, худди биров қалбим ва онгим хазиначисини очгандай сўзлар қуйилиб кела бошлади. Аммо қалтирашим ҳануз босилмасди. Шу кўйда биринчи кўриниш тугади. Аммо менинг назаримда бу картина жудаям муваффақиятсиз чиққан эди.

Шу пайт саҳнага Марзияхоним кириб келди. У мени дастлабки қадамим билан иссиқ табриклар, кўнглимни кўтарди.

— Қалтирашимни босолмаяпман, овозим ҳам титраяпти, нима қилса бўларкин?— дедим умид билан мадад тилаб.

— Биринчидан, на ўзингдаги, на овозингдаги титраш залдан билнаётгани йўқ. Иккинчидан, борди-ю, титраганинга ҳам Дездемона шундай кўйга тушганки, у титраши, ҳаяжонланиши мумкин, албатта.

Билардимки, устозим меннинг кўнглимга таскин бе-

риш учунгина шундай деган эди. Аммо шунн билла туриб ҳам бу гаплардан анча рухландим. Натнжада навбатдаги сахналарни эркинроқ ўйнай бошладим. «Рўмолча» сахнасини жуда дадил ва осойишта ўйнаган бўлсам, кейинги кўринишлар ниҳоятда мўътадил ўтди.

Спектакль тугади. Одатдагидек барча актёрлар бир-бир, самимият билан табриклашди. Марзияхонимнинг қувончи оламга сиғмасди. Ниҳоят, менинг шу роль томон биринчи бўлиб чорлаган устозим Аббос Мирза келди. У чин қалбидан табриклаб, деди:

— Нази, сенинг мулкинг Эмплия эмас, Дездемона! Мен буни аллақачонлароқ ҳис этган эдим.

Мен учун бундан юксак олқишнинг кераги ҳам йўқ эди.

Спектаклдан кейин Марзияхоним билан Аббос Мирза йўл қўйган хатоларимни айтиб, айрим сахналарни қайта ишлаб, кўздан кечиринди. Шу-шу ишларимиз юришиб кетиб, гастроль давомида Дездемонани 5-6 марта ўйнадим.

Гастролдан қайтгач, кўп ишлар қатори менинг Дездемонам ҳақида А. А. Тугановга ҳисобот бердик. Айниқса, Марзияхоним билан Аббос Мирза мени жудаям мақтаб юборди.

— Мен унинг Дездемонани ўйнай олишлигини билардим. Аммо бир ампула қолипига тушиб қолмасин деб Эмплияни берган эдим,— деди А. А. Туганов. Кейин менга ўгирилиб давом этди:— Сен жуда зўр жасорат кўрсатиб юборибсан-ку!

Бу гапни мен ўзимча, «ҳа, майли, энди ўйнайбергин деди», деб тушундим. Демак, донм шу тарзда дадил ишлар қилаверсам бўлар экан-да, деб ўйладим ўзимча хурсанд бўлиб.

Шу орада навбатдаги меҳнат отпусчасига чиқиб келдим. Мен бор кучимин техникумдаги ишларимга сарфарбар этдим. Отпускадан қайтгандан кейин эса

Тугановнинг ўзи репетиция олиб, «Отелло» спектаклига мени сингдира бошлади. Маълум бўлишича, анча-мунча мантиқий хато ва нуқсонларим бор экан. Жумладан, биринчи картинада, сенат олдида жуда ийманиб гапирардим. А. А. Тугановнинг тушунтиришича, Дездемона Шарқ аёли эмасдики, ийманиб гапирса.

— Дездемона — Отеллодай кишига кўнгил бериб, ўз севгилисини сенат олдида ҳам, эл олдида ҳам оқлай олган жасоратли аёл,— деди режиссёр,— бундай аёллар ўзининг жасоратли характери туфайли ийманиб, иккиланиб гапириши мумкин эмас.

Дарҳақиқат, устозимнинг гапида жон бор эди. Бу кўринишда Дездемонани жасоратли, дадил аёл қилиш учун эса, мен ўз талқинимни бутунлай кўриб чиқишим лозим эди. Бу эса анча мураккаб иш.

Бошқа бир кўринишда, Отелло:

Қўлингизни менга беринг. Нега бунча нам?

деганда, мен қўлимни шартта олардим-да, шундан кейин:

Чунки бунга қарилик ҳам қайғу бегона,

дердим. Режиссёр бу ҳаракатим ҳам нотўғри эканлигини айтди. Чунки шундан кейин:

Бу қўл сизга юрагимни ҳадя қилган-ку,

деган сўзларим бор эди. Демак, Отеллонинг бу гапларидан чўчиб, қўлимни тортиб олмаслигим, аксинча, шу қўллар, шу қўл билан бирга тортиқ этилган қалбим мутлақо унинг мулки эканлигини англатишим керак экан. Зотан, қўлимни тортиб олсам, Отеллонинг қуйидаги сўзлари ҳам анча асоссиз бўлиб қоларди. Чунки у қўлни назардан кечири туриб дейдики:

...агар бу қўл орага кирса
Сиқилади ҳуррият ҳам, эрк ҳам, ҳар нарса:
Номоз, рўза, тақво, дуо — ҳаммаси бир пул.
Гўё нозли шайтонбачча уя қўйган қўл;
Ўша шайтон доим исён қилиб туради.
Балли, бу қўл гўзал, тўғри, ғоятда танти.

Нихоят, охирги кўринишда, ўлимдан қўрқиб «Омон-оллоҳ!» деб фиғон чекардим ва психофизик ҳолатим ҳам шу зайилда эди. Режиссёр бунинг ҳам тубдан ногўғри эканлигини айтди. Чунки Дездемона ўлимдан қўрқмайди, тантилик ва мардлик билан ўлади. Аммо у ўзининг охирги нафасигача Отеллони ишонтиришга интилади.

Талайгина репетиция қилинди. Расмий репетициялардан кейин Марзияхоним билан Сўнахоним олиб қолиб, камчиликларни бартараф этиш устида яна иш олиб боришди. Натижада, Дездемона образи профессионал даражада анча бадний қиёмига етиб қолгандек бўлди. Шундан кейингина, мен учун ҳам стационарда расмий премьерa эълон қилинди.

Мен яна қаттиқ ҳаяжонга туша бошладим. Чунки бу премьерa менинг «Отелло» спектаклидаги чинакам профессионал имтиҳоним эди. Бутун театр коллективи, Марзияхоним ва Сўнахонимларнинг тўлақонли ва юксак маҳорат билан яратган Дездемоналарини кўрган Боку томошабинлари, зиёлилари, техникум ўқитувчилари ва ўз шогирдларим олдида бу ижодий синовдан ўтишим зарур эди. Институтдан кейин Ўзбекистонда Қиммат образини яратиш билан ўзимни оқлаган бўлсам, бу ерда ана шу классик роль билан ўз санъаткорлигимни, профессионал етуқлигимни ҳимоя қилишим керак эди. Дездемона образи ижодий истиқболим йўлида ғоят муҳим бўсаға эди.

Мендан олдин «Отелло» спектакли икки марта қўйилди. Биринчисида Марзияхоним, иккинчисида эса

Сўнахоним Дездемона ролини ижро этди. Мен бу иккала баркамол санъаткорнинг Дездемонасини ҳам ташналик билан кузатиб бордим. Ниҳоят, менга ҳам навбат етиб келди.

Биринчи пардадан кейин А. А. Туганов саҳнага чиқиб келди-ю, бағрига босиб, пешанамдан ўпди-да, чиқиб кетди. Индамади ҳам. Чунки гапириб ўтиришга ё ҳожат йўқ эди, ёки ҳали эрта эди. Аммо спектаклдан сўнг у мени кабинетига чақирди, чин кўнглидан табриклаб меҳр билан:

— Сен эндигина ўз жасоратингни сал-пал оқладинг. Япа ижодий изланишни давом эттирсанг образ янада такомиллашади, Марзияхоним ва Сўнахоним яратган Дездемона даражасига кўтарилади,— деди.

Дарҳақиқат, Марзияхоним билан Сўнахоним ўз домига тортса, биздақалардан нишон ҳам қолмаган бўларди. Аммо бу иккала мўътабар санъаткор табнатан мутлақо бошқача — жудаям олижаноб, хайрихоҳ ва қалби уммон инсон эди. Улар шунинг яхши билар эдики, агар бош ролларни моҳирона ижро эта оладиган ёш истеъдодлар ўз вақтида етиштирилмаса театр ўтириб қоларди. Шунинг учун ҳам улар мени ва Барат Шекинская деган бир талантли ёш актрисани астойдил чиниқтириб, ўзларига ўринбосар сифатида тайёрлаб борар эди.

«Отелло» спектакли устидаги иш яна ғайри расмий равишда давом эттирилди. Бу масъулият энди фақат Марзияхонимнинг ўзигагина қолган эди. Йўл-йўлакай, айрим нуқсонларимни Аббос Мирза ҳам тузатиб борарди. Шундай қилиб, Дездемонага шу қадар меҳрим тушиб қолдики, шу спектакль қачон бўлар экан, қачон менинг навбатим етиб келар экан, деб муштоқлик билан кутадиган бўлиб қолдим.

Тўғри, менинг Дездемонам Марзияхоним ва Сўнахонимникидек бўлишлиги учун ҳали етти қовун пишмиги бор эди. Аммо ўз тажриба, ижодий имкониятим нуқтаи

назаридан келиб чиққанда, мен ҳам навниҳол Дездемонани ўзига хос антиқа фазилатларга эга образ даражасига кўтаришга интилдим.

МАША ВА СЎНА

Озарбайжон драма театрида яна иккита эсда қолдиган роль ижро этдим. Улардан бири А. С. Пушкиннинг «Дубровский» номли повести асосида тайёрланган спектаклдаги бош қаҳрамон — Маша роли эди.

Маша роли Озарбайжон ССР халқ артисти Фотимахоним Қадрийга ҳам берилган эди. Бу менга жудаям катта масъулият юкларди. Чунки Фотимахоним Қадрий ўша даврдаёқ шуҳрат қозонган актриса эди. Менинг эса катта санъат даргоҳига эндигина аста-секин дадил қаддам ташлаб келаётган пайтим эди. Ана шу ҳолатни сезган А. А. Туганов бир куни репетиция олдидан мени чақириб:

— Сен қўрқмай репетиция қилабергин, Фотимахонимнинг ижодий сиймоси бошқа, сеники бошқа. Маша ўз табиати билан сенга яқинроқ! Чўчимай, ишонч билан ҳаракат қилабергин,— деди.

Дарҳақиқат, устозимнинг гапида жон бор эди. Руслар орасида вояга етганлигим, русча олий таълим олганлигим, рус ҳаёти ва рус характерининг ич-ичига кириб кетганлигим — буларнинг барчаси Маша образининг тўғри талқинига, тўлақонли чиқишига яхши замин бўлди.

Амалда ҳам Маша образининг психофизик ҳолати, ички олами ва дунёқарашини яратиш унчалик қийин бўлмади. Бу образ мендаям, Фотимахонимдаям кўнгилдагидек гавдаланди.

Иккинчи роль — Ж. Жабборлининг «1905 йил» номли ўткир ижтимоий мазмунга эга бўлган драмасидаги Сўна образи эди.

Бу пьесада озарбайжон мусовотчилари (миллатчила-

ри) билан арман дашнаклари (оқ гвардиячилари) ўртасидаги миллий низо, унинг социал-синфий моҳияти ҳақида гап борарди.

Маълумки, бу икки халқ асрлар бўйи чегарадош эканлиги учун қон-қардош бўлиб кетган. Аммо чор Россиясининг амалдорлари ўз мустамлакачилик зуғумларини сақлаб қолиш ниятида, бу икки халқ ўртасига миллий адоват оловини ташлайдилар. Бу кураш, айниқса, 1905 йил революцияси даврида ўзининг энг реакцион чўққисига кўтарилади.

Ана шу айёмларда икки оила — бири арман, бири озарбайжон оиласи қўшни бўлиб яшайди. Маълумки, арманлар диний эътиқодларига кўра христиан, озарбайжонликлар эса—мусулмон. Аммо Озарбайжонга чегарадош яшаган арманлар орасида мусулмонлар ҳам жуда кўп бўлган. Бу икки оила миллати бошқа-бошқа бўлса ҳам диний ва дунёвий қараши бир. Улар ўртасидаги дўстлик иплари азалий бўлиб, оила аъзоларига ота-боболаридан мерос қолган. Шунинг учун ҳам арман қизи Сўнани озар ўғлони Бахшига унаштириб қўядилар. Бора-бора бу икки навниҳол ўртасида самимий ва қизғин муҳаббат туйгулари ҳам пайдо бўлади. Аммо энди тўй бўлай деб турганда мусовотчилар билан дашнаклар ўртасидаги миллий низо кучайиб кетиб, бу икки ёшнинг самимий муҳаббатига ҳам рахна солади. Сўна — полицмейстер лавозимидаги арман йигитига зўрма-зўраки эрга берилади.

Қизда Бахшининг тори қолиб кетган бўлади. Қунлардан бирида полицмейстер ундан:

— Бў кимнинг тори?— деб сўраб қолади.

— Бу Бахшининг тори, менинг ягона ёдгорим,— дейди Сўна дадиллик билан.

— Уни унутгин, деб айтган эдим-ку,— дейди эр.

— Мен жонсиз девор эмасман,— деб жавоб беради қиз,— мен уни севардим ва ҳамиша севгимга содиқман.

Бу спектакль театр репертуарида бор эди. Сўна ро-

лини менгача Сўнахоним Ҳожиева ўйнарди. Шу спектаклни бир неча марта кўрдиму, шу ролга ишқим тушиб қолди. Шунинг учун, Сўнахонимнинг розилигини олиб, режиссёрдан шу ролга мени киритишни илтимос қилгандим.

Сўна характерининг ўзига хос мураккаб томонлари бор эди. Ана шулардан бири унинг дастлабки давридаги жудаям қувноқ ва хушчақчақлиги билан охириги кўринишлардаги чуқур драматизмга тўла кечинмалари эди. Хушчақчақ, беғам, ўз ишқи билан лаззатланиб юрган оддий қишлоқи қиз ота-онасининг раъйи билан полицмейстерга теккандан кейин турмушнинг аччиқ-чучугини, ҳаётнинг паст-баландини, оғир зарбларини татий бошлайди. Ана шу қувноқ Сўна билан кўзи очилиб муайян маънода курашчига айланган Сўна оралигидаги тадрижий ривожланиш жараёнининг мунтазамлигини акс эттириш энг мураккаб вазифалардан бири эди. Иккинчи томондан, у Шарқ хотин-қизлари каби тўрт девор ичида, қафасга солинган қушдек яшаб улғайган исёнкор табиатига ҳам эга, аммо ижтимоий майдонга чиққан комсомолкалардан эмас. Шунга қарамай, Сўнанинг жўшқин ҳаракати, ақидаси ва интилишлари унинг шижоатидан, қатъийлигидан далолат беради. Сўна образидаги драматизм, қаҳрамонлик ва лиризмнинг ана шундай мураккабликда уйғунлашиб келиши ижрочига ҳам катта масъулият юклар, ҳам ижодий озуқа берарди. Шунинг учун бу ролни жуда севиб, меҳр билан тайёрладим.

Сўнанинг энг драматик саҳналаридан бирида қуйидаги ашула бор:

Азад бир гушдум,	Бир овчу корду
Ювамдан учдум,	Кўксумдан вурду,
Бир баға душдум,	Торпаға душдум
Бу канж яшимда.	Бу канж яшимда.

Мен бу қўшиқни шу қадар берилиб юракдан айтардимки, шу саҳнадан кейин ўзимнинг инсоний дардларим

енгиллашгандай бўларди. Умуман олганда, Сўна роли ҳанузгача кўнглимнинг энг табарруқ масканида сақланади.

УЛУҒ УСТОЗЛАР БИЛАН

1936-37 йилги мавсумда Бокуга Грузия Давлат театри гастролга келди. Уша кезларда кейинча СССР халқ артисти бўлган улкан арман актёри Папазян ҳам Бокуда эди.

Бир куни, ўзаро дўстона келишувга кўра, Шота Руставели номли Грузин драма театри билан М. Азизбеков номли Озарбайжон драма театри коллективи бирлашиб «Отелло» спектаклини кўрсатишга қарор қилишди. Отеллони СССР халқ артисти Акакий Хорава, Дездемонани — Марзияхоним, Эмилияни—мен ўйнадик. Спектакль гарчи икки тилда кетган бўлсаям жуда катта муваффақият билан ўтди. Томоша залида Папазян ҳам ўтирган экан.

Спектаклдан кейин меҳмонлар шарафига катта зиёфат берилди. Шунда, икки халқнинг дўстлиги, халқларнинг қардош ва биродарлиги, совет санъатининг равнақи ҳақида яхши ва самимий гаплар айтилди. Шу орада Папазян сўз олиб қолди:

— Азиз дўстлар,— деди у санъаткорона виқор, салобат ва таманно билан,— мен Грузия санъаткорлари билан сизларнинг қўшма спектакллариингизни кўриб, ростига гап, энг яхши маънода ич-ичимдан куйиб кетдим. Ҳавасим қелди. Ўтириб-ўтириб ўз-ўзимга савол бердим: «Хўш, ўзинг айт-чи, Папазян, гуржи санъаткорлари билан озар санъаткорлари бирлашиб, ҳамдам бўлиб, елкама-елка туриб ягона сахна асари яратган эканлар, нега шу ишни арман санъаткорлари ҳам қилмаслиги керак? Айт-чи, Папазян, наҳотки шу дўстлик иппини боғлаш, шу савобли

ишни амалга ошириш сенинг қўлингдан келмаса?» Шунда қалбимдан бир садо келди. Бу садо «Йўқ, Папазян, шу хайрли ишни албатта қилишинг керак. Бу иш сенинг қўлингдан келади. Ахир сен ҳам Отелло ролини арман тилида ўйнайсан-ку. Наҳотки, грузин тилини тушунган озарбайжон халқи арман тилини тушунмаса? Тушунади, албатта тушунади. Шу ҳақиқатни сен исбот этишинг керак», деди. Шунинг учун, мана шу қадаҳни катта муваффақият билан ўтган грузин ва озарбайжон санъаткорларининг ютуқлари учун, катта муваффақият билан ўтиши мумкин бўлган арман ва озар спектакли учун кўтаришларингизни илтимос қиламан!

Гулдурос олқишлар янгради. Акакий Хорава завқ билан ўрнидан туриб келиб, Папазянни оғушига тортиб ўпди. Шундан кейин театримиз раҳбарлари фалон кунги Папазян иштирокида «Отелло» спектакли кўрсатилади, деб эълон қилди. Яна гулдурос олқишлар янгради.

Ниҳоят, спектакль кунни етиб келди. Отелло — Папазян, Дездемона — Сўнахоним Ҳожиева, Эмилия — мен. Спектакль жуда катта тантана ва кўтаринкилик билан ўтди. Биз ҳаммамиз Папазянни чин қалбдан олқишладик. Шунда у ҳам партнёрларини бир-бир табриклади, навбат менга келганда:

— Сен қизга бирор эсдалик қолдиргим келяпти. Аммо «бечора» актёрда ва бор-йўғидан айрилган маврда қўлга илинарли бирорта дуруст нарса йўқ, — деди, — чўнтагига қўл солиб чиройли миниатюра — ҳикматли иероглифлар билан безатилган ён дафтарчасини олиб менга узатди.

Мен унинг танг аҳволда қолгани учун ўзининг севимли бисотини беряпти деб ўйлаб, миннатдорчилик билдирдим, дафтарчани қайтиб бермоқчи бўлдим. Аммо у жудаям хафа бўлди.

— Оласан. Шу азиз кечамиздан, сахнада бирга ўйнаган бахтли кунимиздан хотира. Эсингда бўлсин, бу дафтарча ичида сенга бўлган меҳрим ҳам бор, — деди.

Мен бу мўътабар эҳсонни олдим. У ҳанузгача менинг энг қимматли ёдгорликларим қаторида сақланади.

Давримизнинг улуг санъаткорлари билан ёнма-ён туриб, бир сахнада ўйналган бу икки спектакль менинг шахсий ҳаётимда ҳам, ижодимда ҳам ёрқин из қолдирган.

Халқимизда тома-тома кўл бўлур, деган ҳикмат бор. Бу спектаклда қатнашган санъаткорлар даҳоси эса томчи эмас, балки бутун бир уммон билан тенг эди. Улар билан бир нафас суҳбатлашган, бир марта сахнага чиққан киши санъатни бир умрга севиб қолиши, санъатнинг улугвор яратувчилиқ кучини ҳис этиши муқаррар. Шунинг учун ҳам Аббос Мирза, Хорава ҳамда Папазянлар билан биргаликда ўйнаган спектаклларим менинг ҳаётимдаги энг бахтли, ҳар ким ҳам муяссар бўлавермайдиган мўътабар ва антиқа даврларим ҳисобланади.

КРУЧИННИНИНГ КУНДОШИ

1939 йилда А. Н. Островскийнинг «Айбсиз айбдорлар» номли пьесаси ишга туширилди. Постановкачи режиссёр А. А. Туганов эди. Асарни аввалдан яхши билганлигим учун Кручинина ролидан умидвор эдим, аммо бу роль менга берилмади. Кручинина ролидан умидворлигим тасодифий эмасди. Бу роль асарнинг бош қаҳрамони бўлганлиги учун эмас, албатта. Йўқ, аксинча. Гап шундаки, Кручинина жуда кўп азобу уқубатларни бошдан кечиради. Бу дардларнинг деярли барчаси менга яқин эди. Чунки мен ҳам Кручининанинг саргузаштларига яқин бўлган барча азобу уқубатлар босқичини деярли ўтиб бўлгандим ва бундан устозларим яхшигина воқиф эдилар. Аммо менинг ёшлигим ва саҳнавий тажрибам меъёри ҳисобга олинди шекилли, менга Кручинина эмас, балки унинг кундоши Шелавина роли берилди. Фамн-

лиясининг ўзи ҳам айтиб турганидек, Кручинина билан Шелавинанинг ижтимоий моҳияти, дунёқараши, феъл-атвори, мақсади, тафаккури ва бутун борлиги тубдан қарама-қарши образлар эди.

Шелавина — бой оиланинг эркатой қизи. У умрида бирор камчилик ва қийинчиликни кўрмаган. Шунинг учун ҳам ҳаёт, яшаш, турмуш каби нарсалар ҳақида сираям ўйлаб кўрмайди. Қолаверса, у умуман ҳеч нарса ҳақида ўйламайди, енгилтақ, беташвиш, хушчақчақ бадавлат бир қиз. Классик драматургияда кибор оиладан чиққан қизнинг ана шундай ижтимоий портретини яратиш, айниқса, бу характерни комедия планида талқин этиш анча мураккаб масала. Унинг устига менинг ижодий табиатим лирик, драматик образларга мойил эди.

Маълумки, пьеса бўйича Шелавина давлатманд бой Муровга унаштирилган. Аммо Муровни Шелавинанинг яқин дугонаси — Кручинина яхши кўради. Шелавина бўлса бу муҳаббатдан беҳабар. Шунинг учун ҳам у Муровга унаштирилганлигидан беҳад хурсанд. Чунки унинг учун муҳаббат туйғусининг ўзи бегона. Уни ота-онаси кимга берамиз, деса тегаберади. Ишқилиб, у тегадиган эр бой-бадавлат бўлса шунинг ўзи кифоя. Ана шу хусусиятларда, яъни Шелавинанинг бойликка ўчилиги, муҳаббат туйғусидан маҳрумлиги, бўлажак оилага бўлган бефарқлигида унинг ғоявий-ижтимоий савияси, образнинг туб моҳияти акс этиши керак. Ролнинг энг қийин томонларидан бири ҳам ана шунда эди. Бошқа томондан образнинг серқирраллиги ва аниқ социал характеристикаси ижрочи учун ижодий изланишга кенг имкониятлар яратиб беради.

А. Н. Островскийнинг «Айб-сиа айбдорлар» номли комедиясидаги Шелавина ролида.



Пьесада бир сахна бор. Бу сахнада ўз муҳаббати ота-шида куйиб юрган Кручининага дугонаси Шелавина келиб ўз бахтиёрлигини, эрга тегаётганлиги, бундан жудаям хурсандлигини айтиб, қувончини изҳор қилади. Ўзи ишқ жафосида ўртаниб юрганлиги учун Кручинина дугонасининг бахтиёрлигидан жудаям хурсанд бўлади. Шу пайт Шелавина:

— Мен эрга тегяпман, мен эрга тегяпман!— деб қувнаб-яшнаб, дугонасига бўлажак эрининг суратини сумкасидан олиб кўрсатадиган жойи бор. Кручинина суратни кўради-ю, унинг ўз севгилиси Муров эканлигини билиб бир аҳволга тушиб қолади. Аммо сирни бой бермайди. Натижада, томошабин кўз олдида қаҳқаҳа ва кўз ёшидан иборат чуқур драматизм билан суғорилган трагикомик сахна пайдо бўлади. Режиссёр мендан образнинг ана шу ички ҳолатини, унинг Кручининадан фарқлантирувчи хислатларини иложи борича яхлитроқ ифодалашни талаб қиларди. Чунки бу сахна қанчалик контрастлироқ чиқса, Кручининанинг фожиаси шунчалик кучли ва ёрқин кўзга ташланарди.

Бир куни ҳаммадан кейин театрда қолиб Шелавинанинг қувноқлиги, шўхлигини, енгилтаклигини ифодалаш учун ўзимча репетиция қилдим. Хаёлимга қандай ҳаракатлар келган бўлса бажардим. Кутилмаганда орқамдан биров:

— Ай гыз, на айлайирсан бурда?— деб ўраб қолди.

Бундай ўгирилиб қарасам, театримизнинг адабий эмакдоши, машҳур комедиограф — драматург Собит Раҳмон турибди. Репетициямни тўхтатмадим, афтимни ўзгартирмадим-да:

— Эрга тийарам, эрга тийарам!— деб бир оёқлаб сакраб-сакраб унинг олдида бордим.

Собит Раҳмон бу аҳволимни кўриб қотиб қолди, чунки у менинг эрим борлиги, оиламиз жудаям иноқлигини яхши биларди.

— На дийирсан?— деди у таажжубланиб.

— Эрга тийарам, эрга тийарам!— деб ўша кўйда қувона-қувона ҳақкалаб қайтардим мен. Кейин «эрим»нинг суратини олиб кўрсатай деб сумкамни очиб қарасам, сурат устига упам тўкилиб кетибди. Шундай бўлсаям расмини қўлимга олдим-да, кафтимга қўйиб, устидаги упани пуфлаб юбордим. Кейин қувонч ва шўхлик билан «Ма-на!» деб суратни унга узатдим.

Сурат — Оға Ҳусейн деган қари бир суфлёримизнинг сурати эди. Уни кўргандан кейин Собит чиндан ҳам қотиб қолди. Разм солиб қарасам, театрни жудаям яхши биладиган Собит Раҳмон ҳам чинакамига ишониб ўтирибди. «Демак томошабинни ишонтира оладиган ҳақиқатни топдим», деб ўйладим-да, сўнг у кишига репетиция қилаётганимни айтдим. Гапнинг нимада эканлигини эндигина англаган Собит Раҳмон «Ҳа, шайтон!» деди-ю, ёлгондакам пўписа қилди.

Хурсандлигимдан саҳнада бир оёқлаб ҳақкалар, «мен эрга тегяпман, мен эрга тегяпман», деб яна айлана кетдим. Образ яратишдаги бу элементларни мустаҳкамлаб, ўзлаштириб олгач, кейин қайта бошдан яна қайтариб, уларни санъаткорона меъёр талаблари доирасида сайқалантира бошладим. Чунки изланишлар жараёнида топилган ҳар бир фикр ёхуд ҳаракат рандаланиб, ишлов берилиб, саҳнабоп қилиниши, зодагон қиз характерига мослаштирилиши зарур эди. Шелавина эса муайян муҳит, муайян урф-одат, муайян миллий хусусият ва драматург томонидан берилган конкрет шарт-шароит билан чекланганлиги туфайли, мен топган нарсалар ҳам шу факторлар доирасида бўлиши шарт эди. Шунинг учун эринмай қайта бошдан ишладим-да, муҳимини олиб, кераксизини ташладим, кўнглимдагидай қилиб, шундан кейингина яхши кайфият билан уйга қайтдим.

Эртаси куни репетицияга келдим. Қувончим ичимга сиғмасди, чунки образ калитини топган эдим. Аммо бировга изҳор қилишга қўрқардим. Шу пайт режиссёр:

— Янги кўринишни репетиция қиламиз, — дедн.

Жудаям руҳим тушиб кетди. Уша кўринишни ҳеч бўлмаसा бир марта қайтаришни илтимос қилдим. Аммо «топдим» дейишга журъат этолмасдим, чунки агар ўйлаганимдек чиқмаса ёки топганим коллективнинг дидига тўғри келмаса, «ҳаҳ, топганинг шумиди» деб изза қилишларидан қўрқардим.

Қуш тилини қуш билади, деганларидек, Марзияхоним бир нарсани фаҳмлади шекилли, бирдан А. А. Тугановга мурожаат этиб қолди:

— Майли, бир қайтарсак қайтара қолайлик, вақт кўп-ку!

Режиссёр рози бўлди. Мен дарҳол реквизитор олдига югурдим. У ердан зонт олиб чиқдим. Буни кечаси билан ўйлаб қўйган эдим. Чунки зонт кўпгина киборона, тантқона ҳаракатларга имконият яратарди.

Репетиция бошланди. Топган ва ўйлаган янгиликларимнинг ҳаммасини кўрсатдим. Барчага маъқул бўлди. Нима учун репетиция талаб қилганлигим ҳам маълум бўлиб, бу илтимосим, афтидан, ўзини оқлади. Аммо салпал ошириб юборган бўлсам керак, режиссёр бир оз камайтиришни илтимос қилди. Жумладан, упани олиб ташлаб, расмии шунчаки пуфлаб қўя қолиш, ҳаққалашни меъёридан оширмаслик ва шу каби айрим жузъий ва бачкана ҳаракатлар айтилди. Энг муҳими Шелавина образига тўғри йўл топилгани қайд этилди. Натижада навбатдаги репетиция ва изланишлар туфайли бу образ мукаммаллашиб, чиниқиб борди.

Шелавинани репетиция қилардим, аммо фикру зикрим Кручининада эди. Зимдан, Марзияхоним репетициясини ҳам кузатиб борардим. Кручининининг сўзлари ҳам репетициялар жараёнида даярли ёд бўлиб борарди. Минг таассуфки, умрим бўйи Катерина родини орзу қилиб ўз муддаомга ета олмаганимдек, умр бўйи Кручинина — Отрадина образини яратишни орзу қилиб, бу орзуйимга ҳам эриша олмадим.

1939-40 йиллар мавсумида репертуаримизда Жаъфар Жабборлининг «Олмос» номли драмасы қўйилади-ган эди. Бу драма ёш озар қизларининг маърифат учун кураши, ёруғликка интилиши, саводсизликини тугатиш ва қишлоқ маданиятини кўтариш ҳақида нақл қилади. Пьеса юксак гоёвий савияда, саҳнавий тарзда кучли драматик тўқнашувлар заминида ёзилганлиги учун жудаям эътиборга сазовор эди.

Пьесанинг бош қаҳрамони — қишлоққа маърифат ва маданият тарқатиш учун йўл олган шаҳарлик ўқитувчи аёл Олмос эди. Аммо драмада ўз мазмундорлиги, бадний етуклиги, саҳнавийлиги билан актриса учун янада кўпроқ ижодий озуқа берувчи Яхши исмли аёл образи бор бўлиб, негадир шу образга ишқим тушиб қолди.

Яхши ролини менгача забардаст актриса Евахоним Оленская ўйнади. Инсоф билан айтганда, у бу образни шу қадар мукамал, шу қадар жозибали, жонли яратган эдики, у билан беллашишга журъат этишининг ўзи учун катта ирода керак эди. Бугина эмас, Яхши образининг бошқа қирраларини, бошқача саҳнавий талқинини топа олиш мумкинми-йўқми — бу ҳам мавҳум эди. Аммо мен ана шундай мураккаб бир ишга қўл уришга қарор қилдим. Евахоним ва театр маъмуриятининг розилигини олиб, шу ролни тайёрлашга киришдим.

Яхши — эзилган, битта фарзанди билан якка қолган қишлоқи аёл. У жамоат ишларига, янги социалистик ҳаёт қурилишига фаол қатнашгани учун қулоқлар унинг эрини қаматтирганлар. Яхшининг саводсиз эканлигидан фойдаланиб, қишлоқ бойларига сотилган бир аёл уни қўлга олади, Олмосга қарши қўйиш ва шаҳардан келган ёш ўқитувчини бадном қилишга уринади. Лекин Яхши Олмоснинг покиза, олижаноб аёл эканлигини билади, шунинг учун ёвуз ниятли рақиблар иғвосига сотилмайди.

Ана шу ҳалоллиги ва жасорати туфайли, воқеалар давомида у жуда кўп азоб-уқубатларга дуч келади.

Озарбайжон ССР халқ артисти Евахоним Оленская талқинида Яхши жудаям ақлли, оғиртабиат, вазмин, ифбатли аёл тарзида яратилган эди. Мен шу нстєдодли санъаткор таъсирига берилиб кетишдан хавфсирардим.

Мен биринчи қадамимданоқ образнинг талқинини ўзгартирувчи йўлларини қидира бошладим. Ана шу жараёнда Яхшининг айтадиган бир ашуласи диққатимни тортди. Бу ашула рамзий маънога эга бўлиб, у бутун озар хотин-қизларининг асорати, уларнинг ҳақ-ҳуқуқсиз маҳкумалиги ҳақида нақл қиларди. Шу ғояни амалга ошириш учун режиссёр саҳна ортидан бериладиган бу ашулани репродуктор орқали саҳнанинг турли томонидан акс-садо тарзида эшиттирар, натижада бутун озарбайжон хотин-қизлари, бутун олам шу ашулани айтаётгандай таассурот туғиларди. Ашулада эса қуйидаги сўзлар бор эди:

Кошки, қуёш тоғлар ошиб сўнамасайди,

Кошки, менинг юз ўғирган толем

юз ўғирмасайди.

Кошки, менинг истакларимни зolim фалак,

Очилмасдан қора тупроққа кўммасайди.

Кўкдаги ойга айтсам, дардимни ул ёрга етказсин,

Юрагим дардга тушди, ёр менга бир чора етказсин.

Бу қўшиқ текстида менинг эътиборимни жалб этган нарсa иккинчи ва охириги мисранинг мазмуни бўлди. Ўзимча, ундаги «кошки, менинг юз ўғирган толем юз ўғирмасайди» ва «ёр менга чора етказсин» каби сўзларда образнинг калити яширинган деган, хулоса ясадим.

Менинг тушунчамга кўра ва шу мисралар мазмунига қараганда, Яхши ҳам бир маҳаллар ёш қиз бўлган, у ҳам бахт нима эканлигини татиб кўрган. У севиб тур-

мушга чиққан, эри билан бахтиёр яшаган, кейин ҳомиладор бўлган, келажак фарзанд нашъасини сурган, кулган, қувнаган — ашулада айтилганидек, толеи кулиб боққан бир жувон бўлган. Аммо замона гардиши билан бу чақмоқ янглиғ кулгиларни ҳам ва дард юки босиб, Яхшини ана шундай ғуссаларга гирифтор этган. Бошқача қилиб айтганда, мен К. С. Станиславский таълимотига асосланиб, образнинг контраст томонини қидира бошладим. Чунки Станиславский, ёвуз киши ролини ўйнаётиб, унинг олижаноб жиҳатларини қидириб топгин, қария ролини ўйнаётиб унинг ёшлигини қидиргин, деб таълим беради. Ана шу ҳикматга кўра, менинг Яхши образини яратишдаги биринчи таянчим, унинг ҳаётидаги ёруғ, қувноқ кунларни ҳам акс эттириш бўлди.

Иккинчидан, унинг дунёдан ҳали умиди мутлақо узилган эмас. Агар келажакдан умидсиз бўлганда эди, курашларга дош беролмас, тақдирига тан бериб, таслим бўлиб қўя қоларди. Ҳолбуки, Яхши пьеса давомида не-не машаққатларга дош беради, уларни мардона енгади ва умид билан олға интилади. Бу шунчаки қайсар бир аёлнинг кирдикори эмас, балки эртанги кунига ишонган, оқила, зукко курашчининг онгли курашидир. Қолаверса, бу даъвони исботлайдиган яна икки муҳим манба бор. Улардан биринчиси — Яхшининг янги ҳаёт қурилишининг фаол иштирокчиси бўлганлиги, яъни онгли кураш олиб борганлиги бўлса, иккинчиси — эрининг қамоқда эканлигидир. У қамоқдан чиқиб келади, «ёр менга бир чора етказсин» деб куйлаган умидлари амалга ошади, толеи кулиб боқади ва фаол курашини давом эттиради. Яхши ана шу умид билан яшайди.

Мазкур йўсиндаги мантиқий изчиллик қақиқатларини ҳисобга олганда, Яхшининг саҳнадаги ҳаёти икки ёруғ уфқ — ёрқин ўтмиш ва порлоқ келажак ўртасидаги бир соя, холос. Демак, Евахоним талқинидаги Яхши образи нечоғлик жозибадор бўлмасин, ўзининг бошдан-оёқ мунглилигини, маъносилиги билан чекланади. Агар ўзим

қидириб топган мантиқий изчиллик юзага чиқиб амалга ошса, Яхши образининг янгича, янада мукамалроқ талқини ҳосил бўларди.

Образнинг назарий-мантиқий асослари аниқ бўлиб қолди. Мен гавдалантирган Яхши образи учун, унинг қўшиғидаги юқорида келтирилган икки мисра лейтмотив вазифасини ўтади. Натижада, тасаввуримда Яхши табиаташ қувноқ, ҳаётсевар инсон, аммо замона зайли билан вақтинча кулфатга тушган, оптимистик руҳдаги бир аёл бўлиб жонлана бошлади. Унинг ҳаракатлари, юриш-туриши масаласида ҳам ўз ёшим ва ўз табиатимдан келиб чиқдим. Натижада, Яхши ҳаракатчан, назокатли, мулоқийм, дилбар аёл тусини ола бошлади. Тўғри, унинг дардли саҳналари ҳам йўқ эмасди. Жумладан, «Алла» саҳнасида бешик тебратиш темпидан келиб чиқиб унинг огир, маънос чоғларини ҳам беихтиёр акс эттирдим. Аммо Олмосни кўрганда, болалар ашуласини эшитганда, менинг қаҳрамоним мутлақо бошқа ритмга ўтар, қувноқлик ва шўхлик оҳанглари пайдо бўларди. Шундай қилиб, Яхши образини яратиш борасидаги изланишларим ўз самарасини берди—саҳнада Яхши образининг ўзинга мансуб қиёфаси гавдаланди.

Яхши образининг ички дунёсигина эмас, ташқи қиёфаси ҳам, менимча, бошқача бўлиши керак эди. Еваҳонимнинг либоси кўкимтир, мунгли эди. Назаримда, бу унчалик тўғри эмасди. Чунки унинг эри ҳали ўлмаган, мотамзада юриш, аза тутиб қора кийинишга асос йўқ эди. Шунинг учун ҳам мен ўзимга читдан қишлоқча гулли қўйлак тиктирдим. Яхшининг ҳусну жамолини ҳам гўзаллаштиришга интилмадим. Агар борди-ю, унинг чеҳрасини гўзаллаштириб юборгудек бўлсам, унда Яхшининг қисмати, ҳаётда кам учрайдиган гўзал аёлнинг драмаси бўлиб, бу фалокатларнинг кўпчилиги унинг ҳусномалоҳати келтирган офат бўлиб туюлиши мумкин эди. Бу эса образнинг асл моҳиятига, унинг ижтимоий мазмунига хилоф бўларди. Шунинг учун ҳам озар хотин-қиз-

Дари орасидаги энг гўзал аёлни эмас, балки озар аёлининг типик портретини гавдалантиришни мақсад қилдим.

Ниҳоят, қамма ишлар муайян маънода охирига етгандек бўлди, менга премьераси берилди. Аммо биринчи кун томошабин мени унчалик яхши қабул қилмади.

Евахоним Яхшнинг «мен папоғмидмкин, ҳар ким бошига княверса», деган сўзларини йиглаб айтарди. Томоша зали унинг бу сўзларини пашша учса билинадиган даражада нафасини ичига ютиб эшитарди. Мен шу сўзларни айтганимда эса, ана шу осойишталикни ҳис этмадим. Аксинча, залнинг у ер-бу еридан бир икки кишининг енгил кулгиси эшитилди. Яхшнинг «қўйиб юбор мени, ортиқча гапиролмайман, ҳозир йиглаб юбораман», деган гапи бор эди. Шу гапни айтганимда ҳам унда мунда кулги овози эшитилди. Чунки бу сўзларни айтаётганимда мен йигламадим, аксинча, уфуриб келаётган қўёшнинг босиб, заҳар кулги билан гапирардим. Томошабин шу сўзларда кулдими, демак қаердадир, нималардир етишмайдигани аён эди. Демак, изланишни давом эттиришим зарур эди.

Бу ҳам ҳали ҳолва экан. Чунки спектаклдан кейин олдимга Жаъфар Жабборлининг ўзи кириб келди. Табриклаш ўрнига:

— Назира,— деди,— мен сенинг бу талқинингни тушунмай қолдим.

Бу гап менга жудаям ёмон таъсир қилди. Қани энди, ер ёрилсаю кириб кета қолсам. Аммо бунинг иложи йўқ эди.

— Хўш,— дедим мен хижолатимни, ҳаяжонимни босишга тиришиб,— нимаси ёқмади?

— Биринчидан, у гўзал қизни хунук қилиб қўйгансан.— деди у,— бурни катта. Иккинчидан, сенинг Яхшнинг жудаям қуёқ.

— Нима қилай, образдан воз кечайми?— дедим.

— Буни ўзинг биласан. Аммо бурнингни кичикроқ қил,— деди у.

У чиқиб кетдию, мен ўлиб бўлдим. Туриб-туриб, шунча меҳнатим баҳридан воз кечиб, ролни ташлаб юборсаммикин, деб ўйладим. Кейин, яна ўйлаб-ўйлаб ўтирдим-да, спектаклдан кейин артистларнинг вазоҳати кўз олдимга келди. Демак, залдаги ўринсиз кулги, Жаъфарнинг эътирози... хуллас, ишлар чатоққа ўхшарди. Нима қилиш керак? Ролдан воз кечиб қўя қолсаммикан? Наҳотки, шунчалик қўпол хатога йўл қўйган бўлсам? Назарий-мантиқий таҳлилим тубдан хатомикан? Хўш, нима қилишим керак?! Дарвоқе, охирги яна бир илмж бор. Агар режиссёр А. А. Тугановнинг фикри ҳам манфий бўлса унда...

Кечаси уйку қани! Эртасига дарҳол А. А. Тугановнинг хонасига кирдим ва барча мулоҳазаларимни, фактларни тарозининг икки палласига қўйиб, уларнинг қимматини тенглаштириб қўйдим. Туганов қайси томонга сагал ён босса, мен учун иккинчи томон мутлақо ўз кучини йўқотгандек эди. Туганов мулоҳазаларимни эшитиб бўлиб:— Е-рун-да!— деди қатъий ва таҳқирли оҳангда,— Жаъфар бекорларни айтибди. У ўз асаридаги бутун бир бойликни сен ихтиро этганингдан беҳабар бўлса керак. Яхши ҳали ёш, ёшлик эса енгади! Фақат меъёр масаласига бир оз эътибор бергин. Агар талқинингни бўзсанг, қаттиқ хафалашамиз. Бор, ақлингни йигиб, ишингни қил!

Устозим ёлғондакам ўдагайлаб, аммо ҳақиқатни чинакамига тасдиқлаб мени чиқариб юборди. Мен ҳам янги бир рағбат ва ташналик, янги бир онгли қудрат билан Яхши образи устидаги ишимни давом эттирдим.

Бу дафъа, мен унинг кулги ва хушчақчақлигидаги меъёрини белгилай бошладим. Энди менинг Яхшим ана шундай онларда, ялт этиб чақмоқдай очиларди-ю, дарҳол юзини тўсиб турган вақтинча булут ортига бекинарди. Томошабин билардики, Яхшининг қалби ва онги қуёшдек норлоқ. Аммо унинг осмонида булутлар сузиб

юрибди. Қуёш мангу, булут эса омонат, кучли бир шамол эсгунча тўсиқ эканлигини яхши англади.

Иккинчи томондан, мен Яхшининг тили устида махсус ишлаб, унга қишлоқ характеристикасини бера бошладим. Энди менинг Яхшимнинг тили ҳам Евахонимникидан фарқ эта бошлади. Бундан ташқари образнинг тадрижий ривожланишп давомидаги айрим жузъий-манتيқий камчиликларни тўлдириб бордим. Аммо образнинг умумталқини ва ички-ташқи қиёфасига оид ҳамма нарса ўз ўрнида қолди.

Ниҳоят, навбатдаги мен ўйнайдиган кун ҳам етиб келди. Ўртадаги гаплардан анча-мунча киши хабардор бўлиб қолганлиги учун, театр коллективидан талай киши спектаклга келиб ўтирди. Спектакль ҳеч қандай тасодифсиз ўтди. Бир маҳал қарасам, режиссёр хонасидаги тувакда турган гулни кўтариб, саҳнага Жаъфар чиқиб келяпти.

— Менинг ўзбек қизим,— деди у аллақандай бир меҳр билан.— Сени чин кўнгилдан табриклайман. Менинг Яхшим бунчалик яхшилигини ўзим ҳам билмаган эканман.

Кейин кулиб, мутуйиба билан деди:

— Ҳозирча мана бу омонат гулни қабул қилгин. Мен қарздорман. Биласанми, ўзбек қизи, сен Жаъфарни қарздор қиляпсан.

Мен «гина сақлаган» киши бўлиб, аввалига ёлғондакам тумшайдим, кейин «очилиб» бу талабчан ва қалби дарё мутафаккирнинг қўлидан «омонати» ни эҳтиром билан олиб, суфлёримизга узатдим.

— Сан озбак гызи, йама гыз олдунг, одлу гыз олдунг!— деди ва пешанамдан ўпиб, табриклади...

ОНА ЮРТДАН ДАРАКЛАР

Ижодий муваффақиятлар нашидасида юрган дамларимда Тошкентдан, Етим ака Бобожоновдан хат келди.

Унда Етим ака Ҳамзанинг «Холисон» номли драмасини ишга олаётганлиги, бош роль фақат менгагина мўлжалланаётганлиги, шунинг учун тезда Ўзбекистонга қайтишим зарурлиги айтилган эди. Мен кўп андиша ва мулоҳазалар туфайли хатни жавобсиз қолдирдим ва бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто Қозимга ҳам оғиз очмадим. Чамаси, 1940 йилнинг апрель ойида «Дарҳол йўлга чиққин» деган телеграмма олдим. Бу дафъа Қозим билан маслаҳатлашиб кўрдим. У бу пайтларда Озарбайжон Фанлар Академияси Нефть ва химия институтида катта лаборант бўлиб ишларди. У розилик бермади. Шунинг учун бу телеграммани ҳам жавобсиз қолдирдим. Ўзбекистонга қайта олмаслигимга аниқ ишонч ҳосил қилдим.

Индамай ишлаб юравердим. Аммо шу орада мени Озарбайжон республикаси Министрлар Совети раисининг ҳузурига чақириб қолишди Таажжуб қилиб бордим. Қабулхонага кириб котиба қизга ўзимни таништирдим.

— Киринг, киринг,— деди қиз ва ичкарига киргизиб юборди.

Раис мени илиқ кутиб олди. Ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг, менга бир варақ гербли қоғоз берди ва танишиб чиқишни айтди.

Қарасам, Ўзбекистон ССР Давлат бланкасига ёзилган расмий ҳужжат. У билан қўрқа-писа танишиб чиқдим. Унда менинг Тошкентга, Ҳамза номли Академик драма театрига ишга келишим ҳақида ёзилган эди. Хатни ўқидиму хаёлга чўмдим...

— Хўш,— деди раис,— бу хатга нима деб жавоб ёзамиз?

— Менимча, шундай зарурат тугилган экан, боришим керак,— дедим мен унинг кўнглидаги гапни топан бўлиб.

Аммо аксинча бўлиб чиқди.

— Назираҳоним,— деди у киши бир оз ранжиб,— ахир Озарбайжон республикаси сизни нима билан хафа қилди? Биз сизни ўз фарзандимиздай Москвада ўқитдик.

театрда ишларингиз яхши, техникумда дарс беряпсиз, моддий аҳволингиз ёмон эмас. Агар бирор етишмовчилик бўлса айтинг...

Мен хижолатдан лол бўлиб қолдим. Жавоб бергани тилимга «алҳам» келмай қолди. Менинг бу вазиятимни ҳис этган раис меҳрибончилик билан бир оз насихат қилди-да, кўнглимни бузмай ишлайберишимни айтиб кузатиб қўйди.

Аммо менинг кўнглим бузилиб бўлган, қатъиятним рахна кетган эди. Кўз олдимда она тупроқ, ариқлардаги жилдироқ сувлар, теракларнинг сеҳркор шивирлаши, кўклам чоғида алвон-алвон бўлиб ётувчи лолақизғалдоқ тўла тупроқли томлар, қавму қариндошларим, ҳамзачи ёру дўстларим тез-тез гавдаланадиган бўлиб қолди. Иккинчи ёқда эса эрим, онлам, фарзандим, севимли театрим, виждон азоби! Хуллас, яна икки оташ орасида қоврила бошладим. Шу кўйда жиғибийрон бўлиб 1940 йилнинг июль ойигача тоқат қилиб келдим. Июлда отпус-кага чиқишимиз биланоқ қанот чиқариб Ўзбекистон томон учдим.

ДЎСТЛАР ОҒУШИДА

Тошкентга келдим, аммо уйда чидаб ўтиролмадим. Кечга яқин театр томонга югурдим.

Борсам ёру дўстларим қизгин кутиб олди. Маннон Уйғур совуққина кўришган бўлди. Етим ака эса ҳеч нарсадан ҳеч нарса бирданига чангитиб уришиб кетди. Шунда гапга Оға аралашиб:

— Қўйсанг-чи, Етим, нима қиласан гапириб. Назира-хон ҳалиям ўзбек театрини озарбайжон театрининг ўша пайтдаги шоғирди деб санайди. Майли, мана ўзи спектаклни кўрсин, кейин гаплашамиз,— деди аччиқ истеҳзо билан. Кейин менга қараб кесатиқсимон давом этди:— Қани, залга марҳамат!

Мен Оганинг таънаю истехзоларини ҳам, Етим ака-нинг дашном-надоматларини ҳам гоҳ алам, гоҳ фахр билан қабул қилиб, залга кирдим. Ахир, менинг кўнглимда не туйғулар борлигини, бошимда не-не жанжалли масалалар турганлигини билмай туриб, шу қадар таъна қилншларига ўрин бормиди? Иккинчи ёқдан қараганда, менга нисбатан бефарқ бўлсалар шу гапларни айтармидилар!

Шу қарама-қарши хаёллар кураши оғушида томоша залига кириб кетдим. Бахтимни қарангки, бугун «Холисхон» спектакли қўйилар экан. Чунки Етим ака менга ваъда этган ролни Сора Эшонтўраева билан Холида Хўжаева ўйнаган, спектакль катта муваффақият билан қўйилаётган эди.

Спектакль бошланди. Мен аста-секин воқеалар гирдобига кириб кета бошладим. Саҳна оша ҳаловатим бузила бошлади. Бутун вужудимни ҳаяжон қамраб, ниҳоят биринчи парданинг охирларидаёқ келмаганлигимга, шундай ролни бой берганлигимга минг-минг афсусландим.

Танаффус пайтида хонага Оға, Етим ака, мен учовлашиб кириб гаплашиб ўтирган бўлдик. Оға жудаям зийрак одам эди. Менда рўй берган ўзгаришларни дарҳол пайқади чоғи:

— Хўш, нима дейсан?— деди.

Мен аниқ билардимки, Оға мендан спектакль ҳақидаги фикримни сўраётган эмасди. Чунки спектаклнинг юксак бадий савияда эканлигини менсиз ҳам яхши биларди. Бу савол эса, «Хўш, қоласанми, йўқми? деган маънога эга эди. Чунки Оға менинг юзим, кўзларим, ҳолатимдан спектаклдан қаттиқ таъсирланганлигимни, ичичимдан куйиб, жизғанақ бўлиб кетганлигимни, афсус ва пушаймонларимни яққол уқиб олганлигига ишончим комил эди.

Саволни эшитдим, ана шу бир онлик сукут ичида олам-олам хаёл гирдобига чарх уриб чиқдим. Худди

гипноз қилингандай, нима дейишимни билмай, ловиллаб ёниб ўтиравердим. Чунки қолиш-қолмаслигим ҳақидаги савол энди ортиқча эди.

— Холисини берасизми?— дедим ниҳоят Етим акамга мурожаат қилиб.

— Эртадан репетицияни бошлаймиз!— деди, «Гап тамом!» дегандек Етим ака.

Худди шу заҳоти, ортиқча гапга ўрин йўқ дегандек, охирги қўнғироқ жаранглаб қолди ва учовлашиб залга кириб кетдик. Энди икки ёнимда икки забардаст устоз ўтирарди. Чунки менинг ризолигимни олгандан кейин икковлари ҳам гинаю таъналарни унутган ва менинг қадимийдагидек дўстимга «айланган» эди. Аслида эса, уларнинг гиналари сунъий, муҳаббатлари эса самимий эди. Мен бунни жуда яхши тушунардим.

Спектаклнинг қолган қисмининг кўргунча мен адоий тамом бўлдим. Шу орада, Оға қулоғимга:

— Студия очамиз,— деб шивирлаб қўйди.

Бу — у кишининг педагогик фаолиятининг ҳам давом эттирасан, дегани эди.

Ниҳоят, спектакль тугади. Мен ҳаяжон, таажжуб ва завқу шавқдан қотиб қолибман. Қимирлашга мажолим йўқ. Шунда:

— Қани, тулинг, ўртоқларингизни табрикламайсизми?— деган овоз эшитилди. Бу Етим аканинг овози эди.

Бир оз ўзимга келдим.

Учовлашиб саҳнага чиқдик. Қучоқдан-қучоққа ўтиб, самимий, қалбдан табриклашдик. Қим-кимни табриклаётганини аниқлаш қийин эди. Чунки мен уларнинг ютуқларидан, дийдорларини кўрганлигимдан маст бўлиб табрикласам, улар мени яна ўз оғушларида кўрганликларидан мамнун эдилар.

Олқиш ва кўз ёшлар тугади. Мен «Болалар яхшими?», у-бу, деб сўрашсам, ҳаммаси келишиб олгандек «ҳа-ҳа» дейишади-ю, нуқул мени гапиртириш пайида. Нимага бундай қиялпти экан, деб аввалига ҳайрон бўлдим.

Кейин билсам, мен салгина озарбайжонча шевада гапираётган эканман. Бу эса ўртоқларим учун жуда галаги, ўз таъбирлари билан айтганда, «қизиқарли» туюлаётган экан.

— Аризани гатирасизми?— деди Оға ҳазил аралаш илқ табассум билан.

— Ҳа, албатта, олиб келаман,— дедим мен ўзбекча қилиб гапиришга алоҳида эътибор бериб.

— Ҳа-а, ҳали ишимиз кўп экан,— деб маъноли чўзиб қўйди Етим ака.

Хайру хўшлашиб тарқалишдик. Ўўлимиз бир бўлганлиги учун Шукур Бурҳонов билан мен бир томонга кетдик. Гапимиз йигилиб қолганлигидан, трамвайга ҳам ўтирмай аста-секин пиёда юриб кетдик.

Агар Эски шаҳардан Қашқар маҳалласигача бир соат юрган бўлсак, мен деярли бирор оғиз гапирмадим, дейишим мумкин. Шукур шу қадар тўлиб-тошиб кетган эканки, оғиз очиришга ҳам қўймади. Гапни айлантирарди-айлантирарди-да, нуқул қолишга аврарди.

— Театр «Отелло»ни олмоқчи. Агар сиз бўлсангиз, мен ҳам Отеллони ўйнайман. Сиз Дездемонани ўйнайсиз. Худди «Рустам»даги каби ютуқлар кутяпти. Театр яна жуда яхши пьесаларни қўйишни режалаган. Сиз театр учун ғоят кераксиз. Назирахон, ўзингиз учун бўлмаса ҳам санъатимиз учун қолшингиз шарт.

Ниҳоят, эшигимиз олдига етиб келганда у роса исканжага олиб сўроққа тутган эди, дудмалгина қилиб дедим:

— Эртага ариза ёзиб борсам керак. Оға билан Етим акага ваъда бериб қўйдим.

Шукур, албатта шундай қилишлигимни илтимос қилди-ю, хайрлашиб кетди.

Ваъда беришга бердим, аммо ўзим хаёлга чўмдим. Чулки санъатдаги ҳаёгим билан шахсий-оилавий ҳаётимнинг тақдири чуқур ўйлашга мажбур қиларди. «Қозим бўлса келар, ахир ўртада фарзандимиз бор-ку»

деб ўйладим-да, Тошкентда қолишни ният қилдим. Тонг ёришиб ёлғоқ барглари орасидан илк нурларини таратганда, мен ҳам қатъий қарорга келиб бўлган эдим. Тонг ёришди, самоварга ўт ташладим, ҳовлини супурдим, иш қилиб, ўзимни унга-бунга уриб, театрга бориш вақтимни яқинлаштирдим.

Аризамни кўтариб кирсам, Етим ака билан Тиллахўжа ака¹ Холисхон ролининг текстини кўчириб ўтиришган экан. Ёру дўстлар йиғила бошлашди. Улар менинг қароримдан хабар топиб, астойдил қувондилар...

ТЕАТРДАГИ ПРОГРЕСС

Мени Тошкентда қолишга мажбур қилган энг муҳим нарсая кейинги 5 - 6 йил ичида театрдаги мисли кўрилмаган ўзгариш эди. Бу ўзгариш репертуарда ҳам, режиссурада ҳам, актёрлик маҳоратида ҳам, коллективнинг умумий маданиятида ҳам яққол кўриниб турарди.

Режиссура ва умумтеатр миқёсида кўзга ташланувчи нарсая тил ва талаффуз масаласи эди. «Холисхон» ана шу бадиий саҳна тили соҳасида эришилган катта ижодий ютуқни ифодаловчи спектакль эди.

Мен Оға ва Етим аканинг тил устида нечоғлик қунт билан ишлашларини яхши билардим. Аммо тил ва талаффузни биттагина спектакль миқёсида шу қадар тасниф этиш мумкинлигини, спектаклнинг нутқий партигурасига шу қадар аниқлик киритиш ва сайқал бериш мумкин эканлигини ҳатто ўйлаб кўришга ҳам журъат этолмасдим. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Холисхон» спектакли анвойи гуллар билан яшнаб турган мисли йўқ бир чаманга ўхшар эди.

¹ Тиллахўжа ака Исмаилов — ўзбек театрининг мўътабар фидойиси ва йирик арбобларидан бири. Шу кунга қадар Ҳамза номили театрининг суфлёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти.

Спектаклда актёрларнинг гапириш усулида ҳам Озарбайжон билан Ўзбекистон санъаткорларининг жуда катта, кўзга ёрқин ташланувчи ўзига хослиги бор эди. Жумладан, Озарбайжон драма театрида ҳар қандай спектаклда, унинг жанри, даври, муаллифи ва миллий характерида қатъи назар, талайгина кўтаринкилик ва шоирона пафос билан гапириларди. Бу удум ҳозирги кунга қадар тўла-тўқис сақланиб келяпти.

Ҳамза номли театрда, хусусан, «Холисхон» спектаклида гапириш усулини кўриб мен лол қолдим. Чунки актёр шу қадар табиий, шу қадар содда ва жозибали гапирар эдики, саҳна нутқининг бу қадар жонли, саҳнавий гўзал ва таъсирчан бўлишлигини ўйлаб кўрмаган эканман.

Озарбайжон театрида етакчи ролларни ўйнаб юрган чоғларимда образнинг бадий қиёмига нимадир етишмаётганлигини, алланима биландир сафдошларимдан ажралиб турганлигимни ҳис этардим. Бу мавҳум асрорни мудом қидирардим, аммо топиб олишга сира муяссар бўла олмас эдим.

«Холисхон» спектаклини кўрдиму бу муаммога жавоб топдим. Бу саҳна нутқи маҳорати эди. Гап шундаки, мен илгари ўзбек театрида ишлаганимда ҳаётий, бўрттирилмаган, самимий нутқга ўрганганман. Москвада, институтда ўқиганимда ҳам К. С. Станиславский системаси талабларидан келиб чиқиб, мени самимий, саҳна ҳақиқатидан иборат ҳаётий нутқга ўргатишган. Озарбайжон театрига боргандан кейин, мен ансамблга қўшилиб, пафосга берилган эдим. Аммо ўзимда мавжуд бўлган ҳаётгўйлик усулидан тамомила воз кечганим ҳам йўқ. Натпжада, партнёрларим тўлақонли пафосда гапирганларини ҳолда, мен на пафос эмас, на реал ҳақиқий нутқ эмас, аросатда қолиб саҳнада сўзлаганман. Ўзбек театридаги саҳна нутқи услуби дабдабалиликдан, кўтаринки пафосдан йироқда эди. Унда ҳаётдаги реал, жонли, бироқ бадий нутқ услуби мавжуд. Мен ана шу жид-

дий фарқни, яъни энди санъатнинг чинакам хазинасига қайси йўлдан бора олишлигимни яхши англаб олдим. Шунинг учун ҳам онгим ёришиб, қувончим ичимга сингмай кетди.

Аслини олганда, театрнинг умуммаданийати ҳам, ўзининг мустақил ва тўғри йўлни топиб олганлиги ҳам, юксак ижодий чўққилар сари дадил интилиши ҳам фақат

Ўзбек миллий театр санъати учун эмас, балки бутун республикамиз маданиятига татигувчи катта прогресс эди. Қолаверса, шуни эътироф этиш зарурки, театр социалистик реализм принципларига асосланиб, ана шу тўғри ижодий йўлдан борганлиги учун ҳам 40—50-йилларда ўзининг энг юксак чўққисига эришди ва республика миқёсидан чиқиб, Иттифоқ ҳатто жаҳон бўйлаб ҳам шуҳрат таратди. Ана шу ҳақиқатларни кўрмаслик мумкин бўлмаганидан, иккиланмай, театрга ариза кўтариб борган эдим.

ХОЛИСХОН

Холисхон ролини тайёрлаш менга ҳам топширилди. Пьесани олдим, ўша кечасиёқ, диққат билан ўқиб чиқдим. Ҳамза асарининг гоявий чуқурлиги, ижтимоий муҳиятининг кўламлилиги, бадий баркамоллиги, образларнинг серқирралиги, тилининг ўткирлиги ва саҳнавийлиги мени ҳайратда қолдирди. Ўзбек халқининг характери, руҳияси, урф-одати, дили ва тилини Ҳамза қанчалик билса, театр артистлари ҳам шунчалик мукаммал биларди. Мен эсам бундан анча узоқда эдим. Ана шу ҳол юрагимга ғулғула солди. Коллектив билан ҳамнафас қадам ташлай олармиканман, деган фикр юрагимни ўртай бошлади. Шу мулоҳазалар гирдобиде театрга кириб келдим. Коллектив энди ишга йиғилиб турган экан. Менинг театрга ишга қолганлигимни эшитган дўстларим қучоқлашиб, табриклашди. Ўзбек театрининг асосчиларидан бири, машҳур санъаткор Обид Жалилов:

— Ҳа, Назирахон, от айланиб қозигини топар эканда,— дедилар мutoйиба билан.

— Сизларсиз ҳаёт ҳаётми!— дедим мен ҳам шу кайфиятда.

Юзларига илиқ табассум, кўзларига меҳр қуйилди.

Яна бирпас мутойнба қилиб ўтиришдик-да, кейин мен Етм аканинг кабинетларига репетицияга кириб кетдим.

Етим ака, даставвал пьесанинг аввалги вариантларини, асарнинг мукаммаллашиб келиш жараёнидаги Холисхон образига хос айрим, муҳим жиҳатларни гапириб берди. Кейин пьесанинг таҳлилига батафсил тўхталиб, менинг фикру мулоҳазаларимни ҳам эшитди. Айниқса, Холисхон образи тўғрисидаги менинг икки таъбирим у кишига маъқул бўлди. Биринчиси, мен бу асарни ўзбек халқининг «Ромео ва Жульетта»си деб атаган эдим, иккинчиси Холисни «тилла қафас ичидаги бағри қон қуш», деган эдим. Чиндан ҳам, бу фикрлар уйдирма ёки шушчаки чиройли гап учун ўйлаб топилган иборалар эмас, балки кечаси билан асар ҳақида ўйлаб чиқарган хулосам эди. Чунки Холисхон билан Одилбек¹ ўртасидаги қучли, пок ва садоқатли муҳаббат, унинг фоживий оқибати, асардаги чуқур ижтимоий проблема Шекспирнинг машҳур трагедиясига ўхшаб кетарди.

Уша пайтлар то сўз тўла-тўқис ўзлаштирилмагунча сираям мизансценага ўтилмас эди. Бу, менимча, жудаям яхши удум. Афсуски, ҳозирги кунда бунга деярли роя қилинмайди, спектакль иштирокчилари режиссёр раҳбарлигида пьесани икки-уч читка қилгандан кейин, дафтарни ушлаб саҳнага чиқиб кетишади. Натижада, актёр муаллиф ёзган мисраларни, айтилган ҳар бир сўзнинг туб моҳиятини охиригача очиб, ўз тафаккурининг призмасидан ўтказиб олиш имкониятидан маҳрум бўлади. Чунки мизансценага чиққанда, актёр кўпроқ ўз ҳаракатлари, уларнинг аниқ бир мақсадга, образнинг моҳиятини, асарнинг ғоясини тўғри очишга йўналтириш ҳақида ўйлайди, мизансценанинг ифодали, қулай, маъноли ва чиройли бўлишлиги тўғрисида фикрлайди, хуллас, сўз ва унинг туб моҳияти, нутқнинг сермазмун ва жозибадорли-

¹ Пьесанинг биз ўйнаган вариантда Холисхоннинг севгилиси Одилбек номи билан аталарди.

ги ҳақида ўйлашга вақти ва имконияти қолмайди. Шунинг учун ҳам Оға ва Етим акаларнинг спектакль иштирокчилари билан биргаликда пьесанинг таҳлили, образларнинг тақдири устида неча кунлаб, неча ҳафталаб, ҳатто ойлаб ўтиришлари масаласи борасида жиддийроқ ўйлаб кўриш лозим. Чунки улар саҳналаштирган кўпчилик спектаклларнинг йиллаб, айримлари эса 20-30 йиллаб саҳнада яшашларининг сабабларидан бири ҳам — асарни ҳар тарафлама ғоят пухта тайёрлаганликларидадир.

Холисхон образининг таҳлили, унинг саҳнавий талқини устидаги иш бошланди. Аммо жуда машаққатли бўлди. Бу жараёнда менинг ҳам, Етим аканинг ҳам сабр косамиз тўлди. Асосий сабаб — ўзбек саҳна нутқидан ожизлигим эди. Мен — тилимни ўзимга бўйсундира олмаганлигим учун, Етим ака мен туфайли чеккан руҳий азият ва уқубатлари учун ич-ичимдан эзилардим, хижолат чекардим. Чунки мен гапирганда, озарбайжонча шева устунлик қиларди. Гоҳида ўзбекча сўзлар беихтиёр озарбайжонча отилиб чиқиб кетарди. Бундан ташқари, гапириш услубимга нечоғлик эътибор бермайин, барибир дабдабалилик, кўтаринкилик пафоси сезиларди.

Биринчи куни репетициямиз жудаям ёмон ўтди. Чунки Етим ака деярли ҳар бир гапда тўхтатиб, ниманидир тузатишга мажбур бўларди. Жаҳли чиқиб, хуноби ошганлигини мендан сир сақлашга уриниб, ғазаби ва чарчоғини нодан оларди. Охири бўлмади шекилли, театримизнинг гурппа бошлиғи Муҳаммад Отажоновни чақирди.

— Муҳаммаджон ука, шу занғар носфурушлардаям инсоф қолмаган шекилли, носвой деб нуқул оҳакни олиб чиқиб сотади. Илтимос, ука, мана бунга папирос топиб келинг,— деб пул чўзди.

Хижолат босганидан, уялганимдан нима қилишимни билмадим. Қани энди ер ёрилсаю кириб кета қолсам. Чунки унинг асабийлиги мен туфайли, менинг ўз тилимга кучим етмаганлиги туфайли эди. Бирор маъқул тадбир тополмай:

— Етим ака, ҳадеб хафа бўлаверманг. Бугун бор-йўғи биринчи репетициямиз-ку! — дедим бир оз кўпгилларини кўтариб юмшатпш учун.

— Ҳа, нечанчи репетициядан кейин тилга кирмоқчисиз? — деди кулимсираб. Бироқ бу гапларда маълум даражада киноя ҳам бор эди. Бунга диққат қилмай жиддий:

— Биринчи репетициядан кейин, — дедим мен.

Жавобим маъқул тушди шекилли, гарчанд гапларим Етим акага унчалик ишонарли туюлган бўлмаса ҳам, «қани кўрамиз» деган маънода кулиб қараб қўйди. Кейин келтирилган «Қазбек» қутисини очиб қараса, бирор дона папирос қолмабди. Яна табассум билан менга қаради-да: бугун иш ўрнига роса папирос тутатибман-ку, деб репетиция залидан чиқди.

Эртаси кун репетицияга келсам, Шукур Бурҳонов билан Шариф Қаюмов ҳам ўтиришибди. Уларни Етим ака чақирибди. Шукур — Одилбек образи, Шариф эса менинг тил ва талаффузим устида ассистент сифатида ишлаши лозим экан. Бир-икки соатлик ўқубатли репетициядан кейин Етим ака чиқиб кетди. Аммо инсоф билан айтганда, бугунги репетиция кечагидан кўра анча снллик ва равон ўтарди.

Шу тарзда бир кун Етим ака, бир кун Шарифжон репетиция қилиб, ўн кун ўтди. Аммо бу ўн кун мен учун ўн йил билан тенг бўлди. Чунки менга деярли кундузи-ю кечаси репетиция қилиш тўғри келди. Шукур Бурҳонов бўш бўлганда бизникига келарди. Одилбек билан боғлиқ саҳналарни биргалашиб такрор-такрор кўриб чиқардик. Яна ўзим қолганимда ҳам бутун диққат-эътиборим образнинг, ҳар бир мизансценанинг таҳлилига қаратилганди. Бошқа иложим ҳам йўқ эди. Фақат ана шу куну тун ижодий изланиш, бутун тажриба ва билимни сафарбар қилиш йўли билангина образнинг саҳнавий тақомилига етиш мумкин эди.

Махтумқули шеъри билан айтиладиган бир ашулада:

деган ҳикматли бир байт бор. Дарҳақиқат, кишининг ўтириб-туриши, юриши ва шунинг каби бошқа жисмоний ҳаракатларида унинг психологик борлиғи ҳам акс этади. Қолаверса, К. С. Станиславский саҳна ҳақиқатини, образнинг асл моҳиятини топиб олиш учун жисмоний ҳаракатдан психологик ҳаракатга ва аксинча тарзда икки ёқлама қидириб, иккала қутбдан, иккала йўлдан бориш орқали образнинг маъзини топиб олишни маслаҳат беришни бежиз эмас. Бошқачароқ қилиб айтганда, образнинг психологик факторлари унинг мазмуни бўлса, физик факторлар унинг шаклидир. Шунинг учун бу икки факторнинг ҳеч бирини камситиб ёки унутиб бўлмайди.

Айчи ана шу маънода менинг ниҳоят даражада ожизлигим кўзга ташланди. Саҳнага чиқиб, мизансценаларда ҳаракат қилинганда, мен «ўтириб-туриш»ни сираям билмаслигим аён бўлди. Гап фақат «ўтириб-туриш»да эмасди, умуман ўзбек аёлларига хос юриш-туришлар, ҳаракатлар, муносабатлар, гапириш услуби, суҳандаги интонацион оҳангдорлик каби қатор жиҳатларни кераклигича яхши билмас эдим. Бунинг устига, ҳеч бўлмаса саҳнадаям ўзбек миллий характер ва ҳаракатларини ўз ичига олган серқирра образ ҳам тўғри келмаган эди. Агар биргина Қиммат образини назарга олмасак. У ҳам бўлса ўзбек аёлларининг миллий табиатига, юриш-туришига хос ҳамма сифат-фазилатларни ўзида тўла мужассамлантирган, деб, айта олмайман. Шунинг учун жуда кўп изланиш ва ишлашга тўғри келди.

Аввалига ўзбек қизларига хос бўлган ҳаё ва ибо билан ўтириб-туриш ва шунга ўхшаган ҳаракатларни сираям чиқара олмадим. Етим ака эса бу хилдаги масалаларга жиддий эътибор берарди. Бир куни репетицияни тўхтатиб костюмёрни чақириб, менга ўзбекча репетицион либос топиб беришни буюрди. У киши европача кийим

кийинганим ҳам халақит беряпти, деб ўйлади шекилли. Аммо гап бунда эмасди. Шунга қарамай эътироз билдирмадим. Аксинча, ажаб эмас, ўзбекча кийимлар ёрдам берса, деб ўзимча хурсанд ҳам бўлдим. Афсуски, бу ёрдам бермади. Биттаю битта иложи қолган эди. У ҳам бўлса тинмай репетиция қилиш. Актриса ўртоқларим кўмаклаша бошлашди. Мен ҳам улардан баҳраманд бўлиб тинмай машқ қилардим. Албатта, бу бир қарашда жўнгина нарсаса ўхшайди. Аслида эса, мен каби кўникмасиз киши учун шу қадар оғир эдики, ўтириб-туравергандан оёқларимнинг мушаклари оғриб, тиззамнинг кўзи дардига дод деб юборай дердим.

Бир куни чидаёлмаганимдан Етим акадан:

— Жон, Етим ака, аввал нутқимдаги равонлик, нафисликини пишитиб олайлик, кейин юриш-туришни қилармиз,— деб илтижо қилдим.

— Йўқ,— деди Етим ака қатъий,— саҳнага чиққандан кейин ҳамма элементларни қўшиб олиб бориш керак. Агар образнинг ҳамма томонлари органик тарзда боғлаб олиб борилмаса, унда кейинча сунъий тарзда ёпиштиришга тўғри келади.

Мен ноилж овозимдаги гадирларни тузатишга ҳаракат қилдим. Равон ва чиройли жисмоний ҳаракатлар орқали унинг умуман майин ва нафислигини топиб олиш, кейинча, шу ҳолатдан келиб чиқиб Холиснинг нутқий характеристикасини ҳам қўлга киритишга астойдил бел боғладим. Кейинча-ку, аслида юмшоқ ҳаракат топилиши биланоқ сўзлар ўз-ўзидан юмшаб, мулойим тус олиб бориши табиий эди. Чунки сўзлар кишида мавжуд бўлган психофизик ҳолатнинг маҳсули, киши қалбидаги туйғулар ва фикру мулоҳазаларнинг ифодаси бўлиб, агар образнинг табиати юмшоқ, ҳолати мўътадил бўлса, унинг сўзлари ҳам юмшоқ ва осойишта бўлиши табиийдир.

Холис табиати, хатти-ҳаракатининг саҳнавий ва ҳаётий ҳақиқатини топиш учун оилада ҳам стол-стулни йиғиштириб қўйиб, ерга кўрпача тўшаб ўтира бошладим.

Атайлаб, стол-стули йўқ қўни-қўшниларимизникига чиқиб, уларнинг ўтириб туриши, ўзаро ўтирган ва турганда муомаласига, суханига разм солиб, гаплашиб ўтирадиган бўлиб қолдим.

Бир куни, Тоғайбек¹ акамнинг оналари катта ойбам келиб қолди. Менинг кўрпачаю хонтахта қилиб, сочларимни майда ўрдириб, пилик қилдириб юрганимни кўриб оғзи очилиб қолди.

— Ҳа, жудаям ерда ўтирадиган бўлиб қолибсиз, сингилжон,— деди мутойиба билан.

— Ҳамма айб ўзларингизда,— дедим мен ҳам бўш келмай,— мени нуқул европача юриш-туриш ва ҳаракатларга ўргатиб қўйиб, энди ўзбекча ўтириб-туришни ҳам эплаёлмай юрибман.

Кейин Холис ва у туфайли чекаётган риёзатларимни бир-бир гапириб бердим.

— Қани, ўтириб турганин-чи бўлмаса, мен кўрай-чи,— деди катта ойбам.

Мен дарҳол ўтириб-туриб кўрсатдим. Ойбам қотиб қолди.

— Ҳей, худди дугонанг Зояга ўхшаб ўтириб-турасан-а,— деди кулги аралаш.

— Бу ҳалн ҳолва,— дедим мен,— неча кундан бери машқ қилиб шунчалик ўрганиб олдим.

— Ўрганмай қолинг сиз,— деди яна мутойибага ўтиб ва секин ўтириб оёқларини кўйлакнинг этаги тагига бежирим йиғиб, қўлларини тиззаси устига осойишта қўйди.

Разм солиб қарасам, катта ойбам ўтириб турганида бели найдек ғоз бўлиб, сираям букчаймас, қўллари билан

¹ Менинг учта амакиваччам бўлиб, биз бир ҳовлида ўсганмиз ва бир ҳовлида турганмиз. Улардан катталари Тоғайбек Бобоев — ҳозирда ЎзССРда хизмат кўрсатган инженер, доцент. Иккинчиси — Анварбек Бобоев Тошкент Текстиль комбинатида чиқадиған «Голос текстильщика» газетасининг собиқ муҳаррири. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган. Энг кичиги Ботирбек Бобоев — истеъфодаги полковник; Совет Иттифоқи қаҳрамони.

ерга тиралмас экан. Шу ўтириб-туришининг ўзида қанчалик нафосат, назокат борлигини тасаввур қилсангиз эди, ҳавасларим келиб кетди... Худди, классик реверансга хос таъзим қилаётгандек, назокат билан ғоз ўтириб, ғоз турилар экан. У кишининг ёши бир жойга бориб қолганлигига қарамай, бу ҳаракатлари шу қадар чиройли, равон, юмшоқ эдики, агар ана шу ҳаракатларни мен бажара олсам, Холисимнинг ҳуснига ҳусн, латофатига латофат, файзига файз қўшилиши муқаррар эди. Шунинг учун ҳам бу гўзал образимни ана шу нафосатлар билан ҳам таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилдим.

Шу тарзда кучли ва жиддий изланишлар йўли билан репетициялар давом этди. Ҳозирча, партнёримдан фақатгина бир киши, у ҳам бўлса Холисхоннинг севгилиси Одилбек образи устида иш олиб бораётган Шукур Бурҳонов қатнашарди. Шариф Қаюмов режиссёрга кўмаклашиб турар, расмий репетициядан кейин олиб қолиб, Етим ака айтган камчиликларни бартараф этиш устида ишларди. Барча изланишларимиз устидан Етим ака назорат қилиб, йўл-йўлакай тўғрилаб, тузатиб, кўрсатма бериб борарди.

Одилбек билан то исловотхонагача бўлган саҳна бир кун репетиция қилинди. Кейин пьесанинг бош қисми — қизларнинг мазорга, сайилга келиши кўринишига ўтдик. Ана шу ерда янги тўғоноқлар чиқа бошлади. Бу яна юриш-туриш, дурра билан муомала қилиш, паранжи ёпиниш машаққати эди.

Айниқса, паранжи ёпиниш муаммоси туғилди. Умримда паранжи-чачвон ёпинмаганман. Битта-иккита кўча-кўйда учратганимга ўхшатиб паранжига ўраниб чиқдим. Аммо Етим ака репетицияни дарҳол тўхтатди.

— Назираҳон, бу қанақа ёпиниш ахир!—деб қолди.

— Қайдам,— дедим мен,— паранжини ҳам қанақа ёпиниши борми?

— Ҳамма бало ана шундаки, оддийгина ўзбек одаларини, турмуш ҳақиқатини билмайсизлар. Шунинг учун

ҳам ўйнаган ролларимиз Ҳасан-Ҳусанга ўхшаб бир-бирини эслатиб туради.

— Инсоф билан-да, Етим ака, қайси бир ролим бир-бирига ўхшаб қолибди?

— Гап сиз тўғрингизда кетаётгани йўқ, умуман, санъаткорлар тўғрисида гапиряпман. Мана, ўзингиз ҳам паранжи ёпиниш қондаларини билмас экансиз.

Шундан кейин, Етим ака паранжи ёпиниш «сирлари»ни тушунтириб ўзи менга ўргата бошлади. Унинг тушунтиришларига қараганда, паранжи ҳам турли шаҳар, турли ёшдаги аёлларда турлича бўлиб, паранжи ёпинишнинг ҳар бир кўриниши ўз мазмуни, ўз характеристикасига эга эди. Жумладан, шу суҳбатда, Етим ака паранжи ёпинишнинг қуйидаги кўринишлари ҳақида тушунтирди.

1. Тошкентчасига ёпиниш. Чачвон кийилади-да, устидан паранжи ташланиб, ўралиб олинади. Чачвоннинг деярли ҳамма ери паранжининг ичида туради. Паранжининг олд қисми эса эркин ташлаб қўйилади.

2. Фарғонача ёпиниш. Чачвон устидан паранжи ёпилади. Аммо чачвоннинг пастки учлари паранжидан ташқарига чиқарилиб қўйилади. Натижада, паранжи-чачвон ичига ҳаво-шабада кириб туради. Паранжининг олдинги, кўкрак қисмидан эса учма-уч қилиб бир қўл билан ушлаб олинади.

3. Турмушга чиқмаган қизлар ёпинганда, паранжи силлиқ ва эркин ташланиб қўйилади. Юрганда ғоз ва равон, «бедана қадам» билан юрилади.

4. Келинлар паранжи ёпинганда, икки тирсаги ичкардан паранжини икки ёнга туртиб туради.

5. Ёши ўтинқираб қолган хотинлар паранжи ёпинганда, худди қўлтиғига бир нарса қистириб олгандек, ўнг тирсаги ичкаридан туртиб, паранжини бўрттириб туради.

Паранжи қандай ўралишидан қатъи назар, ёпинувчининг ҳеч жойи кўринмаслиги лозим экан. Фақат, биттагина кўрсаткич бармоқ паранжи устидан ушлаб тургани учун кўриниши мумкин экан, холос.

Бу қоидалар ва Етим ака гапириб, кейин кўрсатиб берган дуррача ўрашлар мен учун бутун бир ҳаёт мактаби эди. Аммо эркак киши бўла туриб Етим ака бу қоидаларни шу қадар яхши билганлиги ва уларнинг энг саҳнабоп шакллари танилаб, моҳирона қўллай олганлиги таажжубланарли эди. Зотан, Оға ва Етим акаларнинг режиссёр ва мутафаккир сифатида барчага манзур бўлганликларининг асосий сирини ҳам ўзбек халқининг ҳаётини, табиатини, урф-одатларини гоёта яхши билганликлари ва шу билимдан театр санъатида гоёта моҳирона, профессионал зукколик билан фойдалана олганликларидан бўлса керак.

* *
*

«Холисхон» драмасининг биринчи кўринишида Холисхон айтганди:

Сочим учи қўнғироқ,
Ёр, менга қилманг фироқ,

деб бошладиган ашула бор эди. Бу ашулани ролни мендан олдин ижро этганлар орасида Холида Хўжаева дутор жўрлигида яхши айтар, спектаклнинг ажралмас таркибий қисми даражасига, қиёмига етказиб қўйган эди.

Мен ҳам дутор чалардим. Аммо менинг хонаки чалишим саҳна учун нечоғлик тўғри келиш-келмаслигини билмас эдим. Бунинг устига юртма-юрт юриб қўлимга на ҳаётда, на саҳнада бирор марта ҳам дутор ушламаган эдим. Ана шу мулоҳазаларга кўра ашула даҳшат сола бошлади.

Ашулани менга сафдошим, ҳозирда Ўзбекистон ССР халқ артисти Холида Хўжаева ўргата бошлади. Ашула айтишни ҳам, дутор чалишни ҳам уddасидан чиқаётгандек эдим. Саҳнага чиқдим, нима бўлди билмайман, ишим сира юришмади. Қани энди, бу дутор қуриб кетгур

менга бўйсунса. Дутор овози эмас, шалди роқ араванинг тарақлашига ўхшарди. У қилдим, бу қилдим. Ниҳоят, Етим акага арзи ҳол қилишга мажбур бўлдим.

— Етим ака, мана бу бармоғимни куйдириб олган эдим, тирноғим жуда ёмон ўсган. Шунинг учун бўлса керак, дутор чиқмаяпти,— дедим бармоғимни кўрса-тиб. Чиндан ҳам, ўнг қўлимнинг шу бармоғи ҳанузгача абгор.

— Ҳечқиси йўқ. Актёрнинг ҳамма аъзоси ўзига сўзсиз бўйсунishi керак, машқ қилинг, актёрнинг маҳорати машқ орқали шаклланади,— деди Етим ака.

— Бирор киши саҳна орқасида чалиб ўтирса бўлмай-дими?

— Йўқ, бу сира мумкин эмас, сираям бўлмайди,— деб қатъий таъкидлади. Етим ака ва гапида давом этди.— Наҳотки битта ашулани қиёмига етказа олмасангиз? Йўқ, Назираҳон, машқни давом эттиринг, албатта ашула чиқиши керак ва сиз уни уддалайсиз, мен бунга комилман,— деб руҳимни кўтариб қўйди.

Оббо, буёғи қандай бўлди, дедиму яна машқ қила бошладим. Ҳеч кўнглим тўлмади. Уйда ҳам машқ, театр-да ҳам. Бир куни ҳатто куйган бармоғимни сал юмшатайин деб, пишиқ фиштга ишқалайвериb, қип-қизил жиш қилиб юборибман. Аммо дутор сираям бўй бермоқчи эмасди. Шунинг учун бўлса керак, шу саҳнани репетиция қилаётиб, партнёрларим «ўртоқжон, битта ашула айтиб беринг» деб айтишлари биланоқ руҳим тушиб образ ҳолатидан чиқиб кетардим. Яна шалди роқ араванинг тарақ-туруқи бошланиши билан ашула айтишим ҳам ёш ва шўх Холисхоннинг дил куйи эмас, балки мотам садосига айланиб кетарди.

Бир куни шундай репетициянинг биридан кейин жуда хафа бўлиб ўтириб қолдим. Бир маҳал Замира Ҳидоятова (ҳозир Ўзбекистон ССР халқ артисти) билан Маҳсума Қориева (марҳума, истеъдодли режиссёр ва актриса эди) келиб:

— Қўлларинг бир яхши келишиб қолибдики, овозинг ҳам бинойидек,— дейишди.

Билсам, улар кулис ортидан қулоқ солиб туришган экан. Шу пайт, залдан Етим аканинг овози эшитилиб қолди.

— Туппа-тузук чаляпсиз, энди дадилроқ чалаверинг,— деди.

Мен бу ролдан воз кечаман, деб йиглаб юбордим. Чунки ёмон чалаётганимни ўзим ҳам яхши англардим. Менинг олдимга Маҳсума опа билан Замира опанинг келганлиги Етим аканинг илтимоси билан қилинган психологик таъсирга ўхшаб туюлди. Шунинг учун ҳам уларнинг «яхши, яхши» деб қаторасига эътироф этишлари, аксинча ёмон таъсир қилди. Аммо Етим ака ўз гапида туриб олиб мени дутор чалишга мажбур қилди.

Не-не уқубат ва дилсиёҳлик билан бу репетиция ҳам ўтди. Йўлда кетаётганимда, Шукур Бурҳонов ҳам шу масала устида тўхталиб қолди.

— Назихон, қизиқ экансиз,— деди у,— гап дутордами, ҳолатни тўғри берсангиз, яшаб турсангиз, халқ сизнинг дутор чалишингизга эътибор ҳам бермайди. Ашулани яхши айтяпсиз, паранжи ҳам ўзингизга бир яхши ярашиб турибди. Дутордан қўрқманг, чиқмаса чиқмас.

Бу гапда жон кўпроқ эди, албатта. Дарҳақиқат, томошабин дуторнинг овозини барала эшитиши шарт эмас. Энг муҳими, Холисхоннинг психологик ҳолати! Шу хаёлларга келдиму кўнглим анча таскин топди. Чунки ролнинг бошка томонлари кўнгилдагидек чиқаётган эди. Аммо нажот йўли топилди-ку, деб дутор машқини тўхтатганим йўқ. Аксинча, янада кўпроқ давом эттирдим.

Навбатдаги репетициялар кўнгилдагидек бўлиб, ишлар жўнашиб кетди. Шунинг учун бўлса керак, репетицияларимизга бадний совет аъзоларидан гоҳ у, гоҳ бу киши келиб кўриб ўтирадиган бўлиб қолди. У вақтларда Маннон Уйғур ва Етим Бобожонов бадний совет аъзоларини репетиция ишларига тез-тез жалб этиб, ҳар бир

спектаклнигина эмас, ҳатто ҳар бир образни (униинг катта-кичиклигидан мустасно) маълум масъулият билан ишлашга даъват этишарди. Спектакль ва образнинг яратилишига бунчалик жиддий қараш ўз самарасини берарди — улар йиллаб саҳнадан тушмай, томошабинга завқ бериш билан унинг қалбига, хотирасига сингиб қоларди.

Бир куни шундай репетициялардан бирида кўзим залга тушиб қолди. Бундоқ қарасам, Маннон Уйғур ўтирибди. Юрагим шиф этиб кетди. Чунки Оғани гоят ҳурмат қилганимиздан, у кишининг мўътабарлигидан жудаям тортинардик. Оганинг салобати менигина эмас, театримизнинг манаман деган етук саҳна арбобларини ҳам босарди. Чунки Оға чиндан ҳам жудаям нуроний, салобатли, пурвиқор бир сиймо эди.

Бугунги репетицияда ҳам шу бир кўришим билан, масъулият, ҳаяжон ва хижолатдан бўлса керак, довдираб қолдим. Сўзларим эсдан чиқиб, гаплар пойма-пой бўлиб кетди. Шунда залдан:

— Тўхтаманг, давом этираверинг,— деган Етим аканинг ҳукмрон овози эшитилиб қолди.— Бу — Одилбек билан Холисхоннинг учрашадиган саҳнаси, мен энг яхши кўрадиган ва энг яхши чиниқтирган саҳналаримдан бири эди. Шунинг учун бўлса керак, саҳнадаги ҳаётимга кирпишиб кетиб, залдагиларни ва халақит берувчи бошқа ҳамма нарсани тамомила унутгандек бўлдим.

Репетиция кўнгилдагидек кетаётган эди. Шу саҳнада Одилбек Холисни ўпадиган жой бор эди. Одилбек — Шукур Бурҳонов аста менга яқинлашиб келди. Мен ҳаё билан уялиб, ўзимни сал олиб қочган киши бўлиб бошимни бир оз қуйи эгдим-да, шу пайт кўзим яна томоша залига тушиб қолди. Қарасам, Оға чиқиб кетибди, Етим аканинг ўзлари ўтирибди. Негадир, бирам қувониб кетдимки, ҳеч бўлмайдиган. Шунда қувончимни баҳам кўриш учун, мени ўпаман деб келаётган Шукурнинг қулогига секин шивирладим:

— Оға чиқиб кетибди!

Шукур бутун вужудини титратиб турган, фақат ўз севгилисини биринчи марта ўпишга муяссар бўлаётган эҳтиросли йигит ҳаяжони билан «Холисим» деяётган эди. Менинг гапимни эшитди-ю, бирдан туси кескин ўзгариб, кўзларидан ўт чақнагандек бўлиб қизариб-бўзариб бирданига ғазаб билан:

— Э, бор бўлинг-э...— деб юборди ва репетицияни таққа тўхтатиб қўйди.

— Ҳа, нима бўлди ўзи, Шукуржон?— деди пастдан туриб Етим ака.

— Ҳе-е,— деди Шукур яна жаҳл билан,— мапа бунингизни қаранг.

Мен ҳам гап нимада эканлигини бир оз англадим. Аммо бунчалик бўлар деб ўйламаган эдим. Ҳар ҳолда шуниси аён эдики, агар Шукур Бурҳонов репетиция қилса, бутун вужуди билан киришиб кетар, роль каттамикичикми, репетиция биринчиси ёки охиригисими барибир, бутун борлигини сарфлаб репетиция қиларди. Шунинг учун ҳам репетиция пайтида фикрини узиб қўядиган, ҳиссиёти узуқ-юлуқ, бутун вужуди билан берилиб репетиция қилмайдиган актёрларни жудаям ёмон кўрарди.

Етим ака билан Шариф Қажумов гапнинг нимада эканлигини билиб роса кулишди.

— Бахтинг бор экан, Назираҳон,— деди Шарифжон,— қулоқ-чаккангга тортиб юборганда нима қилардинг. Бир худо асрабди сени.

Кейин билсам, у ярим оёқда репетиция қилган актёрларни саҳнада ушлаб ургани, юз кўрмас бўлиш даражасига борган чоғлари ҳам бор экан. Бунинг устига, менинг ҳам нотўғри иш қилганлигим ўзимга аён эди. Ўзим-ку фикримни бўздим, ҳеч бўлмаса партнёримнинг тўлақонли яшаши учун ҳалақит бермаслигим керак эди.

— Шукуржон, кечирасиз,— дедим шунинг учун ҳам чин кўнгилдан таассуф билан,— иккинчи қилмайман.

— Кечирасиз эмиш,— деб тўнғиллади Шукур,— шу нақаям бўладими? Ким айтади сени саҳна кўрган, Москoвни кўрган деб. Уят эмасми!

— Оғадан хижолат торганимдан,— дедим мен.

— Хижолат тордим эмиш. Оғадан хижолат тортсанг ҳам, саҳнада яшашдан қўрқма, бузишдан қўрққин. Сен бўлсанг... Гапингни қарагину.

Шу-шу бўлди-ю, репетиция тўхтади.

— Репетиция тўхтаганлиги аниқ, ўзларинг тўх-татдинглар, майли. Қани энди ҳаммаларинг хонага киринглар-чи,— деган овоз томоша залининг орқа томони-дан эшитилди.

Биз қотиб қолдик. Чунки бу Оганинг овози эди. Гап шундаки, сиқилаётганлигимизни ҳис этган бу меҳрибон устоз, бизга эркинлик яратиш ниятида ҳеч кимга билдирмай, залнинг охиридаги қоронғи, ҳеч ким кўрмайди-ган бир жойга ўтириб кузатган экан.

Бешовимиз — Оға, Етим ака, Шукур, Шарифжон ва мен у кишининг хонасига йиғилдик. Ҳаммамиз Оганинг фикрларига муштоқмиз. Ниҳоят, у киши сўзлай бошладди:

— Образ талқини тўғри,— деди Етим акага қараб ва менга боқиб гапида давом этди,— сиз ҳам образни тўғри тушунибсиз. Лекин, Етим, айтмабсиз-да, Назирахон-да Марзияхонимнинг таъсири кучли-ку.

Тил қурсин. Тил суяксиз, эҳтиёт бўлгнн деб, бекорга айтишмайди-да. Чунки Оға шундай дейиши билан, мен ўзимни тутолмай, худди Хуршид домлага қилганимдек, «яъни қандай» деб андишасизлик қилибман. Оганинг қўл-лари беихтиёр қоп-қора ва қалин қошларига кетди. Бирор нарса ёқмаса ёки чуқур хаёлга чўмсалар узун-узун қошларини тескари томонга титкилай бошларди. Бу дафъа ҳам шундай бўлди. Мен ўйламай, андишасизлик билан айтган гапимдан минг-минг пушаймон эдим. Кўз-лар беихтиёр бир-бир менга тикилиб чиқди, ҳамманинг фикру хаёли менда. «Нима қилиб қўйдим-а,— деб ўйла-дим ичимдан зил кетиб,— жимгина ўтириб, гапни охири-

гача эшитмайманми». Ноқулай жимлик анчагина чўзилди. Бошқа илож йўқ. Айбдорларча ўрнимдан турдим.

— Оға, кечирасиз, сўзингизни бўлдим,— дедим. Узрим инобатга ўтди чоғи, яна бир оз паузадан сўнг Огам юмшади.

— Қандай, деган саволингизга жавоб бераман: ўзингиз сезмаслигингиз мумкин. Аммо Марзияхонимнинг бутун чиройли интонацияларини йлиб олибсиз. Луғат ўзбекчаю, сўз ва оҳангларингиз озарбайжонча,— деди. Кейин бир-икки сўзни сатирик планда бўрттириб мисол тариқасида кўрсатди.

Мен шунда Оганинг заковатига яна бир марта қойил қолдим. Чунки Марзияхоним сўзлаганда пафосдан ташқари яна аллақандай, жудаям чиройли, ўзига бирам ярашиб турадиган шоирона оҳанг қўшиларди. Бу оҳанг айниқса путқ қисмларининг охири ва сўзнинг охирида яққол янграб турарди. Ҳозирги кунда Марзияхонимнинг ана шу гўзал хислатини озарбайжон театрининг арбоби, СССР халқ артисткаси Ҳўкимахоним Султонова тўла-тўкис ўзлаштириб олган.

Мени таажжубда қолдирган нарса бошқа эди. Қизиғи шундаки, менда Марзияхонимга мансуб саҳна нутқи услубининг таъсири борлиги ҳақида на Тошкентда, на Озарбайжонда ҳеч ким айтган эмасди. Марзияхоним эса, Тошкентга охириги марта 1934-35 йилги мавсумда келган эди. Оға шунда кўрган бўлса Марзияхоним иштирокида битта, кўпи билан иккита спектакль кўрган бўлиши мумкин. Бунинг қарангки, зеҳннинг ўткирлигини қарангки, ҳеч ким эслаб қололмаган Марзияхонимнинг оҳанг-интонациясини, ўзига хос саҳна нутқи услубини Оға эслаб қолган экан. Бундай зако олдида тан бермай бўладими.

Хуллас, меннинг талаффузимда ана шу забардаст санъаткорнинг таъсири бор экан. Бундай оҳангдорлик, интонацион ўзига хослик озарбайжон театрида сира билинмайди, аксинча, камлик қилиши мумкин. Чунки озарбайжон театрининг умумйўналиши шундай. Бу ус-

лубнинг менда қолган қиттайгина изи ҳам Холисхон об-
рази учун ортиқчалик қиларди.

— Холисхон оддий ўзбек қизи,— деб гап бошлади
яна Оға,— у пафос билан гапириши мумкин эмас. Де-
мак, сиз ўз Холисингизнинг сўзига, овозига, миллий
оҳанг ва интонациясига эътибор беришингиз керак, тўғ-
рими, Етим?

Дарвоқе, Оғанинг эътирозларида ҳикмат кўп эди.
Чунки материал яхши ўзлашмагандан кейин хато юз бе-
раверади. Ўз-ўзини оқлагандан эса ҳеч нарса чиқмайди.
Ўзини оқлашнинг санъатдаги энг яхши йўли ҳеч қандай
нуқсонга йўл қўймасликдан иборатдир.

Анчагина қимматли фикру мулоҳазалардан кейин,
Оға Шарифжондан яна бир оз ёрдамини аямасликни
илтимос қилди. Шундан кейин яна расмий репетиция-
лар, ундап кейин эса Шукур ва Шарифжон ёрдамидаги
қўшимча репетициялар давом этди. Асосий репетицияда
Етим акадан ижодий вазифаларни олардик-да, ишдан
кейин қолиб, уларни амалга ошириш устидан тер тўкар-
дик.

Гапнинг очиги, спектаклни биринчи кўрганимда ва
пьеса билан танишиб чиққанимда, бу ролни осонлик би-
лан қойил қилиб ташлайман, деб ўйлаган эдим. Амалда
эса, ҳеч бир ролим менга шу қадар машаққат, огир меҳ-
нат, катта изланишларни тақозо этмаган эди, десам му-
болаға бўлмас.

Аста-секин талаффуз иллатлари ҳам тузалиб, нутқ-
да ўзбек қизларига хос майин ва нафис ургулар, қочи-
римлар пайдо бўла бошлади. Айниқса, нутқ ва ўзбек ти-
лига хос айрим удумларни шакллантиришда Етим ака
билан Шарифжондан ташқари партнёрим ва сахнада
нафасдошим Шукур Бурҳоновнинг мадади жудаям бе-
қийс эди.

Бир куни репетициямизни яна Оға кўрадиган бўлди.
Бу дафъа ҳаммамизни бир кун аввал огоҳлантириб қў-
йишди. Шу куни репетициямиз анча силлиқ, кўнгилдаги-

дай ўта бошлади. Репетиция то Холисхоннинг акаси сўроқ қиладиган саҳнагача маъқул бўлди шекилли, Оға индамай келди. Шу кўринишга келганда Оға репетицияни тўхтатиб, иккита катта хатоимни кўрсатди.

Биринчи хато — бошимдаги дуррамнинг тушиб кетганлиги экан. Дуррам тушиб кетса ҳам, бош яланг репетицияни давом эттираверган эканман.

— Ўзбек хотин-қизлари фарқини эркакларга сира кўрсатмайди, — деди Оға, — бу жудаям уят. Айниқса, номаҳрамга кўрсатиш.

Иккинчи хатоим ҳам миллий хусусиятларни билмаганлигим оқибати бўлиб, буниси сал жиддийроқ эди.

— Сиз акангиз ўдағайлаб келганда, европача ҳаракат қилдингиз, — деди Оғам, — агар ўзингизни ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, шу ниятда ўзингиз ёки бошингизни ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, ўзбекча ҳаракат қилинг.

Мен умримда калтак еган одам эмасман. Шунинг учун ўзбек аёл-қизлари эркаклар томонидан қандай калтакланарди, у муштипарлар эса ўзини қандай ҳимоя қилишарди, мен билмас эдим. Шу сабабдан мен Оғадан шу ҳаракатларнинг фарқини ётиғи билан шарҳлаб беришни илтимос қилдим.

Оғанинг тушунтиришига қараганда, акам ўдағайлаб келган чоғда мен кафтимни тескари ўгириб, акамнинг кўзига тик бақрайганча, бошимни ҳимоя қилган эканман. Аммо, Оға, бу ҳаракатнинг тубдан хато, европача ҳаракат эканлигини айтди. Чиндан ҳам, бундай ўйлаб қаралса «Ой!» деб русча ундов билан кенг ҳаракат қилинса, бу ҳаракатнинг мазмуни, миллий хусусияти, ифода тили мутлақо бошқача бўлади.

Устознинг маслаҳатидан кейин, мен «ёпиқ», ўзбек аёлларига хос ҳаракат қила бошладим. Тўғрироғи, бу ҳаракатни ҳам Оғанинг ўзи кўрсатиб берди. Шунга амал қилиб, акам ўдағайлаб келган чоғда, мен ғужанак бўлиб, икки қўлим билан бошимни чангаллаганча, ўзимни «ҳимоя» қилдим. Ана шу ҳаракатдан кейин, қўлларим

орасидан бошим узра акамга секин қўрқа-писа қарадим. Натижада «ҳимоя» ҳаракати, иккинчи миллий ҳаракат— «ўгринча қараш» ёки «ер остидан қараш» ҳаракатини ҳам келтириб чиқарди. Бундан ташқари, диққат-этиборини образнинг шунга ўхшаш жиҳатларига қаратдим. Жумладан, танамни сиқадиған ҳеч бир парса қолдирмадим, тирноқларимни хинага бўярдим, сочимни майда қилиб ўрдиардим. Одилбек ўпганда суртилиб кетмасин деб, юздаги холимни грим билан эмас, марганцовка билан қилардим. Салгина букчайиб, кўксимни ичкарига олиб, яшириб юардим. Чунки Холисхон 15-16 яшар қиз бўлган. У даврда унинг тенгдошлари кўксиларини кериб эмас, балки салгина яшириб, ибо ва ҳаё билан ўз нафосатларини ниқоблаб юрганлар. Бу хусусиятлар эса даврни акс эттириш учун катта аҳамиятга эга эди.

Ана шундай майда, аммо ғоят муҳим нарсалар ҳам сахнада ҳолатни тўғри ифодалашга, конкрет вазиятдаги конкрет миллий образни яратишга, ўзбек аёлининг типик характерини тўлақонли очишга катта ёрдам беради. Шу ҳаракатларнинг ўзида табиий интонация, Холисхон нутқининг сайқали, овознинг нафис жаранги рўёбга чиқа бошлади. Демак, сахнада қадам ташлаш, юриш-туриш, гавдани ушлаш ва имо-ишора, қўл, кўз, бош ҳаракатлари — буларнинг ҳаммаси образни жонли гавдалантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, улар ҳам ўз мазмуни ва аниқ миллий-ижтимоий характеристикасига эга экан.

Қиммат образини яратаётиб исловотхона муаммоси билан тўқнашган эдим. Аммо бир образ учун топилган сахна ҳақиқати иккинчи образга тўғри келабермас экан. Шунинг учун Холисхоннинг исловотхонадаги сахнасини тўғри ҳал этиш ҳам машаққатли бўлди.

Холис образининг тўлақонли чиқиши учун унинг исловотхонада ўзини нечоғлик тутиши катта аҳамиятга эга эди. Мен ҳам инсоф билан айтганда, исловотхона муҳитини яхши ҳис этиб, Холисхоннинг шу муҳитдаги кечирмаларини акс эттира бошладим. Лекин мен ҳис этиб ба-

жарган нарсалар исловотхонадаги қизнинг табиятини очиб бера олмади. Чунки исловотхонанинг мулки бўлган қиз-жувонларнинг ўтириб туриши, нозу истиғноси, чой узатишлари, сатангларча дутор ушлаши ва ўзига хос шаҳвоний қочирим билан қош-кўз чимириб, ча-лишлари пок қиз-жувонларникидан мутлақо фарқ этарди.

Менинг ноз-истиғноларим ҳам жудаям табиий, самимий бўлиб, исловотхона қизларига тўғри келмасди. Чунки исловотхона қизлари пул ишлашга, ўз олдига кирган мижозидан кўпроқ шилиб олишга мажбур. Бунинг учун нозу ишвани бўрттириброқ, шаҳвоний ҳаракатларни очiqроқ тарзда қилиши, мижозларини ўзига кўпроқ элактиришга интилиши лозим. Акс ҳолда унинг мижозларига қандай муомала қилаётганлигини кузатиб турувчи кўзлар — исловотхона бекасининг таъқиби ҳам бор. Мабодо, исловотхона мулки бўлмиш қиз, ўз мижозининг кўнглини сал бўлсаям ранжитса, ўзининг бутун маҳоратини сарфлаб шу бегона ва ёт эркак кўнглини олишга интилмаса, беканинг таёғи остида қолади. Шунинг учун ўзи хоҳлайдими, хоҳламайдими — ноз-ишва қилишга, қилганда ҳам эркакларда ҳирс уйғотувчи ишваларни қилишга мажбур. Менинг Холисим ҳам айни шу вазиятда эди.

Бундай фоҳишона ишларни қила олмай жудаям қийналардим. Шу нарса саҳна учун зарур эканлигини бутун онгим ва вужудим билан ҳис этардим, аммо бажаришга келганда уддалай олмасдан қийналардим. Бир куни, ҳатто Етим аканинг ўзлари саҳнага отилиб чиқди. Тил остига лип этказиб носвойдан отиб олди-да:

— Ҳай, Нажирахон, мана мундай, мана мундай қил-шангиз бўлмайдими, — деб, эшилиб-эшилиб, жилпонглаб юришни кўрсатиб ҳам берди. Шукур билан роса қотиб-қотиб кулишдик.

Холисининг қарашлари ҳам бошқача бўлиши керак эди. Чунки у мижозини ўзига кўпроқ жалб этиши, кўп-

роқ тортиши учун очикроқ кўз ташлаши керак эди. Шундай қилмаса бекадан калтак ейди. Бу ишларни қилиш мен учун қийин эди. Аммо пачора! Изланиш, топиш, бажаришга мажбур эдим. Чунки Холис образи шунинг тақозо этарди.

Сатангларча гапириш, фоҳишона муомала қилиш, Холисмининг исловотхонадаги ҳолатини топишда Шуккур ва Етим ака билан бир қаторда менга Замира Ҳидоятова жуда катта ёрдам берди.

Замира она даставвал менинг чаккамга гажак қилиб қўйди. Бу менга жудаям эриш туюлди. Аммо бора-бора унга кўникиб қолдим, ҳатто бу гажак сатанг ҳолатига киришга ёрдам ҳам бера бошлади. Худди шунингдек, Замира она бошқа яна бир талай миллий урф-одат ва сатангларга хос хатти-ҳаракатларни ўргатдики, агар ана шу қалби пок, олижаноб ва доно аёлнинг—етук санъаткорнинг ёрдами бўлмаса, мен Холисхон образини тўлақонли ярата олишим амри маҳол эди.

Дарвоқе, Замира она ўзбекча урф-одатларни билишда, спектаклга миллий ранг беришда мисли йўқ уста санъаткор. Рўмол ўраш турлари, липпа уриш, енгини ҳимариш ва ҳоказолар каби ишларни бажаришда театр бўйича ундан устаси йўқ. Шунинг учун ҳам, менинг Холисим образ тарзида шаклланишида бу мўътабар инсон ва забардаст санъаткорнинг ҳиссаси жуда улур бўлди.

Фурқатнинг мухаммасларидан бирида:

Бир дам ўлтур, тугмаларин ечмасанг ҳам майлига,
Бир пиёла чой узатдим, ичмасанг ҳам майлига,—

деган мисралари бор. Бу мисраларда ўзбекларга хос бўлган ажойиб бир миллий фазилат, турмуш эстетикасига оид гўзал бир лутф ва нафосатга ишора қилинади. Чунки ўзбекча чой қуйишнинг ҳам ўзига хос ажойиб томонлари бор. Бу одатнинг асрорлари билан мен би-

ринчи дафъа Холисхон роли туфайли, саҳнада, репетиция пайтида танишганман.

Исловотхона картинасида Холисхон билан Одилбек ўтириб чой ичадиган ва изҳори дил қиладиган жойи бор эди. Шу саҳнага етиб келганда, мен ўзбекларга хос бўлган бу мўътабар одатни билмаслигим аён бўлиб қолди. Шунинг учун ана шу биргина оддий ҳақиқатни топишнинг ўзи каттагина ҳангомага айланиб кетди. Воқеа бундай бўлган эди.

Мен чойни қайтардим-да, пиёлани тўлдириб Одилбек (Шукур Бурҳонов)га узатдим. Шукур нимагадир, қўлимдан пиёлани олмади. Қарасам, оладиган сиёғи ҳам йўқ. Ўзимча, «э-э, бирор нарса дейишим керак шекилли» деб ўйладим-да импровизация билан сўз қўшиб: «Олинг!» дедим. Шунда ҳам олмади. «Оббо, қайсар-ей,— деб ўйладим ичимда,— қарашим керак экан-да» деб тушундим-му, пиёладан кўзимни узиб Одилбекка қарадим-да, яна: «Олинг!» деб қўйдим. Шукур олмади. Ҳайрон бўлдим-да, бундай астойдилроқ унга қарасам авзойи бузуқ. Худди, «қилган ишингни қара-я» дегандек, Шукур лабини буриб ўтирибди. «Ўҳ, бирор хато қилдим-ов» деб ўйлаб, Етим ака эшитмасликлари учун секин шивирлаб, «Нима бўлди?» дегандай қилиб «Ҳмм?» деб Шукурдан сўрадим. Шу пайт парданинг орқасидан:

— Икки қўллаб узат, икки қўллаб,— деган овоз эшитилди. Бу Замира опанинг овози эди. «Э-э, гап бу ёқда экан-да» дедиму, хатоимни тушунган киши бўлиб пиёлани ерга қўйдим-да, кейин уни икки қўллаб чангаллаб ушлаганча узатдим. Шунда Етим аканинг ҳам тоқатлари тоқ бўлиб кетди шекилли, қоронғи залдан туриб:

— Назираҳон, ўқловни синдилинг!— деди.

Таажжубланиб, атрофга қарадим. «Тавба, шу пайтда ўқлов синдиришим нега керак бўлиб қопти экан» деб ўйладим-да, аммо бу ишларнинг ҳикмати кейин аён бўлиб қолар, гап қайтармай қўя қолай, деб ўқловни қиди-

ра бошладим. Йўқ, ҳеч ерда ўқлов кўринмайди. Секингина Шукурдан:

— Ўқлов қани?— деб сўрадим.

У жавоб беришга улгурмасдан, пастдан Етим аканинг овози эшигилди.

— Қўлингизни!— деди Етим ака киноя билан.

Ҳеч нарсага тушунолмай довдираб қолдим. Бейхтиёр йиғи бўғиб кела бошлади. Аммо ўзимни босишга тиришдим. Вазият жудаям кескинлашиб бораётгани маълум бўлиб қолди шекилли, саҳнага Етим ака чиқиб келди.

— Ҳм, чой қуйишни ҳам билмайсизми?— деди.

Мен гапга оғиз жуфтлаганим ҳам йўқ эди, Шукур аралашди.

— Қарамайсизми, шўрва қуйгандай. . .— деди-да пиёладаги тўла чойга ишора қилди.

— Ҳа, Назираҳон, Назираҳон!— деди Етим ака чин кўнгилдан афсусланиб,— стаканда чой ичиб ўргангансиз-да!

Бу киноя ва кесатиклар ниҳоятда суяк-суягимдан ўтиб кетди. Дарҳақиқат, мен стаканда чой ичиб ўрганганман. Ўзбекча чой қуйишнинг ўзига хос томонлари борлигини қаёқдан билай! Ожизлигим ва таъналар дарди қўшилиб, кўз ёши бўлиб отилиб чиқди. Ўксиб-ўксиб йиғладим.

Замира опа аҳволимни кўриб ачинди шекилли, ишга аралашди.

— Етим ака, қўйинг энди. Ҳозирча репетиция қилиб туринглар, ишдан кейин олиб қолиб, ўзим ўргатаман,— деди.

— Йўқ,— деди Етим ака,— ҳозир қилади, ҳозирнинг ўзида ҳаммасини бажаради.

Кейин мени бир оз тинчлантириб, тушунтириб кетди.

— Ўзбек қизлари чойни бунақа қуймайди. Бир ҳўп-ламгина қуйиб, мана бундай қилиб, ибо билан узатади,— деди-да буралиб-буралиб, нозу карашмалар қилиб кўрсатиб берди. Етим аканинг эшилишларини кўриб

кулгим қистади. Илтижо билан Замира опага қарадим. У дарҳол тушунди-да, келиб кўрсатиб берди.

Ҳамма нарса ўрнига тушгандай бўлиб репетиция давом эттирилди. Мен бир ҳўпламгина чой қуйдим-да, пиёла ушлаган қўлим олдинда, чап қўлим тирсакда, Одилбекка чой узатдим. Бу худонинг қаҳрига учрамагур Шукур яна пиёлани қўлимдан олмаса-я! Бундай қарасам, қўлимни ўқловдай тўғри чўзган эканман. Шу пайт Етим аканинг овози ҳам эшитилиб қолди.

— Майинроқ, нозикроқ қилиб узатинг.

Мен хатоимни дарҳол тушунгандек бўлдим-да, бармоқларимни балетдагидай европача услубда ёзиб, карашма билан узатсам, Етим аканинг сабр косаси тўлиб, жаҳл аралаш бақирган овози эшитилди.

— Нима бу сизга, балетми!

«Ҳа, чой узатиш ҳам қурибгина кетсин» деб ўйладим-да, яна Замира опага қарадим. У залда ўтирган Етим ака билан кўз уриштириб, ризолик олгандек бўлди-да, келиб яна ўргатди. Ундан ўрганиб олиб, мен чойни қуйгач, пиёлани нафис ҳаракат ва ибo билан кўкрак узра айлантирдим, тирсагимни буккан ҳолда кўзларимни ерга қададим-да, ер остидан сирли қараш қилиб, «олсинлар» деб узатдим. Қизиқ, бу ҳаракатларим ўзимга жудаям ёқиб тушди. Чунки бунчалик карашма ва нафосат билан чой узатиб «олсинлар» деб қочирим қилганда, худди, «қани менга разм солсинлар» дегандек маъно англашилди. Бу эса, исловотхонанинг мулки бўлган Холисхоннинг ҳолатига жудаям тўғри келарди. Чунки Холис кўнглида шу ишни хоҳламаса ҳам, исловотхона удумига кўра шунчалик ишва қилишга, мижозида шаҳват ҳирсини уйғотишга мажбур эди. Қолаверса, шундан кейин Одилбекнинг «лабинг устидаги холингдан аканг, Холисхон» деб ғазаб ва алам билан айтадиган гапларига асос бўларди. Маълумки, бу гаплар катта аҳамиятга эга. Чунки шу гаплар туфайли Холисхон исловотхонада бнринчи марта ўзининг асл отини эшитади ва Одилбекни

танийди. Шунинг учун ҳам Замира она ўргатган, Шуккур қайсарлик билан талаб этган ва Етим аканинг дидларига мос келувчи бу ҳаракатлар ўзимга ҳам катта завқ бағишлади. Чунки бундай чой узатишнинг ўз мазмуни, ўз латофати ва ўз самараси бор эди.

Бу саҳнада Холисхоннинг севгилиси Одилбек башанг кийиниб, кўзига қора кўзойнак тақиб ўзини танитмаслик учун бегона бир «бойвачча» тусида келган бўларди. Холисхон ҳам исловотхонада ўз номи билан эмас, балки Тўлахон номи билан юради.

Хуллас, мен фоҳиша Тўлахон номи билан ўзимни яшириб, бойвачча қиёфасига кириб келган севгилим Одилбекни қабул қилардим ва унинг қўнғилини топишга ҳаракат қилардим. Мен унга яллардим, дутор чалиб берардим, ашула айтардим, фоҳишона поз-карашма билан ўзимга элактиришга уринардим. Бунинг учун репетициялар пайтида Холисхоннинг эркакларга ўхшаб чордона қуриб ўтириб, барча жисмоний ҳаракатлари билан ҳам шахвоний ҳирс қўзғатувчи хусусиятлари топилган эди.

Шу суҳбат давомида «бойвачча»нинг Одилбек эканлиги ва Тўлахоннинг Холисхон эканлиги очилади. Ана шундан кейин саҳнанинг руҳи мутлақо ўзгариб, икки ошиқ, икки дўст бир-бирини излаб юрган икки жафодийданинг очиқ суҳбати бошланарди. Йиғи-сиғи, узр, афсус-надомат!

Энг муҳими эса қочиниш ҳақидаги маслаҳат!

Мен аввалига сатанг Тўлахон ҳолатида исловотхона намояндасининг рафтори, ўтириб-туришларини, ҳаракатларини дурустгина топган эдим. Энди Холисхон эканлигим ва «бойвачча»нинг Одилбек эканлиги очилгач, менинг ҳам, Одилбекнинг ҳам ҳаракатларимиз тубдан ўзгариши керак эди. Чунки энди биз «бойвачча» билан «Фоҳиша Тўлахон» ролини эмас, балки ўзинишнинг пьеса таркибидаги асл ҳолимиз — Одилбек ва Холисхонни жоилантиришимиз керак эди. Яъни бир ҳолатдан ик-

кинчи ҳолатга ўтишимиз лозим эди. Худди ана шу кескин бурилиш хонасига келганда менинг яна бир ожизлигим кўриниб, қийнала бошладим.

Холисхон ҳолатига қайтишим билан оёқларимни остимга олиб бир қўлим билан тиззамга таяниб ўтирдим. Бир оз шундай ўтирганимдан кейин оёғим чарчади-да, бошқача ўтирган эдим, пастдан, кутилмаганда Етим аканинг «Туринг!» деган овози эшитилди. Чўчиб, дик этиб туриб кетдим.

— Ўтиринг!— деди ўша вазиятда.

Гап нимада эканлигини англаёлмай, тиззамни қучоқлаб ўтириб олдим.

— Туринг!— деди яна жаҳл аралаш.

Бейхтиёр, сапчиб туриб кетдим.

— Ўтиринг!— деди ўша ҳолатда.

Аввалги каби оёқларимни букиб ўтириб олдим.

— Ора очик бўлиб, то «қочайлик» дегунча ҳар доим ана шундай ўтирасиз,— деди Етим ака.

Мен учун бундай ўтириш нечоғлик қийин бўлмасин, Холисхон образи учун зарур эканлиги туфайли, чидашга, оёқларимнинг зирқираб огриши ва увишиб қолишига ҳам дош бериб, машқ қилишга мажбур эдим. Чунки санъат оламида саҳна ҳақиқати, деган тушунча мавжуд бўлганидек, юриш-туриш ҳақиқати, нутқ ҳақиқати, ҳатто ўтириш ҳақиқати ҳам борки, бундай ҳақиқатларсиз чинакам саҳна образини, бутун бир спектаклни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бир куни репетициядан кейин Туйғуннинг «Баҳодир» номли драмаси асосида тайёрланган спектаклни кўргани келдим. Бу спектаклда ҳам менга бош роль берилганди. Спектакль тугади. Шукур Бурҳонов гримини артиб чиқди ва йўлимиз бир бўлганлиги учун биз суҳбатлашиб, пиёда Қашқар маҳалламиз томон йўл олдик. Кечки пайт жудаям сокин эди. Ой тўлишиб, ойимбаркашга ўхшаб ялпайганча нур сочиб турибди. Шу пайт, ойнинг шу тарзда туриши негадир менга ёқинқирамади.

— Вой, ана унга қаранг,— дедим бенхтиёр Шукуржоннинг эътиборини ойга тортиб.

— Нима қипти, тўлин ой, чиройли-ку! Еқмаяптими?

— Йўқ,— дедим мен,— елпич товоққа ўхшайди. Ҳаёсиз, манаман деб турибди. Биласизми, Шукуржон, ой янги чиқаётган пайтида чиройли, юзини иффат билан тўсиб турган қизларга ўхшайди. Ҳозир ялпайиб ётишини қаранг, беҳаё! Худди Холисхоннинг исловотхонага тушган даврига ўхшайди.

— Ҳа-а, ана энди ўзингизга келдингиз,— деди Шукуржон хурсанд бўлиб,— Холисхон исловотхонада худди ана шундай «манаман» деб туриши керак. Сизда ана шу ҳаёсизлик етишмай турибди. Унинг ўрнига сизда сентименталлик кўпроқ!

Бу шунчаки оддий бир суҳбат, образнинг мукамаллиги дарди йўлидаги изланишнинг давоми эди. Аммо ана шу беҳаё тўлин ой менга Холисхоннинг сўз билан тасвирлаб бўлмайдиган қайси бир психофизик ҳолатларини топиб беришга ҳам кўмаклашди. Ана шу ўхшатишга эътиборимни жалб этган фикрдош, сафдош ва касбдошим Шукуржон ҳам бошқа нарсалар ҳақида эмас балки менинг Холисим, менинг ролим устида бош қотириб юрганлиги учун табиатнинг шу ёрқин образини менинг ролимга тадбиқ эта олди. Зотан, театр санъатининг табиати шундай. Унда, ўзинг учун ўл етим, қабилада иш кўриб бўлмайди. Аксинча, фақат ўз роли устида эмас, балки партнёрларининг образи устида ҳам бош қотиришга тўғри келади. Шукур Бурҳонов эса ана шундай жонкуяр санъаткорлардан бири, балки ўрнак олишга энг арзирлигидир.

Болалигимда Чимкент қирларига чиқиб сайр қилиб юрган чоғларимда битта гулга жудаям ошиқ бўлиб қолган эдим. Бу гул табиатан ўзига мутлақо ёт бўлган ёввойи ўтлар орасида ўсар ва негадир, гулнора, деб аталарди.

Гулнора тўқ жигар ранг ва сариқ аралаш гул бўлиб,

ердан бор-йўғи тўрт энликина кўтарилар ва бошқа ўғларга нисбатан ер бағирлаб ётарди. Шунинг учун бўлса керак, бу гулга жудаям раҳмим келарди. Чунки у ён атрофларини босиб ётган ёввойи ўтлар орасида бағри қон бир жабрдийдага ўхшарди. Табиатнинг адолатсизлигини қарангки, шу қадар чиройли, нафис гулни шафқатсизлик билан ёввойи ўтлар орасида бунёд ётарди.

Мен Холисхон тақдири ҳақида ўйлар эканман, негадир, унинг тақдири ана шу ожиз ва маъсума гулга ўхшаб кетарди. Холисхон ҳам замон гардиши туфайли, мутлақо ўз табиатига қарама-қарши бўлган кишилар орасига тушиб қолган гулнорадек маъюс ва бағри қон эди. Гулнорани ёввойи ўтлар орасидан фақат юлиб олиб қутқариш мумкин эди, холос. Шундай қилганда, бу ожиз гул бир неча соат эркинликда яшар, аммо ундан кейин қатъий ўлимга маҳкум эди. Холисхон ҳам айни шундай. У шу қадар асоратга тушганки, уни фақат ўлимгина қутқара олиши мумкиндек туюларди. У ҳам гулнорадек ноилож, гулнорадек сассиқ ўтларга чирой бағишлаб турувчи бир гўзал неъмат, холос.

Агар Холисхон ролининг аввалги қисми гулнорага ўхшаса, унинг тақдиридаги иккинчи қисми, куз фаслида, дарахт учида саргайиб, титраб турган якка-ёлғиз баргга ўхшарди. Бу барг бирор шамол ёки ёмғир куни чирт узилиб тупроқ ва лойга қорилиши муқаррар. Бу тақдирдан уни ҳеч ким сақлаб қололмайди. Холисни-чи? Гарчи айрим умид учқунлари бор бўлса ҳам, бу кузги япроқнинг енгилроқ шабадага дош беришидан бошқа нарса эмасди. Шамол сал кучайдими, бўлди, бу барг титраб-титраб, зорланиб-зорланиб узилиб кетиши, гирдибод оғушида чирпирак бўлиб учиши, ниҳоят ерпарчин бўлиб куз лойига қорилиб кетиши шак-шубҳасиз, Шўрлик Холисхоннинг тақдири ҳам, менингча бундан афзал эмасди. Ҳар ҳолда, менинг кўнглимда, менинг руҳимда ана шу икки ассоциация ҳукмрон эди. Зотан, пьеса бўйича ҳам Холисхон худди бағри қон гулнора-

дек оёқ ости бўлади, якка-ёлғиз япроқдек охири узилади, яъни фақат шафқатсиз ўлим туфайлигина замон ва даврон ғуссасидан нажот топади.

Холисхон образи устидаги ишлар ниҳоясига яқинлашган сари бу икки образ руҳияси мени кўпроқ қамраб борар ва бутун вужудимни чулғаб оларди. Ниҳоят, бу туйғуларимни кунларнинг бирида Етим акага ҳам айтдим. «Қандай бемаъни нарсалар билан шуғулланиб юрибсан» деб уришиб бермасмикан, деган хаёл билан чўчиб-чўчиб айтдим. Аммо Етим ака жудаям эътибор билан қулоқ солди ва фикрларимни маъқул топди. Демак, менинг гулнора ва кузги япроқ образи руҳиясида яшаганлигим, Холисим тақдирини уларга нисбат берганлигим муайян психологик ва эмоционал ҳақиқатларга эга экан. Шуниси аниқки, ана шу образлар ҳақида ўйлаб, улар тақдири устида фикр юритишнинг ўзинёқ менинг Холисхон вазиятидаги ҳолатим учун катта руҳий мадад ва йўналиш берарди.

Роль тайёр бўлиб, бутун ансамбль билан репетиция қилган кунларимиздан бирида Ога бошлиқ бир гуруҳ киши келиб кўрди. Роль ҳаммага маъқул бўлди ва бемалол томошабин ҳукмига ҳавола қилинса бўлади, деган хулоса чиқарилди. Ҳамма мамнун эди.

Ога ролнинг ижобий фазилатларини таъкидлаб, ундаги айрим, аммо жиддий нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтди.

— Умуман, образни ҳали тўлақонли чиққан деб бўлмаса ҳам, лекин энг яхшиси шунки, ролнинг туб ижтимоий моҳиятига тўғри калит топилган ва актриса образнинг ғоявий мазмунини, характерини тўғри тушунган,— деди. Кейин менинг ўзимга мурожаат этди,— Назирахон, сиз ўзбек қизларига хос бўлган ҳаё, ибо, фу-

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг
«Холисхон» драмасидаги Хо-
лисхон ролида.



сункорликни яхши ўзлаштирибсиз. Энди кундан-кунга уни пишитиб, такомиллаштириб боришингиз керак.

Дарвоқе, Оға ҳақ эди. Чунки мен ўзбекона қизлик латофатларини нечоғлик ўзлаштирган бўлмайин бу ҳали кам эди. Энг муҳими эса мен бу гўзал одатларни Холисхон тушган ғайри оддий вазиятдаги конкрет шаклини яна ҳам такомиллаштиришим зарур эди. Бу — тил ва талаффуз масаласига доир гап бўлиб, устод буни ёрқин мисоллар намунасида кўрсатиб берди.

— Сизнинг,— деди,— қилган эдим, айтган эдим каби сўзларингиз емирилиб кетяпти. Бу сўзларнинг охири мужмалроқ бўлиб қоляпти. Шунинг учун астойдил, бурро-бурро гапиринг, токи сўзларингиз охирини ҳам барча эшитсин. Шунинг эса тутишингиз зарурки, биз томошабинларни адабий тил, гўзал ва бурро нутқ, чиройли сўзлай олиш руҳида ҳам тарбиялашимиз зарур. Сизда бўлса, унли товушлар думи юлуқ жўжага ўхшаб турибди. Айниқса, унлиларни жудаям кенг олинг, тўлиқ беринг.

Ўша пайтдаги «Холисхон» спектаклида эса, бу камчиликларни баҳоли қудрат тузатиб бордим. Чунки у вақтларнинг одатига кўра, спектакль ёки роль топширилиши биланоқ иш тўхтаб қолмасди. Аксинча, спектакль қўйилган сайин изланишлар давом этилар ва янгидан янги ижод маҳсуллари қўшилиб борарди. Бу спектаклда ҳам айти шундай бўлди. Гарчи роль қабул қилинган ва уни ижро этиб юрган бўлсам ҳам изланишни тинимсиз давом эттирдим ва Холисим характерининг янги қирраларини очишга эришдим, унинг қалбидagi нозик торларни топдим, эстетик-бадний жиҳатдан бойишига алоҳида эътибор бериб бордим.

Холисон образини гоёвий ва бадиий жиҳатдан тобора такомиллаштириб боришим жараёнида артист дўстларим, хусусан Шукур Бурҳоновнинг ёрдами беқиёс бўлди. Айниқса, Шукур Бурҳонов соғми, касалми, қувноқми, қайғулими — ҳуллас, қай вазиятда бўлмасин ҳа-

миша шу қадар берилиб, шу қадар самимий кечинма билан роль ўйнардик, бу ҳол барча партнёрлар қатори менга ҳам жуда катта руҳий куч бағишларди, сахнада образ билан яшаш имкониятини туғдирарди.

Ниҳоят, биринчи премьера берилган кун икки дўст, икки устозимнинг табриклари мен учун жудаям муътабар эди. Чунки биринчи спектаклдан кейин, Шукур мени табриклаб,

— Назираҳон, шу бугун ролимни яйраб ўйнадим,— деди.

Кейин эса Етим ака келиб табриклади.

Бундан чиқадики, мен икки баркамол санъаткор — Шукур Бурҳонов ва Етим Бобожонов каби титан ижодкорларнинг талабига лойиқ образ ярата олган эканман. Бундан ортиқ бахт борми!

Актёрлик ҳаётида шундай лаҳзалар борки, киши кўз юмиб очгунча ўтувчи бундай онларни бир асрлик умрга ҳам алишмайди. Шундай лаҳзаларда актёр асрлар яшадим деб шу кўйга сола олган, шундай илҳом чўққисига кўтара олган партнёр эса «ўз суҳбатдошимни асрлар яшатдим» деб фахрланса арзийди. Мен ҳам давримизнинг шаксиз улкан актёри Шукур Бурҳонов туфайли ана шу бахтга муяссар бўлганман.

Воқеа бундай бўлган эди.

«Холисхон» спектаклини ё учинчи ё тўртинчи марта ўйнаётган куним эди. Спектакль одатдагидек баланд руҳ, самимий илҳом билан борарди. Шунинг учун ҳам жуда эркин, сахна оша руҳланиб, ҳузур билан ўйнаётган эдим. Мен гўё сахнада эмас, илҳом қучоғида, фақат орзу қилишгина мумкин бўлган табиий ҳаёт муҳи-тида яшаётгандек эдим.

Спектакль бўйича, боғда — бир дарахтнинг тагида Холисхоннинг Одилбек билан учрашадиган сахнаси бор эди. Асар мантиқига кўра, бу сахнада бир-бирига ошиқиб, интилиб юрган икки ёш — Холисхон билан Одилбек учрашар ва дил туйғуларини изҳор этишарди. Шун-

да мен дарахтнинг бир шохчасини эгиб юзимга тўсиқ қилиб турардим-да, Одилбек севгисини баён этаётиб, шохча ушлаган қўлимга қўлини теккизар ва дарҳол тортиб оларди.

Мен гапириб бермоқчи бўлган воқеа содир бўлган кун бу саҳнамиз ҳам катта руҳланиш, юксак эмоционал куч ва самимият билан бошланди. Мен ҳам, Шукур ҳам худди артистлар эмас, балки бир-бирига шайдо бўлган икки чинакам ошиқдек саҳна ҳақиқати руҳида яшардик. Мен одатдаги каби дарахт тагида ҳаё билан бир қараб олдим-да, кейин шохчани эгиб, орамизга тўсиқ қилиб олдим. Шукурнинг кўзларида ажойиб бир нур балқирди. Гўё унинг бутун вужуди ўз туйғуларини куйлаб бераётгандай. Мен ҳам бу самимий туйғуга маҳлиё бўлиб, худди Холис эмас, балки ўзим чинакамига севгандай роҳат билан, сўзларимни яйраб айтардим. Одилбек — Бурҳонов жудаям майин, фасоҳатли бпр тарзда шохча ушлаган қўлимни тутди. Одатдаги каби дарҳол қўлини тортиб олмади-да, худди оламдаги энг мўътабар нарсани кафтига олгандек авайлаб ушлади. Кейин, қўлимдан шохчани чиқариб юборди-да, «Холисим» деб сирли шивирлаб, юзимдан «ўпди». Гарчи унинг лаблари юзимга теккан бўлмаса ҳам, мен уларни ҳис этгандай бўлдим.

Шундан сўнг, Одилбек югуриб чиқиб кетиши керак эди. Шукур ҳам чиқиб кетди. Аммо мен турган еримда қотиб қолдим. Кейин жудаям бўшашиб кетаётганлигимни ҳис этдим. Дарахт танасига суяндим, аммо ёрдам бермади. Унга суянганча сирғалиб ўтириб қолдим. Қўлим бсихтиёр кўтарилиб, Одилбекнинг иссиқ нафаси теккан юзимга бориб қолди. Одилбекнинг изига тикилиб турдим-да, кутилмаганда «вой, қандай яхши бўлди-я» деган сўзлар отилиб чиқди. Бу сўз ва ҳаракатлар на пьесада, на спектаклда йўқ эди. Аммо қалбимдан қайнаб келаётган илҳом меваларини бўғиб қўйишни ис-тамадим. Улар ўз-ўзидан оқиб кела бошлади.

Бирдан, томоша залидан гулдурос қарсак кўтарилди. Ўз хаёлларим оғушида маст учиб юрганлигим учун бир чўчиб тушдим. Қарасам, залда қарсак янграётган экан. Ўзимни йиғиштириб олдим-да, худди «ҳеч ким кўрмадимкин» дегандай хавфсираб у ёқ-бу ёққа қараб олдим му сахнани давом эттирдим.

Ана эиди плҳомимни кўринг! Олам менга бу қадар мунаввар товланиб боқмаган эди. Шунинг учун бўлса керак, мен нур қучоғида учиб юрган бир илоҳий фаришта каби ижодий лаззат ва фароғат билан навбатдаги монологимга ўтдим. Саҳнадаги (боғдаги) буталар оралаб юриб монолог айтишим керак эди. Одатдаги мизансценам бошланди. Аммо буталар театрининг ёлғондакам бе-заги бўлиб эмас, балки Одилбекнинг сочлари бўлиб туюлди менга. Худди Одилбекнинг муборак бошини бағримга босиб, сочларини силаб эркалагандай, буталарни ардоқлаб монологимни ўқий бошладим.

Саҳна баланд руҳ билан ниҳоясига етди. Парда туширилди. Яна қарсаклар янгради. Мен завқланиб гримхона томонга отилдим. Шу пайт йўлимни кесиб, рўпарамдан Оға чиқиб келди.

— Офарин, Назирахон!— деди Оға пешанамдан ўпиб,— баракалла, меҳнатинг яратган Холисинг учун сенга раҳмат!

Шу заҳотиёқ ҳаяжонланиб Етим ака келиб қолди:

— Назирахон, бор экансиз-ку, табриклайман! Шу топган ҳолатни янада мустаҳкамланг, кучайтиринг,— деб ҳаяжон билан таъкидладилар.

Ниҳоят, рўпарамда Шукур Бурҳонов пайдо бўлди. У ҳам чексиз ва самимий ҳаяжонда, қувонч ва меҳр оғушида эди.

— Шукуржон, раҳмат сизга,— дедим мен,— чинакам катта санъатингиз учун раҳмат.

— Сенга раҳмат,— деди Шукур ҳам гапимни бўлиб,— мени шунчалик вазиятга сен олиб келдинг, сенинг ишончинг, кўзларингдаги нуринг олиб келди.

Бу гапларни у шунчаки, менинг кўнглим учун айтган бўлиши мумкин. Аммо мен бир ҳақиқатга шак-шубҳасиз аминман: Шукур Бурҳонов ўша даврдаёқ ўзини чинакам реалист, ижодий кўлами кенг актёр эканлигини кўрсатди.

Холисхон образини яратишдан мақсад, унинг қайси вазиятда бўлишлигидан қатъи назар, инқилобдан олдинги аёл-қизларимизнинг фожиали қисмати, холисхонларнинг аянчли тақдирини кўрсатиш эди.

Шундай қилиб, мени не-не кўйларга солмаган Холисхоним элнинг суюкли саҳна қаҳрамонларидан бирига айланиб, шу спектакль бўлган куни билет муаммоси туфайли турли ҳангомалар бўлганлигига гувоҳимиз. Шуни айтиш кифояки, билетлар спектаклдан 1-2 ой олдин сотилиб бўларди. Бу ҳақиқатга, ўша даврни билувчи ҳар бир киши гувоҳликка ўтиши мумкин.

МЕНИНГ ДЕЗДЕМОНАМ

1940 йил Шекспирнинг «Отелло»си олинди. Роллар икки составга берилиб, биринчи составда Отелло — Абдор ака Ҳидоят, Дездемона — Сора Эшонтўраева, Яго — Олим Хўжаев, иккинчи составда Отелло — Шукур Бурҳонов, Дездемона — мен, Яго — Наби Раҳимов эдик.

Шукур билан яна партнёр бўлганлигимдан жудаям қувондим. Аммо кўнглимнинг бир чеккасида Абдор ака билан ҳам ўйнагим бор эди.

Репетициялар бошланди. Тўғрироғи, одатга кўра узоқ муддатли читка бошланди. Аммо бахтга қарши шу пайтда Шукурнинг юзларига ғадир-будир бир нарсa тошиб кетди-ю, Москвага, пойтахт шифохонасига ётқизилди. Бироқ бу ҳеч кимнинг шаштини қайтаргани йўқ. Чунки биз аниқ билардикки, Шукур албатта тузалиб чиқади ва ролини партнёрларига етказиб олади. Шунинг учун ҳам,

читка пайтида Отеллога нисбатан айтилган фикру мулоҳазалар ва кўрсатмаларнинг ҳаммасини Шукур учун мен билан Шариф Қаюмов ёзиб борардик.

Асосан биринчи состав репетиция қиларди. Биз бўлсак кузатардик. Шунга қарамай, Дездемона образининг талқини мутлақо икки хил бўлишлиги аён бўлиб қолди.

Гарчанд, «дездемона» сўзининг луғат маъноси, бад-бахт» деган бўлса ҳам, менинг тасаввуримда у энг аввал саркарданинг хотини, юксак рутбали аристократ аёл, оккўнгил, бироқ қора арабнинг суюклиси. Шекспир Дездемонани хафа қилган, чунки пьеса давомида унинг яйраб ҳаракат қиладиган саҳналари жуда оз. Шунга қарамай, бу образни турлича ранг-барангликда талқин этиш учун етарли адабий манба бор.

Мен Дездемонанинг Сорахоним томонидан қилинган талқинига шак келтирмайман. Аммо ўз талқинимдаги айрим хусусиятларнинг мутлақо ўзига хос ва менингча тўғри эканлигини таъкидлаш ҳам жонз, деб ўйлайман. Жумладан, Отеллодан Кассиони ишга қайтиб олишни илтимос қиладиган саҳнада мен лиризмга, аёллик қарашмаларини ишга солишга сираям ўрин қолдирмасдим. Аксинча, мен илтимос қилганда юксак рутбали генералнинг рафиқаси эканлигим алоҳида таъкидланарди. Шунинг учун ҳам, менинг илтимосим илтижо эмас, балки виждони пок аристократ аёлнинг ўз мартабасига хос самимий илтимоси, ўз севгили генералига ёрдам бернш муродида қилинган таклифи сифатида эшитиларди.

Спектаклнинг Кипр саҳнасида ҳам айни шундай эди. Бу ерда Яго қочирим қилган пайтларда мен виқор билан денгизни кузатиб турардим ва худди «ҳали сен менга ҳазил қиладиган бўлиб қолдингми, ношуд» дегандай уни камситиб турардим. Гоҳи-гоҳи унинг ҳазилларига берган жавобим ҳам айни шу йўсинда бўлиб, бу «отишма» юксак рутбали аристократ аёл, генерал-

нинг хотини билан паст табақали бир кишининг ижтимоий фарқи кўзга яққол ташланиб турадиган диалоги эди.

Дездемона роли устидаги қийинчилик эса, энг аввал, яна тил ва талаффуз масаласи билан боғлиқ бўлди. Гап шундаки, мен ўзбек тилида сираям шеърый йўл билан ёзилган спектаклда иштирок этмаганман. Озарбайжон театрида ўйнаган шеърый асарлар бундан мустасно, чунки у ерда шеърый асарлар насрга кўра ҳам шеърый пафос билан ўйналар ва бу услуб ўзбек театри табиатига мутлақо тўғри келмасди. Шунинг учун Дездемона ролини бошлашим биланоқ нутқий қийинчилик бошланди ва расмий спектакль режиссёри Маннон Уйғур репетициялардан кейин мени олиб қолиб тил ва талаффуз устида, шеър устида махсус ишларди.

Ога «Отелло» спектакли муносабати билан талаффуз устида гапирар экан, ҳар бир товушнинг бурро-бурро, аниқ ва равшан эшитилишини, қатъий айтилган ҳар бир сўз маълум маъно касб этишини, аниқ мақсадга йўналтирилишини, суҳбатдошнинг фикрини ҳаракатга келтирилишини, эмоционал таъсир кучига эга бўлишини қатъий талаб қиларди. У кишининг бу талабларига, театр бўйича фақат уч киши мукамал жавоб бера оларди, холос. У ҳам бўлса — Аброр ака, Шукур Бурҳонов ва Олим Хўжаев эди.

Ибратли жойи шундаки, Ога ўзи мутлақо адабий тилда гаплашар, шевани сира-сира аралаштирмасди. Етим ака ҳақида ҳам айни шу ҳақиқатни айтиш мумкин. Аммо Етим ака гоҳи-гоҳида «ўзигизни», «қилади-ғон» (Аммо аҳён, аҳёнда!) каби илғор интеллигенция манерасига хос бўлган «аристократик» сўз ва терминларни ишлатиб ҳам қўярди. Умуман олганда, бу иккала устознинг тил ва талаффузи ғоят юксак адабий даражада бўлиб, шу боисдан бўлса керак, уларнинг талаблари ҳам қонундек, қатъий ҳукмдек эшитиларди.

Маннон Уйғур Дездемона ролининг нутқий партитураси устида ишлар экан, менинг олдимга ҳам худди

ана шундай қатъий талаблар қўярди ва уларнинг зарурий эканлигини исботлаб бера оларди. Шунинг учун ҳам мен бу муҳтарам устознинг ҳар бир ўғити, кўрсатмаси, буйруғи, ҳукми ва илтимосини бажаришга тиришардим, интилардим.

Оға менинг тилимни тузатиш ва шеърда гапиришимни ривожлантириш учун кўпроқ ғазалларга мурожаат этарди.

— Ғазал тилни тузатишда катта аҳамиятга эга,— дер эди Оғам,— ғазал ўқиганингизда унлилар чўзилади, битта эмас, иккита, учта унли қаторасига ёзилгандек чўзиб талаффуз этилади.

Шундан кейин эса, Навоийнинг ғазалларидан ўқиб, кўрсатиб берарди. Умуман, Оға Навоий ғазалларини шу қадар кўп ёд билардики, киши таажжубда қоларди. Зотан, ана шу улкан кучли ҳофизага эга эканлиги, жилд-жилд асарларни ёд олиши Оғанинг мафтункор фазилатларидан бири эди.

Ғазаллар декломация қилишдан иборат муайян машқлар системасини ўтгандан кейин у киши менинг эътиборимни яна унли товушлар талаффузига ва бу товушларнинг Дездемона роли текстидаги кўринишига жалб этди:

— Унлилар нутқнинг кўрки, лаззати,— дер эди Оға,— шунинг учун унли товушларнинг тўлақонли, бурро талаффуз этилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Хусусан, унли товушлар сўзнинг охирида келганда жудаям жиддий эътибор бериш керак, жудаям аниқ ва бурро гапириш керак.

Бир куни репетиция қилиб турганимизда «рўмолчани йўқотиб қўйдим» деган сўзларни айтсам Оға дарҳол тўхтади:

— Кўрдингизми, «рўмолч йўқот қўйд» бўлиб эшитилляпти. Ҳолбуки, «рўмолча-а-н-и й-ў-қоти-и-б қўйди-и-м-м», деб сўзнинг охирида келувчи унли ва сонор товушларни жудаям бурро, ҳатто бир оз бўрттирилган:

даражада талаффуз этиш керак,— деди ўзига диққатимни тортиб.

— Фриктив товушларни-чи?— дедим мен шунда.

Оға таажжубланиб менга тикилиб қолди.

— Ҳм-м, фиркатиф деганингиз ўзбекчасига нима бўлади?

— Ўзбекчасига билмайман,— дедим мен.

— Ҳм-м,— деди шунда Оға чўзиб,— кўрдингизми, хопим, сиз ўзбекчасини билмайсиз, мен ўрисчасини. Қандоғ бўлди?

Биз кулишдик-да, Оға «товушларнинг ҳаммасигаям эътибор бериш керак» деди ва яна Дездемона тексти репетициясига киришиб кетдик.

Шукур Бурҳоновнинг муолажаси чўзилиб кетди. Шунинг учун постановкачи Н. В. Ладигин ва Оға Отелло — Аброр Ҳидоят билан бирга бизни ҳам репетиция қила бошлашди. Н. В. Ладигин репетиция қилганда анча силлиқ ўтарди, аммо Оға репетиция қилса ҳар қадамда тўхтатиб, тилга эътибор берарди.

— Сўзларни ёдлаб гапирманглар. Энг аввал ўша сўзларнинг маъни чақиб олинглар, сўзлар замиридаги туб маънони аниқлаб олиб, кейин гапиринглар. Ахир ҳаммаларингиз бир системада, К. С. Станиславский системасида тарбиялангансизлар-ку,— дерди ва тез-тез К. С. Станиславскийни эслатиб, унинг ҳикматлари, таълимотини ёдимизга тушириб турарди.

Мизансценага ўтганда Дездемона ролини озарбайжон театрида ўйнаганлигим ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Натижада:

Отажонимм, қаршиммдаги вазифамм икки,

Сизга боғлар мени ҳаёт, ҳамда тарбиямм!— деб чўзиб юборибман. Шунда Оға пастдан туриб менга тақлид қилгандай:

— Ҳммм, Марзияхониммм, кетдингизми яна!— деб даkki берди. Бу роль устида ишларканман, фақат Оға эмас, Аброр ака ҳам жуда яқиндан ёрдам берди. Бу ёр-



В. Шекспирнинг «Отелло» ном-
ли трагедиясидаги Дездемона
ролида.

дам ҳам маънавий, ҳам амалий тарзда яққол кўриниб турарди.

Даставвал, шунини айтиш лозимки, Аброр аканинг нутқ маданияти ҳар қандай зукко ва донишмандни ҳам мафтун этарлик даражада эди. Бугина эмас, Аброр ака ўзларига нисбатан нечоғлик талабчан бўлса, партнёрларидан ҳам ана шу маданий юксакликни талаб қиларди.

Аброр аканинг санъаткор сифатида яна бир бебаҳо фазилати бор эди. У киши репетиция пайтларида ҳам режиссёрдан ҳайиқмай дарҳол партнёрни тўхтатиб, унинг камчилигини тузатиб борарди. Жумладан, бир кун репетицияда рўмолча картинасига келганда, менинг ўзимга сезилмади-ю, тез гапириб юборган бўлсам керак, Аброр ака:

— Тўхта, тўхта, мен гапингга тушунмадим,— деди, — нега ёш болага ўхшаб майдалаштириб, бефарқ, аҳамиятини тушунмасдан гапиряпсан? Ахир мен совға қилган биринчи ҳадямни йўқотгансан-а! Тушуняпсанми, биринчи ва энг қимматбаҳо ҳадяни! Сўзни ўйнамагин, аксинча, унинг мазмунини, моҳиятини ўйнагин. Агар сўзни ўйнайдиган бўлсанг, гапларингни асл моҳияти очилмаса, унда партнёрга ёрдам беролмайсан, аксинча... Шунинг учун, мени рўмолча йўқолганлигига эмас, балки ёнингга йўқлигига ишонтирishга ҳаракат қилгин. Сен бўлсанг, дарров саросимага тушиб ўтирибсан.

Аброр аканинг яна бир ажойиб хусусиятлари бор эди. Томошабинга тескари турган пайтларида агар тўғри репетиция қилаётган бўлсам ёки ролимни яхши ўйнасам мамнун бўлиб, меҳр билан тикилиб турарди. Улкан санъаткорнинг бундай беғубор ва меҳр тўла ёниб турган кўз қарашлари ҳар бир партнёрга, шу жумладан, менга катта ижодий рағбат берарди.

Аброр ака нутқда пастки регистрни хуш кўрарди ва бу регистр чиндан ҳам у кишининг нутқида кўрк ва салобат бағишларди. Бундан ташқари у киши нутқини муайян даврларга бўлиб, нафас оладиغان ерларни олдиндан белгилаб оларди. Шу хусусиятларидан келиб чиқиб, кўпинча менга ҳам «мана шу ерда нафас олсанг яхшироқ бўлармиди, овоз тўлақоплироқ чиқармиди», деб маслаҳат берарди. Ролни ўйда қайтарган чоғимда у кишининг маслаҳатларига амал қилсам, дарҳақиқат, муайян бир ютуқни қўлга киритишим аниқ эди. Нати-

жада эришган ютуғимни кўриб Оға ҳам, Аброр ака ҳам хурсанд бўларди. Бундай ижодий ҳамкорлик ва бунёдкорлик менинг ўзимга ҳам олам-олам завқу шавқ ва ижодий рағбат бағишларди.

Бу муътабар устознинг нутқ масаласида яна бир севимли иборалари бор эди. «Киндигингдан гапир» дер эди у киши кўпинча. Бу иборани эшитган ҳамон биз икки хил хулоса чиқарардик. Биринчиси, чуқур нафас олиб, чуқур ва жарангдор овозда гапиришни, иккинчидан бутун вужудимиз билан, эмоционал ҳаяжон билан гапиришни тушунарлик ва шу тушунчаларга амал қилардик. Аслида ҳам, Аброр аканинг «киндигингдан гапир» деган бу севимли ибораси, ана шу иккала қиррани ҳам назарда тутарди.

Шундай қилиб, кўпчилик ёрдами ва дўст ҳамда устозларим мадади туфайли Дездемона образини гавдалантирдим. Аста-секин спектакль ҳам тайёр бўлиб қолди. Биринчи прогон, спектакль топширилиши ва премьераси кунлари биринчи состав ўйнади. Учинчи премьерани Аброр ака иштирокида бизнинг состав, яъни Дездемонани мен, Яғони Наби Раҳимов ўйнадик. Бу спектакль бизнинг состав учун ҳам прогон, ҳам премьераси эди. Шунинг учун ролни қандай ўйнаганлигим ҳақида қатъий бир нарсаси дейиш қийин. Аммо навбатдаги спектакллари анча эркин, бора-бора ҳузур билан ўйнай бошладим.

АСҚАРНИНГ ЙИҒИСИ

1940—41-йилги мавсумда Мольернинг «Тартюф» номи комедияси олиниб, мен унда Марианна исмли қиз ролини ўйнадим. Айни шу мавсумнинг ўзида яна бошқа бир спектакль тайёрландики, у ҳақда бафур-

жароқ гапирмай ўтиб бўлмайди. Бу Комил Яшин ва Амин Умарийларнинг «Ҳамза» номли драмасидир.

Етим ака постановкачи, мен режиссёр қилиб тайинландим. Бу мен учун жудаям қувончли, нждий биографиям учун қимматли воқеа эди. Чунки шу спектакль туфайли Етим Бобожонов каби улкан мутафаккир санъат арбобининг режиссёрлик йўлини ўрганишимга реал замин ҳосил бўлди.

Театрнинг иш шароити ҳаддан ташқари оғир эди. Кундузи соат 10 дан кечки соат 1-2 ларгача концерт бригадалари оталиқдаги госпиталларда навбатчилик қилиш, спектакль кўрсатиш ва ҳоказолар билан банд эдик. Шунинг учун спектаклда банд бўлган актёрлар кечаси соат 1 яримдан эрталабки соат 7 гача ишлашга розилик бердилар. Ярим кечаси, соат 3-4 ларда ош дамлаб, тамадди қилиб олардик. Агар урушнинг биринчи кунлари ош дамлаган бўлсак, кейинча кунимиз гўшт комбинатининг сомсасига тушиб қолди...

Бечора актёрлар ўз чиқишларини кутиб ўтириб, турган жойларида ухлаб қолишар, аммо профессионал инстинкт ўз кучини кўрсатса керак, чиқиш жойлари келиши биланоқ, дарҳол уйғониб, репликаларини илиб кетишарди.

Етим ака ҳам худди Ога каби спектаклнинг тилига, сахна полотносининг нутқ партитурасига алоҳида эътибор берарди. Тўғрироғи, спектаклнинг асоси асарни таҳлил қилиш жараёнидаёқ тайёр бўларди. Минзансценага чиққанда эса, деярли ҳамма ғоявий ва бадний томонлари аниқ бўлган спектаклга пластик жило ва ҳақиқат бағишланарди.

«Ҳамза» спектакли устида ишлаганда ҳам Етим ака уч муҳим факторга алоҳида эътибор берди. Бу — текстнинг туб маъноси (подтекст), талаффуз ва персонажларнинг нутқий характеристикаси масаласи эди. Жумладан, Ҳикмат Латипов Шодмон ота ролини ўйнади. Шодмон ота фарғоналик бўлганлиги учун Етим ака

Ҳикмат Латиповга Фарғона шевасини ўрни-ўрни билан ишлатишни тавсия этди ва шахсан ўзи ўргатиб борди.

Ҳамза ролини ижро этган машҳур санъаткор Олим Хўжаев эса режиссёрнинг тавсиясига кўра кескин-кескин, бурро-бурро гапирарди. Чунки Етим ака Ҳамзани кўрган, у билан мулоқотда бўлган эди. Етим аканинг гапларига қараганда, Ҳамза халқ билан гаплашганда жудаям хушчақчақ, мисли йўқ нотiq киши бўлган экан.

— Ҳамза мутлақо ишонч билан, сира иккиланмай гапирарди,— дер эди Етим ака ўз таассуротларини эслаб,— у гапирганда сираям тутилмас, тўхтаб, ўйланиб қолмас, сўзлари ҳам бир-биридан чиройли, сермазмун фикрлар худди қайнар булоқдек отилиб чиқарди. У ёниб, кучли эҳтирос билан гапирарди. Шоиртабиат бўлганлиги учун булбулдек сайрарди, жудаям образли, гўзал ва фасоҳатли гапирарди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ана шу хусусиятларидан келиб чиқиб Етим ака айрим саҳналарда, хусусан, лирик ситуацияларда Олим Хўжаевни майин, мусиқий тарзда гапиришга ундарди. Энг муҳими эса, актёр бу кўрсатмаларни жуда катта заковат ва истеъдод билан илиб олар, ўз маҳорати билан барчамизни беҳад қувонтирарди.

Саодат ролини Холида Хўжаева билан Сора Эшон-тўраева ижро этиши лозим эди. Сорахоним бу пайтда СССР Олий Советининг депутати бўлиб, бутун вужуди билан жамоат ишларига берилиб кетган, гоҳ Москвага кетиб қолар, гоҳ областларга чиқиб кетар, хуллас, роль устида ишлашга деярли фурсати бўлмасди. Шу боисдан Саодат роли деярли Холиданинг ўзига қолиб кетди. Бироқ режиссёрлигим давомида бутун спектакль менга ҳам ёд бўлиб кетганлиги туфайли, Холида касал бўлиб келолмай қолган бир куни Саодат ролини ҳеч қандай репетициясиз, бирданига тўғридан-тўғри ўйнашга мажбур бўлдим. Шу баҳона бўлди-ю, бу ролни ҳам ўйнайдиган бўлиб қолдим. Саодатни биринчи ўйнаган ку-

нимдан бошлаб то пишитиб олгунимча Олим Хўжаев жуда катта ёрдам берди.

Режиссёр сифатида ҳам ўзимнинг камтарона ҳиссамни қўшганлигимдан мамнунман. Етим аканинг истакларига кўра мен асосан умумий саҳналарни, хусусан канал кўриниши ва Алижон образининг саҳнавий талқини юзасидан иш олиб бордим.

Алижон родини Воҳид Абдуллаев исмли истиқболи порлоқ бир йигит ўйнарди. Мен у билан Алижон образини яратиш борасида ишлар эканман, ҳеч қандай махсус мактаб кўрмаган бу йигитнинг табиий истеъдодини кўриб таажжубда қолардим. У ўзининг тафаккури, интеллекти, жўшқин дарёдек ҳарорати ва маҳорати билан кишини мафтун этарди. Қадди-басти ҳам келишган, жудаям чиройли, табиатнинг барча неъматлари билан тақдирланган бу йигит театрининг барча репертуарига гуркираб кириб бораётган эди. Жумладан, у билан мен Ғофир образини ҳам тайёрлаб, уни «Бой ила хизматчи» спектаклига киритган эдим. У бу спектаклда ҳам Ғофир родини ажойиб истеъдод ва кўтаринкилик билан ижро этди. Аммо, эртасига келсам, театрда «Воҳид ўлди» деган гап. Киши ўз қулоқларига ишонмайди. Афсуски, бу ҳақиқат экан. Уни шаҳардаги чапани рақиблари пичоқлаб кетишган экан.

Хуллас, «Ҳамза» спектакли ўз Ҳамзаси билан, Санобари билан, Шодмонию Алижонни билан, шунингдек бошқа персонаж ва компонентларининг бадий баркамоллиги билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Премьерага Усмон Юсупов бошлиқ республикаимиз партия ва ҳукумат раҳбарлари, Чапаев номли мактабдаги госпиталда даволанаётган уруш қатнашчилари, барча томошабинлар келиб, спектаклни қизиқиб кўришди.

Премьерадан кейин спектаклнинг муҳокамаси бўлди. У даврда муҳокамада оддий томошабинлар ҳам қатнашарди. Сўзга чиққан театримиз мухлислари спектаклга

катта баҳо берди. Сўзлаганлар орасида айниқса, бир кишининг чиқиши кўпчиликнинг диққатини ўзига тортди. У киши ташқи кўринишидан ўзбекка ўхшаса ҳам соф рус тилида гапирди. Спектаклни ҳам махсус таржимон билан кўрган экан. Кўринишидан келишган, чеҳрасидан маърифат нури уфуриб турган бу киши госпиталь либосида эди. У спектакль муҳокамасида аниқ, асосли ва профессионал, етук гапирди. Хусусан, Ҳамза ва унинг онаси (Замира Ҳидоятова)ни жудаям реал, асосли ва ҳар томонлама тавсифлаб берди.

— Мен Ҳамзани кўрган эмасман. У ҳақда анча-мунча гапларни эшитганман ва рус тилида мавжуд бўлган матбуот хабарлари орқали таниш эдим, холос,— деди у,— мана энди менга ёрқин аён бўлдики, Ҳамза фақат шоир ва забардаст мутафаккир эмас, балки буюк революционер ҳам экан.

Кейинчалик бу киши билан қизиқдик. Бу жароҳатланган одам Амир Олимхоннинг ўғли экан. У Улуғ Ватан урушида яраланиб, Чапаев номли госпиталга тушиб қолибди. У ўз сўзларини шундай ҳаяжонланиб гапирдики, бу ҳаяжон беихтиёр бизга ҳам ўтди.

«Ҳамза» спектаклининг ўша пайтларда нечоғлик таъсир кучига эга эканлигини кўрсатиш муродида яна бир характерли мисолга мурожаат этиш мумкин. Гап шундаки, спектаклнинг иккинчи премьєрасига Ҳамзанинг Асқар исмли ўғли келди. Асқар Ҳамзаев бу пайтларда Тошкентдаги Чкалов номли самолётсозлик заводида, янглишмасам, инженер бўлиб ишларди. Ҳамза ўлдирилаётган саҳнада залдан ҳўнграб йиғлаган овоз эшитилди. Бу Асқарнинг йиғиси эди. Етим ака дарҳол туриб уни фойега олиб чиқиб кетди. Кейин кабинетга олиб кириб таскин берибди.

— Менинг кўзим энди очилди. Кўр эканман, Етим ака, кўр эканман,— деб ҳўнграбди у сира ўзини тутолмай,— отамнинг ўлимини бунчалик тасаввур қилмаган эканман. Ҳа, лаънати ёвузлар! Мен бу ерда нима қи-

либ ўтирибман! Оламда шунча ёвуз кишилар бору, мен нима қилиб ўтирибман, Етим ака!

Етим аканинг гапларига қараганда, у столни муштлаб анчагача йиғлаб, кимларгадир нафратини баён қилиб, куйиниб ўтирибди. Сал кун ўтмай «Асқар фронтга кетибди!» деган гап тарқалди. Маълум бўлишича, бу ҳақ гап экан.

Ниҳоят, яна бир тафсилот: 1942 йилнинг февраль ойи эди. Отам Насриддинбек касалхонада ётган эди, овқат олиб боришим керак эди. Оғадан рухсат олиб бордим. Аммо кечиккан эканман. Чунки отам қазо қилган экан. Хумдек бўлиб йиғлаб-йиғлаб уйга келдим. Бу хабарни эшитиб, уйда ҳам дувва йиғи-сиғи бошланди. Шунинг устига театрнинг директор ўринбосари Турди Исломов келиб қолди.

— Назираҳон, начора, бандалик экан. Тирикларнинг тану жони соғ бўлсин, хафа бўлманг,— деди таъзия билдириб.

— Раҳмат, Турди ака,— дедим мен, аммо бирор зарур иш билан келганлигини билганлигим учун сўрадим:

— Э-эй, буёқдаги аҳволни кўриб, айтишга ҳам тили бормаиди кишини,— деди Турди ака минг андиша билан.

— Айтинг, айта беринг. Ахир отамнинг ўлиmidан ҳам қаттиқроқ зарба эмасдир, бунисига ҳам дош берамиз,— дедим.

— Спектаклни қолдирайлик десак, вазиятни ўзингиз тушунасиш. Бусиз ҳам қаҳатчиликдан жуда қимматга тушади. Қолдирмайлик, десам Холида қаттиқ касал, Саодатни ўйнайдиган киши йўқ. Шунга нажот истаб сизнинг олдингизга келсам, бу ёғи...

Мен нима бўлсаям спектаклни қолдирмасликни илтимос қилдим.

— Иложи бориша Холида келсин. Агар жуда бўлмаса...

Спектаклни мен ўйнашимга тўғри келди. Саодат-

нинг кулиб, чақ-чақ очилиб юрадиган саҳналари бор эди. Бу жойларни қандай ўйнаганлигимни айтилмайман. Аммо унинг йиғлайдиган саҳналарида ўз дарду фироқим уфуриб келиб, тўйиб-тўйиб йиғладим. Лекин саҳна меъёрини ҳам сақлаб қолишга қўлимдан келгунча тиришдим. Қўзда ёш, лабда кулгу, дилда қайғу! Начо-ра, касбимиз шундоғ экан, бардош беришдан бошқа илож йўқ.

Спектакль тугади. Қайғумдан хабардор бўлган ёру дўстларим дарҳол атрофимни ўраб, таъзия билдирдилар ва кўнглимни бир оз бўлсаям кўтаришга, сал бўлсаям таскин беришга тиришдилар. Аммо мен оламдаги энг яқин кишимни, онасизлигимни билдирмасликка уриниб ўстирган қуёшимни мангуга йўқотган эдим. Қайғурмай, йиғламай бўлармиди! Шунинг учун ҳам барчани фотиҳага айтдим: февралнинг оппоқ ва изғиринли ойдin кечасида бўзлаб, отам жасади томон, Қашқар маҳалласи томон йўл олдим. Кимлардир мени кузатиб ҳам борди.

«МУҚАННА»

1942 йилда Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» номли драмаси устида иш бошланди. Постановкачи режиссёр С. М. Михоэльс, режиссёр Оға, ассистент мен эдим.

Бу асарнинг мен учун икки муҳим томони бор эди. Биринчиси, кимсан Михоэльс каби йирик режиссёр билан бирга ишлаш, иккинчидан, пьеса бошдан-оёқ шеър билан ёзилган эди. Аслида, мени ассистент қилиб олишларидан мақсад ҳам сўз устида ишлашга ёрдам беришим учун бўлса керак. Дарҳақиқат, амалда ҳам шундай бўлди. Менга асосан тил билан, хусусан, массовка тили билан шуғулланиш топширилди. Агар саҳнада 100 кишига яқин массовка борлиги ҳисобга олинса, бу вазифанинг аҳамияти ҳам анча аён бўлиб қолади.

Актёрлар билан ишлашдан аввал Оғам мени республика кутубхонасига жўнатдилар ва бир неча кун давомида у ерда ўтириб, Муқанна тарихини ўрганиб чиқишни буюрдилар. Мен ҳам энг нодир қўлёзмалар, тарихий манбалар асосида бу муҳим воқеани ўрганишга киришдим. Қўп меҳнат ва риязатлар ичида менинг ҳам мўъжазгина ҳиссам бор бўлган эса ажаб эмас. Аммо спектакль катта муваффақият билан чиққанлиги оддий ҳақиқат эди.

Айни уруш даврида «Муқанна» каби спектаклнинг қўйилиши, Ўзбекистон шаронти учун икки дамли шамширга ўхшарди. Бу шамшир разолатни ҳам, адолатни ҳам жароҳатлаб қўйиши мумкин эди. Чунки мамлакат ҳаёти хавф остида турган бир пайтда мусулмон динига қарши шу қадар кескин асарни қўйиш маҳаллий аҳолига терс хизмат қилиши ҳам мумкин эди. Оз бўлса ҳам шундай пайтда халқнинг ихлосини қайтариш хато бўлиши мумкин эди. Худди шу мулоҳаза билан бўлса керак, спектаклнинг премьераси гайри оддий ўтди.

Премьерага партия ва совет ходимлари, илгор зиёдилар билан биргаликда Ўрта Осиё ва Қозогистон диний назорат бошқармаси орқали бир талай диндор чоллар таклиф этилди. Бу кексалар армиясига назорат бошқармасининг бошлиғи Эшон Бобохон муфтининг ўзи раҳбарлик қилган эди.

Спектаклдан сўнг муҳокама бошланди. Театр раҳбарларининг қисқа информацияси, отахонларни таклиф этишдан мурод нима эканлиги тушунтириб берилгач, қизгин муҳокама бошланиб кетди. Ана шу ерда дин арбобларининг мутафаккирлиги намоён бўлди. Чунки улар Муқанна тарихини шу қадар мукаммал, аниқ билар эканки, бу воқеалардан бир оз диний майлда бўлса ҳам шу қадар тўғри ҳулоса чиқарар эканларки, киши бехתיёр таажжубда қолади. Тўғри, спектаклни қўлламай, уни зарарли дегувчи диндор чоллар ҳам бор эди. Улар ўз фикрларини очиқ-ойдин айтишди ва бу билан ўзла-

рининг фақат мистика таъсиридаги чекланган кишилар эканликларини ошкор этишди.

— Бу ерда кўрсатилган Муқанна воқеаси тарихга хилоф эмас,— деди ниҳоят Эшон Бобохон ўз ақидадошлари муҳокамасига хулоса ясаб,— шунинг учун бу томошани оммага бемалол кўрсатиш мумкин. Бу томоша етимпарвар, адолатпарвар давлатимизнинг баттол оломонларга қарши сиёсатига хизмат қилғувси. Шу боисдан ишларингизга барор ёр бўлсин!

Эшон Бобохон, гапини давом эттириб, немис фашистларига қарата дуойи бад ўқиди, Ватанимизга зафар тилади. Ниҳоят, спектаклга ҳам, жонажон Ватан мудофааси йўлида жонбозлик кўрсатаётган санъат арбоблари ишига ҳам оқ йўл тилади.

Спектаклни ишлаш, образларининг шаклланиши давомида эътиборни жалб этувчи воқеалар жуда кўп. Аммо саҳналаштирувчи режиссёр Михоэльснинг бир фазилати ҳаммамизни таажжубда қолдирди ва шу воқеадан хабардор бўлганларнинг қалбида бир умр сақланса керак.

Гап шундаки, Обид Жалилов Жалоир ролини ўйнар эди. Жалоир халойиқни масжидга тўплаб қуръонни шарҳлаб дуо ўқийдиган ва оятлардан парча келтирадиган жойи бор эди. Обид аканинг қуръон ўқишлари, айрим араб сўзлари ва ибораларини талаффуз этишлари ҳадеганда Михоэльсга ёқа бермади. Оға Обид акани ёқлаб гапирган эди. Оганинг ҳам ҳақ эмаслигини айтиб, «мана бундай қиласан», «бундай қиласан» деб туриб олди. Ниҳоят, қийналиб кетди шекилли, бир куни ўзи саҳнага чиқди.

— Обид Жалилович, қараб туринг,— деди у ва Жалоирнинг мизансценасини, ўтириб туришларини кўрсатди. Кейин, қориларга ўхшаб ўтириб олди-да, деди:— Ана, энди қулоқ солинг!

У қуръондан қайси бир сурани ўқий бошлади. Унча-мунча билар экан-да; деб ҳаммамиз таажжубда қолдик.

Аммо соф араб тилида ҳис-ҳаяжонга, эҳтиросга берилиб кетган ҳолда шунақаям қироат қилиб кетдики, ҳаммамиз анграйиб, қотиб қолдик. Обид ака ҳам, Оға ҳам, Михоэльснинг билимдонлигидан ҳайратда эди. У диндор ҳам эмасди, қуръонга ҳам ишонмасди. Аксинча, бизни мафтун этган нарсa унинг режиссёр сифатида забардастлиги, Шарқ халқларининг ҳаёти, тарихи, дини, урф-одатини чуқур билганлиги, ҳамма нарсанинг уйдасидан чиқа олиши эди. Икки оғиз гапини бир-бирига ёпиштира олмайдиган, ўз она тилини ҳам чала-чулпа гапирадиган аксарият «режиссёр»ларга қараб туриб, беихтиёр Михоэльс, Оға ва Етим акалар нечоғлик улкан арбоб эканлигига иқрор бўласан киши. Улар, агар зарур бўлса қуръон, таврот ва нижилни ҳам идеал даражада шарҳлаб беришга қодир кишилар эди. Зотан, бундай режиссёрлар санъатда олтин саҳифалар яратганлиги мўъжизами? Йўқ, албатта. Бу мўъжизанамо юксак ютуқлар улуғ тафаккур, маданият, илм ва мислсиз меҳнатнинг маҳсулидир!

ГЕНЕРАЛ ЁКИ САНЪАТ ЭТИКАСИ

1942—43-йилги мавсумда Ржешевскийнинг «Олеко Дундич» номли драмаси олинди. Саҳналаштирувчи Ш. Қаюмов, режиссёр Ржешевскийнинг ўзи эди. Бу спектаклда Олеко Дундич ролини Шукур Бурҳонов ижро этди. Мен аввал бир зиёли аёл, кейин эса Дундичнинг севгилиси Галя образини яратдим.

Шариф Қаюмов режиссёр сифатида сўзга талабчан, профессионал кучли билим эгаси бўлган санъаткорлардан бири эди. Шунинг учун бўлса керак, иккала ролда ҳам режиссёр билан фикримиз бир ердан чиқди ва образни шакллантириш мен учун унчалик қийин бўлмади. Галя ролини ўйновчи Шоҳидахоним Маъзумова уни ман-

ший планда талқин этган бўлса, мен уни лиро-драматик йўсинда ҳал этдим.

Умуман, ўзимга замондош бўлган бундай европалик аёллар образи менга деярли ҳеч қандай ижодий қийинчилик туғдирмасди. Аммо мен соф ва беғубор муҳаббат эгаси бўлган Галаяни эмоционал жўшқинлик жиҳатдан Олеко — Бурҳонов эҳтироси даражасига келтиргунча, бир оз риёзат чекдим.

Буларнинг ҳаммаси майлига, аммо бир куни кичик бўлса ҳам шундай бир воқеа рўй бердики, ибрат юзасидан уни гапириб бериш манфаатдан холи бўлмаса керак.

Бир куни репетицияга кетаётсам, ойбам қандай овқат қилиб қўйишни сўради. Мен биринчисига борш иккинчисига озгина саримсоқ қўшиб котлет қилиб қўйишни илтимос қилдим. Репетицияни тугатиб уйга қайтдим-да, овқатланиб, яна театрга, спектаклга келдим. Бу кеча «Олеко Дундич» бўлиб, мен Галя родини ўйнашим керак эди.

Спектакль кўнгилдагидай силлиқ, равон кетди. Госпиталь картинасига келганда Дундич билан ўпишадиган бир сахна бор эди. Дундич — Бурҳонов каравотда ётибди. У туриши мумкин эмас. Шунинг учун, мизансцена бўйича, мен — унинг севгилиси Галя каравот ёнига бордим. Диалогимни давом эттириб Дундичнинг каравоти чеккасига ўтирдим. У ишқ-муҳаббат, поклик каби юсак туйғулар ҳақидаги гапларни айта-айта секин қўлимни олиб ўлди. Кейин мени секин-аста авайлаб ўзига тортиб илиқ сўзларни айта бошлади. Энди ўпади, деб шундай яқинлашсам, кутилмаганда жаҳл билан «Ҳмм!» деди-да, томошабинга тескари турган юзимни қўлининг кафти билан итарди. Ўзи эса шу кайфият билан ётган еридан сакраб туриб кетиб қолди. Мен таажжубландим, нима бўлганига ақлим етмади. Аммо спектаклни тўхтатиш ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳамма нарсани унутдим-да, импровизация қилиб кетдим.

— Олеко, сен ҳали туришинг мумкин эмас, ёт, ўжар

бўлма, ёт дедим, бўлмаса хафа бўламан, ёт!— каби сўзлар билан гоҳ яллиниб, гоҳ буюриб Шукурни бир оз юмшатгандай бўлдим-да, ўрнига келтириб ётқиздим.

Яна ўша жойимга ўтирдим-да, Шукурнинг кўзларига қараб «Нима бўлди?» дегандай қилиб «Ҳмм?» дедим. «Саримсоқ» деди у ғижиниб. Ана шундагина гап нимада эканлигига тушундим. Демак, мен еган котлет ичидаги зиғирдакки саримсоқнинг ҳидини ҳам сезган экан. Фақат Шукур Бурҳонов каби саҳнани муқаддас деб билгувчи чинакам санъаткорларгина ана шу кичкина эътиборсизликка ҳам шу қадар жисму жонни билан аҳамият бериши мумкин.

Қайтиб на мен, на Шукур Бурҳонов образ ҳолатига киролмадик. Шунчаки ёдланган сўзларни қайтариб, бир бало қилиб шу кўринишни охирига етказдик. Парда ёпилиши биланоқ гримхонамга югуриб кетаётган эдим, саҳнадан чиқиш жойидаги эшик олдида Шукур Бурҳонов кутиб турган экан, маҳкам ушлаб олди.

— Қанақа актрисасиз, дид борми ўзи? Театрга ҳам саримсоқ еб келадими? Агар иккинчи марта шундай қилсангиз, мендан хафа бўлманг,— деди.

Мен чин кўнгилдан узр сўрадим. Чунки Шукур Бурҳоновнинг қалбини ҳам, меҳрини ҳам, санъат ва санъаткорларга нисбатан талабчанлигини ҳам яхши билардим. У саҳнага тил теккизувчи нобакорларни жинидан ҳам ёмон кўрар, саҳнага ҳурматсиз бўлган кишиларни заррача ҳам ҳурмат қилмасди. Репетиция ва спектакль пайтларида ҳам кулислар жимжит бўлса, партнёри берилиб ўйнаса, илоҳий бир илҳом билан ижод қиларди. Агар шулардан бирортаси муҳайё бўлмаса, унинг панжасига тушган кишининг ҳоли вой эди. У жанжал, икир-чикир, майда-чуйда гапларни ёмон кўрар, бундай ишлардан қочиб юрар, санъат покизалиги ва тартибини эса илоҳийлаштирарди. Ана шундай тартибсеварлиги учун ҳам театрда барча уни генерал деб эъзозлар, дарҳақиқат санъатнинг бу чинакам генерали театрда пайдо бўлиши,

санъатга алоқаси йўқ ҳамма нарсанп бирваракайига ҳайдаб чиқарарди. Барча актёрларнинг яқдиллик билан айтишларича, Шукур Бурҳонов ҳанузгача театрда поклик ва тартибнинг посбони ҳисобланади. Шунинг учун уни барча забардаст актёр сифатида ҳам, театр ахлоқининг жонкуяр посбони сифатида ҳам эъзозлаб келади.

«БРАНДЕНБУРГ ҚОПҚАСИ»

Уруш йиллари қўйилган спектакллардан бири Михаил Светловнинг «Бранденбург қопқаси» (яъни дарвозаси) асари бўлиб, мен бунда бош қаҳрамон Таня ролини ижро этдим. Спектаклнинг режиссёри Марк Аронович Рубинштейн эди.

Шу айёмларда қандайдир мавзуда Иттифоқ бўйлаб конкурс эълон қилинган бўлса керак, бу пьеса жуда кўп театрларда қўйилган эди. Асар жудаям оптимистик руҳ билан суғорилган бўлиб, унда уруш даврида яшаб туриб, урушдан кейин бўладиган замонлардаги воқеа нақл қилинарди. Гарчанд шундай бўлса ҳам, асосий мавзу уруш масаласи эди. Аниқроғи, урушдан кейинги давр кишилари ўзларининг уруш даврида бошдан кечирганларини эслардилар ва саҳнада асосан ана шу эсдалик ва хотираларда нақл этилаётган воқеалар намоиш этиларди.

Таня образининг мен учун бир мураккаб жиҳати бор эди. У ҳам бўлса унинг фронтда қатнашганлиги ва кўп саҳналар Таниннинг фронтдаги ҳаёти билан боғлиқлиги эди. Мен бўлсам на фронтда бўлганман, на порохнинг исини биламан.

Образнинг қийинчилиги энг аввал ана шу ерда, яъни урушнинг заҳматларини бошдан-оёқ ўз елкасида кўтариб келган, аммо шунга қарамай, соф муҳаббат туйғусини сақлаб қола олган фронтовичка аёлнинг психологиясини яратишда эди. Шунинг учун образнинг бу қир-

расини очиш учун калит топишга астойдил уриниб, газета ва журналларни, Совинформбюро ахборотларини диққат билан кузата бошладим. Бунга ҳам қаноатланмай, Тошкент шаҳрида яшовчи фронтовичка аёллардан қидира бошладим. Аммо кўнгилдагидай типаж топа олмадим. Шунинг учун ҳам асосий кучни матбуот материалларини ўрганиш ва асар мантиқини, Таянинг пьесадаги психологиясини чуқурроқ ўзлаштиришга қаратиш маъқулроқ кўринди. Шундай қилдим ҳам. Меҳнатларим зое кетди, деб айта олмайман. Ҳар ҳолда жамоатчилик, маҳаллий матбуот спектаклни ҳам, Тая образини ҳам мамнуният билан кутиб олди.

Бу спектаклни ишлаш жараёнидаги айрим лавҳалар ҳанузгача хотирамда маҳкам ўрнашган. Жумладан, сўнгги репетициялардан бирида бундай қарасам, пастки томонга нишаб қилиб ишланган саҳнадаги «йўл»дан «дўқ-дўқ» этиб кичкинагина бир солдатча келяпти. Милтиғи шу қадар узунки, унинг бўйига икки баравар келади, десам муболага бўлмас. Бундай разм солиб қарасам, атоқли комик актёр Миршоҳид ака Мироқилов экан. Шайтонимни босолмай кулиб юбордим.

— Кулма, йиғлашинг керак,— деди Миршоҳид ака.

— Милтигингизни қаранг,— дедим-да, яна кулгимни тўхтатолмадим.

— Айтдим,— деди бу дафъа ўзи ҳам мийиғида кулиб,— арралаб беришмаса нима қилай!

Роса кулишдик. Ҳамма ҳолатдан чиқиб кетди. Нонлож, бу саҳнани ташлаб ўтиб кетишга мажбур бўлдик.

Жўссаси кичик, аммо истеъдоди улкан бўлган бу актёр, яъни Миршоҳид Мироқилов, чинакамига санъат учун туғилиб, ўз жойига тушган катта саҳна арбобларидан бири эди. Одатда табиат бундай туғма талантларни аҳён-аҳёнда бунёд этади. Ўзбек совет театри саҳнасида ҳозирга қадар бу хилдаги санъаткордан атиги икки киши бор эди. Бири Ҳожи Сиддиқ Исломов бўлса, иккинчиси Миршоҳид Мироқиловдир. Уларнинг саҳнадаги ижодий

анъаналарини бугун Ўзбекистон ССР халқ артистлари Сойиб Хўжаев ва Ғани Аъзамов давом эттирмоқда.

Миршоҳид аканинг барча ҳаракатлари, оддий гаплари ҳам тўла ҳикмат ва қувноқ кулгининг манбаи эди. У киши гапирганида қўл, оёқ, бош, қош, хуллас, бутун вужуди патир-путур этиб қўшилиб турарди. Бу ушоққина жуссада шу қадар катта даҳо, истеъдод, юмор, тафаккур жойлашганлигини кўриб таажжубда қоларди киши. Агар афсоналарда шундай образ тасвирланса, киши шубҳаланиши мумкин, аммо қадди-қоматдан (яъни бўйдан) бошқа табиатнинг барча неъматлари билан мукаммал эъозланган Миршоҳид ака реал бир шахс, забардаст маданият ва санъат арбоби эди.

Шу спектаклда қўғирчоқ магазинининг сотувчиси ролини ўйнаган Олим Хўжаевнинг истеъдоди ҳам алоҳида эътироф ва таҳсинга лойиқ эди. Театрда асосан лирик қаҳрамон ва ёшлар образи ижрочиси сифатида танилиб қолган бу актёр шунақаям чиройли характер яратдики, бу улкан санъаткорларгагина насиб этгулик бир ютуқ эди. Мана энди, неча замон ўтиб, эндиликда очиқ-ойдин аён бўлиб турибдики, ўша пайтдаёқ ҳам лирик, ҳам қаҳрамонлик, ҳам характерли типлардаги образларни бир хил маҳорат билан ярата олган СССР халқ артисти Олим Хўжаев замонамизнинг чинакам забардаст санъаткорлари даражасига етган.

Шу спектакль билан боғлиқ бўлган яна бир кичик эпизод Шукур Бурҳонов билан боғлиқ. Гап шундаки, Шукур у даврда рус тилининг талаффузини унчалик яхши билмасди. Аммо бу спектаклда у капитан Максимов исмли рус йигитни ўйнар ва унинг «Вот мчится тройка удалая», деб бошланувчи ашуласини рус тилда ижро этиш билан, ҳаммани маҳлиё қилган эди. Ашула сўзларининг талаффузи устида биргаликда ишладик. Мен бу рус халқ ашуласини ёшлигимдан билар эдим. Уни отам ҳам завқ билан куйларди. Ушандаёқ бу ашула хотирамга ўрнашиб қолганди.

«Бранденбург қопқаси» спектаклини томошабинлар қизгин қабул қилди. Спектакль репертуарда анча яшадим, кўп минглаб томошабинларни жалб этди ва ўз даври учун муайян ижобий роль ўйнади.

МУАТТАР ГУЛЛАР ДАСТАСИ

Шу орада театрга Б. Лавреневнинг «Денгизчилар шарафига» («За тех, кто в море») пьесаси олинди. А. О. Гинзбург саҳналаштирувчи, мен режиссёр. Шабунинга ролида Сорахоним, Елена Горелова—мен, Қлабуков—Олим Хўжаев, капитан Боровский—Наби Раҳимов, адмирал—Обид ака, капитан—Шукур Бурҳонов. Роль тақсимотидан ҳам кўриниб турганидек, бу спектаклга театрнинг забардаст санъаткорларидан бир гуруҳи жалб этилган эди.

Менинг ролим—Елена Горелова тақдири мураккаб бир образ эди. У флот артисткаси. У саҳнадаги ҳаёти давригача жуда кўп машаққатларни бошидан кечирган. Эри урушда ҳалок бўлган, болаларини эса унинг кўз ўнгидан немислар отиб ташлаган. Шунча даҳшатга қарамай матонатли бу аёл ўзида муҳаббат туйғусини сақлаб қола олган ва флот капитани Боровскийни (Наби Раҳимов) яхши кўради. Капитан Боровский эса мунофиқ бир шахс бўлиб, Ленанинг пок муҳаббатига арзимасди.

Бу образ менга жудаям ёқарди. У уйланган кишини севиб қолади. Шунинг учун ҳам уни виждон азоби қийнайди. Гарчи жамият орасида юрганда қувноқ кўринса ҳам, аслида виждон азобида ўртаниб юради. Севги ва хиёнат, поклик ва виждон азоби туйғуларини бир образ қобиғида, аynи бир пайтда мужассамлаштириш қийин эди.

Елена қатъиятли, ақлли аёл, санъатни юксак қадрловчи актриса сифатида чуқур ўйлаб иш тутарди. Шунинг

учун ҳам кўп мулоҳазалардан кейин Боровскийни ҳайдаб чиқаришга, унинг мунофиқона аврашларига рад жавоб беришга қарор қилади.

Айни шу мураккаб саҳна учун постановкачи А. О. Гинзбург ажойиб шароит яратиб берган эди. Саҳна икки қаватли бўлиб, юқори қават артистка Горелованинг гримхонаси эди. Гримхонада иккита катта катта ойна осилган бўлиб, томошабинлар Еленанинг бутун изтироб ва ҳиссиётини шу ойнадаги акси орқали кўрарди. Мен гримхонага кириб келган Боровскийга қайрилиб ҳам қарамасдим ва унга шу ойна орқали муомала қилардим. Бу мен учун ҳам, партнёрим учун ҳам жуда катта қулайлик туғдирарди.

Ана шу саҳнада Боровскийни ҳайдаб чиқаргандан кейин ўзимин диванга ташлаб, ҳўнграб йиғлаб юборардим. Бу кўз ёши, афсусланиш, қайғуриш, изтироб чекишдан эмас, балки Боровскийдек нопок унсурдан қутулиш қувончнинг ифодаси эди.

Мен ўз Еленамга ялтироқ, жуда чиройли либос тиктирдим. Чунки у актриса. Иккинчидан эса, ана шу усти ялтироқлик унинг ички изтиробларига контраст бўлиб хизмат қиларди. Гарчи усти ялтироқ, чиройли, гўзал аёл бўлса ҳам бу пок вужуд бошида шу қадар кўп ташвишлар бор эдики, бу изтироблардан унинг бутун ички олами доим энр титраб гурарди. Ана шу матонати учун ҳам уни флотдаги барча каттаю кичик чин қалбидан ҳурмат қиларди. Ҳар ҳолда Елена чуқур драматик психологизм билан сугорилган образ эди. У ҳар қандай артистка учун ўзининг маҳоратини, ижодий имкониятларини юзага чиришда бой адабий манба сифатида хизмат қиларди. Шу спектакль борасида гап кетганда Олим Хўжаевнинг изланиш истеъдоди ҳақида айтиш зарур. Гап шундаки, Олим Хўжаев (Клабуков) билан Сора Эшонтўраева (Шабунина)нинг севги изҳор қилиш саҳнаси бор. Бироқ унинг қаҳрамони Клабуков ниҳоятда тортинчоқ йигит. Шунинг учун ҳам у ўз дилидаги муҳаббатини Шабунини

нага айтишга ботинолмайди. Шунда Олим Хўжаев репетициялардан бирида ажойиб бир ҳолатни яратди. У муҳаббат изҳор қилиш учун Шабунинага гапирмади-да, унга меҳр билан тикилиб-тикилиб пианино ёнига борди. Кейин томошабинга ҳам, севгилиси Шабунинага ҳам тескари турган ҳолда чуқур оҳ тортгандек бир клавишни босди. Сўлим бир нота унинг дил ҳиссиётини сўйлагандек бўлди. Кейин турди-турди-да, яна мулойимроқ бошқа бир нотани чалди. Пианинонинг ҳар бир фасоҳатли нолиши гўё «азизим, мен сени севаман, бутун борлигим билан севаман», деяётгандай эди. Бу саҳна жуда ифодали ва бадийлик касб этувчи саҳналардан бири бўлди.

Бу ихтиро саҳналаштирувчи А. О. Гинзбургга ҳам, режиссёр сифатида менга ҳам жуда маъқул тушди. Шундан кейин А. О. Гинзбург бу саҳнага янада сайқал берди ва Шабунинани ҳам пианинога яқинлаштирди. Унинг тавсиясига кўра Шабунина ҳам ўз меҳру муҳаббатини пианино орқали изҳор эта бошлади. Олим Хўжаев ўз муҳаббатини изҳор этиб бир нотани чалса, Сора унга жавобан бошқа нотани чалар, натижада сўлим, дилкаш ва дилбар лирик вазият вужудга келарди.

Бадий етук ва камолотга етган «Денгизчилар шарафига» спектакли жамоатчиликда ҳам, театр коллективиди ҳам яхши таассурот қолдирди. Хусусан, унда иштирок этган артистлар ўз маҳоратини янада такомиллаштириш, реалистик ижод асосларини янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш имкониятига эга бўлди. Бу спектакль Ҳамза номли Академик театрнинг ижодий ривожини йўлида маълум бўсага эди десак, хато бўлмайди.

«СЕПСИЗ ҚИЗ» САВДОСИ

Бу спектаклга Москвадан Амонтов деган машҳур рус совет режиссёри постановкачи сифатида таклиф этилди. Мен бўлсам режиссёр қилиб тайинландим.

Бахтга қарши, мен билан постановкачи орамизда роль тақсимотиданоқ келишмовчилик бошланди. Жумладан, Кнуров бу — йиртқич бургут, пихини ёрган савдогар. Бу ролни шундай бир актёрга бердики, гарчи бу актёр ўз истеъдоди, санъатга қилган хизмати туфайли алоҳида ҳурматга сазовор бўлса ҳам, А. Н. Островскийнинг Кнуровини яратишга ожиз эди. Шунингдек, Вожеватов роли устида ҳам келишмовчилик бўлди. Маълумки, Вожеватов — энди бош кўтариб келаётган савдогар. У кнуровлар олдида ҳали бургутнинг палапонига ўхшарди. Аммо бу палапон бир кунги ёвуз бургут даражасига кўтарнлиши мумкин эди. Ана шу мантиқий нозик томонларни очиб бериш учун актёр нечоғлик зукко, юксак маданиятли бўлиши лозимлиги табиийдир. Бундай психологик жараёнларни акс эттириш учун фақат истеъдоднинг ўзи кифоя қилмайди. Вожеватов роли берилган актёр эса рус классик драматургиясини, рус буржуазиясининг табиатини етарли даражада ҳали билмас эди.

Образлар талқинида ҳам баъзи бир келишмовчиликлар юзага келди. Жумладан, Огудалова — эпчил, ҳийлагар, ўта қув аёл. Ўзбекистон ССР халқ артисти Марьям Ёқубова талқинида эса образнинг феъл-атвори бирданига кўзга ташланади. Томошабин бир кўришдаёқ унинг ҳийлагарлигини дарҳол пайқаб қўя қоларди. Пьесага кўра Огудалованинг чинакам устомонлиги, қувлиги бирданига кўринмасди. Фикримча, образнинг бундай ҳал этилишида аввало биз, режиссёрларнинг айбимиз бўлган. Чунки, агар Марьям Ёқубова олдида тўғри ижодий вазифалар қўйилганда, у образнинг характерини тўғри йўсинда очган бўларди.

Албатта, шу яна бошқа бир қатор сабабларга кўра спектаклнинг умумдаражаси талабга тўлақонли жавоб бера олмаса ҳам, бироқ яхши ўйналган роллар мутлақо йўқ эди, деб бўлмайди. Аксинча, спектаклга ҳаёт бағишлаган Паратов (Олим Хўжаев), Карандишев (Наби Раҳимов), Лўли (Ҳабиб Саъдий), Робинзон (Шариф

Қаюмов) каби бир қанча образларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ҳабиб Саъдий жуда ажойиб комик, ширадор овозга эга, ғоят эҳтиросли, истеъдодли бир актёр эди. У ўйнаган Лўли роли ҳам шу қадар кўркем, серзавқ чиққан эдики, парда ортидан унинг овози эшитилиши билапоқ актёрлар қалбида ҳам, томошабин чеҳрасида ҳам ажойиб бир қувонч пайдо бўларди. Айниқса, у гитара билан ашула айтганда, овозининг чиройли оҳанги ҳаммани мафтун этарди. У бир маҳаллар музикали драма театрида «Фарҳод ва Ширин» спектаклида Шопур образини ҳам қиёмига етказиб яратган эди. Истеъдодли санъаткор Лўли образини ҳам Европа сахналарининг энг яхши талқини даражасигача юксалтира олди. Ўз замонасининг бу забардаст актёри, ҳозирда ота йўлини шараф билан давом эттираётган ёш истеъдодли санъаткор Хайрулла Саъдиев ва Ёдгор Саъдиевларнинг отаси эди.

Шариф Қаюмов Робинзон образини А. Н. Островский талаб этган даражага кўтара олган, чиндан ҳам тегаран тафаккур ва кўксак маданиятга эга бўлган катта талант эди. У образ талқини, ҳатто Робинзоннинг кийимларигача ўзи гапириб берди ва фикрини асослаб исботлай олди.

Шариф Қаюмов бу образнинг талқинида исқирт робинзонлардан мутлақсоз воз кечди. Аксинча, у элегант кийинган, ўз ҳомийлари бўлмиш катта савдогарларга хос ҳаракат қиларди. Актёр ижросида Робинзон масхарабоз эмас, хушчақчақ кишилар кўнглини кўтаришга интилган инсон. Унинг бирдан бир нуқсони — ичкиликбозлик.

Спектаклдаги Лариса ролини мен билан Сора Эшон-тўраева ўйнардик. Бизларнинг талқинимизда Лариса мутлақсоз икки хил эди. Сорахон талқинида Лариса қув-

А. Н. Островскийнинг «Сеп-
сиз қиз» номли драмасидан
Лариса ролида.



ноқ хушчақчақ, бироқ фожиавий қисматга эга аёл қиёфаси акс эттирилганди. Менинг Ларисам эса муҳаббатига эришолмаганлигидан ҳам пардаси билан чулганган эди. Айниқса, онаси Огудалова томонидан камситилиб сотиб юборилиши, «мен буюмман, энди ҳақиқий номим топилибди» деб айтган сўзлари ва бошқа кўпгина мантиқий манбалар менга Лариса образини мунглироқ яратиш унинг фожиавий қисматиини кўрсатиш имкониини берган, эди. Шу нуқтаи назарлардан қараганда, у Кнуров, Вожеватов, Қарандишев, Паратовлар томонидан эзгилаб ташланган кўкламдаги наввиҳол, гўзал бир гулга ўхшарди. Мен Лариса образига ана шу руҳни сингдиришга интилдим.

«АЛИШЕР НАВОИЙ»

«Сенсиз қиз» спектаклидан кейин М. Ю. Лермонтовнинг «Маскарад» пьесаси ншга олиниб, мен бу спектаклга ҳам режиссёрлик қилдим ҳам бош роль — Нинани ижро этдим. Спектаклнинг постановкачиси Амонтов эди. У киши театримиз ижодий имкониини унча-мунча билса ҳам чуқур таниш бўлмаганлиги сабаб, роль тақсимиини асосан Оға ўтказди. Шундай қилиб, Нина — мен, Арбенин Наби Раҳимовга тушди. Шунингдек, спектаклда Муҳсин Ҳамидов, Олим Хўжаев, Шоҳида Маъзумова каби бир қатор йирик актёрлар ҳам банд эди.

Нина образининг талқини масаласида батафсил тўхтаб ўтиришнинг ўрни йўқ. Чунки Европа репертуари менинг «мулким» бўлганилиги туфайли бу образнинг психологик асосларини жонлантириш унчалик риёзат берди, деб айтолмайман. Бирдан бир хавф Нинанинг Дездемонага ўхшаб қолишлиги эдики, бунинг олдини ҳам олдик.

Спектакль, умуман олганда, муваффақиятсиз чиқди. Расмий танқидчилик ҳам спектаклнинг айрим ижобий томонларини таъкидлаб, умуман, қаттиқ танқид остига олди. Ҳар ҳолда «Правда Востока» газетасида босилган

театршунос олима, доцент Хоролнинг апча катта муфассал тақризи ҳам айна шу майлда эди.

Аммо шу орада театрда «Навойи, Навойи» деган бир шов-шув шамоли олиб қолди. Гап нимада эканлиги тайин эмас, лекин бу миш-миш сира тинмас, тобора кенгайиб борарди. Ниҳоят, бир кун мени Оға ўз ҳузурига чақирди. Шундагина бу миш-мишнинг асрори бир оз ёриша бошлагандек бўлди.

— Назираҳон,— деди ҳузурига кириб боришим биланок дабдурустдан Оға,— Алишер Навоийнинг қайси асарларини ўқигансиз?

Мен жудаям мулзам бўлдим. Чунки Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»и ҳамда беш-олтита газалидан бошқа ҳеч нарсасини ўқимаган эдим. Шунини у кишига айтдим. Оға таажжубланди.

— Сиздек фозила аёлнинг шаънига тўғри келмайдиган иш бўлибди-да,— деди Оға ва нега чақирганини ҳам айтмасдан, қўлимга Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонини тутқазди-ю, қўшиб қўйди:— Шу бугундан бошлаб сиз репетициялардан бўшсиз, Навоий номли марказий кутубхонага бориб Алишер Навоийнинг даври, ижоди, тили билан шуғулланинг. Гап бор.

Оға «гап тамом», дегандек маънодор сукут қилди. Мен ҳам хайрлашиб чиқиб кетдим ва тўғри айтилган кутубхонага бориб навоийхонликни бошладим. Ўша пайтлар Алишер Навоий ҳақида илмий-тадқиқот ва нашр материаллари жудаям кам бўлганлиги сабаб, асосан араб графикасидаги қўлёзма, тошбосма ва расмий босма китоблар ичида шўнғиб юришга тўғри келди. Ая шу айёмда ажойиб сермазмун ва гўзал бир олам билан, Алишер Навоий каби забардаст, давроннинг ижодий хазинаси билан кенг танишиб чиқишдек бахтга муяссар бўлдим. Мен ҳар бир ўқиб чиққан тарихий, бадиий, фольклористик асарларни мухтасар конспект қилиб борардим ва кунда ёки кун ора Оғага ҳисобот берардим. Тез орада бу ишга шу қадар берилиб кетибманки, Оға

«ҳа, дуруст, ана энди сиз билан гаплашса бўлади», деганидан кейин ҳам кутубхонага иштиёқ билан йўл олиб юрдим. Ниҳоят, бир кунги Оға мен кутубхонага боришдан олиб қолиб, дарди дилини очди.

— Назираҳон,— деди Оға,— яқин орада Уйғун билан Иззат Султон Алишер Навоий ҳақида пьеса олиб келади. Мен қўйсам керак. Сиз режиссёрлик қиласиз. Шунинг учун ҳозир бор кучингизни режиссурага қаратинг.

Бу мен учун жудаям катта иноят ва бахт эди. Чунки бир томондан, Оға назорати остида режиссёрлик қилиш, иккинчи ёқдан, эндиликда менинг ҳаётимга мазмун бўлиб қолган Алишер Навоий каби буюк сиймо образи устида ишлаш! Ҳа, бу чинакамига катта бахт ва иноят эди.

— Оға, ишни нимадан бошлайин?— дедим.

— Ишни бошлаб бўлгансиз. Ишни Навоийнинг даври ва ижодини мукаммал ўрганишдан бошладингиз. Энди шу ишни давом эттирасиз. Мен Иззат Султон билан ва бошқа навоийшунос олимлар билан келишиб қўйгаман. Театрда Навоий даври ва ижодини ўрганиш бўйича юксак савияли лекциялар силсиласини уюштирамиз. Бу ишга ўзингиз раҳбарлик қиласиз. Ҳозироқ завтруппага айтиб эълон чиқартиринг. Эртага Иззат Султон Навоий ҳақидаги биринчи лекциясини бошлайди.

Театрда навоийхонлик фаол бошланиб кетди. Бу лекциялар йирик олимлар томонидан ўқилганлиги, улар ўзбек халқининг буюк фарзандига бағишланганлиги, ҳали оламга келиб улгурмаган пьеса объектига бағишланганлиги учун мислсиз қизиқиш уйғотди. Бу лекцияларга ҳамма, катта-ю кичик жону дили билан келар, қулоқ солар, саволлар берар, баҳслашар эди.

Ана шу қизгин айёмлардан бирида пьеса тайёр бўлганлиги ҳақида хушхабар келди. Пьесани муҳокама қилишга ижодий коллектив ҳам ҳар томонлама тайёр бўлиб қолган эди.

Пьеса ўқилди. Асар ҳаммага умуман маъқул бўлди. Ундаги камчилик ва нуқсонлар ҳам хас-пўшламасдан

айтилди. Аксинча режиссёр, актёр ва муҳокамада иштирок этган адиблар пьесани ипидан-игнасигача таҳлил этиб, уни бадний қиёмига етказишни тавсия этдилар. Пьеса қайта ишлаб келинган, яна шу тарзда муҳокама этилиб, айрим жузъий нуқсонларни бартараф этиш учун яна қайтарилди. Ниҳоят, учинчи муҳокамадан кейин пьеса саҳналаштиришга тавсия этилди ва муҳокама пайтида айтилган камчиликлар репетиция жараёнида тузатиб борилиши зарур эканлиги уқтирилди.

Ҳозирги кунда «иждодий ҳамкорлик», театр билан драматургнинг ҳамкорлиги деган тушунча остида қандай маъно борлигини билмайман. Фикримча, «иждодий ҳамкорлик» бу икки чинакам мутафаккир куч — санъаткор билан адибнинг ҳақиқий теран мазмунли фикрдошлигидир. Айтайлик, Оға, Етим ака, Сайфи қори ака, Обид Жалилов каби йирик санъаткорларнинг ҳар бири жуда катта билimgа эга бўлган, юксак тафаккурли олим санъаткор эди. Шунинг учун ҳам улар билан суҳбатлашган, баҳслашган, фикрлашган драматург билардики, бу суҳбат икки улкан тафаккурнинг тўқнашувидан иборат. Ана шунинг учун ҳам драматургларда санъаткорларга нисбатан эътиқод жуда юксак эди. Ўз навбатида санъаткорлар ҳам драматургларга юксак эҳтиром кўрсатиб, ўз фикрларини хайрихоҳона, ошкора ва тўла-тўқис баён қиларди. Ана шу ўзаро ишонч туфайли бу муҳокамалар чинакамга теран ҳамкорлик тусини оларди.

«Алишер Навоий» пьесасининг яратилишида ҳам ана шу чинакам ҳамкорлик ўз шарофатини кўрсатди. Бу хайрли ишнинг бир қанотида Уйғун ва Иззат Султон каби икки йирик адиб, иккинчи томонда эса Оға бошлиқ улкан санъаткорлар турарди.

Ҳар даврнинг ўз удуми, ўз анъанаси бор. Шу нарсa роль тақсимоотида ҳам яққол кўриниб турарди.

Маълумки, одатга кўра роль тақсимланаётганда, у ёки бу актёрнинг иждодий имконияти, иждодий лаёқати ҳисобга олинади. Жумладан, комик актёрларга кўпинча

комик характерга эга образлар, лирик қаҳрамон йўсинидаги актёр ва актрисаларга бош лирик роллар топирилади. Шунингдек, «кичик роллар», «характерли роллар», драма ёки трагик образларнинг моҳир яратувчиси каби тушунчалар мавжуд бўлиб, ролни тақсимловчи режиссёр кўпинча шу жиҳатларини ҳисобга олади. Бунинг устига актёрнинг қадди-қомати, овози, эҳтироси, интеллекти каби факторлар ҳам эътиборга олинади.

Оға билан Етим ака роль тақсимлаганда эса деярли мутлақо бошқача йўлдан борарди. Албатта, улар юқоридаги анъанавий тартибларни мутлақо инкор этарди, деб ҳам бўлмайди. Аммо бу икки улкан режиссёрнинг роль тақсимлаш усулида маълум мантиқий асос бор эди.

Гап шундаки, Оға ҳам, Етим ака ҳам роль тақсимлаганда, актёрнинг ижодий лаёқати ва физиологик хусусиятларига кўра, уларнинг тафаккури ва психологик реакциясига кўпроқ эътибор берарди. Жумладан, у ёки бу пьесани муҳокама этаётганда айрим актёрлар куйиб-пишиб ё образни, ёнинг бирор саҳнани ҳимоя қилиб қолади. Аксинча ҳам бўлиши мумкин, яъни айрим актёрлар бирор образ ёки саҳнадаги нуқсонни қаттиқ танқид остига олиши ҳам мумкин. Бошқа бир актёрлар эса жим, бефарқ ўтира беради. Ана шундай пайтларда Оға ва Етим ака ўша куйиб-пишган актёрни маҳкам ушлар эди-да, қадди-қомати, ампуласи тўғри келадими, йўқми ўша ролни шу актёрга берарди. Даставвалаги бу «тақсимот» кишига ботмас, ғалати туюларди. Аммо бора-бора устозлар заршуиослик билан иш кўрганлиги аён бўлиб қоларди.

«Алишер Навоий» пьесасидаги роллар тақсими ҳам аynи шу тарзда бўлди. Мен ҳам режиссёр сифатида ўзимча ролларни тақсимлаб қўйган эдим. Менимча, Алишер Навоий роли албатта Олим Хўжаевга берилиши керак эди. Чунки бу актёр ўзининг шоирона табияти, интеллекти ва бошқа барча хислатлари билан аynи мен кўз олдимга келтирган Навоийнинг ўзи эди. Амал-

да эса тескари бўлиб чиқди. Оға ҳеч иккиланмай Навоий ролини Аброр акага берди ва Олим Хўжаевни халёлига ҳам келтирмади. Мен ўзимча хафа бўлдим. Чунки Аброр ака бундан олдинроқ «Жалолиддин» драмсида халқ қаҳрамони, саркарда Темурмалик образини яратган эди ва бу темир продали, матонатли, титан халқ қаҳрамонини шу қадар юксак бадий умумлашган образ даражасига етказиб қўйган эдики, Навоий образи ўз нафосати, табиатининг юмшоқлиги ва тафаккур маданияти билан мутлақо Темурмаликнинг акси эди. Аммо, начора, Оғага эътироз билдиришга ҳеч ким журъат этолмасди.

Фақат бу эмас, бошқа ролларда ҳам шундай бўлди. Мен, мунажжим ролини гавдали, бўй-басти улкан, узун бўйли Шокир Нажмиддиновга мўлжаллаган эдим, Оға эса бу ролни Ғани Аъзамовга тоиширди. Абдулмалик ролини Шариф Қасомовга деб ўйласам, уни Ҳикмат Латиповга берди. Менинг ўзимга Гули ролини берган эди, мен режиссурага астойдил бел боғлаганлигим боиси бу ажойиб ролдан қатъий воз кечдим. Мана, йиллар оша энди яққол кўриниб турибдики, Оға роль тақсимоотида сира адашмаган экан.

Ҳозирги кун ўқувчи ва томошабини Алишер Навоий ролида фақат Олим Хўжаевни билади. Шунинг учун ихчамгина изоҳ бериш жоизга ўхшайди.

Гап шундаки, Олим Хўжаев яратган Алишер Навоий образининг мукамал талқинини кўрган ва эшитган кишига, Аброр ака гавдалантирган Алишер Навоий образи бундан ҳам юксакроқ, теранроқ, мукамалроқ эканлигини тушунтириб бериш қийин. Шуни айтиш кифояки, агар Олим Хўжаев яратган Алишер Навоий образи ғоят баркамол бўлса, Аброр ака яратган Алишер Навоий образи мислсиз даражада эди. Бошқача таъбир этганда, бу икки улкан актёр яратган Алишер Навоий образи санъат бўстонида мангу виқор тўкиб турувчи икки буюк чинорга ўхшайди.

Олим Хўжаевнинг Алишер Навоий ролини ўйнашга киришуви ҳам эътиборга лойиқ. Гап шундаки, спектакль гуркираб кетиб турган пайтларда Аббор аканинг соғлиқлари ночор бўлиб, тез-тез касал бўла бошлади. Шунда, Оғанинг ижсзати ва таклифига кўра мен Олим Хўжаев билан Навоий образини яратиш устида ишлашга киришдим. Не кўз билан кўрайки, биринчи учрашувимиздаёқ бу истеъдодли санъаткор Навоий ролини тайёрлаб қўйганлиги маълум бўлди. Шунинг учун озгина ишлагандан кейиноқ расмий репетиция бериб, Олим Хўжаевни спектакль ансамблига кирита бошладик.

Ўша пайтнинг роль тақсимоотида яна бир ибратли хусусият бор. Бу пьеса муҳокамасидан муайян муддат ўтгандан кейингина роль тақсимланишидир. Одатга кўра, охири, ҳал этувчи муҳокамалар ўтгандан кейин, энг камида 5-6 кундан кейингина кимга қайси роль берилганлиги маълум қилинар эди. Бу муддат орасида эса, режиссёрлар роль тақсимотининг тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳақида обдан ўйлаб, қатъий қарорга келиб олишарди. Шунинг учун ҳам режиссёрлар томонидан эълон қилинган роль тақсимооти шубҳага ўрин қолдирмас, эълон жараёнининг ўзи эса шунчаки ахборот эмас, балки қатъий ҳукмга ўхшарди.

Спектаклни яратиш борасида иш қизгин бошланиб кетди. Бу иш жараёни репетицияга эмас, балки юксак ижодий илҳом гулханига ўхшарди. Тўғри, меҳнат, изланиш, ижод дарди ва риёзатларни ҳам инкор этиб бўлмайди. Аммо бу «азобу уқубатлар» шу қадар лаззатли эдики, бу вазиятни фарзандга ташна жувоннинг кўзи ёришувига қийёслаш мумкин.

Репетициялар драма муаллифлари, режиссёрлар ва актёрларнинг фаол ҳамкорлиги, қизгин ижодий баҳси, илҳом тўла изланишлар руҳида ўтарди. Гўё бутун ижодий коллектив фақатгина ана шу ажойиб спектакль ҳақидагина ўйлаётгандек, ҳамманинг ягона дарди дили ана шу спектаклни муваффақиятли чиқаришдангина иборат-

дек туюларди. Аслида ҳам инят, орзу шу эди. Чунки кунда деярли ҳар бир санъаткор ҳеч бўлмаса, бир ажойиб янгилик топиб келар ва ўз дурдонаси билан спектаклни безаб борарди.

Шу спектакль устиди ишлаш жараёнида Алишер Навоийнинг даври, муҳити, ижоди, ижтимоий ва шахсий ҳаёти ҳақидаги ҳамманинг билими бир қозонга солинди, деб айтиш мумкин. Бу қозонда шунақаям гўзал, сермазмун, сеҳркор, маъноси чуқур ажойиб манбалар мавжуд эдики, уларни айтиб ва таърифлаб адо этиб бўлмайди. Шунини айтиш кифояки, бу айёмларда биз юзлаб тарихий ҳужжат, факт, рақам ва ҳикоялар билан танишиб чиқишга муяссар бўлган эдикки, уларнинг бири биридан гўзал, бири биридан тираи, бири биридан ширин, бири биридан қизиқарлироқ эди. Қуруқ даъвогар бўлиб қолмаслик учун, Оға айтиб берган теран фалсафий маънога эга ҳикоятлардан бирини келтирмоқчиман. Бу ҳикоятни, Оға «ҳарам» картинасини ишлаётганда сўзлаб берган эди.

Ҳикоятда нақл қилинишича, Гули Ҳусайн Бойқаронинг ҳарамига тушиб ундан қутулиш умиди узилгандан кейин Навоийни ҳузурига чорлайди. Шонр ҳузурига келгандан кейин, унга ўзининг дарди дилини изҳор қилади-да, дейди:

— Илтимосим бор. Менинг дардимга даво тиласангиз, қўлингизга иккита хат ёзиб бераман. Бир хатни ўнг кафтингизда, бир хатни чап кафтингизда ушлаб олиб, тўппа-тўғри фалон бозордаги дорифуруш ҳаким олди-га борасиз. Шартин шуки, қўлингиздаги хатларни ўқимайсиз ва хат ўринини алмаштирмайсиз. Хатни олиб бориб ҳакимга берасиз. Ўнг қўлингиздаги хатни олиб ўқигандан кейин ҳаким жуда хафа бўлади, йиғлайди ва қўлингизга дори тутқазади. Чап қўлингиздаги хатни берганингизда табиб кулади ва яна битта дори тутқазади. Илтимосим шуки, ана шу икки дорини икки қўлингизда маҳкам тутиб, алмаштирмасдан менга олиб келсангиз. Зинҳор хат ҳам, дорилар ҳам алмашиб қолмасин.

Алишер Навоий севгилиснинг илтимосини шаксиз адо этади. Хатни ўқимайди, хатлар ўринини алмаштирмайди. Ҳаким олдида борганда эса, дарҳақиқат, ўнг қўлидаги хатни берганда табиб хафа бўлиб йиғлайди, чап қўлидаги хатни берганда кулимсираб, иккала хатга жавобан дори беради.

Шоир, ваъдага биноан, дориларни алмаштирмай Гулига олиб келади. Гули дориларни олади-да, ўнг қўлидагисини ўзи ичади. Чап қўлидагисини эса Навоийдан ичишни илтимос қилади. Шоир севгилиснинг бу илтимосини ҳам бажо келтиради ва бу жумбоқнинг ҳикматини сўрайди. Шунда Гули дейди:

— Ана энди менинг кўнглим тинч. Чунки шоҳга хотин бўлмайман. Мен ичган дори — заҳар эди. Сиздан ҳам хотирим жам. Чунки сиз бундан буён бирорта аёлни яхши кўришингиз мумкин эмас. Сиз ичган дори — эркакларни мутлақо... кўнглини совутиб юборадиган дори эди.

Шундай дейди-ю, шоирни доғда қолдириб, жон беради.

Оға, Иззат Султон, Уйғун ва бошқа олимлар тилга олган ҳикматлар ичида бунингдек завқли, сермазмун материаллар жуда кўп эди. Энг муҳими эса, улар Алишер Навоийнинг муҳити, ижодий сиймоси ва бошқа жуда кўп аспектларда санъаткорлар учун катта руҳий ва фактологик озуқа берарди.

* *
*

Спектакль устида ишлаб турган кунлардан бирида Мутал Бурҳонов музиканинг тайёр қисмларини олиб келиб, чалиб кўрсатди. Энг аввал «Ўн саккиз ёшинда-дур» ашуласини чалиб, ўзи хиргойи қилиб айтиб берди. Эшитган жонзот борки, бу қўшиқнинг латофати, спектакль мазмунига мослиги, мукамал ва муфассаллиги олдида мафтун бўлиб қолди. Бастакорнинг асар руҳини

шу қадар аниқ ифода эта олганлиги ҳаммани қойил қолдирди.

Шундан кейин, кўринишлардан олдин келувчи айрим муқаддима ва муайян воқеаларнинг ривожланишига кўмаклашувчи куйларни чалиб берди. Бу куйлар ҳам спектаклимиз руҳига жудаям мос, мазмундор ва мақсадга мувофиқ бўлиб, қаҳрамонларнинг кайфиятини, ички ҳолатини, саҳнадаги воқеалар муҳитини ифодалашга хизмат қилди.

Бир кун, Мутал Бурҳонов театрга телефон қилиб, яна бир неча саҳналар музикаси тайёр эканлигини айтди ва иложи бўлса уйига бориб, режиссёр сифатида эшитиб, фикримни айгиб кетишим зарурлигини айтиб, илтимос қилди. Мен ҳам «хўп» дедим, телефонда адресини сўраб олиб, унинг Ўзбекистон кўчасида жойлашган уйи сари йўл олдим.

Мутал ака менга мурожаат этиб:

— «Ҳарам» картинасига ёзилган музикани чалиб бераман,— деди.

Қалам билан ёзилган хомаки нота қоғозларини олдиға қўйиб, аста-секин чала бошлади. Куй жудаям майин, мунгли, дилгир ва ҳазин, айни пайтнинг ўзида лиродраматизмга мислсиз бой эди.

Мен куй оқими тўлқинларида, аста-секин ҳарам картинасини кўз олдимда жонлантира бошладим. Тўғрироғи, куйнинг ўзи менинг кўз олдимда «ҳарам» картинаси тафсилотларини жонлангира бошлади. Чунки музика шу қадар ажойиб, шу қадар мазмунли ёзилган эдики, уни эшита туриб, бефарқ қолиш мумкин эмасди. Басталанган куй ҳар кимнинг ижодий фантазиясини уйғотиш қудратига эга эди. Мен ҳам уни эшита туриб, беихтиёр хаёлға чўмдим. Мана ҳарам, бемор Гули ўлим тўшағида ётибди. Унинг қошида севгилиси Алишер Навоий. Гулининг эғнида оч пушти ранг кўйлак. Чунки у энди-энди лаб очиб, очилай-очилай, деб турганда ўлимға маҳкум этилган, худди наъматакнинг табассум қилаётган гунчасига ўх-

шайди. Чунки наъматак ғунчаси очилганда, офтоб теккан жойи оқаришиб қолади; эндигина очилаётган жойлари оч пушти ранг тусда бўлади; настки қисми эса кўмкўк барглар оғушида ётади. Гули ҳам, назаримда худди ана шу ғунчага ўхшаб гавдалана бошлади.

Бастакорнинг ўзи ҳам куй чалмас, гўё илҳом париси қанотларида учиб бораётгандек, гўё куй денгизининг мўъжизакор оғушида ҳузур қилиб сузаётгандек эди.

Ниҳоят, лиризм, дард, фироқ, ҳижрон ва муҳаббат тўла куй тинди. Мутал ака қўлларини фортепьяно клавишларидан узмаган ҳолда чуқур ва дардли ўйга берилиб, бошини экканча жим қолди. Мен чурқ этишга журъат қилолмадим. Назаримда, Гули ҳам жонланиб, шу хонага келган ва музикани тинглаб, донг қотганча, маҳлиё бўлиб тургандек эди.

Шу пайт сукутни биринчи бўлиб, Мутал аканинг ўзи бузди:

— Маъқулми сизга?— деди.

Бу савол шу қадар ғайри оддий, мажҳул бир оҳангда эдики, у менга қаратилганми ёки Гулининг ўзингами, аниқлаб олиш қийин эди. Унинг устига бастакорнинг бу саволига жавоб бериш керакми, йўқми бир нарсa дейиш ҳам қийин эди.

Яна орага сукут чўкди. Шунда Мутал ака қўлларини астагина клавишлар устидан олди-да, ер остида менга қиё боқиб:

— Қалай, хоним?— деди.

— Раҳмат,— дедим мен ҳаяжонимни яширмай,— мислсиз ютуғингиз билан табриклайман, раҳмат сизга!

Хайр-хўшлашиб чиқиб кетдим. Кўчага чиқиб, бу ажойиб музыка таъсири остида хаёл билан қай томонга юрганимни ҳам билмайман. Бир маҳал қарасам 9-Январь кўчасига жойлашган Оғанинг уйи олдида турибман. Сира иккиланмай Оғанинг ҳузурига кирдим. Уйда экан. Музикадан олган улкан таассуротларимни, музыка ос-

тида жонланган «ҳарам» кўринишининг режиссёрлик манзараларини гапириб бердим.

— Ҳай, ҳай,— деди Оға,— жудаям тўлқинланиб кетибсиз, салгина реалроқ ўйланг.

— «Ҳарам» кўринишини менга топширсангиз, ўзим ишласам,— дедим ўша вазиятда.

— Хўп, «ҳарам» кўриниши билан бирга яна учта саҳна сизга, мустақил ишлайсиз,— деди Оға.

Мен хурсанд бўлиб чиқдим ва Мутал Бурҳонов яратган теран, мазмунли куйлар қўзғатган режиссёрлики ижодий фантазиямни давом эттириб, театр сари равона бўлдим.

Спектаклда персонажларни кийинтириш масаласида ҳам Оға тутган йўл, менимча, жуда ибратли. Жумладан, бир куни читкадан кейин қолиб:

— Оға, мунажжим қандай кийимда бўлиши керак?— деб сўраб қолдим.

Оға жавоб бериш ўрнига, саволимга савол билан мурожаат этди:

— Хўш, сизнингча қандай бўлиши керак?

Оға бекордан бекорга менинг саволимга савол билан жавоб бермади. Чунки бу зукко устод менинг дарди дилимни пайқади: мен мунажжимнинг кийимлари қандай бўлишлигини ўйлаб қўйган эдим.

— Хўш,— деди Оға, «қани гапиринг», дегандай қилиб.

— Менимча, мунажжимнинг бошида конусга ўхшаган учи ингичка, узун қалпоқ бўлиши керак. Бу қалпоқ юлдузчалар билан безалган бўлади. Эғнидаги банорас тўнида ҳам юлдузчалар сурати бўлади,— дедим.

— Ол-а,— деди Оға эътироз билдириб,— мунажжимнинг қалпоғи готика давридан, чопони плакат бўлар экан-да. Унинг Шарқ кишиси эканлигини унутманг-да.

Мен анча хижолат чекдим. Бошқа персонажлар кийими ҳақидаги фикримни айтишга қўрқдим, аммо Гулининг «ҳарам» картинасидаги либосини айтдим.

— Менимча, Гули бу картинада оч пушти ранг кўйлак кийиши керак,— дедим ва фикримни бир оз исботлашга уриндим,— менимча, у энди очилиб ранг олаётганида хазон бўлган бир гул. Шунинг учун ана шу гул ранги.

— Асло,— деди Оға.— Гули ҳали ҳеч қандай ранг олган эмас. У оппоқлигича сўлиб кетяпти, шунинг учун бу картинадаги кийим ҳам оппоқ бўлади.

Шу билан шаштим қайтди. Чунки менинг тасаввуримча, Алишер Навоий оғир газламалардан зарбоф тўнлар кийиши керак эди. Оға эса образнинг моҳиятидан келиб чиқиб, аксинча, жудаям енгил, оппоқ кийинтирди. Фақат, спектакль охирида шоҳ ҳузурига келиши чоғларидагина унинг кийимларидаги мунгли бўёқлар бир оз қуюқлашди. Қолган барча қатнашувчилар ҳам Оға томонидан шундай кийинтирилдики, уларнинг кўпчилиги менинг тасаввуримда бошқача эди.

Мана, орадан йиллар ўтди. Энди-энди ўйлаб ўтириб, Оға ва Етим акаларнинг нечоғлик зукко, чинакам заршунос, улкан мутафаккир ва қилни қирқ ёра олувчи ижодкор эканликларини идрок этиб, таажжубда қоламман. Шунан айтиш кпфояки, Оға танлаган либослар «Алишер Навоий» спектакли учун ғоятда ифодавий ва мос экаиблиги шак-шубҳасиз. Демак, спектаклни кийинтира олиш ҳам бутун бир санъатдир.

Мана энди, «Алишер Навоий» спектакли ўзбек театрининг ўлмас полотноси бўлиб қолган бир пайтда, уни шу даражага етказган улкан санъаткорлар истеъдоди, ҳамкорлиги, ҳамнафаслиги ҳақида гапириш жуда маъроқли.

Дастлаб, юқорида таъкидланганидек, пьесанинг мукамал ёзилганлиги, ҳақиқий устоз режиссёр Маннон Уйгур ва ижрочилар ансамбли қўлига тушганлиги, заршунос бастакорнинг куйлари билан суғорилганлиги, С. Миленин каби рассомнинг мўйқаламидан безак олганлиги, хуллас, ҳамма-ҳаммаси бир бўлиб янги бир ўл-

мас дурдона сахна асари оламга келди. Ана шу ганжи бебахонинг жаҳон маданияти хазинасида пайдо бўлиш-лигида менинг ҳам режиссёр сифатида озгина улушим қўшилганлигидан кўксим тоғдек.

«Алишер Навоий» спектакли, менмича, Ҳамза теа-трида ва қолаверса бутун ўзбек совет театр маданияти-да ягона сахна нутқи шаклланиб етишувининг якунлов-чи босқичи бўлди. Театрда ягона тил ва талаффуз учун кураш биринчи кунларданоқ бошланган эди. Бу кураш «Ҳамза», «Бой ила хизматчи» ва «Алишер Навоий» спек-такллари туфайли ўзининг қонуний интиҳосини топди. Тўғри, «Бой ила хизматчи»да тошкентлик, бухоролик, қўқонлик актёрлар гарчи ягона адабий тилда гапирса ҳам, айрим товушлар талаффузидан, аффикслар талаф-фузидан ва нутқ оҳангидан уларнинг қаерлик эканлиги озми-кўпми билиниб турарди. «Алишер Навоий» спек-таклига келганда эса бу босқич ҳам ниҳоясига етди ва энг юксак сахна нутқи маданияти қўлга киритилди, деб айтиш мумкин. Чунки бу спектаклдаги айрим образларга хос нутқий характеристика ҳисобга олинмаса, ягона ада-бий тилнинг энг мукамал формаси шаклланди. Шу-нинг учун ҳам, «Алишер Навоий» спектаклини ўзбек сахна нутқи шаклланишининг ҳал қилувчи, ягона тил ва талаффуз сари бурилиш нуқтаси, деб дадил таъкидлаш мумкин.

Хуллас, «Алишер Навоий» спектакли ўзининг ғоя-вий-бадий даражаси билан ўзбек маданиятида катта ҳо-диса бўлгани каби, бу спектакль менинг ижодий ҳаётим-да ҳам сўнгги ва муҳим бурилиш поғоналаридан бири бўлиб қолди. Чунки бу спектакль менинг театрдаги актёрлик ва режиссёрлик фаолиятимда охириги нуқта бўл-ди. Мен давр талаби, тақдир тақозоси ва яна бошқа бир талай сабабларга кўра мутлақо педагогика соҳасига ўтиб кетдим ва ўзбек совет театри педагогикасининг илк гишталарини қўя бошладим.

Даставвал, 1945 йил Тошкент Давлат консерватория-си биносида Тошкент Давлат театр санъати институти очилган эди. Ога ва бошқа айрим етакчи санъаткорлар қатори мен ҳам педагогика ишига таклиф этилдим. Албатта, студиядаги ва Боку театр санъати техникумидаги ўқитувчилик фаолиятим ҳисобга олинса, бу иш менга янгилик эмасди. Шунга қарамай, ҳар бир бошланғич ишнинг ўз машаққати бор.

Мен ўзбек сахна нутқи дарси ўқитилишига оид биринчи қадамларни қўйиш шарафига муяссар бўлдим ва эндиликда йирик-йирик педагог шогирдларим мен бошлаб берган йўлдан бораётганлигини кўриб беҳад қувонаман. Бундай педагоглар орасида санъатшунослик фанлари кандидати Иноятилла Пўлатов, филология фанлари кандидати Маҳкам Исроилов, Розия Усмонова, Абдурахмон Сайфиддинов сингари ўқитувчилар ҳар қанча фахрланишга арзигулик мутахассислардир.

Шогирдларим орасида бутун Ўрта Осиё республикалари бўйлаб, ҳатто Совет Иттифоқи бўйлаб донг таратган театр ва кино актёрлари, машҳур режиссёрлар, санъат арбоблари бор.

Таассуфки, мен ўз шогирдларим ҳақида ҳам бафуржа сўзлаб бериш имкониятига эга эмасман. Агар шундай маврид жониз этганда эди, мен биринчи қорақалпоқ операсини яратишда ўзининг катта улушини қўшган, бош партияларнинг моҳир ижрочиси Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист Нажматдин Ансатбоев, шу театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти Қувватбой Абдураимов, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, ажойиб хонанда Байрам Матчонов, Туркменистон ССР халқ артисти, машҳур ва маъруф киноактёр

Ортиқ Жаллиев, Туркменистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Бобо Аннанов, Ораздурди Черкезов, республикада кино ва театр санъатининг ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон ССР халқ артистлари Зикир Муҳаммаджонов, Ҳамза Умаров, Яйра Абдуллаева, Эркин Маликбоева, Ирода Алиева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Шухрат Аббосов, Равиль Ботиров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Рихси Иброҳимова, Лола Бадалова, Тўлқин Тожиев, Пўлат Саидқосимов, Суръат Пўлатов, Обид Юнусов, Т. Қурбонов, Улмас Алихўжаев, Муҳиддин Мажидов, Тўйчи Орипов каби ўнлаб истеъдодли шогирдларимнинг ижодий шаклланиши жараёнидаги ибратли лавҳалар ҳақида ҳикоя қилган бўлардим.

1974 йилнинг 31 май куни М. Азизбеков номи Озарбайжон Давлат Академик драма театрининг 100 йиллик юбилеи бўлди. Кўпгина санъаткорлар қатори мен ҳам ана шу тантанали айёмга таклиф этилганимдан беҳад мамнун бўлдим. Чунки бу шодиёна оғушида ўз сафдошларим қатори талай-талай озарбайжонлик шогирдларимнинг ҳам санъат кошонасига қишиқиб етишганлигини кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Улар орасида Озарбайжон драма театрининг бадий раҳбари, Озарбайжон ССР халқ артисти Товфиқ Қозимов, Озарбайжон ССР халқ артистлари Насиба Зейналова, Софа Басирзода каби бир қатор талантли шогирдларимнинг саллона-саллона юриши кўзимга нур таратди, кўнглимни қувончга тўлдирди. Мен ҳамма шогирдларим билан, улар бағри кенг, саховатли диёримизнинг қайси ерида бўлмасин, фахрланаман. Уларнинг кундаги ижодий парвози, шуҳрати, халқ хизматига сафарбар қилаётган меҳнати ва таланти менга қудрат ва илҳом бағишлайди. Мен ҳар бир студентга ўз фарзандимдек қарадим. Шунинг учун ҳам, жуда кўпчилик студентларим ҳануз-ҳанузгача мени «Она» деб айтншади ва фарзандлик меҳри билан мени сарафроз этишади.

Мен рисолам охирида шу фикримни тасдиқлаш мақсадида шогирд фарзандларимдан бири ёш шоир Чўлпон Эргашевнинг қўйидаги мисраларини илова қилмоқчиман:

Онамни эласам соғинганимда,
Онам бўлиб сочим силайсиз гўё.
Сизни кўргим келса, онам ёнимда —
Менга узоқ умр тилайди гўё.
Онамнинг таърифи бир бутун дoston,
Ўлмасам, битаман уни албатта.
Ўрмат билан сизни қиламан баён,
Онамга йўллаган ҳар битта хатда.

Онам мени туққан, ўстирган бўлса,
Билим чаманига етакловчи Сиз.
Онам учун қалбим меҳрга тўла,
Сизга муҳаббатим фазодай чексиз!

Менга бундан ортиқ эъзознинг кераги йўқ. Чунки энг юксак бахтим менинг санъатим, санъаткор шогирдларим ва уларга санъат сеҳри билан бирга оналик меҳрини сингдира олганлигимдадир. Шунинг учун ҳам мен бахтлиман!

1972—1974 й.

МҲНДАРИЖА

Ибтидо	5
Наслу насабим	6
Аям ва ойбам	7
«Ҳалима»	9
Ҳотин-қизлар билим юртида	12
Қўқон ҳангомалари	14
«Ота» билан учрашув	15
Илк устозларим	17
Боку ҳақида дараклар	19
Биринчи имтиҳон	20
Муборак озар тупроғида	22
Ҳақиқий имтиҳон	24
Актёрлик «алифбе»си	25
Этюд	27
Саҳна нутқи	31
«Ойдин»	33
Қизғин айём	40
Она юртга ҳисобот	43
«Ойдин» саҳнада	45
Тошкентда	50
Мустақил концерт	51
Асраган кўзга	53
Таҳлил ва хулосалар	56
«Сатир-агит» театрида	58

Унинг оти Маммад Қозим эди	60
Менинг Гулчеҳрам	64
Эсмералдо	67
Фамилиям ўзгарди	70
Таътил пайтлари	72
«Ўқтой — эл ўғли»	73
Евахонимнинг ҳиммати	75
Имтиҳон! : : : :	79
Фурманова ва Саричева	83
Методик тафовутлар	85
Мўътабар даргоҳ	90
Янгича изланиш ва риёзатлар	91
Қатерина монологи	97
«МХАТ»даги дебют	98
«Даҳшат»	101
Қайдасан, Тошкент!	103
Ширин репетицияси	105
Менинг музикали премьерам	108
Хуршид домла таълими	112
Бизнинг студия	116
Москвадаги можаролар	119
Менинг қимматли Қимматим	122
Санам ойи ва кўмирчи ота	124
«Ширин роль»	139
Гулда ўйналган рақс	140
Яна Бокуда	146
«Қора сув»	148
Фирдавский Фирузаси	150
«Отелло» жафолари	153
Маша ва Сўна	164
Улуғ устозлар билан	167
Кручининанинг кундоши	169
«Ўтли қиз»	175
Она юртдан дараклар	181
Дўстлар оғушида	183
Театрдаги прогресс	187

Холисхон	190
Менинг Дездемонам	224
Асқарнинг йиғиси	231
«Муқанна»	237
Генерал ёки санъат этикаси	240
«Бранденбург қопқаси»	243
Муаттар гуллар дастаси	246
«Сепсиз қиз» савдоси	248
«Алишер Навоий»	252
Шогирдларим — менинг давлатим!	266

Алиева Назира

Искусство—моя жизнь

Редактор Б. Норбоев
Рассом В. Куликов
Расмлар редактори Дм. Цирин
Техн. редактор Н. Жўраева
Корректор М. Аҳмедова

Босмахонага берилди 10/III-75 й. Босишга рухсат этилди 29/IX-75 й. Формати 70 × 118_{мм}. Босма л. 8,5. Шартли босма л. 11,9. Нашр. л. 12,3. Тиражи 3000. Р 09617. Ғафур Ғулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 202—74.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдо-си ишлари бўйича давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида тайёрланган матрицадан 1-босмахонада № 1 қозоғга босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1975 йил, заказ № 259. Баҳоси 1 с. 27 т.

Алиева Назира

Санъат—меннинг ҳаётим. Хотиралар (Ёзиб олувчи санъатшунослик фан. канд. С. Иномхўжаев. Санъатшунослик фан. канд. Ф. С. Жўраев таҳр. остида). Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 272 б. (Ўзбекистон театр жамияти).

Н. Алиеванинг мазкур китоби актрисанинг ўз ҳаёти ва ижоди ҳақида, 30—40-йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон театрларида фаолият кўрсатган С. Олимов, Е. Бобожинов, М. Уйгур, А. Ҳидоятлов, М. Доутова, С. Ҳожиева, А. Туганов каби жуда кўплаб сахна усталарининг актёрлик маҳоратлари, ижодий услублари ҳақида бой ва қизиқарли маълумот беради.

И. Иномхўжаев, С.

Алиева, Н. Искусство—моя жизнь.

792(С52)

80105—156
А 352(06)—75 191—75